


# ХОРХЕ ЛУИС БОРХЕС

АЛ-МУХТАСИМГА  
ЯҚИНЛАШУВ

Шарифжон Аҳмад таржимаси

# ХОРХЕ ЛУИС БОРХЕС

АЛ-МУХТАСИМГА  
ЯҚИНЛАШУВ



Тошкент  
«Akademnashr»  
2019

УЎК: 821.134.2(82)-32  
КБК: 84(7Арг)

**Б 86**

**Б 86 Борхес, Хорхе Луис.**

Ал-Мухтасимга яқинлашув [Матн]: ҳикоялар / Х.Л.Борхес. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 288 б.

ISBN 978-9943-5930-1-5

УЎК: 821.134.2(82)-32  
КБК: 84(7Арг)

*Хорхе Луис Борхес жаҳон адабиётининг забардаст вакилларидаан бири ҳисобланади. Унинг асарлари ўзига хос услуби, чуқур мазмуни, рамзий тимсол ва ифодалари, теран ва ҳеч кимникига ўхшамайдиган тили билан ажралиб туради. Қўлингиздаги китобга адибнинг энг сара ҳикоялари киритилган. Ҳикояларнинг бевосита испан тилидан таржима қилингани ҳам китобнинг қадрини янада оширади. Китоб чин адабиёт мухлисларига ҳақиқий совға бўлишига ишонамиз.*

Испан ва рус тилидан таржима қилинди.

Таржимон:


**Шарифжон Аҳмад**

ISBN 978-9943-5930-1-5

© Хорхе Луис Борхес, 2019  
© «Akademnashr», 2019

## БОРХЕС ВА БИЗ (Сўзбоши ўрнида)

XX аср жаҳон адабиётида аргентиналик адиб Хорхе Луис Борхеснинг (1899 – 1986) тутган ўрни беқиёсдир. Гарчанд ижодига оид ва асарларидан ўрин олган тимсоллар, рамзу ташбеҳлар тадқиқи асарлари ҳажмидан ўнлаб мартаба зиёд бўлсада, унинг адабий мероси атрофидаги мунозаралар ҳали-ҳамон тинган эмас. Борхес мунтазам тарзда мурожаат қилган рамзлар, хусусан, мана булар: кўзгулар, кутубхона, чексизлик, боғ ва тушлар олами, буларнинг барчаси биргаликда – лабиринт. У «Ал-Муҳтасимга яқинлашув» ҳикоясида ёзади: «Қодир Худонинг ўзи ҳам Кимнидир излашда давом этаётир, ушбу Кимдир эса бошқа бир юксакроқ (ёхуд шунчаки зарур ва ўзига монанд) Кимнидир излаш билан машғул ва шу тариқа Замонлар Интиҳосига ёки, тўғрироғи, Интиҳосизликка (чексизликка) қадар». «Хароба доиралари» ҳикоясида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Бир кун – қушларидан айрилган субҳидам чоғи афсунгар доира кетидан доира бўлиб эҳром деворларига олов яқинлашаётганини кўрди. Дарёдан нажот топмоқчи бўлди, бироқ ўлим унинг улуғ ёшига тож кийдириш, барча ташвишлардан халос этиш учун ташриф буюрганлигини англаб бу фикридан қайтди. Ва у ёнғинга пешвоз чиқди. Бироқ олов тиллари унинг вужудини забтига олмади, билъакс, эркалаб ялаб-юлқади, ювиб-таради – куйдириб кул қилмади. Ва енгил тортиб, хўрлик алами билан даҳшат ичра англаб етдики, унинг ўзи ҳам кимдир биров ўз тушларида кўраётган шарпа эди, холос». Борхес мавжуд воқеликнинг ўзи-да омонат ва номукаммал эканлигини, уни ўзга бир тўқиб чиқарилган ва барча унсурлари пухта ишланган дунё ўзида маҳв эта олиши мумкинлигини «Ўлтирган биринтида ҳалок бўлган Ибн Хоқон ал-Бабрий» «Ўлтирган»



буссоль», «Хароба доиралари» каби ўнлаб ҳикоялари сингари «Ал-Муҳтасимга яқинлашув», «Яширин мўъжиза», «Тангри битиклари» ва «Тлён, Укбар, Orbis Tertius» деб номланган ҳикоялари адибнинг фундаментал асарлари қаторида алоҳида тадқиқ этилади.

Борхеснинг ҳар бир ҳикоясини ҳар қандай бошқа кўламдор асарларга замин бўла оладиган бир мукамал чизгилар, адабий формулалар тарзида тушуниш, қабул қилиш ва шунга кўра тадқиқ этиш мумкин. Борхес шу тариқа, айти шу адабий формулалар воситасида (бу ўринда алоҳида ҳар бир ҳикояси воситасида) аллақандай бошқа улкан лойиҳаларнинг моҳиятини ҳавола этади.

Беназир адиб асарларининг аксари келгуси муфассалроқ бошқа асарлар учун баайни бир адабий қурилма бўлганига қатор мисоллар келтириш мумкин. Ҳикоялари бағрига яширилган унинг адабий қўлланмаларидан кейинроқ бошқа улуғ адиб – Хулио Кортасар «Рауэла» романида (1963) фойдаланди. Агар Кортасар каби моҳир қалам соҳиби Борхес «кўрсатмалари»дан гўзал тарзда фойдалана билган бўлса, бошқалар мутлақо акс натижага эришганларини кўриш мумкин. Асарлари аксар ўртамиёна мутолаагўйларга мўлжалланган бразилиялик Паоло Коэльо каби қаламкашлар ана шундай муваффақиятсизликка учраганлар тоифасидан.

Ижодини шеърятдан бошлаган Борхес сўнгига қадар ҳам моҳиятан шоирлигича қолди, алоҳида олинган сўзга, умуман эса, тўлиғича асарга нисбатан шоирлигича қолди. Бу ерда гап фақат таржимага осонликча бўйин эгмас ажабтовур лўнда тили ва услубидагина эмас, унинг мутлақо сайқал берилган мусаффо насрида ортиқча ҳеч бир нарса бўлмагани каби, барча зарурий унсурлар барқарор эканида. У баайни тиришқоқ ва талабчан нозим сингари ҳар бир сўзни ўта синчковлик билан саралайди, ҳикоя оҳангидан зинҳор оғишмайди. Ҳар бир ҳикоя ўқувчида мукамал шеър каби таассурот қолдиришига интилган ёзувчи алоҳида олинган ҳар бир бадиий матннинг

«назмий ғояси» ва назмий таассуроти ҳақида кўп бор мулоҳазалар юритгани шундан бежиз эмасдир.

Бир замонлар ўзи мансуб бўлган авангардизмдан четлашган Борхес бу оқим маҳсулларига хос бўлган ва кутилмаганда юзага чиқадиган юзаки ташбеҳлардан ҳам тобора воз кеча борди. Билъакс, унинг ҳикояларида энди бутунлай ўзгача мушоҳадавий ва абстракт метафоралар пайдо бўлди. Образ ва алоҳида олинган мисралар эмас, балки энди бутун бошли асарнинг ўзи мураккаб ва кўпюзали, маънолари бисёр ташбеҳлар тимсолига айланди. Яна мисолларга мурожаат этсак, «Сўқмоқлар оралаган боғ» ҳикоясини тадориксиз ўқувчи мароқли детектив воқеа баёни сифатида мутолаа қилиши мумкин. Аммо борхесона мушоҳадаларга ошно бўлган муштарий бу ҳикоя замирида теран маъноли ташбеҳлар яширин эканига амин бўлади. Ўтмиш асрларда чинлик бир донишманд яратган ва Стивен Альбер исмли инглиз синологи ечимини топа олган бу ҳикояда сўз юритилган боғ, аслида, табиат ва оламнинг мукамал тимсолидир. Мувозий ҳолатда пухта тартибга солинган табиат эса, ўз навбатида, нодир бир китоб тарзида, ана шу нодир китоблар жамлоғи бўлган кутубхона тарзида сўнгги маъноларига қадар мутолаа қилина билур. Лабиринт-боғ – бу ўзгаришлар илмидан сабоқ олган инжиқ ва англаб бўлмас қисматдир, туташиб ва яна қайта ҳар томон ажралувчи унинг сўқмоқлари эса одамларни кутилмаган учрашувларга, балки, тасодифий, эҳтимолки, зарурий ажаллар сари элтади.

Инсон тафаккурининг эгилувчан ва ишонтирувларга берилувчанлиги, ўз ғоя ва эътиқодларини муттасил ўзгартиришга мойиллиги Борхеснинг алоҳида хавотирларига сабаб бўлади. «Броудидан хабарлар» ҳикоясида ҳокимият ва адлия тизими, дин ва санъат – барчаси мутлақо аксил манзарага эга бўлган жамият қаламга олинади. Бу маънодаги нисбийликнинг энг ёрқин кўриниши «Глён, Укбар, Orbis Tertius» асарида тасвирланган. Ҳикояда бир гуруҳ закий инсонлар башарият тафаккурига мутлақо бошқа фикр тарзини сингдиришади, улар

умумқабул қилинган мантиқни, инсоният жамлаган барча билимларни, барча ахлоқий қадриятларни ўзгартиришга эришадилар. Ушбу ҳаракатлар кўниқилган дунёни ҳалокат ёқасига етакласа-да, Борхес токи энг майда зарраларига қадар тамоман янги тизим ўйлаб топган бу гуруҳ фазилатларидан ҳайратини яширмайди. Аммо, барибир, ровий сўзларида ушбу ҳайрат борган сари хавотирларга ўрин беради. Оқибати шу бўлдики, одамларнинг кўниқилган тушунчалари, аслида, мўрт ва заиф бўлиб чиқди ва уларни пировардида мутлақо аксил тушунчаю тизимлар билан алмаштирдилар.

«Бобил кутубхонаси» бир вақтнинг ўзида коинот ва тамаддунга чизилган ташбеҳ кабидир. Ҳали ўқилмаган ёхуд англаб етилмаган китоблар – Борлиқнинг ҳали очилмаган синоатлари. Борлиқ ва тамаддун, маданият бир-бирига ҳамоҳанг, улар адоқсиз ва туганмасдир. Турфа хил китобдорларнинг китобларга муносабатида инсонларнинг айна маданиятга турфа муносабатларини кўриш мумкин. Уларнинг айримлари анъаналардан дастак изласа, бошқалари улардан кескин воз кечади, яна бирлари эса мутлақ китобларни ўзларича таҳрир этмоқчи бўлади.

\* \* \*

Борхес ҳақида мулоҳаза юритаётиб уни беихтиёр бир меъморга менгзайверамиз. Ўз ҳикоялари билан бутун бошли адабий олам биносини барпо этиб кетган меъморга. Унинг айна олами ҳали эътибор қилинмаган маъноларни кашф этиш илинжидаги ҳар бир ўқувчи сайр қила оладиган ва ўзи учун ўзи истаган янгича буюмларни – «хрёнирлар»ни излаб топа оладиган бир кафолатли кўрғон кабидир. Чиндан ҳам, Борхесни ўқишга тадориги бор ва оқибатда уни англаш остонасида турган ҳар бир мутолаагўй бу кўрғон аро ўзининг алоҳида Борхесини излаб топиши эҳтимоли йўқ эмас.

Борхес асарларини мутолаа қилиш жараёнида яна кишини бир ҳайрат ва бир таассуф ҳеч тарк этмайди. Атиги бирги-

на ёзувчи шу қадар кўламли адабий оламни барпо эта олгани ҳайратланарли. Таассуф шуки, шу қадар кўламли ва қарийб яхлит адабий оламни яратган адиб гўё шу йўналишдаги бошқа уринишларга асло ўрин қолдирмаган каби. Яъни унинг асарлари яхлитлигини чиндан тасаввур эта олар экансиз, бу адабиёт кўрғонида яна нималардир қилишга, аллақандай кашф этилмаган туйнукларни излаб топа олишингизга умид сўниб боради. Ўйлайсизки, ахир, бу уринишларнинг барчасини биргина Борхес тамомига етказиб, адо қилиб бўлган. Янги сўз айтишга асло ҳожат қолмаган, қабилидаги адабий тушкунлик сизни тарк этмайди. Эҳтимол, шу сабаб ҳам унинг асарларини таржима қилиш (навбатдаги бошқа тилга ўзгартириш) ўз нарсангни ёзишдан ҳам кўра кўпроқ қониқиш бахш этар. Қолаверса, агар адабиётни – яқуний манзили мукаммал асар яратилишини назарда тутган бу жараёни – аллақандай бир босқичлар тарзида англаш мумкин бўлса, Борхес асарларини ўқиш жараёнининг ўзиёқ ҳар қандай «ўз» асарингизни ёзиб адо қилаётганингиздагидан кам бўлмаган ақл эҳтиросларини ҳады эта олади. Бу каби эҳтиросни татиб кўргач, чиндан ҳам, ўз асарингизни бунёд қилишга ўзингизда рағбат топа олмайсиз – навбатдаги босқич сизни энди қизиқтирмай қўяди. Чунки «ҳамма нарса ёзиб бўлинган...» Аммо қизиғи шундаки, гўё келгуси замон ёзувчиларида кечиши мумкин бўлган айни шу каби эҳтимолий кайфиятларни кўра билган каби, Борхеснинг айнан ўзи адабий муаммоларга оид мақолаларидан бирида баайни кўнгилни кўтаргандек бўлади: *«Ҳамма нарса ёзиб бўлинган деган ишонч ижодкорни барбод қилади...»*

Эҳтимол, мукаммал моҳиятни кўра олгандаги мана шу каби «маънавий инқироз» кишида дафъатан бир қайсарлик пайдо қилар ва бу қайсарлик янги бир доираларни кашф этишга (ёхуд ўйлаб топишга) рағбат уйғотар (гарчанд кашф этилажак айни доиралар, аслида, айтайлик, Борхес ўз вақтида сўнгги бор қўйиб кетган кўламдор бир нуқтанинг акс ва ҳосилалари бўл-



са ҳам). Нима бўлганда ҳам, Борхеснинг замондоши, яна бир аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасар (1914 – 1984) бир карра қўйилган нуқта асло сўнггиси бўлмаслигини исботлаб бергандай бўлди. Айти таъкид қанчалар адолатли ёки йўқ, аммо Кортасар – Борхес воқелигига бақамти, айти пайтда, батамом муस्ताқил ва хос воқелигини ярата билди. Ҳайратомуз ҳикоялари, «Рауэла», «62. Йиғиш учун андоза», «Мануэл китоби» каби романлари билан бадиият уфқларини мислсиз тарзда кенгайтириб юборди. Таъбир жоиз бўлса, сўнгги бир неча ўнйилликлар адабий жараёни аргентиналик бу икки адиб асарлари таъсири остида кечди.

\* \* \*

Борхес ҳикояларининг фусункор ва саргузаштмонанд, фантастик ва изқуварлик шамойиллари аро, аслида, назмий шаклли фалсафий бадиҳалар яширин. Унинг қаламидан тўкилган ҳар бир сатр хаёлот парвозларига эш ва синоатларга тўлуғдир. Мухтасар ҳикояларининг ҳар муюлишида бизни шаксиз жумбоқлар ва мудҳиш кўзгулар кутади. Кўзгуларда эса инсон қалбининг, орзу-умидлар ва шубҳаи саросималарнинг адоқсиз инъикослари жилва қилади.

Нафсиламрини айтганда, Борхес ўзининг ҳам бутун умрини хаёлот ва тафаккур инъикосларига монанд этди. Буэнос-Айресдаги Миллий кутубхонага узоқ йиллар мудирлик қилган адиб йиллар ўтиши билан кўзларидан нур кетиб, тамом сўқирликка гирифтор бўлар экан, энди асарларини хаёлан хотира дафтарига битишга ва сўнгра кўмакдошларига сўзлаб ёздиришга мажбур эди. Аслида, сўқирлик – шуурнинг шу қадар теран қаърларига шўнғиш асносида – ички нигоҳини шу қадар зийракликка олиб келган эдики, натижада Борхес тақдим қилган асарлар нафақат Лотин Америкаси, балки бутун жаҳон адабиётининг чинакам зирваси дея эътироф этилди. «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил» тарзидаги улуғвор ҳикмат Шарқ маданиятига чуқур эҳтиром билан қараган ёзувчининг

адабий умри тимсолида шу тариқа навбатдаги тақдимини намоеён этганми эди!

Аммо Борхес бугунги ўзбек китобхони учун нақадар долзарб? Агар савол шу зайл қўйиладиган бўлса, аслида, ҳеч бир нарса долзарб эмас. Борхес каби адиблар асарлари сукунатни маъқул кўради. Улар маълум бир даврда урфга кириб, фурсат ўтгач урфдан чиқадиган муваққатликдан бегона. Шу маънода, ҳавола этилаётган ушбу дастлабки «ўзбекча Борхес» кўп йиллар аввал тайёрланган эди, аммо муайян сабаблар йиғиндиси айтилиши натижани ҳозирга қадар олиб келди. Таржима жараёни ҳақида эса шуларни айтиш мумкин. Агар урфга кирган ибора қўлланадиган бўлса, Борхес асарларида, ҳар бир иборада ички оҳанг яширинган. Яширин мусиқа. Шу нарсага путур етказмасдан ўзбек тилига ўтиришга интилинди. Айтилиши таржиманинг аслиятдан жузъий фарқларидан бири шундаки, айтилиши, Борхес ишлатган каби «йўлбарс» сўзи ўрнига «қоплон» тасарруф этилди. «Йўлбарс»дан кўра «қоплон»да мусиқа кўпроқ туюлди.

Хуллас, умид шулки, ҳозир бўлмаса, сўнгроқ ўзбек адабиётида ҳам жаҳон адабиёти, аслида, яхлит бир адабиётлигини, маҳдудликда қолиш хатарли эканини англаш кучайса ва бу англаш ҳосилалари бошқа барча йўналиш-тармоқларни-да ҳаракатга келтирса.

Адибнинг ўзбек тилидаги ушбу дастлабки куллиёти мутолаасига шайланган китобхонга эса тилак шу, ўқинг, ҳайратланг, ва албаттаки ҳалолингиз бўлсин!

**Шарифжон АҲМАД**

## **АВЕРРОЭС ИЗИДАН**

### **LA BUSCA DE AVERROES**

Абулхолид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Рушд (мана шу узун исм охир-оқибат Аверроэс бўлгунига қадар Бенраист ва Авенрис, ҳатто Абен-Рассад ва Филиус Росадис каби эврилишларни бошидан кечирган кўйи асрлар бўйи такрорланиб келди) «Таҳафут ул-таҳафут» («Тугатилишнинг тугатилиши») тазкирасининг ўн биринчи бобини – форс зоҳиди, «Таҳафут ал-фаласифа» («Файласуфлар раддияси») муаллифи Ғаззолийнинг фикрига қарама-қарши ўлароқ, айрим жонзотларга эмас, балки турларга тааллуқли Олам умумий қонунларигина Тангрига аён эканлиги таъкидланган ўн биринчи бобини ёзиш билан машғул эди. У ўнгдан сўлга томон ишонч билан хотиржам қалам тебратар, икки турли фикрдан мантиқий хулосалар чиқарган кўйи узундан-узоқ жумлаларни ўзаро боғлар экан, атрофини ўраб олган салқину чароғон гўшанинг оромбахш осойишталигини ҳис этиб турарди. Мудроқ кўйнида масрур кабутарлар бир-бирова пинжига суқилган, наридаги ҳовлидан фаввора жилдираши қулоққа етар ва аждодлари Арабистон саҳролари фарзандлари бўлган Аверроэс айна шу обиҳаётнинг борлигига жон-тани билан шукроналар келтирарди. Қуйироқда боғлар ва уэрта бор эди; яна қуйироқда жонсарақ Гвадалаквивир, ундан нарида Бағдод ва ё Ал-Қоҳира каби чароғон ҳамда мураккаб ва нафис мусиқа сози янглиғ суюкли Кордова

шаҳри, унинг теварак-теграсида эса (Аверроэс буни ҳам кўнгил кўзи билан кўриб турар) гарчи ғаройиботлари бисёр бўлмаса-да, аммо ҳар жисми барқарор ва мангута муқим Испания ерлари ястаниб ётар эди.

Саҳифа юзалаб бежирим сўзлар бирин-кетин тизилиб борар, далиллар, инкор этиб бўлмас далиллар бир-бирига боғланаётган, аммо айна дам Аверроэснинг масъуд кайфиятига кичик бир ташвиш кўланка ташлаган эди. Бу ташвишнинг боиси, умуман олганда, тасодифан юзага келган «Таҳафут» эмас, балки Аверроэс беҳуда ҳаёт кечирмаганлигини башарият қаршисида исботлаши лозим бўлган улуғвор асар билан боғлиқ масала – Арасту асарига ёзилган шарҳ эди. Турфа хил фалсафалар чашмаси бўлган юноний бу аллома, неки имкон бўлса, баридан сабоқ бермоққа одамлар ичра нозил қилинган эди. Уламолар Куръонни қай йўсин тафсир этганлари каби Аверроэс ҳам Арасту асарларини талқин этишни ўз қаршисига аъмол қилиб қўйди. Ораларига ўн тўрт асрлик вақт девор солган одамнинг мушоҳадаларига ўзини бағишлаган арабий бу табибнинг жасорати сингари ажойиб ва улуғвор мисолларга тарих ҳар куни дуч келавермас. Сурёнию юнонийдан беҳабар Аверроэс таржиманинг таржимаси устида иш олиб бораётганини айна улуғвор юмушнинг машаққатлари сирасига қўшиш лозим бўлади. Бир кун аввал «Поэтика»нинг илк саҳифаларида дуч келинган тушуниксиз икки калом ишнинг белига тепди. Бу «трагедия» ва «комедия» деган сўзлар эди. Аверроэс мазкур сўзларни кўп йиллар аввал «Риторика»нинг учинчи китобида учратган, ислом оламидаги бирор зот уларни жўяли тушунтириб бера олмасди. У Искандар Афродисий асарини беҳуда варақлар, Хусайн ибн Исҳоқ билан Абу Башир Матта талқинларини қиёслаш ҳам наф бермади. Уларни ташлаб ўтиш мумкин эмасди – «Поэтика» матни тушуниксиз ва сирли бу икки сўз билан лиммо-лим эди. Аверроэс қаламини қўйди. Биз аксаран шун-

доқ пешонамизда турган нарсани қидириб сарсон бўламиз дея «Таҳафут» қўлёзмасини нари сурди ва сўқир Ибн Саид қаламига мансуб форсий ҳуснихатли «Моҳкам» жилдлари терилган токча ёнига борди. Унинг бу иши кулгили эди, аммо не қиларини билмай мазкур китобларни яна қайта варақлаб баҳра олмоқчи эди. Ташқаридан эшитилган қироат садолари Аверроэсни машғулотидан чалғитди. У панжарадор айвондан кўз ташлади – пастки ҳовлида нимяланғоч болалар ғалати эрмак билан машғул эди. Улардан бири бошқасининг елкасига чиқиб олганча муаззинга тақлид қилар, кўзларини чирт юмиб олиб: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир», – дея қироат қилар эди. Уни гарданида кўтариб олгани минорага ўхшаб тек қотган, баайни саждага тиз чўккан учинчи бирови тупроққа қоришиб, намозхонлар жамоатини ўзича тасвирлар эди. Тез орада ўйин бузилди – болаларнинг ҳар бири муаззин бўлишни истар, ҳеч бири минора ва ё намозхон бўлишни хоҳламасди. Улар «тўпори» лаҳжада, яъни яриморолдаги мусулмон муҳожирлар суҳбатларида юзага чиқиб қоладиган қоришиқ испан тилида баҳслашаётганлари Аверроэс қулоғига чалинарди. У Халилнинг «Китаҳ ул-айн» асарини қўлига олди ва Танжерда экан Амир Ёқуб ал-Мансур ўз қўллари билан ҳадя этган беназир бу асарнинг бўлак бирор нусхаси бутун Кордовада, эҳтимол, бутун Ал-Андалусда ҳам топилмаслигини ўйлаб ғурурланди. Танжер номи Марокашдан энди қайтиб келган сайёҳ Абулқосим ал-Ашрий бутун оқшом Фаррожникида, бу муҳтарам Куръон билимдони уйида, ҳозир бўлишини ёдига солди. Абулқосим Чин мамлакати сарҳадларига қадар етиб боргани ҳақида сўзлаб берган, унинг ғанимлари эса нафратдан ҳосил бўлувчи ўзига хос мантиқ билан у Хитой заминига зинҳор оёқ қўймагани, шунингдек, гарчи қадам ранжида қилган бўлса-да, ўша мамлакат эҳромларида Аллоҳга ширк келтиргани ҳақида онт ичиб сўзлаб юришгувчи эди. Суҳбат узоқ чўзилиши тайин эди, шу боис

Аверроэс шоша-пиша яна «Таҳафут»га тутинди. У шом қоронғисига қадар мутолаа билан машғул бўлди.

Фаррожнинг уйидаги суҳбат ҳукмдор фазилатларидан унинг амир иниси фазилатларига кўчиб ўтди, кейин эса боғдаги сайр чоғи атиргуллар тўғрисида сўз очилди. Абулқосим бу гулларга зиғирча эътибор қилмай, Андалус чорбоғларини зийнатлаган атиргуллардан гўзалроғи йўқдир дея онт ичди. Фаррож хижолатпазликка йўл бермади – мавлоно Ибн Қутайба Ҳиндистон боғларида мангу гуллаб тургувчи ҳамда алвон япроқлари «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир ва Муҳаммад унинг пайғамбаридир» деган илоҳий битикни ажабтовур тарзда барпо этувчи ғаройиб атиргул турини тасвир этгани тўғрисида сўз ташлади. Эҳтимол, мухтарам Абулқосим шундай гулни кўргандир деб қўшиб ҳам қўйди. Абулқосим саросимада қолди. Агар «кўрганман» деб жавоб қилгудек бўлса, уни бевиждону сурбет алдоқчи деб ўйлашлари тайин. Бордию «кўрмадим» деса, шаккоку даҳрий тамғасини босгайлар. У барча синоатлар калити Аллоҳнинг дастидадир ва ер юзида бирор сўлғин ё барқ уриб турган нарса йўқдирки, Унинг китобида қайд этилмаган бўлсин қабилда мужмал жавоб қайтаришни афзал билди. Дастлабки сураларга мансуб бу сўзлар тавозе билан қарши олинди. Топқирлигидан илҳомланган Абулқосим «Худонинг хилқатлари мукамал ва англаб бўлмасдир» дея илова қилди, шунда ҳали дунёга келмаган Юмнинг бўлажак мулоҳазаларини олдиндан пайқаган Аверроэс суҳбатга қўшилди:

– Замин эътиқод тимсоллари нақш қилинган атиргулни дунёга келтирган дея ўйлашдан кўра мавлоно Қутайба ва ё хаттотлар матн кўчиришда хатога йўл қўйганлар, дейиш мен учун осонроқ.

– Дарҳақиқат, улуғ ва ҳаққоний сўзлар! – деди Абулқосим.

– Бир сайёҳ, – дея хотираларидан сўз очди шоир Абдулмалик, – мевалари зангор тусли қушлардан иборат дарахт

ҳақида ҳикоя қилади. Илоҳий имло нақшланган атиргулдан кўра мана шунга ишониш мен учун осонроқ.

– Эҳтимол, – деди Аверроэс, – мўъжизанинг боиси қушларнинг рангида бўлса керак. Қолаверса, мева ҳамда қушлар табиат дунёсига тегишли, битик эса санъатдир. Атиргуллардан ҳарфу имлога ўтишдан кўра япроқлардан қушлар томон ўтиш – мантиққа яқинроқ.

Меҳмонларнинг бири ёзув санъатдир деган фикрни дарғазаб инкор этди. Илло, Қуръоннинг аслияти – «Умм ул-китоб» – олам яралишидан аввал ҳам мавжуд эди ва у фалакда сақланар. Яна биров басралик Жоҳизни тилга олиб ўтди. Унга кўра, Қуръон инсон ва ё жондор шаклини олишга қодир моҳиятдир, ўз навбатида, мана шу фикр Қуръон иккитадир дегувчилар қарашларига баайни мос тушгандай туюлади. Фаррож изчил нуқтаи назарни баён этишга тушди. «Қуръон, – деди у, – худди Ўзининг илоҳий марҳамати сингари Худонинг сифатларидан биридир; Қуръонни китоб қилиб битадилар, уни тил билан талаффуз этадилар, уни қалбга муҳрлайдилар – нутқ ва имло белгилари инсон ақли маҳсулидир. Қуръон эса мутлақ ва мангудир». «Республика»га тафсир битган Аверроэс Китоб волидаси унинг (Қуръоннинг) ўзига хос руҳий шамойилидир деган фикрни ўртага ташлаши мумкин эди, аммо илоҳиёт масалалари Абулқосим ақлидан анча наридаги илм эканига эътибор қилди.

Буни пайқаган бошқа меҳмонлар ҳам Абулқосимдан, дурусти, бирор ажойибот ҳақида сўзлаб беришни сўрай кетишди. Ҳозирдаги каби у замонларда ҳам дунё бемехр эди: чинакам жасур одамлар, шунингдек, ҳар нарсага тайёр разилларгина ер юзи бўйлаб саёҳат қила олар эдилар. Абулқосимнинг ботиний кўрқоқлиги эса хотирасида аксини топган эди. У нима ҳақида сўзлаб бера оларди? Устига-устак, улар ажойиботлар ҳақида сўрашаётир, ахир,

беназир нарса-ҳодисаларни сўз орқали ифодалаб бўлар эканми? Бир хил сўзлар воситасида тасвирлаш мумкин бўлса-да, Бенгал осмонидаги ой – Яман ҳилолидан ўзгачароқ эмасми?

Абулқосим пича тараддудда қолиб:

– Турли ўлка ва шаҳарларни зиёрат қилувчи кимса, – дея эҳтиётлик билан сўз бошлади, – хотирада сақлашга лойиқ кўп нарсаларнинг шоҳиди бўлади. Мана, мен фақат бир маротаба турк султониға сўзлаб берганим воқеа. Бу воқеа Чини Калонда (Кантонда), Ҳаёт ирмоғининг денгизга қуёилиш мансабида рўй берган эди.

Фаррож бу шаҳар яъжуж-маъжужлардан сақланиш учун Искандар Зулқарнайн барпо этган девордан қай масофа олисда экани билан қизиқди.

– Девор билан шаҳарнинг ўртаси саҳродир, – деди Абулқосим калондимоғлик билан. – Девор миноралари уфқда кўрингунига қадар карвон қирқ кун йўл босиши ва, айтишларича, унинг қаршисида пайдо бўлиш учун яна шунча йўл юриши керак. Чини Калонда мен ўша деворни кўрган ёки деворни кўрган одамни кўрган бирорта одамни учратмадим.

Аверроэс бир зумға баҳайбат чексизлик, кимсасиз борлиқ қаршисида сесканиб тушди. У дарахтлари бир хил тартиб билан кўкка бўй чўзган боққа назар ташлади. Ўзини кексайиб мункиллаган, бефойдаю яроқсиз одам ҳис қилди. Бу орада Абулқосим ҳикоясида давом этарди:

– Бир куни оқшом Чини Калонда истиқомат қилувчи муслим тужжорлар мени ёғочдан барпо этилган серҳашам биноға олиб боришди. Уй одамлар билан лиммо-лим эди. Бу уйни тасвирлаб бериш мушкул. У бир-бировининг устиға қатма-қат жойлашган йўлаклар ёки айвонлари бўлган биттагина улкан бўлма эди. Айвонда ўтирган одамлар еб-ичишар, пастки саҳндагилар ҳам, пешайвонға ўхшаш баландроқ жойда ўтирганлар ҳам еб-ичиш билан машғул



эдилар. Пешайвондагилар ноғора ва уд чалишар, ўн беш ёки йигирма чоғли одам эса – улар алвон ниқоб тутган эди – ибодат қилишар, кўшиқлар куйлаб, ўзаро ҳамроз суҳбатлар қуради. Оёқларига кишан солинган бу каслар уқубат чексалар-да, зиндон кўринмас эди: улар кўз илғамас отларда елиб жанг қилсалар-да, қўлларида тутган шамширлар қамишдан ясалган эди: улар жон таслим этишар, сўнг яна қайта оёққа қалқишарди.

– Ақлдан озиб девона бўлганларнинг қилиқлари ақли расо одам тасаввурини ҳам ортда қолдиришга қодир, – деди Фаррож.

– Улар ақлдан озган эмасдилар, – Абулқосим изоҳлашга мажбур бўлди. – Тужжорлардан бирининг айтишича, улар аллақандай воқеани тасвирлашаётган эди.

Ҳеч ким ҳеч вақо тушунмади, афтидан, тушунишга ҳаракат ҳам қилмади. Хижолат бўлган Абулқосим хотиржам ҳикоя сўзлашдан энди дадил мулоҳазаларга ўтди:

– Тасаввур этиб кўрайлик, ҳикоя қилиб бериш ўрнига кимдир бир воқеани намоиш қилаётир. Бу, айтайлик, Эфесда ухлаб ётганлар воқеаси бўла қолсин. Биз улар ёрга томон кетиб бораётганини, ибодат қилиб бўлгач, мудроқ кўйнига чўмишларини, кўзлари очик ҳолда ухлаб ётганларини, уйқу мобайнида бўйи ва энига ўсаётганларини, уч юз тўққиз йилдан сўнг уйғона бошлашларини, савдогарнинг қўлига қадимий тангани тутқазишларию улар қай тариқа жаннатда кўз очишларини ва уларга ҳамроҳ бўлган кўппак ҳам уйғонишини ўз кўзимиз билан кўрамиз. Пешайвондаги одамлар ўша оқшом шунга ўхшаш томоша кўрсатдилар.

– Ўша одамлар сўзлашармиди? – сўради Фаррож.

– Албатта сўзлашарди, – деди Абулқосим ўзи элас-элас хотирлаётган, аслида, зерикиб томоша қилган намоишнинг шу тобда маддоҳига айланиб. – Улар гапирардилар, кўшиқ куйлардилар ва мулоҳаза юритардилар.

– Бунинг учун, – деди Фаррож, – йигирмата одам шарт эмасди. Биттагина масхарабоз ҳар қандай воқеани, ҳатто энг мураккаб воқеани ҳам сўзлаб бера оларди.

Бу фикрни барча маъқуллади ва энди Аллоҳ малоикаларни идора қилиш учун тасарруф этадиган араб тили фазилатларини мадҳ эта кетдилар. Сўнг араблар шеърияти хусусида сўз очилди. Уни ҳам лозим даражада кўкларга кўтаргач Абдулмалик ҳамон чўпонлар тимсолию бадавийлар турмушини тараннум этиш билан овора Дамашқ ва Кордова шоирларини урфдан қолганликда айблади. Қаршисида Гвадалаквивир мавжланиб ётгани ҳолда, саҳро қўйнида адашган қудуқ сувларини мадҳ этиш бемаъниликдир деди. У кўҳна ташбеҳларни янгилаш тарафдори эди – Зуҳайр тақдирни сўқир туяга қиёс қилган маҳалда бу тимсол одамларни ҳайратга солар эди, аммо беш асрлик ҳайратланиш мобайнида у эскириб бўлган. Кўп маротаба ва кўпчилик оғзидан эшитилган бу мулоҳаза маъқулланди. Аверроэс сукут сақларди. Ниҳоят, у ўзи билан сўзлашаётган каби тилга кирди.

– Мен ҳам, – деди Аверроэс, – бу қадар сўзамоллик билан бўлмаса-да, ҳар қалай, мухтарам Абдулмалик баён этган фикрни шунга ўхшаш далиллар ёрдамида ёқлаган эдим. Искандарияда сўзлаб юрадиларки, ҳақ йўлдан адашиб, алалоқибат дилдан тавба этган одамгина бошқа гуноҳ қила олмайди. Бу фикрга қўшимча қиламиз: хатолардан холи бўлиш учун уларнинг чангалида бўлиб кўрмоқ лозим. Зуҳайр «Муаллақот» саҳифаларида андуҳ ҳамда шон-шавкатнинг саксон йили мобайнида тақдирнинг сўқир туя каби одамга бирдан ҳамла қилиб қолишини кўп маротаба кўргани ҳақида ҳикоя қилади. Абдулмаликнинг фикрлашича, бу тимсол одамларни ҳайратга солишга энди кодир эмас. Унинг фикрини бир неча далиллар билан инкор этиш мумкин бўлур эди. Биринчиси Абдулмаликнинг шеърда назмдан мурод кишиларни ҳайрон қолдириш бўлса, унинг

умри асрлар билан эмас, балки кун ва соатлар билан, эҳтимол, дақиқалар билан ўлчанган бўлур эди. Иккинчиси: машҳур шоир ихтирочи эмас, балки кашшофдир. Ибн Шароф Бахрийни шарафлаб айтадиларки, юлдузлар тонг чоғи баайни дарахтдан узилмиш япроқ мисол бирин-кетин тўкилиб тушишларини фақат угина ўйлаб топиши мумкин эди.

Агар шоир маддоҳлари ҳақ бўлсалар, ушбу тимсол ҳеч вақога арзимади. Зотан, фақат бир одам ўйлаб топиши мумкин бўлган тимсол ҳеч кимни ҳаяжонга сола олмайди.

Ер юзига беҳисоб турфа хил нарсалар сочиб юборилган ва уларнинг ҳар бирини бошқа бирови билан қиёслаш мумкин. Юлдузларни япроқларга қиёслаш уларни балиқ ва ё қушларга қиёслаш сингари ихтиёрийдир. Билъакс, тақдирнинг қудратли ва бефаҳм, беозор, шу билан бирга, бешафқат эканига бирор марта гувоҳ бўлмаган кимса йўқдир. Зуҳайрнинг ашъори охир-оқибат барчага дахл қилгувчи айна шу фикр ҳаққи битилган. Ундан ошириб айтиш мумкин эмас. Қолаверса, менинг асосий хулосам шу – саройларни харобага айлантиришга қодир вақт шеъриятни бойитади. Арабистонда битилган бу мисраларда ўша маҳалда икки тимсол – кекса туя билан тақдир таққосланган эди. Орадан беш юз йил ўтиб ўқилган бу шеър энди, устига-устак, Зуҳайрнинг ўзини ҳам хотирга келтиради ва андуҳларимизни марҳум ўша араб андуҳлари билан қиёслашга ундайди. Дастлаб бу тимсол хусусиятлари иккита эди. Энди эса тўртта бўлди. Вақт шеър доирасини кенгайтиради ва мен шундай мисраларни биламанки, улар мусиқа янглиғ ҳамиша барча инсонлар учун жаранглайверади. Худди шу каби, бир неча йил аввал Марокашда эканимда, қадрдон Кордова висоли қийноққа солган маҳал, Абдурахмоннинг Русафо боғларидаги Африка палмасига қарата айтган хитобини такрорлаш менга таскин берар эди:

Ай манглайи шўрим, мусофирмисан сен ҳам бу боғларда?!

Шеъриятнинг ажабтовур фазилати! Шарқни қўмсаётган қирол битган сўзлар Африкага сургун қилинган каминанинг Испания дардига малҳам эди.

Сўнгра Аверроэс Исломга қадар бўлган жоҳилият давридаёқ чексиз саҳролар лаҳжасида барча нарсани айтиб улгурган кўҳна шоирлар ҳақида сўзлади. Ибн Шарофнинг хонаки баландпарвозлигидан ташвишланган Аверроэс дедики, ўтмиш шоирлари назми ва Қуръонда бутун шеърият жам этилгандир, янгилик олиб кирмоқчи бўлганларнинг даъволари эса нодонлик ва беҳуда чиранишдан бошқа нарса эмас. Ҳамма унинг сўзларини бажонидил тинглар, зотан, у ўтмишни ёқлаётган эди.

Аверроэс кутубхонасига қайтиб келган маҳал муаззинлар бомдод намозига чорлаётган эди. (Бу орада эса ҳарамдаги қорасоч канизаклар малла сочлисини азоблаб улгурган, бироқ Аверроэс бундан фақат кечга томон хабар топади.) У ўша икки тушуниксиз сўзни англаб етгандай бўлди ва равон ҳуснихат билан ёзилган қуйидаги жумлаларни қўлёзмасига қўшиб қўйди: «Арасту мадҳияларни трагедия деб, дуоибаъдларни эса комедия деб атайди. Қуръон саҳифалари ҳамда «Муаллақот» трагедия ва комедиялар билан тўлиб-тошгандир».

Уйқуси келиб, бироз совуқ қотгандай бўлди. Салласини ечиб, кўзгуга разм солди. Шу лаҳзада унинг кўзлари қай бир манзарага гувоҳ бўлганлиги менга қоронғу, илло, ҳеч бир муаррих унинг юзларини тасвирлаб берган эмас. Менга фақат шу нарса аёнки, у кўзга кўринмас яшин урган мисол бирдан ғойиб бўлди, у билан бирга уй ва фаввора, китоб ва қўлёзмалар, ошиқ кабутарлару қорасоч канизаклар, кундошлар азобидан юрак олдирган малласоч канизак, Фаррож ва Абулқосим, атиргул буталарию эхтимол, Гвадалаквивир ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Нафсиламрини айтганда, ушбу ҳикояда мен бир мағлубият жараёнини тасвирламоқчи эдим. Дастлабки ниятга

кўра, мен Худо ягона эканлигини далиллар билан исботлашга қарор қилган кентербериялик ўша роҳиб ҳақида ёзмақчи бўлгандим. Сўнг эса фалсафа тоши илинжида бўлган алкимёгарлар ҳақида; кейин бурчаклар трисекцияси ҳамда доиралар квадратурасини кашф этишдек ечиб бўлмас масалага қўл урганлар ҳақида ҳикоя қилишни ўйладим. Аммо, кейинроқ ўзи эмас, балки бошқалар эриша олиши мумкин бўлган мақсадни ният қилган одам воқеаси жозибалироқ туюлди. Шунда мен Ислом доирасида «трагедия» ва «комедия» сўзларини барибир тушуна олмаган Аверроэсни эсладим. Мана, ушбу воқеани ҳикоя қилиб тугатдим. Ёзиш жараёнида Бертон тилга олиб ўтган ўша Тангрининг, хонаки буқа ўрнига ёввойисини яратиб қўйган Тангрининг кўйига тушдим. Ўз асарим гўё ўзимни калака қилаётгандек эди. Театр ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган Аверроэснинг драмани фараз қилишга уриниши кулгили эди. Ренан, Лэйн, Асин Паласьос ёзиб қолдирган узук-юлуқ парчалардан бошқа манбага эга бўлмаган ҳолда менинг Аверроэсни фараз қилишга уринишим эса бунданда аянчлироқ. Сўнгги саҳифани қоралаб тугатаётганимда англаб етдимки, менинг ушбу ҳикоям буни ёзаётган чоғимдаги қиёфамнинг инъикосидир ва айни шу ҳикояни ёза олиш учун айнан ўша одам бўлишим лозим эди, айнан ўша одам бўлишим учун эса мен мана шу ҳикояни ёзишим керак эди ва шу тақлид чексизликка қадар... (Мен унга ишонмай қўйганим заҳоти Аверроэс ғойиб бўлади.)

## АЛ-МУҲТАСИМГА ЯҚИНЛАШУВ EL ACERCAMIENTO A AL-MUTASIM

Филипп Гедальянинг ёзишича, бомбайлик адвокат Мир Баҳодир Алининг «Ал-Муҳтасимга яқинлашув» – «The Approach to Al-Mutasim» романи – «бошқалардан кўра мутаржимнинг ўзи учун кўпроқ қизиқарли бўлган ислом мажозий дostonларининг детектив романлар билан (бу борада Жон Х.Уотсон ортида қолдирилганлиги шубҳасиз) ўта беўхшов бирикмасидан – a rather uncomfortable combination, бошқа нарса эмас. Сесил Робертс жаноблари эса аввалроқ мазкур асардаги «ғайритабиий иккиёқлама таъсирни – Уилки Коллинз билан ўн иккинчи аср машҳур форс шоири Фаридиддин Аттор таъсирини» фош этади; Гедалья ушбу вазмин мулоҳазани ҳайратга тушмасдан, аммо ўта қизиққонлик билан таъкидлайди. Аслини олганда, бу икки ёзувчининг фикри бир жойдан чиқади: иккови ҳам романнинг детектив қурилиши ва унинг фусункор яширин йўналишига, *undercurrent*, эътибор қаратишади. Иккинчи сифат романда Честертон асарлари билан қандайдир ўхшашлик борлиги ҳақида фараз қилишга ундаши эҳтимолдан холи эмас, аммо биз қуйида бу фикр ҳеч бир асосга эга эмаслигини исботлаймиз.

«Ал-Муҳтасимга яқинлашув» илк мартаба, *editio princeps*, 1932 йили Бомбайда нашр этилди. Китоб газета қоғозига босилган, муқовасида эса Бомбай шаҳрида туғилган ёзувчи қаламига мансуб илк детектив роман ҳақида муҳтасар маълумот берилган эди. Китобхонлар бир неча ой

мобайнида ҳар бири минг нусхадан иборат тўрт нашрни ҳазм қилишга улгурди. «Бомбей квортерли ревью», «Бомбей газет», «Калькутта ревью», «Индустан ревью» (Оллоҳободаги) ва «Калькутта инглишмен» саҳифалари асар борасидаги олқишлар билан тўлиб-тошди. Бу орада Баҳодир «Ал-Мухтасим исмли одам билан суҳбат» – «Ўтаётган кўзгулар ўйини» («The Conversation with the man Called Al-Mutasim») деб номланган безакли нашр чоп қилдирди. Бу китоб яқинда Лондонда Виктор Голланц томонидан безаксиз қайта нашр этилди. Унга Дороти Л.Сайерс сўзбоши ёзган. Мен бу китобни сотиб олдим; анча дуруст бўлган биринчи нашрни қидириб топишнинг имкони бўлмади. 1932 ва 1934 йилларда амалга оширилган нашрлар ўртасидаги жиддий тафовутларни таҳлил ва танқид қилишдан аввал роман воқеаларини қисқача баён этиб ўтишни лозим топаман.

Бош қахрамон – унинг исми бирор марта тилга олинмайди – Бомбай дорилфунуни ҳуқуқшунослик куллиёти талабаси. У ота-боболари дини – исломдан муртадлик билан юз ўгиради, аммо муҳаррам ойининг ўнинчи кечаси адоғида иттифоқо мусулмон ва ҳиндилар ўртасида содир бўлган талотўп ўртасида қолади. Тун зимистони аро ноғоралар янграйди, ибодатгўйлар овози эшитилади, мусулмонлар издиҳоми адоватли оломон оралаб ҳаракат қилади. Аллақайси уйнинг тоmidан бир ҳинди ғишт улоқтиради, кимнингдир кўксига ханжар қадалади, яраланган одам – мусулмон ёхуд ҳинди – оломон оёқлари остида жон таслим этади. Уч минг нафар одам ўзаро жанг қилади, калтак тўппончага қарши, дуоиббаъдга қарши, бўралаб сўкиш, берухсор тангри-маъбудларга қарши. Буларнинг барчасидан эси оғаёзган талаба жангга қўшилади ва қуролсиз ҳолича беомон олишувда бир ҳиндини ўлдириб қўяди (ёки унга шундай туюлади). Бироқ шу дам бақир-чақир қилиб отлиқ миршаблар пайдо бўлишади ва ҳаммани қатораси-

га савалай кетишади. Талаба нақ туёқлар остидан қочи-  
катулади. У шаҳардан ташқари чиқиб, икки темирйўл изи-  
ни кесиб ўтади ёки айнан бир изни икки маротаба кесиб  
ўтади. Йўлида дуч келган девордан ошиб ўтгач адоғида  
аллақандай минора кўриниб турган қаровсиз боғда пайдо  
бўлади. Бирдан кумушранг юнгли оч-наҳор ва қаҳрли кўп-  
паклар галаси, a lean and evil mob of mooncoloured hounds,  
атиргул буталари орасидан ташланиб қолади. Таъқиб ос-  
тига олинган талаба минорада паноҳ топади. Бир неча су-  
палари етишмаётган темир зина бўйлаб минора чордоғи-  
га югуриб чиқади. Чордоқда у очликдан силласи қуриган  
ва тиз чўккан кўйи ой ёғдусида ҳожат чиқараётган одамга  
дуч келади. Бу одам порсолар ҳар сафар минорада қолди-  
риб кетадиган майитларнинг тилла тишларини ўмариш  
билан машғул эканини айтади. У яна бошқа палид ишла-  
ри ҳақида гапириб, сўз орасида ўн тўрт кундан буён сигир  
тезаги билан покланмаганини маълум қилади. Овозида  
яққол сезилиб турган адоват оҳанги билан гужаратлик от  
ўғрилари ҳақида сўзлайди: «Кўппак ва калтакесак кушан-  
далари, умуман, улар худди биз каби разил кимсалар».  
Тонг отмоқда, кўкда ўлаксахўр жўрчи қушлар чарх уради.  
Тинкаси қуриган талаба пинакка кетади; уйғонгач қуёш  
тиккага келиб қолгани, ўғри эса ғойиб бўлганини кўра-  
ди. Талабага тегишли тамакидон ва бир неча кумуш ру-  
пиялар ҳам ўғри билан бирга ғойиб бўлган эди. Ўтган тун  
даҳшатлари ёдига тушгач, Ҳиндистон кенгликларида из-  
сиз кетишга аҳд қилади. У бутпарастни ўлдиришга қодир  
бўлганлиги, бироқ мусулмонлар бутпарастлардан кўра ҳақ  
эканлигига тўла амин эмаслиги ҳақида хаёл суради. Уни  
Гужарат деган ном ва аллақандай жувонга тегишли «мал-  
ка-санси» исми (паланпурлик ўғрилар табақасидан бўлган  
аёл исми, мурдалар кушандасининг қаҳр-ғазаби кўпроқ  
шу аёлга қаратилган эди) тинчлик бермайди. Талаба ўта-  
кетган разил кимса нафрати, аслида, таҳсинга баробардир



қабилда хулоса чиқаради. У худди шу жувонни қидириб топишга қарор қилади. Ибодат қилиб олгач бизнинг қаҳрамон олис сафарга отланади. Романнинг иккинчи боби шундай яқунланади.

Қолган ўн тўққиз бобнинг ҳамма тафсилотларини муфассал баён этиб бериш мушкул. Ушбу бобларда сон-саноксиз персонажлар, *dramatis personae*, ҳаракатда бўлади. Инсон қалбининг барча эврилишларини (разолатдан тортиб риёзиётга оид мулоҳазаларга қадар) ўзида жо қилган бош қаҳрамон саргузаштлари Ҳиндистоннинг бепоён кенгликлариде кечади. Бомбайда бошланган воқеа Палампурда давом этади, у бир кеча ва бир тун Беканур дарвозалари қаршисида ҳордиқ чиқариб, Банорас атрофларида сўқир мунажжим ҳақида ҳикоя қилади. Асар қаҳрамони Катманду сарой лабиринтларида юзага келган фитнага араллашиб қолади, ўлат оралаган Калькуттаннинг Мошова бозорида дайдиб юради, Мадрасдаги идорадан денгиз узра янги кун туғилишини кузатса, Траванкор вилоятида айни шу куннинг завоп топишига гувоҳ бўлади. Ҳиндовурда ўзи истамаган ҳолда яна қайта қотилликка қўл уради ҳамда йўллар ва йиллар доирасини Бомбайда, кумушранг тусли кўппаклар ошён қурган худди ўша боғ атрофида поёнига етказеади. Кейинги воқеаларнинг қисқача мазмуни қуйидагича: биз танишган одам – ўз юртини тарк этган даҳрий талаба палид нусхалар даврасига кўшилиб, разилликда улар билан тенглашади. Бирдан қумлоқда одам изларига дуч келган Робинзоннинг сирли даҳшати янглиғ разил давранинг алланечук майинлашиб қолганига эътибор қаратади, ёнидаги ҳамтовоқларидан бирининг меҳрли қалбини, ҳайрати ва синоатли сукутини ҳис этади. «Баайни шуури комилроқ зот суҳбатимизга кўшилиб қолгандай эди». Талаба ўзи билан сўзлашиб турган одам бу қадар юксалишга қодир эмаслигини билеади; демакки, деб хулоса қилади у, бу одамда аллақайси дўстнинг ёхуд

дўст дўстининг дўсти қалби бир зумга намоён бўлган эди. Ушбу масала устида бош қотирар экан, талаба шундай иймон келтиради: «Қайсидир бир ўлкада мана шу шуъланинг соҳиби тирик, қайсидир бир ўлкада мана шу шуъла билан муштарак одам тирик». Талаба ўз ҳаётини ана шу одамни қидириб топишга бағишлайди.

Аввалида табассум ва ё каломнинг билинар-билинемас излари, охир-оқибат эса тафаккур, тасаввур ва эзгуликнинг турфа хил товланиши ҳамда ёрқин алангаси – бошқа қалбларга нақшланган мана шу ожиз шуълаларга қараб талаба ўша асосий қалбни бетиним излашда давом этади. Сўроққа тугилган одамлар Ал-Мухтасимни тобора яқиндан билишлари маълум бўла боргани сайин унинг илоҳийлик даражаси ортиб борар, аммо бу одамлар унинг атиги биргина кўланкалари эканликлари ҳам равшан эди. Айни шу жойда риёзиётга оид тушунчани қўллаш ўринли, яъни Мир Баҳодир Алининг турли воқеаларга бой романи – бу юқори томон равақ топиб борувчи санок сонлар шажараси, ушбу шажаранинг энг сўнгги вакили эса изланаётган ўша «Ал-Мухтасим исмли одам»нинг ўзидир. Ал-Мухтасимнинг бевосита ўтмишдоши ажойиб назокат ва оташин қалб соҳиби бўлган эроний китобфуруш эди; китобфурушнинг ўтмишдоши эса авлиё ота... Кўпйиллик саргардонликлардан сўнг талаба бир йўлакда пайдо бўлади, «йўлак адоғида эшик ва мунчоқлар илинган оддий бўйра, бўйра ортида эса ёғду». Талаба икки карра қарсак чалади ва Ал-Мухтасимни сўрайди. Эркак овози – Ал-Мухтасимнинг қудратли овози уни ичкарига таклиф қилади. Талаба бўйрани суриб ичкарига қадам қўяди. Асар шу ерда якунланади...

Агар адашмасам, бу каби сюжет ярата олиш учун ёзувчидан икки нарса талаб этилади: биринчиси, комил инсоннинг турли сифатларини тасвирлаш жараёнидаги топқирлик, иккинчиси, айни шу сифатларга эга бўлган қиёфанинг

шартли ва қуруқ шарпа бўлиб қолмаслигини таъминлашга қодирлик. Баҳодир биринчи шартни тўла-тўқис бажарган, иккинчисини қай даражада адо этганлигини айтишдан ўзимни тияман. Бошқача қилиб айтганда, биз овозини эшитмаган ва биз кўрмаган Ал-Мухтасим фақат орттирма даражалар йиғиндиси эмас, балки у чиндан ҳам мавжуд одам каби таассурот қолдириши керак эди. Китобнинг 1932 йилги талқинида фусункор хитоблар кўп эмас: «Ал-Мухтасим исмли одам» иборасида тимсолнинг қандайдир бўлаги яширин, шу билан бирга, у ўзига хос шахсий белгилардан ҳам холи эмас. Таассуфки, муаллиф адабий назокат майдонида муқим тура олмади. 1934 йилги нашрда – у ҳозир қаршимда турибди – роман кўпроқ мажозий йўлга оғиб кетади: Ал-Мухтасим Худо тимсоли, бош қаҳрамон саргардонликлари эса қалбнинг меърож қилиш жараёнида босиб ўтган даражаларидир. Асарда кишини ранжитадиган ўринлар ҳам мавжуд. Масалан, кошинлик қора танли яҳудий Ал-Мухтасим ҳақида ҳикоя қилаётиб унинг ранги қора эди дейди; насроний уни минорада қўлларини ёйиб турган ҳолда тасвирлайди; малларанг далай-лама эса уни «буқа мойидан ўзим ясаган ва Ташилхунпо ибодатхонасида унга сиғинганим ҳайкал янглиғ» чордона қуриб ўтирган ҳолда кўрганлигини айтади. Турли эътиқод вакилларининг ушбу сафсаталари одамлар ўртасидаги тафовутлардан самарали фойдаланувчи ягона Худо ҳақидаги ғояни хаёлга жойлаши керак эди. Назаримда, бу фикр у қадар ўринли бўлмаган. Шу ўринда яна бир қараш мавжуд. Мазкур тахминга кўра, Қодир Худонинг ўзи ҳам Кимнидир излашда давом этаётир, ушбу Кимдир эса бошқа бир юксакроқ (ёхуд шунчаки зарур ва ўзига монанд) Кимнидир излаш билан машғул ва шу тариқа Замонлар Интиҳосига ёки, тўғрироғи, Интиҳосизликка (чексизликка) қадар. Ал-Мухтасим (аббосийлар сулоласининг саккизинчи авлоди вакилига тегишли ушбу исм соҳиби саккиз муҳорабада зафар қучган, саккиз ўғил ва

саккиз қизни вояга етказган, саккиз минг нафар қулга эга бўлган ҳамда саккиз йил саккиз ой ва саккиз кун ҳукм сурган эди) исми ҳам аслида «Бошпана излаётган» маъносини англатади. Романнинг 1932 йилги талқинига кўра, саргардонликларнинг якуний манзили сайёҳнинг айнан ўзи эди деган фикр билан қидирувлар мушкуллиги изоҳланган эди; 1934 йилги нашрида эса ушбу фикр мен юқорида эслаб ўтган илоҳиёт изланишлари борасидаги ажабтовур мулоҳаза учун хизмат қилади. Мир Баҳодир Али, кўриб турганимиздек, санъат бағрида яширин бўлган энг бачкана васвасадан – даҳоликка интилиш майлидан қутула олмади.

Ушбу ёзганларимни такрор ўқир эканман, китобнинг фазилатларини етарлича кўрсатиб бера олмадим деган хавотирдаман. Кўзга яққол ташланиб турган ютуқлар ҳам романда етарлича, масалан, ўн тўққизинчи бобда тасвирланган мунозара давомида «ўзининг ҳақ эканлигидан ҳаддан ортиқ ғурурланмаслик учун» суҳбатдошининг хато қарашларини инкор этмасдан, сомеъ бўлган одам тимсолида Ал-Мухтасимнинг дўстини сезиб турамиз.

Айтадиларки, қайсидир жиҳати билан кўҳна китоблар руҳига яқинлашиш ҳар қандай замонавий асарнинг ютуғидир, зотан, (Жонсон айтганидек) ўз замондошлари фикрига қарам бўлиш ҳеч кимга ёқмайди. Жойс «Улисс»ининг Гомер «Одиссея»си билан жузъий ўхшашликлари ҳамиша – бунинг сабабини асло тушуна олмайман – мунаққидларнинг чексиз ҳайрат ва таҳсинларига сазовор; Баҳодир қаламига мансуб романнинг Фаридиддин Аттор кўҳна «Қушлар мажлиси» билан эш жойлари Лондонда, ҳатто Оллоҳобод ва Калькуттада анчагина мақтовларга сабаб бўлди. Хуллас, ўхшаш жойлар тадқиқига оид манбалар етарли. Бир тадқиқотчи романнинг илк саҳифалари Киплинг «Кўрғон девори узра» («On the City Wall») ҳикояси билан ҳамоҳанг эканлигига эътиборни қаратади. Баҳодир ушбу ҳолатларни эътироф этиб айтадики, агар муҳаррам ойи ўнинчи оқшомининг ҳар

икки тасвири бир-бирига мувофиқ келмаса, табиийликка путур етар эди... Элиот бундан ҳам асосли тарзда «Фаришталар қироличаси» («The Faerie Queene») номли етмиш марсиядан иборат тугалланмаган мажозий дostonни эсга олади. Ричард Уилям Черч ўз тадқиқотида кўрсатиб ўтганидек, ушбу дoston қаҳрамони – Глориана бирор марта бўй кўрсатмайди. Ўз навбатида, мен Баҳодирнинг эҳтимолдан холи бўлмаган олис ўтмишдошини кўрсатиб кетмоқчиман. Бу аждод ёхуд устод руҳи зарур вақтда тасалли бериш ва тўғри йўлга солмоқ учун боёқиш муриднинг қалбига кириб келиши мумкин деб XVI асрда маълум қилган қуддуслик Исҳоқ Луриё исмли каббалистдир. «Иббур» – метепсихознинг бу тури шундай номланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ушбу қайдлар устида ишлаш жараёнида мен Нишопурни талон-торож айлаш чоғида Чингизхоннинг ўғли Тулуйхон навкарлари томонидан ўлдирилган форс мутасаввифи Фаридиддин Абу Толиб Муҳаммад ибн Иброҳим Агторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қушлар мажлиси») асарини бир зум ҳам назардан қочирганим йўқ. Ушбу дostonнинг мухтасар баёни билан таништириш зарар қилмайди. Олис юртлардан учиб келган қушлар шоҳи Симурғ иттифоқо Хитойнинг қоқ марказида серҳашам патини тушириб қолдиради, азалий талотўплардан тинкаси қуриган қушлар Симурғни излаб топишга аҳд қилишади. Шоҳнинг исми «Ўттиз қуш» маъносини англатиши, саройи эса бутун ер юзини белбоғ каби ўраб турган Кўҳи Қоф тоғида эканлиги уларга аён. Қушлар қарийб адоқсиз йўлга отланишади: етти водий ёхуд уммонни ортда қолдиришади; водий ёхуд уммонлардан бирининг номи «Талваса», бошқасиники эса «Тугатилиш» эди. Сайёҳларнинг кўплари журъатсизлик ридосини кийиб ортга қайтади, бошқалари эса ҳалок бўлади. Мушкулотларда покланган фақат ўттиз қушгина Симурғ тоғига етиб боради. Ниҳоят, улар ҳукмдор васлига етадилар, бироқ шу чоғ уларнинг ўзлари Симурғ эканлиги, уларнинг ҳар бири алоҳида ва барчаси яхлитликда Симурғ эканлиги аён бўлади. (Худди шу каби Плотин ҳам – «Эннеадалар», V, 8, 4 – айнийлик тамойилининг масрур тарзда кенгайиб боришидан хабар беради: «Тафаккур бовар қилувчи самонинг ҳар бир бурчагида ҳамма нарса мавжуд. Ҳар бир буюм ҳамма нарса демакдир. Қуёш барча юлдузлар демакдир ва ҳар бир юлдуз – бу ҳамма юлдузлар ва қуёшнинг яхлит бирлигидан иборатдир.») «Мантиқ ут-тайр» дostonи фарангига Гарсен де Тасси томонидан, инглиз тилига эса Эдвард Фитцжеральд томонидан ўтирилган, ушбу қайдлар учун мен Бертон нашр этган «1001 кеча»нинг ўнинчи жилди ва Маргарет Смитнинг «Форс мутасаввифлари: Агтор» (1932 йил) илмий рисоласидан фойдаландим.

## ПАСКАЛЬ ДОИРАСИ LA ESFERA DE PASCAL

Эҳтимол, бутунжаҳон тарихи бир неча ташбеҳлар тарихидан бошқа нарса эмасдир. Мен ёзаётган ушбу қайдлардан кўзланган мақсад шу каби тарихнинг биргина саҳифасига лойиҳа чизишдан иборат.

Исо масиҳ мавлудидан олти аср аввал шаҳарлар кезиб, қўшиқ куйлаб юргувчи калофониялик бахши Ксенофан, гомерона байтлардан кўнгли қолгач, илоҳларни одам қиёфасида тасвир қилган шуарога лаънат ўқиди ва мангу доира шаклидаги ягона Худони юнонларга тавсия қилди. Афлотуннинг «Тимея» асарида ёзилишича, доира энг мукамал ва энг содда шаклдир, илло, юзасининг барча нуқталари марказдан бир хил узоқликда жойлашган. Олоф Гигонга кўра («Юнон фалсафаси тарихи» («Ursprung der griechischen Philosophie»), 183-бет), Ксенофан қуйидаги тартибда фикр юритган: Худо доирасифатдир, илло, айна шакл илоҳни тасаввур этишга энг қулай ёхуд у қадар ноқулай эмас. Орадан қирқ йил ўтгач бу фикрни Парменид так-

---

Мазкур дostonнинг Мир Баходир Али романи билан кесишган нуқталари айтарли кўп эмас. Эроний китобфуруш Ал-Мухтасимга тегишли деб ҳисоблаган ва йигирманчи бобда келтирилган бир-икки оғиз сўз, афтидан, бош қахрамоннинг сал аввалроқ билдирган фикрларини ривожлантириш учун лозим бўлган; шу ва шунга ўхшаш бошқа мубҳам ўхшашликлар изланаётган одам билан излаётган одамнинг айнийлигини, шунингдек, излаётган одам изланаётган одамга таъсир этиб турганлигини англатиши мумкин. Бошқа бир жойда Ал-Мухтасим талаба ўлдириб қўйдим деб ўйлаган ўша «ҳинди»нинг худди ўзи эканлигига ишора қилинган. – Муаллиф изоҳи.

contradictio in adjecto, аниқланмиш сўз билан аниқловчини қарши қўйиш демакдир, илло, бу ҳолда эга билан кесим бир-бирини инкор этаётир», – деб ҳисоблайди. Альбертелли, эҳтимол, ҳақ эди, бироқ юқоридаги жумла бизни беихтиёр мазкур доирани тасаввур қилишга ундайди. XIII асрда доира тимсоли Афлотун каби талқин этилган, мажозларга тўла «Атиргул қиссаси» (Roman de la Rose) ва «Учёқлама кўзгу» (Speculum Triplex) энциклопедиясида яна юзага чиқди. XVI асрда битилган «Пантагрюэль» сўнгги китобининг охириги бобида «маркази ҳар жойда, четлари эса ҳеч қаерда бўлмаган ва биз Худо деб атайдиган закий доира» тўғрисида сўз юритилади. Ўрта асрлар тафаккури учун бу фикр тушунарли эди: Худо ўзи яратган ҳар бир хилқатда яширин, аммо уларнинг ҳеч бири Худо учун чегара эмасдир. «Осмон ва осмонлар осмони Сени сиғдира олмагай», – деган эди Сулаймон пайғамбар (Салтанатлар Учинчи китоби, 8. 27); геометрик ташбеҳ бу жумланинг ўзига хос изоҳидир.

Данте «Илоҳий комедия»си башарият тафаккурининг минг тўрт юз йил давомида ишғол қилиб турган Батлимуслар фалакиётини бизга қадар олиб келди. Унга кўра, Ер олам марказида жойлашган, Ер ҳаракатсиз доирадир, унинг атрофида ҳар бири биттадан марказга эга бўлган тўққиз доира айланади. Дастлабки еттита сайёралар осмонидир (Ой, Аторуд, Зухро, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал осмонлари); саккизинчиси ҳаракатсиз юлдузлар осмони; тўққизинчиси Қуввати Аввал деб ҳам аталувчи биллур осмон. Бу осмонни ёруғликдан иборат Эмпирей ўраб туради. Ғовак, шаффоф ва муттасил айланиб турувчи доираларнинг ушбу мураккаб улуғворлиги (уларнинг атиги бир тизими учун эллик беш сайёра лозим бўлди) тафаккур заруриятига айланди: «Осмон жисмларининг айланиши борасида» («De hypothesisibus motuum coelestium commentariolus») – Арасту қарашларини инкор этган ва коинот ҳа-

қидаги тасаввурларни ўзгартириб юборган Коперник қаламига мансуб қўлёзманинг камтарона номланиши шундай эди. Бошқа бир одам – Жордано Бруно учун юлдузлар гумбазидаги тирқиш ҳурлик йўлини кўрсатди. «Рўзанинг илк чаҳоршанбасида айтилган ваъз»ида борлиқ чексиз сабабларнинг чексиз оқибатларидан иборат ва Худо бизнинг ёнгинамиздадир деб эълон қилди, «илло, у бизга ўзимиздан-да яқинроқдир». У одамларга Коперник борлигини уқтириш учун лойиқ сўзлар излар ва саҳифаларнинг бирида куйидаги жумлани ёзиб қолдирди: «Биз тўла ишонч билан таъкидлай оламизки, Коинот яхлит бир марказдир ёхуд Коинотнинг маркази ҳар жойдадир, четлари эса ҳеч қаерда». («Сабаб, ибтидо ва яхлитлик борасида», V)

Бу жумла Уйғониш зиёси ҳали мунаввар қилиб турган 1584 йили тантана билан ёзилган, орадан етмиш йил ўтгач эса бу шижоатдан асар ҳам қолмади ҳамда одамлар ўзларини замон ва макон ичра адашган каби ҳис этдилар. Улар чиндан замон ичра адашгандилар – илло, келажак ва ўтмиш адоқсиз экан, «қачон» деган савол ҳам мавжуд эмас. Одамлар чиндан макон ичра адашгандилар – илло, ҳар қайси мавжудот чексиз улкан ва чексиз кичик моҳиятдан бир хил масофа узоқликда экан, демак, «қаерда» ҳам мавжуд эмас. Ҳеч ким аллақайси бир кун ва аллақайси бир жойда истиқомат қилмайди; ҳеч ким ҳатто ўз чехраси ўлчамидан ҳам хабардор эмас. Уйғониш даврида инсоният ўзини вояга етган ҳисоблаб бу ҳақда Бруно, Кампанелла ва Бэконлар воситасида маълум қилган эди. XVII асрда эса уни кексалик туйғуси кўрқувга солди; инсоният ўзининг айни чорасизлигини оқлаш ниятида ибтидоий гуноҳ туфайли башариятнинг аста-секин ва муқаррар инқирозга юз тутиши борасидаги фаразни яна қайта ўртага ташлади («Ибтидо»нинг бешинчи бобида айтилишича, «Матушалоҳ умри тўққиз юз олтмиш тўққиз йил эди»; олтинчи бобга кўра эса «у замонлар ер юзида



рорлади («Борлиқ марказдан йўналган барча йўналишларда қуввати бир хил бўлган айланасимон доира кабидир»); Калоджеро билан Мондолфонинг таъкидлашича, Парменид адоқсиз доирани ёхуд муттасил кенгайиб борувчи доирани назарда тутган ва юқоридаги жумланинг ўзи ҳам бетиним ҳаракатда бўлган моҳиятга эгадир (Альбертелли. «Gli Eleati» – «Элеатлар», 48-бет). Парменид Италияда сабоқ берганди; унинг қазосидан бир неча йил ўтгач Сицилиянинг Агриженти шаҳридан бўлган Эмпедокл мураккаб космогония ўйлаб топди; унда тасвирланган бир босқичга кўра тупроқ, сув, ҳаво ва олов зарралари адоқсиз доира бўлиб бирлашади – «ўзининг шарсимон танҳолиги ичра хузур-ҳаловат топган думалоқ Сферос».

Жаҳон тарихи ўз йўлида давом этаётган, ўша Ксенофан дуоибазд қилган ҳаддан зиёд одамсиёҳ худолар шеърий тўқима ёхуд иблислар даражасига тушириб қўйилган эди, бироқ шу аснода Гермес Трисмегист саҳифаларида оламдаги барча нарса-ҳодисалар қайд этилган бир қанча китоб (бу ўринда фикрлар турлича – Искандариялик Клименсга кўра, китоблар сони 142 та эди; Ямвлихга кўра, 20000; Тот (Гермес) коҳинлари фараз қилишлари-ча, 36525 дона) ёздириб қолдиргани маълум бўлди. Ушбу хаёлий кутубхона бўлаклари III асрдан тўплана ёки қайта тўқиб чиқарила бошланди ва айни жилдларнинг бари «Corpus Hermeticum» («Герметик рисолалар тўплами») деб аталган девонни ташкил этади. Мазкур китобларнинг бирида, аниқроғи, «Асклепия»да (бу китобни ҳам Трисмегист номи билан боғлашади) фаранг уламози Аланус де Инсулис XII аср сўнгида бир жумлага дуч келди (ушбу жумла кейинги асарларда ҳам такрорланади): «Худо маркази ҳар жойда, четлари эса ҳеч қаерда бўлмаган ва тафаккур билан анланувчи доирадир». Суқротга қадар бўлган файласуфлар бу билан чексиз доирани назарда тутишади. Альбертелли (Арасту изидан бориб): «Бундай фикр юритиш

пахлавонлар яшарди»). Жон Донн «Оламнинг тузилиши» асари «Дастлабки сана» бобида ҳозирги одамларнинг афсонавий пакана мавжудотлар каби қисқа умр кўришлари ва майдалаша боришларидан қайғуга ботади; Жон Мильтон эса қахрамонлар жасоратини тараннум айловчи эпик услубга ҳожат қолмаслигидан ташвишланади. Гленвилнинг тахмин қилишича, «Худонинг ўхшаш ва шамоёйили» ҳисобланган Одам Ато коинот олислиги ва майда зарраларни ҳам кўра олиш қобилиятига эга эди; «Арасту Одам Атонинг олис парчасидан бошқа нарса эмас, Афина эса фирдавс қолдиқларидир», – деб жар солган Роберт Саутнинг мазкур хулосаси барчасини ортда қолдиради. Лукреций ўз мусаддасларида тараннум этган мутлақ макон ғояси, Бруно учун озодлик йўлини кўрсатган мутлақ макон ғояси ушбу сертахлика замонда Паскаль учун лабиринт ва тубсиз жаҳаннамга айланди. У адоқсиз Коинот қаршисида кўрқувга тушган кўйи Худога иймон келтирмоқчи бўлар, аммо, унинг назарида, Худо кўнгилга ғулу солувчи Коинотдан кўра мавҳумроқ эди. У фалакнинг безабон эканидан нолир ва инсонлар умрини кимсасиз оролда кема ҳалокатига йўлиққанлар қисматига ўхшатар эди. У моддий оламнинг чексиз зулмини, саросима, кўрқув, ёлғизликни муттасил ҳис этиб яшар ва бу туйғуларини қуйидагича изҳор қилган эди: «Табиат маркази ҳар жойда ва четлари ҳеч қаерда бўлган чексиз доирадир». Бруншвиц бу матнни шу ҳолича нашр этди, бироқ кўлёманинг ўчириб-тузатилган ўринлари қайта тикланган ва Турнёр амалга оширган нашрдан (Париж, 1941) шу нарса маълумки, Паскаль *effroyable* – «даҳшатга солувчи» деган сўзни ёза бошлаган эди: «Маркази ҳар жойда ва четлари ҳеч қаерда бўлган даҳшатга солувчи доира».

Шундай, бутунжаҳон тарихи атиги бир неча ташбеҳнинг турлича талаффуз этилиши тарихидан бошқа нарса эмасдир, эҳтимол.

## ЗОҲИР EL ZAHIR

Буэнос-Айресда йигирма сентаволик оддий танга зоҳир деб аталади. Мен қўлга киритган ўша тангада **N** ва **T** ҳарфлари ва **2** рақами остига қаламтарош билан чизиқ тортилган, олд томонида эса «1929 йил» белгиси бор эди. (Гужаратда XVIII аср охирларида қоплонни зоҳир деб аташган; Ява оролида – Суракарта масжидида яшаган ва диндорлар томонидан тошбўрон қилинган сўқир қаландар, Эронда Нодиршоҳ денгиз тубларига улоқтиришни амр этган устурлаб ҳамда Маҳдий зиндонида 1892 йили салла қатларида сақланган ва Рудольфо Карл фон Слатин ўз қўллари билан ушлаган қибланамо зоҳир эди; Зотенбергнинг айтишича, Кордова масжидининг бир минг икки юз мрамор устунларидан бирида намоён бўлган чизиқ, Тетуанадаги яҳудийлар даҳасида эса қудуқ туби зоҳир деб аталган.) Бугун ноябрнинг ўн учинчи санаси. Еттинчи июнь куни эрталаб менинг қўлимга зоҳир тушиб қолди. Содир бўлган ўша воқеа тафсилотларини элас-элас хотирлай ва сўзлай олсам-да, мен энди аввалги Борхес эмасман.

Олтинчи июнь куни Теодолина Вильяр қазо қилди. Бир пайтлар унинг суратлари ойномаларда бот-бот эълон қилинарди, бу суратларнинг барчаси ҳам маълум фаразни сўзсиз тасдиқламаса-да, матбуот саҳифаларидаги давомий ҳозирлик уни жозибатор аёл деб эътироф этишларига сабаб бўлгандир, эҳтимол. Умуман олганда, Теодолина Виль-

ярни латофат эмас, балки баркамоллик кўпроқ қизиқтирар эди. Яҳудий ва чинлар турмушнинг барча ҳолатларига доир қатъий қоидалар ишлаб чиқишган; шанба оқшомида тикувчи кўчага игна билан чиқмаслиги лозимлигидан бизни Мишна огоҳ этади; Урф-одатлар китобида айтилишича, меҳмон дастлабки қадаҳни жиддий қиёфа билан, кейингисини эса эҳтиром ва масрурлик билан кўтариши лозим. Теодолина Вильяр турли хил қоида ва маросимларга худди шундай ёки бундан ҳам қатъийроқ амал қилар, Конфуций ва ё Талмуд тарафдори янглиғ ҳар бир хатти-ҳаракатининг бенуқсон бўлишига интилар эди. У амал қилган мезонлар доимий эмас, балки Париж ёхуд Ҳолливуд инжиқликларига қарам эканини ўйлаб ҳам қўймас эди. Теодолина Вильяр керакли жойда, керакли вақтда айна вазият талаб этган барча зарур анжомлар билан ва, албатта, бу каби дабдабалардан чарчаган каби қиёфада ҳозир бўлар, аммо яқинда зарурат деб билинган айна шу қиёфа, анжомлар, белгиланган вақт ва жой тез орада урфдан чиқиши ҳамон буларнинг бари, Теодолина Вильяр назарида, ножўя феъл-атвор аломатларига айланарди. У худди Флобер янглиғ мутлақ мукаммалликни излар, аммо мукаммалликни ўткинчи нарсалар билан адаштирарди. У намоёишкорона намунали ҳаёт кечирса-да, ич-этини чорасизлик алами кемирар, шу боис гўё ўз-ўзидан қочиб қутулмоқ илинжида турли хил эврилишларга муккасидан кетарди – соч турмаклари ва рангини муттасил ўзгартиргани каби, табассум шакли, юзлар ранги ва кўз бичими ҳам бундай ислоҳлар қурбонига айланарди. 1932 йилдан эътиборан барча имкониятларини сафарбар этиб сезиларли равишда ориқлашга муваффақ бўлди... Бошланиб кетган жаҳон уруши уни кўп ташвишга қўйди – Париж немислар томонидан истило қилинган – бундай шароитда урфга қандай амал қилмоқ керак? Бир муҳожир (аслида, у муҳожирларга ҳеч вақт ишонмас эди) унинг ишончини суиистеъмол этиб бир

қанча шляпа харид қилишга ундади: бир йил ўтар-ўтмас бу матоҳлар Парижда ҳеч вақт урф бўлмагани, демак, биль-акс, кимнингдир бачкана инжиқлиги маҳсули эканлиги ойдинлашди. Кўргилик устига кўргилик – доктор Вильяр Араос кўчасига кўчиб ўтишга мажбур бўлди, кизининг суратлари эса энди атир-упа ва автоуловлар рекламасини (унинг ўзи энди кўп миқдорда фойдаланишга мажбур бўлган атир-упа ва бой берилган автолар рекламасини) безай бошлади. Суюкли юмуш билан машғулик кўп сар-моя талаб этишини фаҳмлаган Вильяр хоним энди узлатга чекинишни маъқул топди. Бу ҳолатда башанг ойимчалар билан тенглашишни ўзига эп кўрмади дейилса ҳам хато бўлмас. Аммо, таассуфки, Араос кўчасидаги файзсиз кулба қимматга тушди – олтинчи июнь куни Теодолина Вильяр хатога йўл қўйди – Жанубий даҳанинг қоқ марказида жон таслим қилди. Мен эсам бир вақтлар унга кўнгил қўйганим ва қазосидан хабар топгач кўз ёшларимни тия олмаганимни айтиб ўтирмайман – зийрак ўқувчи бу ҳақда аллақачон хабар топган бўлиши керак.

Мархумнинг чехраси ўлимидан сўнг бузилиш таъсирида аввалги ҳолатига қайтади – мени эсанкиратиб қўйган олтинчи июннинг ўша тунда Теодолина Вильяр баайни жодуланган каби йигирма йил аввалги қиёфасига эга бўлди; унинг қиёфаси такаббурлик ва навжувон одмилик қоришмасини намоён қилган аввалги салобатига қайтганди. Унинг айни шу синоатли суврати хотирамда мангу муҳрланиб қолди. Мен уни гулчамбарлар аро юзларида тош қотган аломатларни мукаммаллаштириш машғулотида холи қолдирдим. Ташқарига чиққанимда тунги соат иккилар чамаси эди, тасаввур қилганим каби, пастқам уйларнинг зимистон ва сукунат қўйнидаги лашкарига рўбару келдим. Чили ва Такуари кўчалари кесишган жойдаги қо-воқхона ҳамон очиқ эди. Бахтга қарши, ичкарида уч киши қарта ўйнаш билан машғул эди.

Оксиморон деб номланган лисоний шаклда муайян сўзга унинг асл маъносига тафовутда бўлган сифатлаш раво кўрилади ва бу билан недир забоний жумбоқ юзага келтирилади; худди шу каби гностиклар қоронғу шуъла ҳақида, алкимёгарлар эса қора қуёш ҳақида мулоҳаза юртишади. Теодолина Вильяр билан сўнгги бор видолашгач ушбу файзсиз қовоқхонада шароб ичиш мен учун ўзига хос оксиморон эди; қовоқхонанинг ҳаммабоплиги мени йўлдан оздирган, ёнгинамда қартабозлар борлиги эса ушбу тафовутни кучайтирар эди. Мен норинжли ароқ буюрдим; қайтимига эса зоҳир беришди; тангага бир қур разм солиб кўчага чиқдим. Иситмам кўтарила бошлаган эди. Мен кўҳна тарих ва афсоналар ичра ярқираб кўринаётган барча беҳисоб тангалар тимсолидан иборат бўлмаган бирорта танга мавжуд эмас ёки алоҳида олинган ҳар бир танга барча тангаларнинг ўзига хос тимсолидир деб хаёл қилдим. Мен Ахерўн соҳиби Харўн билан ҳисоб-китоб қилинган тангаларни, Белисариус сўраган ақчани; Иудага тақдим қилинган ўттиз кумуш тангани, суюқоёқ Лаис дирҳамларини, Эфесда уйқуда ётганларга таклиф этилган кўҳна тангаларни, «1001 кеча» эртақларидаги жодуланган тиллоларни, Исҳоқ Лакодумнинг адоқсиз динорини, тилла эмас, кумуш эканлигидан Фирдавсий шоҳга қайтариб берган ва олтмиш минг мисралик дoston учун аталган олтмиш минг тангани, Оҳаб кема елканига михлашни буюрган олтин унцияни; Леопольд Блумнинг бетакрор тилло флоринти ва тангада ўз чеҳраси нақш этилгани боис Варенна ёнида қочоқ Людовик XVI ни ошкор қилган луидорни эсга олдим. Тушларда бўлгани каби, ҳар қандай танга бу қадар мароқли изланишлар учун сабаб бўла олади деган фикр каминага фавқулodда муҳим туюлди. Мен кимсасиз кўчалар бўйлаб тез-тез одим ташларканман, ҳолдан тойиб, навбатдаги муюлишда тўхтадим. Йиллару одамлар таъсирида эгилган панжара, унинг ортида эса Биби Марям ибодатхонасига

кўзим тушди. Шунда мен яна айланиб-ўргилиб кўлимга зоҳир тутқазилган ўша қовоқхона қаршисида пайдо бўлганимни англадим.

Мен муюлишдан қайрилгач чироқлари ўчирилганидан дўкон ёпилганлигини билдим. Белграно кўчасида таксига ўтирдим. Ҳадеганда уйқу келавермас, ўзимни қарийб бахтиёр сезган ҳолда дунёда пулдан кўра номоддийроқ нарса йўқлиги ҳақида хаёл қилардим, зотан, ҳар қандай танга (масалан, йигирма сентаволик танга), аслида, келажакнинг турли кўринишлари йиғиндисидан иборат. Пул мавҳумдир дердим мен, пул келажакда содир бўладиган ҳаракатдир. Пул шаҳар ташқарисига саёҳат ва ё Брамс муסיқаси бўлиши, харита, шахмат доналари ёхуд бир пиёла қаҳва ҳамда Эпиктетнинг олтинга нафрат хусусидаги рисоласига айланиши мумкин. Пул Фарос оролидан чиққан Протейдан кўра ўзгарувчан илоҳдир. Пул ислом ёхуд ривожий-стойкларнинг бемехр даври эмас, балки Бергсоннинг тушуниксиз даври. Оламда бир-бирова билан боғлиқ бўлмаган ҳодисаларнинг мавжуд бўлишини, яъни ҳодисалар ўз ҳолича юз беришини детерминистлар инкор этишади, танга эса биз учун хоҳиш эркинлиги тимсолидир. (Мен ўшанда бу мулоҳазалар зоҳирга қарши атайин тўқиб чиқарилгани ва улар зоҳирнинг дастлабки иблисона таъсири эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.) Зўриқиб фикр юритишдан ҳориб уйқуга кетдим ва калхат кўриқлаётган тангаларга айланиб қолганимни туш кўрдим.

Эрталаб тургач маст эдим деб ўйладим. Мени шу қадар ташвишга қўйган тангадан қутулишга қарор қилгач уни кўздан кечира бошладим: пичоқ билан тирналган жойини айтмаса – оддий танга. Уни ерга кўмиб ташлаш ёки кутубхонанинг қаеригадир яшириш маъқулроқ эди, аммо мен уни бутунлай унутишни истардим. Ўша куни эрталаб Авлиё Пилар ибодатхонасига ҳам, қабристонга ҳам бормадим, балки метрода Конституция майдонига, ундан Сан-

Хуан ва Боэдога йўл олдим. Кўп ўйлаб ўтирмасдан Уркис бекатида тушиб қолгач ғарбга, сўнг жануб томонга юрдим; таваккал юриб бир неча муюлишни ортда қолдиргач бошқа барча кўчалардан фарқи йўқ туюлган аллақайси кўчада биринчи дуч келган дўконга кирдим, бир қадах шароб сўрадим ва зоҳирни узатдим. Атайин уй рақамлари ва кўча номларини кўрмасликка интилиб уйга қайтдим. Ҳалдори таъсирида бу кеча, ҳайтовур, хотиржам ухладим.

Июнь охирларига қадар фантастик ҳикоя ёзиш билан машғул бўлдим. Ҳикояда сирли алмаштиришлар бор: «қон» сўзи ўрнига – «шамшир суви», «олтин» ўрнига «илон тўшаги» дейилади ва ҳикоя биринчи шахс номидан юритилади. Ҳикоя қилувчи – тарки дунё қилган зоҳид, у саҳрода ёлғиз яшайди (бу жой Гнитхейдр дейилади). Пок ва камсуқум ҳаёт кечириши боис уни баъзилар фаришта деб атайди, бироқ бу тақводорларга хос муболағадир, илло, бегуноҳ одамлар мавжуд эмас. Масалан, у ҳам ўз падарини бўғизлаб ўлдирган. Тўғри, отаси битмас-туганмас хазиначиларни афсун ёрдамида қўлга киритган машҳур жодугар бўлган эди. Бизнинг зоҳид одамларнинг носоғлом баднафслигидан хазинани омон сақлашга бутун умрини бағишлади; у кечаю кундуз хазинани хушёр кўриқлар, аммо тез орада, жуда ҳам тез фурсат ичида унинг бедорлиги поёнига етади: юлдузлар уни маҳв этиши лозим бўлган шамшир тайёр бўлганлигидан огоҳ айладилар (ўша шамшир Грам дейилади). Зоҳид ўз танасининг чапдастлигию жилвакорлигини муттасил мадҳ этар, гоҳ тангачалари ҳақида мароқ билан сўзласа, гоҳо ўзи кўриқлаётган хазина шуълакор олтин ва лаъли тақинчоқларга лиммо-лим эканлигини ошкор қиларди. Биз ҳикоя сўнгида зоҳид, аслида, Фафнир исмли илон, у кулала бўлиб ётган хазина эса нибелунглар хазинаси эканлигини англаймиз. Сигурднинг пайдо бўлиши ҳикояга якун ясайди.

Айтдим, чоғи, мен мана шу бўлмағур нарса билан машғул бўлиб (мен бунга «Фафнисмал»дан олинган шеърни



ҳам олифталарча қўшиб қўйгандим) тангани эсдан чиқардим. Баъзан кечалари уни бутунлай ёддан чиқаришга қодирман деган ишонч пайдо бўлар ва шунда уни қайта хотирлашга ўзимни мажбур қилардим. Мен бу ишончни суиистеъмол қилгандим; ишни поёнига етказишдан кўра уни бошлаш осонроқ экан. Ушбу манфур ялтироқ танганинг худди шу каби бошқа тангалардан, қўлдан-қўлга ўтувчи худди ўзи каби бошқа тангалардан фарқи йўқ, тангалар беҳисоб бўлса-да, улар айнан бир хилдир ва улар кимгадир зарар етказишга қодир эмас деб ўзимни беҳуда овутардим. Шу каби мулоҳазалар қўрғонига яширинган кўйи мен ўзга бир танга ҳақида хаёл қилмоқчи бўлдим, аммо барчаси бе-кор. Эсимда, беш ва ўн Чили сентавоси ҳақида ўйлаш ҳам наф бермади, Уругвай песолари ҳақидаги хаёл ҳам менга тинчлик келтирмади. Ўн олтинчи куни фунт стерлинг со-тиб олдим ва куни бўйи унга эътибор қилмадим, кечаси билан (кейинги кечалар ҳам) электр ёруғлиги остида лупа ёрдамида фунтни тадқиқ қилиш билан овора бўлдим. Сўнг унинг тасвирини қоғозга туширдим. Бироқ фунтнинг на жилваси, на аждар ва на авлиё Георгийси зоҳир йўллаётган суллоҳ хаёллардан чалғишга кўмак бермас эди.

Август ойида руҳшуносга учрашишга қарор қилдим. Мени домига тортган ҳодисанинг барча тафсилотларини унга ошкор этиб ўтирмадим, фақат уйқусизлик азоб бераётгани ва муайян бир буюм, дейлик, жетон ёки танга ҳақидаги фикр хаёлимдан кетмаётганлигини айтдим. Сал кейинроқ Сармьенто кўчасида жойлашган китоб дўконида Юлиус Барлахнинг «Зоҳир ҳақидаги афсоналар тарихига оид шаҳодатлар» («Urkunden zur Geschichte der Zahirsage», Бреслау, 1899) рисоласини топиб олдим.

Китобда айнан менинг хасталигим изоҳлаб берилган эди. Сўзбошида айтилишича, муаллиф «ихчам ҳажмдаги айни шу жилд бағрида Зоҳид билан боғлиқ барча бидъатларга оид ҳужжатларни, шунингдек, Хабиخت архивидан

олинган тўрт шаҳодат ва Филипп Медоуз Тейлор маълумотининг асл қўлёзмасини жаъм қилиш»га бел боғлаганди. Зоҳир қудратига иймон келтириш ислом оламига мансубдир ва бу ишонч, маълумотларга қараганда, XVIII асрда вужудга келган. (Зотенберг Абулфидога тегишли деб ўйлаган бандларни Барлах инкор этади.) «Зоҳир» сўзи араб тилида «яққол», «кўриниб турган» маъноларини англатади ва айни шу маънолари билан Худонинг тўқсон тўққиз сифатларидан бири ҳисобланади; ислом тасарруфидаги ўлкаларда Зоҳир «хаёлдан чиқмаслик ва тасвири охиروқибат одамни ақлдан оздиришдек даҳшатли хусусиятга эга бўлган хилқат ёхуд буюмлар» қаторига қўйилади. Бу ҳақдаги дастлабки ишонарли гувоҳлик форслик Лутф Али Озурийга тегишлидир. Бу ношир ва дарвеш «Олов эҳроми» деб номланган қомус саҳифаларида ҳикоя қилишича, Шероздаги билим масканларининг бирида кумушдан ясалган устурлаб сақланар эди – «уни бир бор кўрган одам бошқа барча нарсани тамом унутар, шу боис шоҳ уни денгиз тубларига улоқтиришга амр этган эди, илло, одамлар ҳаргиз Фалакни унутмасинлар». Низом Ҳайдарободий қўл остида хизмат қилган ва «Қотил тазарруси» («Confessions of a Thug») номли машҳур роман муаллифи Медоуз Тейлор хабар қилган маълумотлар анча муфассалроқ. 1832 йили Тейлор Бахужа атрофидаги қишлоқларнинг бирида «У қоплон чехрасини кўрди» (Verily he has looked on the Tiger) деган ва кишининг тентаклиги ёхуд авлиёлигини англатувчи ғалати иборани эшитиб қолади. Унга тушунтириб беришларича, бу ибора билан фусункор қоплон назарда тутилган, унинг чехрасини ҳатто олисдан кўриш ҳам ўлим билан баробар, илло, бу кўйга тушганлар умрининг охирига қадар фақат у ҳақида ўйлашга маҳкум. Кимдир мана шундай бахтиқаролардан бири Мисор ўлкасига қочиб кетгани ва у ерда сарой деворларига қоплон суратини нақшлаганлиги ҳақида сўзлаб берди. Орадан йиллар

Ўтиб Тейлор ушбу мамлакат зиндонларини бориб кўрди; Нитур ҳокими унга бир қаландар томонидан саҳн, девор ва гумбазларида алланечук адоқсиз қоплон тасвирланган зиндонни кўрсатди. Бу жонзот ғаройиб тарзда бирикиб кетган беҳисоб қоплонлардан ташкил топган, танаси ҳам, йўл-йўл чизиқларию катта-кичик доғлари ҳам, ҳатто денгиз ва Ҳимолай ҳам, тоғ ортида кўзга ташланиб турган аскарӣ қўшин ҳам қоплонлардан иборат эди. Мусаввир кўп йиллар аввал мана шу бўлмада қазо қилган, Синд ёхуд Гужаратда таваллуд топган бу одамнинг бош аъмоли дунё харитасини чизиш бўлган эди. Ушбу олиймақом ният излари биз сўзлаган ҳайратомуз тасвирда яққол намоён эди. Тейлор бу воқеани Муҳаммад ал-Яманийга сўзлаб бергач, ўз навбатида, у ёруғ оламда Зоҳир қаршисида бўйин эгмаган хилқат мавжуд эмас, бироқ карами кенг Аллоҳ икки турли нарса бир вақтнинг ўзида Зоҳир бўлишига йўл қўймайди, илло, танҳо бир Зоҳиргина одамларнинг ўй-хаёлларини забт этишга қодир деб жавоб қилди. У дедикки, ҳар қачон фақат битта Зоҳир бўлган, жоҳилият даврида унинг номи Ёвуқ исмли санам эди, кейинроқ – қимматбаҳо тошлар қадалган чойшаб ва олтин ниқоб соҳиби – хуросонлик пайғамбар. У яна айтдики, Тангрини тафаккур билан англаб бўлмас.

Мен Барлах асарини кўп қайта ўқиб чиқдим. Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди, фақат мана булар ёдимда – охир-оқибат барибир ҳалок бўлишимни англагач, мени чорасизлик чулғаб олди, кулфатимнинг сабабчиси мен эмасман деган ўйдан хотиржам бўлсам-да, тангани эмас, балки бир парча мәрмартош ёхуд қоплонни Зоҳир деб ишонган одамларга ҳасад қилдим – илло, қоплон ҳақида истаган вақтда ўйламай қўйиш у қадар мушкул эмас деб фикрлардим. Қуйидаги сатрларни зўр хавотир билан ўқиб чиққаним ҳам ёдимда: ««Гулшани роз» рисоласи шарҳчиларидан бири айтадики, Зоҳирни кўрган одам тез орада

Атиргулни ҳам кўради ва бунинг исботи сифатида Атторминг «Асрорнома»сидан (Синоатлар китобидан) бир мисра келтиради: «Зоҳир – Атиргул кўланкаси ва самовий чойшаб кемтигидир».

Теодолина Вильяр тобутда ётган ўша тунда ҳозир бўлганлар орасида марҳуманинг синглиси – Абаскаль хонимни кўрмаганимдан ҳайрон бўлгандим. Октябрь кунларининг бирида эса унинг дугонасини учратиб қолдим.

– Эс-ҳушини йўқотиб қўйгач боёқиш Хулитани Босх шифохонасига ётқизишди, – деди у. – Ҳамшираларни ҳам қийнаб юборганмиш. Тўғри-да, кўринишидан дуппа-дуруст одамни гўдакдек парваришлаш осонми? Морена Сакман ҳайдовчисининг худди ўзи – аллақандай бир тангани сира кўлидан қўймайди.

Хотираларни хира торттиргувчи вақт, билъакс, зоҳир ҳақидаги ўйларни авж олдиради. Авваллари мен унинг олд ва орқа томонларини навбат билан кўрардим, энди эса танганинг ҳар иккала томонини хаёлан биратўла кўра оламан. Бу ҳолатни англаш учун зоҳирни шиша деб фараз қилиш шарт эмас. Менинг нигоҳим доирасимон экани ва унинг қоқ марказида зоҳир жойлашганини тасаввур қилсангиз кифоя. Зоҳир бўлмаган барча нарса, Теодолинанинг нафрат барқ уриб турган қиёфаси ҳам, вужуд оғриғи ҳам мен учун энди олис ва тушуниксиз туюлади.

Теннисон айтган эдики, мабодо биз лоақал биргина атиргулни тушуна олсак эди – шунда ўзимизни ҳам, бутун оламнинг рухсорини ҳам англай билар эдик. Эҳтимол, у ҳар қандай ҳодиса сабаб ва оқибатларнинг адоқсиз занжиридан иборат бутун олам тарихини ўзига жо қилгандир деб айтмоқчи бўлган, балки, Тангри иродаси ҳар бир шахсда тўла-тўқис намоён бўлгани каби (Шопенгауэр фикри), бутун олам ўзининг ҳар бир кўринишида тўла-тўқис намоён бўлади деб фикр қилгандир. Ҳар бир инсон бутун борлиқнинг рамзий кўзгуси бўлган мўъжаз коинот экан-

лигидан каббалистлар яхши хабардор эдилар. Теннисонга кўра, бошқа барча нарсалар ҳам, ҳатто мана шу тоқат қилиб бўлмас зоҳир ҳам кўзгу эди.

1948 йилга келиб мен ҳам Хулиянинг қисматига дучор бўларман. Ўшанда мени бир гўдак сингари парвариш қила бошлайдилар, ўшанда мен ташқарида тунми ёки эрта тонг ва Борхеснинг ўзи аслида ким – энди англамай қўяман. Бундай келажакни даҳшат деб аташ нотўғри бўлур эди, илло, ўшанда оламдаги ҳеч вақо мени ортиқ ташвишга солмай қўяди. Ўшанда ёруғ олам мен учун аҳамиятини йўқотади ва бутун олам камина учун Зоҳирга айланади. «Яшамоқ» ва «туш кўрмоқ» сўзлари айнан бир хил маънони англатишини уқтиради идеалистлар, худди шу каби, мен минглаб зоҳирийликдан ягона зоҳирийликка, ҳаддан зиёд мураккаб тушдан ўта содда тушга қадам қўяман. Бошқалар наздида, мен телба бўлиб кўринаман, ўзим эса ёлғиз Зоҳирни кўраман. Одамлар кечаю кундуз фақат Зоҳирни хаёл қиладиган замонлар келгач, қай бири – бу олам ёки Зоҳир – туш бўлади, қай бири эса – бу олам ёки Зоҳир – чин воқелик бўлади?

Сукунатга чўмган тун чоғлари мен ҳозирча кўчаларда сайр қила оламан. Мен тонг отгунга қадар Гарай майдонидаги оромкурсида ўтириб, «Асрорнома»дан жой олган «Зоҳир Атиргул кўланкаси ва Самовий чойшаб кемтигидир» деган жумла ҳақида хаёл сураман (хаёл суришга ҳаракат қиламан). Мен бу мулоҳазани қуйидаги маълумот билан тўлдираман: «Сўфийлар Тангри васлига етишиш йўлида ўз исмларини ёхуд Худонинг тўқсон тўққиз исмини улар ҳеч нарсани англамай қўйгунига қадар такрорлайверади-лар». Мен ҳам шу йўлдан боришни орзу қиламан. Эҳтимол, ихлос билан муттасил ўйлайвериб мен Зоҳирни охир-оқибат сарфлаб адо қиларман; эҳтимол, айнан мана шу танга ортида Худо яширин эканин биларман.

## ЯШИРИН МЎЪЖИЗА EL MILAGRO SECRETO

...Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди,  
сўнгра қайта тирилтирди.

У зот: «Қанча ётдинг?» – деди.

У: «Бир кун ва ё куннинг баъзисича ётдим», – деди.

(Қуръон, II, 259)

Прагада, Цельтнерграсседа яшовчи, тугалланмаган «Душманлар» драмаси ҳамда «Мангулик раддияси» – Якоб Бёмега билвосита таъсир этган Яхудо кўлёмалари ҳақидаги асар муаллифи Яромир Хладик 1939 йилнинг 14 мартига ўтар кечаси узоқ шахмат партиясини туш кўрди. Биринчилик учун икки шахматчи эмас, балки икки аслзода насаб кураш олиб борарди. Ўйин асрлар давом этди; соврин миқдорини энди ҳеч ким эслай олмас, бироқ, мишмишларга кўра, у жуда улкан, ҳатто беҳисоб эди. Шахмат доналари терилган тахта яширин минорага ўрнатилганди. Яромир (тушида) душман насаблардан бирининг тўнғич вакили экан. Соатлар жаранги ҳар бир юриш вақтини билдириб турар, туш кўраётган одам ўйин қоидалари ва тошлар вазифасини хотирлашга бенаф уриниб ёмғир остида саҳрода тентираб юрарди. Хладик уйғониб кетди. Ёмғир шовқини ва соатларнинг ваҳмли жаранги ғойиб бўлди. Кўчадан баъзида буйруқ сўзлари босиб кетувчи бир маромдаги гувиллаш овози эшитиларди. Тонг отмоқда, Учинчи рейхнинг зирҳли авангарди Прагага кирмоқда эди.

Хиёнаткор чақувдан сўнг ўн тўққизинчи куни кечқурун Яромирни ҳибсга олишди. Влтаванинг нариги соҳилидаги казармаларнинг хлор ҳиди анқиган хонасига жойлаштиришди. Кўрсатилган айбловлар инкор этиб бўлмас даражада эди: она томонидан Ярославски, томирларида яҳудий қони оқмоқда, Бёме ҳақидаги яҳудийпараст асар, Аншлюсга қарши сўнгги норозилик хатида унинг имзоси кўр тўкиб турибди. 1928 йили у Герман Барнсдорф нашриёти учун «Сефер Йецира»ни таржима қилган. Тижорат мақсадидаги реклама рўйхати мутаржим шухратини ёйиб юборди. Гестапочи Юлиус Роте кўлига худди шу рўйхат тушиб қолди. Бирор кимса йўқки, касб доирасидан ташқари лақма бўлмаса. Жимжимадор готик ҳарфларда чоп этилган баландпарвоз тақриз Юлиус Ротени Хладик катта иқтидор соҳиби эканига ишонтириш ва бошқалар учун ўрнак тарзида, *pour encourager les autres*, айбланувчини ўлимга ҳукм этиш учун кифоя қилди. Қатл вақти йигирма тўққизинчи куни эрталабки соат тўққизга белгиланди. Бу кечиктириш (унинг муҳимлигини ўқувчи сўнгроқ билиб олади) маъмурий маромга тақлид ҳамда сайёра ва набототга нисбатан холисликка интилишдан келиб чиққан эди. Хладик аввал даҳшатнигина ҳис этди, хаёл қилдики, сиртмоқ, бўғилиш, бошдан айрилиш уни кўрқитмас эди, балки, аммо отиб ўлдирилиш тоқат қилиб бўлмас туюларди.

Ўлимнинг муайян ҳолатлари эмас, балки ўлимнинг айнан ўзи кўрқинчлидир дея Хладик ўзини беҳуда ишонтирарди. У мана шу ҳолатларни адоғига етказишга бенафумид боғлаб уларни муттасил кўз олдига келтирар, тонголди уйқусизлигидан хаёлий милтиқлар гумбурига қадар бўлган бутун масофани ҳисобсиз маротаба хаёлан босиб ўтарди. У Юлиус Роте белгилаган муддатга довур шакл ва бурчаклари, ҳатто геометрияни ҳам ҳолдан тойдирар ҳовлиларда юзлаб ўлимлар билан ўлар, баъзан узоқдан, баъзан эса шундоққина қаршисида туриб ҳар сафар тур-

ли сипоҳилар унга ўқ узишар, сипоҳилар сони ҳам турлича бўларди. Тасаввурдаги бу қатлларни Хладик росмана кўрқув билан (балки, чинакам матонат билан) қарши олар, ҳар бир хаёлот бир неча сония давом этарди. Доира тора-йиб борар ва Яромир титраб-қақшаганча ўлими арафасига қайтар эди. Сўнгра воқелик олдиндан ҳис этилган нарсаларни оқламайди деб ўйлади ва тескари мантикқа амал қилиб, агар барча тафсилотлар хаёлга келтирилса, улар рўёбга чиқмайди дея хулоса ясади.

Мазкур ғариб афсунга бўйсуниб амалга ошмаслиги учун Хладик турли даҳшатлар ўйлаб чиқара бошлади ва, табиийки, буларнинг барчаси башорат бўлиб чиқди.

Кечалари бу бахтиқаро оёқлари остидан сирғалиб кетаётган (йигирма тўққизинчи куннинг тонги томон муттасил талпинаётган) вақт моҳиятида амал-тақал туриб қолишга уринарди. «Ҳозир йигирма иккинчига ўтар кечаси, – овоз чиқариб хаёл сурарди у, – бу тун (ва кейинги олти тун ҳам) давом этар экан, мен қўл етмас ва мангуман». Тушлар – бу тубларига чўмиш мумкин бўлган зим-зиё денгиз эканини кашф этди. Гоҳо энди у ўз қатлини бетоқат кута бошларди. Йигирма саккизинчи куни сўнгги кунботарнинг охирги нурлари баланд панжараларда жилва қилаётган маҳал «Душманлар» пьесаси ёдига тушиб, таҳқирловчи фикрлардан чалғиди.

Хладикнинг ёши қирқдан ўтган, озгина дўстлари ва кўнраб одатларини ҳисобга олмаса, унинг ҳаёти адабиёт билан мужмал тарзда шуғулланишдан иборат эди. У бошқаларга асарларига кўра баҳо берар, бироқ ўзи ҳақида кўнрабдаги ниятларига кўра фикр юритишларини истар эди. Шу вақтга қадар ёзган китобларидан қоникмас, Бёме, Ибн Изро ва Фладда ҳақидаги асарларида атиги биргина иштиёқни кўрар, «Сефер Йецира» таржимасини эса палапартишлик ва ноаниқликлар қоришмаси деб биларди. Фақат «Мангулик раддияси»га нисбатан илтифотлироқ эди:



унинг дастлабки жилдида Пармениднинг абадий ва ўзгармас борлиғидан тортиб Хинтоннинг тусланувчи ўтмишига қадар бўлган турли мангулик таълимотлари тарихи кузатишган. Иккинчи китобда эса Френсис Бредлидан кейин оламнинг барча воқеаларини вақт билан ўлчаш мумкин қабилдаги қараш инкор этилган ҳамда инсоният тажрибасининг бир-биридан фарқли йўллари миқдори адоқсиз эмас, вақт алдов эканини англаш учун биргина «такрорланиш»нинг ўзи кифоялиги исбот қилинганди... Бироқ, афсуски, айни алдовнинг далил-исботлари-да сохтароқ эди. Хладик уларни аллақандай жирканиш ва ўнғайсизлик билан эсларди. Яна у бир туркум экспрессионистик шеърлар ҳам битди ва, таассуфлар бўлсинки, улар 1924 йили антологияларидан бирига киритилган ва ҳар бир шеър аввалгисини албатта қайта тикларди. Нафсиламрини айтганда, Хладик мана шу туссиз ўтмишидан биргина «Душманлар»ни – шеърый драмани қолдиришни истарди.

Драмада уч бирликка амал қилинганди: воқеалар бўлиб ўтган жой – Градчанлар, барон Ремерштадт кутубхонаси, вақти – XIX аср сўнгидаги оқшомларнинг бири. Биринчи сахнада қасрга нотаниш одам ташриф буюради (соатлар етти марта бонг уради, қуёшнинг сўнгги дарғазаб нурлари ойналарни алангалантиради, шамол эса ўйноқи мажор куйининг таниш оҳангларини келтиради). Яна бир неча киши етиб келади; барон бу баъдга урувчи меҳмонлар ким эканини билмайди, бироқ уларни аввал ҳам, чамаси, тушларида, кўргандек таҳликага тушади. Ҳамма унга муттасил хушомад қилар, аммо тобора – аввал томошабинларга – улар баронни ҳалок этишга аҳд қилган махфий душман эканлари ойдинлаша боради. Ремерштадт уларнинг мураккаб фитнасини пароканда айлаб, масхара қилади. Бароннинг қаллиғи – Юлия де Вейденау ва бир вақтлар ўз кўнгил изҳорлари билан уни хуноб этган аллақандай Ярослав Кубин ҳақида сўз очилади. Тушунили-

шича, бу зот ўзини барон Ремерштадт деб хаёл қилади... Хавф-хатар ва таҳлика кучайиб боради. Иккинчи парда сўнгида барон фитначилардан бирини ўлдиришга мажбур бўлади. Учинчи, якунловчи, парда бошланади. Маънисиз тафовутлар кўпайгандан-кўпаяди; ўйиндан чиққан персонажлар яна пайдо бўлади: масалан, Ремерштадт ўлдирган одам яна қайтиб келади. Айримлар вақт тўхтаб қолганини сезади: соат ҳамон етти, ойналарда ботаётган қуёшнинг сўнги нурлари, ўйноқи мажор мусиқаси эшитилади. Биринчи меҳмон пайдо бўлиб, биринчи парданинг биринчи сахнасида айтган сўзларини такрорлайди. Барон унга таажжубланмай жавоб қилади. Томошабин барон жаноблари бахтиқаро Ярослав Кубиннинг айнан ўзи эканини фаҳмлайди. Ҳеч қандай фожиа юз бергани йўқ – буларнинг барчаси Кубин муттасил асири бўлган алаҳсираш гирдобидан бошқа нарса эмас эди.

Бу трагикомедия бекорчи ишмиди ёхуд дурдона, тасодифлар йиғиндисими ёки ўзаро узвий боғланган воқеалар тизими эдими деб Хладик ҳеч вақт ўзини сўроққа тутиб кўрмаганди. «Драма қурилишида нуқсонларни яшириб, фазилатлари билан порлаб кетувчи топқирликкина эмас, шунингдек, бу ерда тимсоллар воситасида ҳаётдаги энг муҳим нарсани кўрсатишга интилиш ҳам бор эди». Хладик биринчи пардани ва учинчи парданинг бир қисмини ёзиб тамомлади; шеърый шакл сатрларни хотирада қайта тиклаб, қўлёзма кўз ўнгида бўлмаса-да, матнни ҳис этишига имкон берарди. Хладик яқинда ўлишини ўйлади, яна икки парда етишмасди. Шунда у зимистон ичра Худога нола айлади: «Агар мен хатоларинг ва такрорларингдан бири бўлмасам, агар чиндан ҳам бор бўлсам, фақат «Душманлар» муаллифи тариқасидагина мавжудман, холос. Менинг ва Сенинг исботингга айлангувчи драмани якунлашим, якунлай олишим учун яна бир йил сўрайман. Эй Сен, вақт ва мангулик хоқони, шу бир йилни бергин менга!» Энг

сўнги ва энг даҳшатли кеча бошланди, бироқ ўн дақиқа ўтар-ўтмас зим-зиё денгиз каби туш уни забтига олди.

Тонгга яқин у Клементинум кутубхонаси йўлаклариди кезиб юрганини туш кўрди. Қора кўзойнакли китоблар оғаси: «Нима излаяпсан?» – деб сўради ундан. «Худони», – жавоб қилди Хладик. Кутубхоначи айтди: «Худо кутубхонанинг тўрт юз минг китобидан бирининг саҳифаларидан биридаги ҳарфлардан бирига яширинган. Менинг оталарим, оталаримнинг оталари ҳам шу ҳарфни излашган эди; мен ҳам уни қидириб сўқир бўлдим». У кўзойнагини олди ва Хладик ўлик кўзларни кўрди. Аллақандай муштарий атласни қайтариш учун кирди. «Бу атлас бефойда», – деди у ва Хладикка тутқазди. Хладик таваккал қилиб атласни очдию Ҳиндистон харитасини кўрди. Бир ишонч билан, оёқлари остидан замин сирғалиб кетаётганини туйиб, митти ҳарфлардан бирига бармоғини қўйди. Шу маҳал овоз янгради: «Ишлашинг учун вақт берилди». Худди шу жойда Хладик уйғониб кетди.

У тушлар инсонга фалакдан юборилишини эслади. Маймониднинг тасдиқлашича, агар тушдаги сўзлар аниқ ва равшан бўлса, гапираётган кимса кўринмаса, демак, Худо сўзлаётир. Хладик кийиниб бўлгач, камерага икки сипоҳи кирди ва ортларидан юришини буюрди.

Хладик эшик ортида йўлақлар, зинапоя ва хоналар лабиринти бўлса керак деб тахмин қилганди. Воқелик эса анча одми бўлиб чиқди – улар темир зиналардан юриб ҳовлига тушишди. Баъзилари, тугмалари бўшатирилган мундирдаги сипоҳилар, мотоцикл атрофида қуймаланиб бири-бирига сўз қотишарди. Сержант соатига қаради – саккизу қирқ тўрт. Тўққизга қадар кутиш лозим эди. Хладик ўзини бахтиқародан кўра ортиқча сезиб, девор остидаги саржинга чўкди. Сипоҳилар ундан кўзларини олиб қочаётганини сизди. Кутиш оғир кечмаслигини ўйлабми, сержант унга папирос узатди. Хладик чекмасди, аммо илтифотга жаво-

бан ёхуд тақдирга тан берибми, папиросни олди. Чекаётиб бармоқлари титраётганини кўрди. Осмонни булут қоплади. Қаршиларида марҳум ётган каби сипоҳилар оҳиста шивирлашар, бу орада эса Хладик ўзи Юлия Вейденау тимсолида тасвирлаган аёлни эслашга беҳуда уринарди.

Сипоҳилар саф тортди. Хладик казарма девори ёнида турганча милтиқлар гумбурини кутарди. Қон деворни булғашни мумкинлиги кимнидир безовта қилди – маҳкумга берироқ келиш буюрилди. Бемаъни бўлса-да, бу ҳол Хладикка сураткашнинг суратга олишдан аввалги куймаланишини эслатди. Чаккасига оғиргина ёмғир томчиси тушди, лунжи бўйлаб пастга оқиб туша бошлади. Сержант отишга буйруқ берди.

Шу дам дунё ҳаракатсиз қотди. Милтиқлар Хладикка йўналтирилган, бироқ уни ўлдиришлари керак бўлган одамлар қимир этмасди. Сержантнинг қўли тугалланмаган ишорада тош қотди. Учиб ўтаётган асалари сояси тош йўлак узра муаллақ қолган, баайни суратдаги каби шамол ҳам тек қотган эди. Хладик қичқирмоқчи, шивирламоқчи, қўлларини қимирлатмоқчи бўлди – фалаж эканини англади. Серрайиб қолган дунёдан бирор садо келмасди. У: «Мен ўлдим, мен дўзахдаман», – деб ўйлади. Кейин: «Мен ақлдан оздим». Кейин: «Вақт тўхтаб қолди». Сўнг агар вақт тўхтаган бўлса, фикрлари ҳам тўхташи кераклигини фаҳмлади. Аниқламоқчи бўлиб, (лабини қимирлатмасдан) Вергилийдан бир неча сатрларни такрорлади. Ҳов анави сипоҳилар ҳам шундай ҳолатдами? Ўзларидан сўрагиси келди. Ажабо, чарчоқ ёзилган, узоқ ҳаракатсизликдан сўнг боши ҳам айланмасди. Бир муддат ўтгач ухлаб қолди. Уйғонгач эса оламини яна ўша ҳаракатсиз ва сокин ҳолатда кўрди. Лунжида ўша томчи, йўлак узра асалари сояси, ўзи ташлаган папирос тутуни ҳамон тарқалиб битмаган.

Хладик драмани ёзиб тугатиш учун Худодан бир йил тилаган эди – соҳиби қудрат мана шу йилни унга инъом ай-

лади. Буни тушуниб етгунича орадан яна «бир кун» ўтди. Тангри яширин мўъжиза содир этди: немис ўқи уни белгиланган муддатда ўлдиради, аммо отишга берилган буйруқ билан ижро орасида унинг шуурида бутун бир йил ўтади. Хладик саросимадан таажжубга ўтди, таажжубдан итоатга, итоатдан кейин туйқус миннатдор бўлди. У фақат ўз хотирасига ишониши мумкин эди – ҳофиза тирқишларидан сизиб чиқаётган шеърий сатрларни шу оннинг ўзида эслаб қолар экан, бу қобилияти тасодифий сатрларни топиб, шу дам яна ёддан чиқарувчи кимсалар хаёл қилмаган қатъийликни туйиш бахтини ҳадя этарди унга.

Хладик авлодлар учун ҳам, ҳатто адабий иштиёқи қандайлиги номаълум Худо учун ҳам меҳнат қилмаётган эди. Ҳаракатсиз, ўз ичига яширинган ҳолда кунт билан кўринмас, аммо мукаммал лабиринт барпо айларди у. Учинчи пардани икки бора қайтадан «ёзиб чиқди», ўта очиқ рамз – соатлар жаранги ва мусиқани улоқтирди. Ҳеч нарса унга халал бермас, кераксиз сўзлардан воз кечар, қисқартирар, кенгайтирарди. Ҳовли ва казарма унга хуш ёқа бошлади; сипоҳилардан бирининг юзи Ремерштадт феъл-атвори ҳақидаги тасаввурини ўзгартирди. Флоберни ташвишга солган ўша ноуйғун товушлар йиғиндиси талаффуз этилган эмас, балки ёзилган сўзларнинг нуқсон ва заифликлари эканини аниқлади... У драмани яқунлади. Фақат биргина сифатлаш камлик қилаётган эди. Топди. Томчи лунжи бўйлаб оқа кетди. Хладик чинқириб юборди, бошини силтади, тўртта ўқ уни ерга кулатди.

Яромир Хладик йигирма тўққизинчи март куни эрта-лабки соат тўққиздан икки дақиқа ўтганда ўлди.

## КОЛРИЖ ТУШИ EL SUEÑO DE COLERIDGE

Инглиз шоири Сэмюэл Тэйлор Колриж 1797 йил ёз кунларининг бирида ғаройиб оҳангли ва қатъий қофияга солинган «Қубла Хон» («Хубилой Хон») достонининг эллик мисрадан иборат парчасини туш кўрди. Эсдаликларида ёзишича, у ўша вақтлар Эксмур атрофидаги уйида ёлғиз яшар ва хасталиги боис кўкнор ичишга мажбур бўлган эди; у шу алпозда Пэрчэс қаламига мансуб Қубла Хон ҳақидаги асарни, Марко Поло Ғарб ўлкалари узра шавқатини тараннум этган ҳукмдор ҳақидаги асарни мутолаа қилишга тутинди; Қубла Хоннинг сарой барпо этиши ҳақида сўз борган жойга етгач мудроқ уни ўз забтига олди. Тасодифан ўқиб қолинган асар Колриж тушида бўйи ва энига ўса бошлади: ухлаётган одам турфа манзаралар, ҳатто мана шу манзараларни ифодаловчи сўзлар шодасини кўнгил кўзи билан кўриб турарди; бир неча соатдан сўнг у қарийб уч юз мисрадан иборат достон яратдим ёхуд қабул қилиб олдим деган ишонч билан уйғонди. Айни мисраларни ҳайратомуз аниқлик билан хотирлар экан, ўз асарларидан жой олган ўша машхур парчани қоғозга туширишга улгурди. Кутилмаган ташриф ишдан чалғитгач, қолган мисралар ёдидан кўтарилди. «Ҳайрат ва алам ичра англадимки, – деб ҳикоя қилади Колриж, – мен тушимнинг умумий манзарасини ҳамон кўриб турсам-да, саккиз-ўн мисрадан бошқа барча сатрлар дарё юзасидаги ҳалқачалар янглиғ ғойиб бўлган, таассуфки, уларни қайта тиклаш-

нинг имкони йўқ эди». Суинберн унут бўлишдан сақлаб қолинган мисралар инглиз тили мусиқасининг ажойиб намунаси эканини сизди ва бу сатрларни таҳлил қила олган киши (давомида Жон Китсдан олинган ташбеҳ) ранглар жилосини кашф эта олгайдир. Асосий фазилати мусиқий оҳангдан иборат бўлган дostonларни бошқа тилга ўгириш ёхуд уларни баён айлашга ҳар қандай уриниш беҳуда чиранишдан бошқа нарса эмас ва бу ҳаракатларнинг нафидан кўра зарари кўпроқдир. Шу боис Колрижга, шаксиз, ажойиб мисралар инъом этилган дейиш билан чекланамиз.

Тарих бу каби ғаройиб ҳодисаларнинг яна бир қанчасига гувоҳ. Хэвлок Эллис ўзининг «Тушлар олами» («The World of Dreams») бадиасида бастакор ва ғижжакчи Джузеппе Тартини билан кечган воқеани ҳикоя қилади. Унга кўра, бастакор тушида Иблиснинг гўзал бир соната ижро этишига гувоҳ бўлади; Тартини уйғонгани ҳамон «Иблис нағмалари» («Trillo del Diavolo») номи билан доврўқ қозонган асарини дунёга келтиради. Роберт Люис Стивенсон бошидан кечирган воқеа тафаккурнинг ихтиёрсиз фаолиятига яна бир ёрқин мисолдир. Ўзининг «Тушлар ҳақида мулоҳазалар» («Chapter on Dreams») асарида маълум қилишича, у бир сафар «Олаля» матнига эга бўлади, 1884 йили кўрилган туш эса «Жекил ва Хайд» сюжетини ҳада этади. Тартини уйқудан тургач тушда тингланган (ҳис этилган) мусиқани қайта тиклашга интилди; Стивенсон эса асар сюжетини, яъни умумий манзарасини тушнинг ўзида қўлга киритди. Кэдмон исмли бахши кўрган туш Колриж тушига бирмунча яқин туради. Мухтарам ҳазрат Бэданинг маълум қилишича, («Англизлар насронийлик тарихи» («Historia ecclesiastica gentis Anglorum», IV, 24) бу воқеа VII аср сўнгида мутаассиб ва жангарилар Англиясида содир бўлган. Кэдмон ёши бир жойга бориб қолган оддий чўпон эди; кўшиқ куйлашга мажбур этишларини пайқаган Кэдмон бир гал байрамдан жуфтакни ростлага-

ни ҳам рост. Отхонада отлар даврасида пинакка кетишга чоғланган маҳал кимдир унинг исмини айтиб чақирди ва куйлашга амр этди. Кэдмон куйлай олмаслигини айтди, аммо буйруқ такрор янгради: «Яратилиш ибтидоси ҳақида куйла». Шунда бахши аввал ўзи ҳеч эшитмаган мисраларни баралла куйлай бошлади. Уйғонгач эса хотирига муҳрланган кўшиқни роҳибларга қайта айтиб берди. У барибир савод чиқара олмади, аммо роҳиблар Муқаддас Битик маталларини ҳикоя қилишлари ҳамон «у баайни иқтидорли шогирд янглиғ воқеаларни пухта ўзлаштириб, уларни кулоққа ёқимли ғазалга айлантирар, шу тариқа олам ва одам яралиши, Ибтидо ва Бани Исроил фарзандлари ҳижрати воқеаларини, уларнинг ваъда қилинган заминга қадам кўйишлари ва эврилишлару эҳтиросларни, Халоскорнинг қайта тирилиб самога меърож қилиши, Муқаддас Рух ташрифи ва ҳаворийлар ҳадисларини, шунингдек, қиёмат ва жаҳаннам азоби даҳшатларини, жаннатий роҳат-фароғат ҳамда Тангри марҳамати ва қаҳрли жазоларини тараннум айлади». У англизларнинг илк руҳоний шоири эди. «Унга ҳеч ким бас келмагай, – дейди муҳтарам Бэда, – илло, у бандалар эмас, билъакс, Тангридан сабоқ олгандир». Орадан йиллар ўтиб Кэдмон ўзининг қазо фурсатини башорат қилди. У валинеъмат билан дийдор кўришган деган умиддамиз.

Бир қарашда, Колриж воқеаси Кэдмон воқеасидан кўра ғариб туюлиши мумкин. «Қубла Хон» – ажойиб гўзаллик намунаси, Кэдмон туш кўрган тўққиз мисрадан иборат марсиянинг эса тушда бино бўлганидан бошқа фазилати йўқ, бироқ, гап шундаки, ҳар икки воқеа юз берган вақтда Колриж шаклланиб бўлган шоир, Кэдмон эса эндигина истеъдоди очилаётган бахши эди. Шунингдек, «Қубла Хон»ни бунёд этган тушнинг мўъжизакор синоатини бундан-да беқиёс даражага олиб чиқишга қодир ҳолат мавжуд. Агар далиллар адаштираётган бўлса, Колриж кўрган туш тари-



хи шоирнинг ўзидан бир неча аср аввал бошланган ва у ҳали адоғига етган эмас.

Шоир бу тушни 1797 йили кўрган (баъзилар 1798 йил деб ҳисоблайди), у ҳақдаги хабарни эса дostonнинг тугалланмагани изоҳи сифатида 1816 йили эълон қилди. Орадан йигирма йил ўтгач Парижда (Ғарбда илк бор) XIV аср форс муаррихи Рашидиддин қаламига мансуб «Воқеалар мухтасар баёни» таржимаси айрим парчалар тарзида нашр этилди. Ушбу асар саҳифаларидан бирида шундай жумла бор: «Ксамдудан шарқ томонда Қубла Хон тушида кўриб, ёдида сақлаб қолган лойиҳа асосида сарой барпо қилди». Қубла Хон авлодидан бўлган ҳукмдор Ҳасан Маҳмуднинг вазири бу ҳақда ёзиб қолдирган.

Мўғул ҳукмдори XIII асрда саройни туш кўради ва шунга мувофиқ уни чиндан ҳам барпо этади; мазкур иморат тушдан бунёд бўлганидан мутлақо беҳабар инглиз шоири XVIII асрда ушбу сарой латофатини тараннум айлаган дostonни туш кўради. Агар ухлаб ётган одамлар қалбига таъсир ўтказишга қодир ҳамда қитъалар ва замонларни забтига олган ушбу бақамтилик муқаддас китобларда тасвирланган самога меърожлар, қайта тирилиш ва башоратлар билан қиёсланадиган бўлса, фикримча, кейингилари ҳеч вақога арзимамайди.

Айни воқеага қандай изоҳ раво кўрилади? Ҳар қандай ғайриоддийликни аввалдан инкор этувчилар (мен ўзимни ҳамини мазкур давра вакили ҳисоблардим), баъзан булутлар қоплон ёхуд отлар шамойилини олгани каби, бу икки туш воқеаси ҳам тасодифлар ўйинидан бошқа нарса эмас дейишлари тайин. Бошқа бировлар эса шоир, афтидан, мўғул ҳукмдори саройни тушида кўрганидан воқиф эди ва «мен ҳам дostonни тушда кўрдим» қабилида хабар тарқатган ҳамда бу билан дostonнинг нотугаллиги ва мисралар сакталигини изоҳламоқчи бўлган дея тахмин қиладилар. Бу фараз ҳақиқатга яқинроқ, аммо у бизни ҳеч бир асоссиз

хитойшуносларга номаълум бўлган ва гўёки Колриж Кубла Хон кўрган туш ҳақида 1816 йилга қадар ўқишга улгурган матннинг мавжудлигини тахмин қилишга ундайди. Ғайришуурий фаразлар бундан кўра жозибадорроқ. Масалан, мрамму маъдандан кўра мустаҳкам ва боқий сўзлар кўмагида шоир ўша саройни қайта тиклаши ҳаққи хоқон руҳи Колриж қалбини ишғол этган дея тасаввур қилишимиз мумкин.

Дастлабки туш саройни ҳаётга татбиқ этди, беш асрдан сўнг кўрилган иккинчи туш эса сарой кўнгилга солган достонни (ёхуд достон муқаддимасини) юзага чиқарди; тушларнинг ўхшашлиги ортида аллақандай оламшумул режа яширин, айна шу икки туш оралигида кечган улкан вақт эса ушбу режа ижрочиси ғайриоддий хилқат эканидан далолат беради. Ушбу мангу зотнинг асл ниятини англашга интилиш беҳуда чиранишдан бошқа нарса эмас, аммо биз у зот ўз режасини амалга оширганига шубҳа билдиришга ҳақлимиз. 1691 йили Исо масиҳ жамияти аъзоси ҳазрат Жербийон Кубла Хон саройидан фақат харобалар қолганини аниқлади; достондан эса атиги эллик мисра сақланган. Ушбу далиллар асосида йиллар ва интилишлар шажараси мақсадига эриша олмаганини тахмин қилиш мумкин. Биринчи одам тушида саройни кўрди ва уни чиндан барпо айлади; биринчи одам тушидан беҳабар бошқа одам сарой ҳақидаги достонни туш кўрди. Агар ушбу режа тўғри бўлса, келажак асрлар қаърида яширин аллақайси бир окшом чоғи «Кубла Хон» достони мутолааси билан машғул кимдир биров ҳайкал ёхуд мусиқани туш кўради. Бу одам бир замонлар яшаб ўтган икки нотаниш одам тушларидан беҳабар бўлади. Эҳтимол, бу каби тушлар силсиласи адоқсиз давом этажак ва тушлар синоатига йўл очгучи калит энг сўнгги тушда яширин бўлса, эҳтимол.

Ушбу сатрларни ёзиб бўлгач мен тасодифан бошқа бир изоҳга эътибор қаратдим. Эҳтимол, одамларга ҳали номаъ-

лум бир архетип, аллақандай адоқсиз мангу вужуд (Уайтхед атамаси), кўҳна ғоя аста-секин, аммо беомон тарзда дунёмизни ишғол этмоқда; унинг илк аломати сарой эди, иккинчиси эса дoston. Агар кимдир биров бу икки ҳодисани ўзаро қиёсламоқчи бўлса, улар моҳиятан айний эканига ишонч ҳосил қилиши тайин.

## ХАРОБА ДОИРАЛАРИ LAS RUINAS CIRCULARES

*Мабодо у сизни тушларида  
кўрмай қўйса-чи?*  
«Кўзгуорти мамлакатада», VI

Беюлдуз тунда у қандай қирғоққа яқинлашганини, ўша муқаддас гўшанинг ботқоғига ботиб сузган бамбук қайиқни ҳеч ким билмади, ҳеч ким кўрмади. Бироқ уч кун ўтгач бу тунд кимса жанубдан келгани ва унинг ватани дарёнинг юқори қисмидаги тоғлар ёнбағрида сочилиб ётган, ҳали мохов касаллиги қутурмаган қишлоқларнинг бири эканлиги, у ернинг одамлари эса юнонча сўзлар билан булғанмаган зардуштий лаҳжада сўзлашишлари маълум бўлди. Яна шу нарса аниқ – келгинди мўйсафид лабларини лойга теккизиб, баданига ботаётган тошларни ўрнидан қўзғатмай (чамаси, уларни ҳис қилмасдан) қирғоққа чиқиб олди ва қонга беланиб-чайқалган кўйи қачонлардир олов рангида бўлган, энди эса кул рангига эш йўлбарс ё отнинг тош ҳайкалидан тож кийдирилган доирасимон ялангликка базўр етиб борди. Қадим ёнғинлар куйдириб кул қилган ва худосига одамлар ортиқ сиғинмай қўйган бу гўша аввал ибодатхона бўлган эди. Ажнабий кимса тош ҳайкал пойига чўзилиб, зумда уйқуга кетди. Эрталабки қуёш нурлари уни уйғотгач, ажабланмасдан кўрдикки, яралар изсиз битиб кетибди, у туссиз кўзларини юмди ва яна (ҳорғинлик сабаб эмас, балки ўз

хошиш-иродаси билан) уйқуга чўмди. Енгиб бўлмас истак уни чорлаган гўша мана шу ибодатхона эканлиги, дарёнинг қуйи қисмида жойлашган – ёндирилган ва ўлик худолари бўлган бошқа бир ибодатхона харобаларини баднафс дарахтлар ҳали исканжага олиб улгурмаганлиги ҳам унга маълум эди. Ва унга аён асосий вазифаси шу эди – ухлаш ва тушлар кўриш. Бироқ тун ярмида аллақандай ҳасратли қуш қичқириғидан уйғониб кетди. Оёқ излари, сочилиб ётган хурмолар, сув тўла кўза унга маълум айладиларки, атрофдаги қишлоқ одамлари уйқусини бузмай уни томоша қилган, балки, ундан паноҳ сўрашган ва ёки унинг афсунидан қўрқишган эди. Туйқус унинг ўзи кўрқувдан жунжикиб кетди, нураган девор ораларидан токча-дахма излаб топди ва кириш жойини номаълум дарахт барглари билан тўсиб, ичкарига беркинди.

Уни бу ерга бошлаб келган истак ҳар қанча ғайриоддий туюлмасин, бажариб бўлмас эмасди. У кейинроқ ёруғ дунёга олиб кириш учун тушида одамни кўришга, бус-бутун ҳолича, барча тафсилотлари билан кўришга азм қилган эди. Фусункор ният унинг бутун вужудини чулғаб олди. Шу ҳолида ундан кимдир исминг нима, аввал қай касб-кор билан машғул бўлгансан деб сўраса, тайинли жавоб бериши маҳол эди. Жонзот-жондорлардан холи бу ибодатхона унга маъқул тушди. Илло, бу гўша воқеъ оламнинг мўъжаз бўлаги бўлиб туюлар, дарахт кесувчилар ҳам халал беришмас, балки унинг одми эҳтиёжларини қондириб туришар эди. Улар келтириб турган гуручу мевалар якка-ёлғиз ташвиши ухлаш ва тушлар кўриш бўлган вужудини тўқ тутиш учун кифоя эди.

Тушларда даставвал тартибсизлик ҳукмрон эди. Кейинроқ уларда маъно ҳам, мантиқ ҳам пайдо бўлди. Келгинди ўзини ёнғиндан омон қолган ибодатхонага ўхшаш айлана амфитеатр марказида кўрди. Чехралари тунд толиблар издиҳоми курсиларни тўлдирган, орқадагилари унга за-

монлар қаъридан ва коинот юксаклигидан тикилишар, шундай бўлса-да, юзларини аниқ кўриш мумкин эди. Ўртадаги кимса жонзотларнинг тузилиши, коинот тавсифи ва афсун илмидан уларга маъруза ўқирди. Ўқувчилар маърузани диққат билан тинглаб, саволларга фаросат билан жавоб қайтаришга тиришишарди. Одам туш ва ўнгида ўзи кўрган шарпаларнинг жавобларига баҳо берар, ёлгон билан чалғитишларига йўл қўймас, баъзиларининг хижолат бўлишларида тафаккур тадрижини кўрарди. У ёруғ дунёга олиб киришга арзигулик жонни излашда давом этарди.

У қарийб ўн кечадан сўнг дилхун бўлиб ишондики, барча ўғитларини сўзсиз қабул қилаётган толибларга кўз тикиш бефойда, аммо гоҳи замон асосли эътироз билдиришга журъат этаётганларига умид боғласа бўлади. Меҳр қўйишга лойиқ биринчи тоифадагилари ҳеч қачон шахс даражасига кўтарила олмайди; кейингилари эса бирмунча умид уйғотади.

Бир кун оқшом (энди оқшомлар ҳам унга тушлар ҳадя этар ва у тонг олдидан бирмунча фурсатгина бедор бўлар эди) сон-саноксиз шаффоф талабаларни тарқатиб юборди. Фақат нозик ва озғин юзлари билан уни ўз тушларида яратган кимсани эсга солувчи ғамгин-маъюс, гоҳида эса ўжар йигитни қолдирди. Йигит бирдан ғойиб бўлган биродарларига узоқ қайғуриб ўтирмади. Унинг бир неча машғулотлардан кейинги ютуқлари мураббийларни ҳам лол айлаши тайин эди. Фалокат эса яқинлашиб қолганди.

Бир маҳал балчиқ сингари оғир ва ёпишқоқ мудроқдан сўнг тонг таъқиб остига олган нимқоронғиликка назар солди ҳамда ухлай олмаганини тушунди. Шу кеча ва кейинги кун давомида уйқусизликнинг тоқат қилиб бўлмас равшанлигидан азоб чекди. Ўзини ҳолдан тойдириб, ёввойи селвада дайдиб юрди. Бу ҳам наф бермагач, гиёҳлар дамламасидан ичиб, зерикарли ва бесамар туш парчаларига лиммо-лим мудроқ қўйнига чўмди. У ўз талабаларини

яна йиғмоқчи бўлди, бироқ ўғитларини ниҳоялаб улгурмасидан сомелар бирин-кетин ғойиб бўлишди. Беомон уйқусизлик мўйсафидни ғазаб ва надомат дарёсига улоқтирди.

Олиймақом ва қуйи тартиб синоатлари англаб етилган бўлса-да, туш сингари шаффоф матодан нимадир яратмоқ энг оғир меҳнат эканлиги, қум доналаридан арқон эшиш ёки шамолга чехра нақш этишдан ҳам машаққатлироқ эканлиги, дастлабки нияти эса охир-оқибат ҳалокатга маҳкум эканлигини тушунди. Уни дастлаб йўлдан оздирган улкан рўёни хотирдан улоқтиришга қарор қилди ва яратишнинг ўзгача, янги усулига мурожаат этди. Ишга уннашдан аввал бир ойдан ортиқ вақт давомида хомхаёлларга сарфланган қувватини қайта тиклади. У зўрма-зўраки уйқуга уринишни бас қилди, шу боис тезда мудроққа кетди, керагича ухлади. У ора-сира кўрадиган тушларини ёдида сақламасликка интилар, хайрли юмушни яна қайта бошлай олиши учун ой тўлишини кутарди.

Бир куни оқшом дарёда ғусл қилиб бўлгач самовий маъбудларга гулчамбар тақиб, соҳиби қудратнинг маҳобатли исмини қироат айлади ва яна мудроқ кўйнига чўмди. Деярли шу заҳоти уриб турган бир юракни туш кўрди.

У анор рангли муштдай юракни бежинс ва берухсор вужуднинг шарпаси аро титраган, қайноқ, синоатли ҳолида кўрди. Ўн тўрт ойдин кеча давомида иштиёқ ва меҳр билан уни узлуксиз хаёл қилди. Кечалар кечган сайин юрак янада аниқроқ, равшанроқ кўринар, унга асло тегинмас, балки ҳозирча кузатар, нигоҳи билан сайқал берарди. У айни юракни ҳис қилар, гоҳ яқин, гоҳ олисдан унинг ҳаёти билан яшарди. Ўн бешинчи кеча бармоғи билан ўпканинг қизил қон томирини белгилади, юракни бутунлай – ички ва ташқи томонидан ҳошиялаб чиқди. Бу ишидан мамнун бўлди. Келгуси кеча атай ухламади. Сўнг сайёралардан бири исмини такрорлаган кўйи яна юрак билан машғул бўлди ва бошқа аъзоларни ҳам хаёл қила бошлади.

Яратишнинг биринчи йили адоғида устухон ва қабоқларга қадар етиб борди. Қалин сочларни яратиш мушкул кечди. У тушларида бус-бутун одамни, навқирон йигитни яратди, бироқ у ўрнидан турмас, сўзламас, кўзларини оча олмас эди. Бирин-кетин кечалар кечар, аммо у йигитни ҳамон ухлоқ ҳолда кўрарди.

Машойихлар айтадиларки, Тангри даставвал охир-оқибат оёққа тура олмаган қизил танли Одам Атони лойдан яратди. Афсун кечалари тушларда яратилган бу Одам Ато ҳам худди ўшаниси каби бесўнақай, қўпол ва оддий-одми эди. Бир куни афсунгар ўзининг ижод маҳсулини кунпая-кун қилишига бир баҳя қолди, аммо вақтида ўзини қўлга олди. Илҳом ҳадя этишларини сўраб еру кўкка қилган нолалари жавобсиз қолгач, йўлбарс ёхуд отнинг пойига йиқилиб мадад сўрай бошлади. Ўша оқшом унинг тушига ҳайкал кирди. Ҳайкал жонли ва титроқ бўлса-да, от ва ё йўлбарснинг важоҳатли насли бўлиб туюлмас, балки оловдан яралган бу икки маҳлуқ бир вақтнинг ўзида яхлит ҳолда, яна буқа, момоқалдироқ ва атиргул тарзида гавдаланар эди. Кўп тусли Худо унга заминий исмини аён қилди – Олов. Дедики, бу доирасимон ибодатхонада (бошқа худди шу кабиларда ҳам) унга – Оловга сиғинишар ва қурбонлик келтиришар эди. Яна айтдики, тушларда кўрилган шарпага у сеҳрли тарзда жон ато қилади ҳамда Олов ва яратувчидан (туш кўрувчидан) бошқа ҳамма бу шарпани оддий одам санай бошлайди. Фақат шундай талаб қўйилди – навқирон йигит барча удумларни англаб етгани ҳамон харобалари дарёнинг қуйи қисмидаги бошқа бир вайрона ибодатхонага бориб, ўша овлоқ гўшада олов илоҳини мадҳ этсин. Ва, мана, туш кўраётган кимсанинг тушида шарпа уйғонди ва яшай бошлади.

Афсунгар талабни бажарди. У навқирон йигитга олам қонуниятларини англатиш ва Оловга хизмат қилишни ўргатиш учун анча вақт (қарийб икки йил) сарфлади. У



йигитчага аллақачон меҳр қўйиб улгурган, ундан ажралишни сира истамас эди. Билимининг ҳали етарли эмаслигини рўкач қилиб ҳар куни кечроқ уйғонадиган бўлди. Йигитнинг бироз нобоп туюлган ўнг елкасини қайтадан яратди. Гоҳи замон буларнинг барчаси қачонлардир бўлган эди деган туйғу унга тинчлик бермасди... Умуман олганда, у бахтиёр дамларни бошидан кечираётган эди. Шундай пайтларда кўзларини юмиб: «Энди мен ҳамини фарзандим билан биргаман», – деб хаёл қиларди. Ёки бундан ҳам мароқлироғи: «Ўзим бунёд этган фарзандим мени кутаётир, мабодо олдига бормасам, у ғойиб бўлади».

Афсунгар аста-секинлик билан уни чин дунёга ўргатиб борарди. Бир сафар унга олис тоғлар чўққисига ялов тикиб келишни буюрди. Эртасигаёқ айтилган жойда ялов хилпираб турарди. У йигитчага янада жиддийроқ вазифаларни топшира бошлади. Ва дилда алам билан тушундики, фарзанди дунёга келишга тайёр – кутилган фурсат етган эди. Ўша кеч илк бора ўғлининг манглайдан ўпди ва уни харобалари дарёнинг қуйи қисмида, зим-зиё ўрмон ҳамда ботқоқлик ортида оқариб кўринган бошқа бир ибодатхона томон отланганди. Аввалроқ афсунгар уни ўзининг асл табиатини англамаслиги ва ҳамма қатори оддий одам эканига шубҳаланмаслиги учун таҳсил даврини унутишга мажбур қилди.

Яратувчининг зафар нашидаси ва ҳузур-ҳаловати изтироб белгиларидан бегона эмас эди. Оқшом чоғи ва субҳи содиқ палла у тош ҳайкал пойига юзтубан қулаганча ибодат қилар экан, унинг тушларда яралган фарзанди ўша – дарёнинг қуйи қисмидаги бошқа бир харобада эш маросимларни адо этаётганини тасаввур қиларди. У кечалари ухламас ёки бошқа одамлар каби ухлар эди. У энди оламнинг ранг ва товушларини анча ёмон илғар, жўнаб кетган фарзанди ундан қувват олиб юрагини ҳоритарди. Ҳаётидаги асосий мақсадига эришгач энди у аллақандай

масрур ҳушсизлик ичра яшарди. Унинг тарихини ҳикоя қилувчилардан баъзилари йиллар билан, бошқалари эса бешйилликлар билан ҳисоблашни афзал билган палланинг сўнгида ярим тун қайиқда сузиб келган эшкакчилар афсунгарни уйғотиб юборишди. Унга оёқлари куймасдан оловни топтай оладиган, ибодатхонанинг шимолий харобаларида яшовчи фусункор одам ҳақида сўзлаб беришди. Афсунгар дарҳол Тангри сўзларини эслади. Унинг фарзанди бор-йўғи шарпа эканлиги ер юзидаги махлуқлар орасида биргина Оловга маълумлигини эслади. Бу ўй дастлаб унга таскин берди, бироқ тез орада азоблай бошлади. Бундай ғайриоддий қобилият фарзандини ҳайратга солиши, охир-оқибат у ўзининг бор-йўғи бир шарпа эканлигини англаб етишидан афсунгар кўрқарди. Одам эмас, балки бошқа бир нотаниш одам тушининг маҳсули... Нақадар хўрлик, нақадар аянчли қисмат. Ахир, ҳар қандай ота учун туйғулар ғулғуласи ёки бахтиёрлик завқи оқибатида туғилган (ҳаётга олиб чиқилган) фарзанд азиз ва суюкли-ку. Минг бир синоатли кечада бошдан-оёқ – ҳар бир белгисига қадар ўзи хаёл қилиб яратган фарзандининг келажаги, табиийки, афсунгарни таҳликага солиб қўйган эди.

Туйқус унинг мулоҳазалари поёнига етди – бунгача бир қанча воқеалар бўлиб ўтди. Аввал (узоқ қурғоқчиликдан сўнг) олис тоғлар узра қушдай парқу булут қалқиб чиқди; кейин жануб осмони ҳам қоплон милклари янглиғ алвон рангга бўялди; сўнгра қушлар ва махлуқларнинг саросимали қочқини. Ва юз йиллар аввал содир бўлган нарса яна такрорланди. Олов тангрисининг эҳроми олов туфайли харобага айланарди. Бир кун – қушларидан айрилган субҳидам чоғи афсунгар доира кетидан доира бўлиб эҳром деворларига олов яқинлашаётганини кўрди. Дарёдан нажот топмоқчи бўлди, бироқ ўлим унинг улуғ ёшига хотима ясаб, барча ташвишлардан халос этмак учун ташриф буюрганлигини англаб бу фикридан қайтди. Ва у ёнғинга

пешвоз чиқди. Бироқ олов тиллари унинг вужудини заб-  
тига олмади, билъакс, эркалаб ялаб-юлқади, ювиб-таради,  
аммо куйдириб кул қилмади. Ва енгил тортиб, хўрлик ала-  
ми билан даҳшат ичра англаб етдики, унинг ўзи ҳам ким-  
дир биров ўз тушларида кўраётган шарпа эди, холос.

## ТАНГРИ БИТИКЛАРИ LA ESCRITURA DEL DIOS

*Эма Риссо Платерога бағишланади*

Тош зиндон чуқурдир; ичкари томондан осмонга қадар чўзилган ярим паллага ўхшаш бу зиндон харсангтошлар ётқизилган тубига томон торайиб борганлигидан бир вақтнинг ўзида ҳам дилгир, ҳам бепоён туюлади. Ярим палланинг ўртасидан девор ўтган; у жуда баланд бўлса-да, гумбазнинг юқори қисмига довур барибир етиб бормаган; деворнинг бир томонини мен – Педро де Альварадо куйдириб кул қилган Кахолома эҳромининг коҳини Тсинакан, иккинчи томонини эса қафасининг макон ва вақтини бир маромда, кўз илгамас қадамлар билан ўлчаётган қоплон забт этган. Ўртамиздаги девор тубидан панжарали туйнук очилган. Кўланкалар чекинган маҳал (чошгоҳда) зиндон қопқаси кўтарилиб, замонлар кечган сайин рухсорини йўқотган назоратчи арқон боғланган сопол кўзаларда бизга сув ва гўшт бўлаклари туширади. Шунда зиндон ёришади ва мен қоплонни кўра оламан.

Зимистонда кечган йилларимнинг ҳисобидан адашдим; қачонлардир мен навқирон бўлгандим ва мана шу тош хужра бўйлаб сайр қила олардим, энди эса жасадим ерпарчин ва шу алпозимда худолар ҳозирлаган заволимни кутишгина қоляпти, холос. Қачонлардир мен узун чакмоқтош пичоқ билан қурбонликка келтирилган одамлар кўк-

сини ёрардим, энди эса зиндоннинг чанг-тўзон ялла қурган тубидан афсун ёрдамисиз тура олмайман.

Эҳром ёндирилишидан олдин баланд бўйли отлардан тушган одамлар хазина қаердалигини билиш мақсадида лаққа чўғ темир билан мени қийноққа солдилар. Кўз ўнгимда Тангри ҳайкали оёқости қилинди, аммо У мендан юз ўгирмади ва қийноқ маҳали сукут сақлашимга кўмак берди. Мени саваладилар, дўппосладилар, мажруҳ қилдилар ва энди ҳеч қачон чиқиб кета олмас бўлганим – мана шу зиндонда ҳушимга қайтдим.

Нимадир қилиш лозимлигини сезиб, вақтни бекор ўтказмаслик учун зимистонда узала тушган кўйи қачонлардир ўзим билган нарсаларни қайта тиклай бошладим. Мен тош илонларнинг жойлашуви ва миқдорини ёки шифобахш дарахтлар хусусиятларини эслашга уриниб тунларни ўтказардим. Шу кўйи йилларни қувғин қилиб, ўзимга тегишли билимлар хоқони бўлишга яна қайта эришдим. Бир куни оқшом кўнглимни сел қилар хотирага яқинлашиб қолганимни сездим: ҳали денгизни кўрмаган бўлсада, унинг чайқалишини қон томирларида туйган сайёҳ ҳолига тушгандим. Анчадан сўнг хотира тиниклашди: бу Тангри билан боғлиқ ривоятларнинг бири эди. У замонлар охирида кўп фалокат ва кулфатлар юз беришини билиб, яралишнинг биринчи куниёқ мана шу барча фалокатларни бартараф эта оладиган фусункор битикни муҳрлаб қўйганди. Бу жумла замон ва маконлар бағрида шу қадар пинҳонлигидан энг олис авлодларга қадар етиб бора олар ва ҳеч бир тасодиф уни сидириб ташлай билмасди. У бу жумлани қаерга ва қай йўсинда битган – ҳеч ким билмайди, аммо биз у қаердадир пинҳон эканига ва фурсат етгач қайсидир бир омади чопган одам уни ўқий олишига шубҳа қилмаймиз. Шунда мен биз ҳар доимгидек замонлар охирида турибмиз ва менинг қисматим – Роббимнинг сўнгги хизматкори қисмати – мана шу ёзувни англай олишимга

имкон берар, балки, дея хаёл қилдим. Зим-зиё зиндонда бўлсам-да, умидим сўнмагани; эҳтимол, мен бу ёзувларни Кахоломада минглаб маротаба кўргандирман, аммо уларни тушуна олмаганман.

Дастлаб кўнглимни тоғ қилган бу ўй энди мени эсанкиратиб қўйди. Бугун ер юзида ўчмас ва мангу шакллар мавжуд; уларнинг ҳар бири изланаётган тимсол бўла олади. Тоғ ёки дарё, салтанат ё юлдуз буржлари Тангри каломи бўлиб чиқиши мумкин. Аммо вақт ўтиши билан тоғлар кукунга айланади, дарёлар ўзанини ўзгартиради, салтанатлар эса беқарорлик ва фалокатлар ботқоғига ботади, юлдузлар сурати ҳам муқим эмас. Ҳатто фалак-да ўзгаришлар илмидан сабоқ олган. Тоғ ва юлдуз асл моҳиятига кўра шахсдир, ўз навбатида, шахс бунёд бўлади, йўқликка юз тутаяди. Ва шунда мен барқарор ва заифлик денгизига чўммаган матоҳ излашга тушдим – бошоқли ўсимликлар, кўкатлар, қушлар ва одамларнинг наслари ҳақида ўй сурар бўлдим. Балки, ўша фусункор жумла менинг чехрамга битилгандир ва ўзим саргардонликларимнинг асл сабабчисидирман. Шу онда Тангри сифатларидан бири қоплон эканини эсладим.

Қалбимни лаззатли қувонч чулғаб олди. Мен барча замонларнинг илк тонгини, бу нома қиёмат остонасида турган энг сўнгги одамларга қадар етиб бориши учун ғорларда, чакалакзор ва оролларда узлуксиз кўпаяр бўлган қоплонлар терисига ўз мактубини муҳрлаётган Илоҳимни хаёл қилдим. Мен мана шу мушуклар шажарасини, каломнинг дахлсизлиги ҳаққи, далалар ва подаларга даҳшат солувчи мана шу улкан мушуклар лабиринтини тасаввур қилдим. Ёнгинамда қоплон бор эди; шу ёнма-ёнликда мен тахминим тасдиғи ва Тангрининг яширин марҳаматини кўрдим.

Мен қоплон терисидаги доғларнинг шакл ва ўрнини ўргана кўп йилларни шом қилдим. Ҳар бир сўқир кун бир

тишлам нур ҳады этар, шунда мен малларанг терига битилган сиёхранг ёзувларни хотирамга муҳрлай олардим. Уларнинг айримлари алоҳида нуқталари билан ажралиб турар, бошқалари кўндаланг чизикларга туташиб кетган, учинчи бир хиллари – ҳалқасимонлари эса муттасил такрорланарди. Афтидан, охиргилари бир хил бўғин ёки битта сўз эди. Буларнинг аксари қизғиш гардиш билан ўралганди.

Юмушимнинг нақадар мушкуллиги ҳақида гапириб ўтирмайман. Гоҳи замон мен деворларнинг қулоқларига азон айтиб, бу битикларни ўқий олиш инсон боласининг чекига тушмаган дея ҳайқирардим. Тобора жузъий жумбоқ мени умумий жумбоқдан кўра камроқ ўйга толдира бошлади: Тангри ёзиб қўйган ҳикматнинг боиси не?

«Қандай ҳикмат, – дея ўзимни сўроққа тутардим, – мутлақ ҳақиқатни ўз жисмига жо айлаган?» Менинг хулосам шундай эди – инсонлар тилида борлиқни бутунича акс эттирмас бирорта ҳам сўз йўқ, «қоплон» дейиш – бу уни дунёга келтирган бошқа қоплонларни, у ов қилиб кун кечирадиган кийикларни, кийиклар озикланадиган кўкатларни, кўкатлар волидаси бўлган заминни, заминни бунёд қилган осмонни эслаш дегани. Ва мен тушундим, ўзаро бир-бирини тақозо этувчи бу битмас-туганмас садоларни Тангри тилида ҳар қандай сўз яширин эмас, очикдан-очик, навбат билан эмас, балки биратўла англатади. Борган сайин менга илоҳий ҳикмат тушунчасининг ўзи гўдакларга хос оддий-одми ва шаккоклик бўлиб туюла бошлади. «Худо, – дердим мен, – бутун бошли борлиқни ўзида жо қилган битта дона сўз айтиши лозим эди. Унинг илоҳий лабларидан учиб чиққан ҳар бир товуш бутун борлиқ ёки, жилла қурса, замонларнинг бутун бирлигидан кўра заифроқ эмас. Одамларнинг «ҳамма», «олам», «борлиқ» каби ғариб ва баландпарвоз сўзлари – бу бутун бошли тилларга ва шу тиллар изоҳлайдиган бутун-жами матоҳларга тенг бўлган ягона товушнинг бор-йўғи кўланка ҳамда муқоясасидир».

Бир кун оқшом (ва ё кундуз) – менинг кундуз ва кечаларим ўртасида қандай фарқ бўлиши мумкин? – зиндоним сатҳида қум донаси пайдо бўлганини туш кўрдим. Бунга эътибор қилмасдан яна мудроқ кўйнига чўмдим. Навбатдаги тушда уйғониб, қум донаси иккитага кўпайганини туш кўрдим. Мен тагин уйқута кетдим – қум донаси учтага кўпайганди. Улар бутун зиндонни тўлдириб юборгунча шу тақлид тинимсиз кўпайиб борарди ва мен қумтепа остида бўғила бошладим. Мен ухлашда давом этаётганимни англагач жон ҳолатда чираниб уйғонишга ҳаракат қилдим. Аммо бу уйғонишимдан наф бўлмади: қумтепаликлар аввалгидек мени янчиб турарди. Ва шу чоқ кимдир биров сўз сўзлади: «Сен бедор бўлиш учун эмас, балки аввалги тушингга уйғондинг. Бу туш эса, ўз навбатида, бошқасининг бағрига жойлангандир ва шу тариқа қум доналарининг миқдорига баробар чексизликка қадар. Сен танлаган йўлнинг адоғи йўқдир ва сен чинакамига уйғонишингдан анча аввал ҳалок бўласан».

Мен ҳаёт билан видолашаётганимни тушундим. Оғзим тўла қум бўлса-да, қичқира олдим: «Тушларда кўрилган қум мени ўлдиролмайди, тушлардан туғилган тушлар мавжуд эмас!» Юзимга қўнган бир тутам шуъладан уйғониб кетдим. Зимистон оғзида ёп-ёруғ доира пайдо бўлганди. Мен назоратчининг юз ва қўлларини, чиғир ва арқонни, гўшт ва сопол кўзани кўрдим.

Одам аста-секин ўз қисматининг қиёфасини ўзлаштириб боради, ўз вазият-ҳолатлари билан бирикиб кетади. Мен башоратгўй ва қасоскор ҳамда Тангримнинг қоҳини эдим, аммо, айни пайтда, даставвал, тутқунман. Узоқ айрилиқдан сўнг ҳориб-чарчаган сайёҳ уйига ошиққани сингари, мен ҳам тушларнинг баднафс лабиринтидан зиндонимга қайтгандим. Мен совуқ зиндонга, қоплон ва мени ёруғ дунёдан айри қилган қопқага, заиф вужудим ҳамда теграмдаги зимзиё зимистон ва бу тошларга шукроналар айтдим.



Ва шунда ҳеч қачон ёдимдан чиқмас ва сўз билан ифодалаб бера олмас бўлганим воқеа юз берди. Мен Худо ва бутун коинот билан (агар бу икки исм бир хил тушунчани ифодаламаса) бирикиб кетдим. Бу завқни тимсоллар воқитасида ифода қилиб бўлмас; кимдир Тангрини ёруғлик шуъласида, яна биров шамширда, учинчи бир кимса эса атиргулнинг ҳалқасимон гулбаргларида кўра олиши мумкин. Мен эсам аллақандай улугвор Чархпалакни кўрдим; у менинг қаршимда, у менинг ортимда ва ё у менинг ёнгинамда эмас, балки биратўла ва бир вақтнинг ўзида ҳаммаёқда эди. Чархпалакни олов чулғаганди, Чархпалак сув уфураётганди, мен гардишини кўриб турсам-да, аммо у чексиз эди. Унда ҳамма нарса – содир бўлган, айна пайтда рўй бераётган ва келгусида воқеъ бўлгучи ҳамма нарса чагишиб кетганди; мен бу матонинг бир толаси эдим, менинг кушандам Педро де Альварадо эса бошқа бир тола. Барча сабаб ва оқибатлар Чархпалакда эди, ҳамма нарсани, барча-жами чексизликни англашим учун унга бир бора разм солишим кифоя эди. Ў, англаб етиш лаззати, сен тасаввур лаззати ва туйғулардан-да улугсан. Мен бутун коинотни кўрдим ва унинг ботиний ниятларини англаб етдим. Мен Маслаҳатлар китобида ёзилган Замонлар остонасини кўрдим. Мен сувлардан қад кўтараётган тоғларни, вужудлари оғоч бўлган дастлабки одамларни, уларни қувғинга олган тош идишларни, бу одамларнинг юзларини ғажийётган кўппакларни кўрдим. Худолар ортида турган берухсор Худони кўрдим. Ягона роҳат-фароғат бўлиб бирлашаётган беҳисоб фаолиятларни кўрдим ва ҳамма-ҳаммасини тушунгач қоллон терисидаги битик маъносини ҳам англадим.

Бу жумла эса ўзаро боғланмаган (ёки менга шундай туюлганди) ўн тўртта сўздан иборат ҳикмат эди. Чексиз қудрат соҳибига менгашим учун уни баралла айтишим кифоя эди. Бу тош зиндон ғойиб бўлиши учун, тунимга кундуз бостириб кириши учун, навқиронлигим кафтим-

га кўниши учун, қоплон Альварадони бурдалаб ташлаши учун, испанларнинг кўксига муқаддас ханжар қадалиши учун, эҳром вайроналардан қад кўтариши ва салтанат қайта бунёд бўлиши учун мана шу жумлани баралла айтишим кифоя эди. Қирқта бўгин, ўн тўртта сўз ва мен, Тсинакан, бир маҳаллар Моктесума ҳукм сурган ерларга ҳоким бўлман. Аммо мен бу сўзларни ҳеч қачон тилга олмаслигимни ҳам биламан, илло, ўшанда Тсинакан унут бўлади.

Қоплонларнинг териларига муҳрланган бу тилсим ўзим билан гўрга кирсин. Кимки бутун-жами коинотни кўрган бўлса, кимки борлиқнинг оташин ниятларини англаб етган бўлса, инсон ҳақида, унинг ғариб қувонч ва қайғулари ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Ҳатто унинг ўзи айна шу одам эса-да – тўғрироғи, айна шу одам бўлган эса-да – бу муаммо уни ортиқ қизиқтирмайди. Унинг учун ўша бошқа одамнинг аҳамияти йўқ, унинг учун ўша бошқа одам қайси қавмга тегишли эканининг аҳамияти йўқ – ахир, унинг ўзи энди Ҳеч кимга айланди. Мана нима учун мен ҳикматни ошкор қилмаяпман, мана нима учун зим-зиё зимистонда узала тушган кўйи куну тунларимни еб битирияпман.

**БОБИЛ КУТУБХОНАСИ**  
**LA BIBLIOTECA DE BABEL**

*Бу санъат йигирма уч ҳарфнинг турли  
бирикмаларидан иборат адоқсиз  
манзараларни намоён қилгай.*  
**«Дилгирлик тавсифи» («The Anatomy of  
Melancholy»), 2-бўлим, II, IV**

Коинот (айримлар уни Кутубхона деб атайди) атрофлари ихотали ҳаво қудуқлари билан жиҳозланган олтиёқлама бўлмаларнинг улкан, эҳтимол, адоқсиз миқдоридан иборатдир. Исталган бўлмадан қаралса, юқори ва қуйида худди шу каби бошқа қаватлар кўзга ташланади, ўз навбатида, улар ҳам тармоқланиб, шу тариқа чексизликка «қадар» давом этади. Бундаги жиҳозлар ҳам бир-бирига эш: тўрт девор бўйлаб йўналган токчаларнинг умумий миқдори йигирмадир, китобдор бўйи баробаридаги қолган икки деворга токча раво кўрилмаган. Токчалардан холи деворларнинг биридан худди шунга ўхшаш бошқа бўлмага олиб ўтадиган йўлак очилган. Йўлакнинг ўнг ва сўлида икки мўъжаз хона бор – бирида тик оёқда туриб мизғиш мумкин бўлса, бошқаси ҳожатларни ҳосил қилишга мўлжалланган. Бундан нарида эса юқори ва қуйига томон чўзилган айлана пиллапоя олисларда кўздан ғойиб бўлади. Ҳар нарсани ўзида акслантираётган йўлак адоғидаги кўзгу Кутубхона адоқсиз эмаслиги ҳақидаги фикрларга етаклайди (Кутубхона чиндан адоқсиз экан,

бу алдовларга не ҳожат, ахир?), аммо мен кўзгуларнинг силлиқ юзалари адоғи йўқ чексизлик ифодаси эканини биламан... Деворларга ўрнатилиб, одамлар фонус деб ном берган биллур мевалардан атрофга муттасил сокин нурлар таралади.

Ҳамма қатори ёшлигимда мен ҳам саёҳат қилардим. Китоблар истагидаги бу жаҳонгашталик, эҳтимолки, Кутубхонадаги барча китобларнинг мукаммал рўйхатлари қайд этилган танҳо Рўйхатни қўлга киритиш илинжидаги бу саёҳатлар у замонлар муқаддас бир маросим, илоҳийлик сифатларига эш бир ҳижрат каби эди. Энди эса кўзларимдан нур кетиб, мана шу битикларни ҳам базўр илғар эканман, бир пайтлар ўзим таваллуд топган бўлмадан олисларда жон таслим қилишга ҳозирман. Қазоим етган чоғ мурувватли қўллар мени ихоталар узра улоқтиргай ва тубсиз бу бўшлиқда сўнгги маконимни топарман, ой ва йиллар кечса-да, адоқсизлик ичра ҳамон оҳиста қулаётган вужудим оқибат бўшлиқ изғиринларида батамом ғойиб бўлар.

Бу Кутубхона чегара билмас ва адоқсиздир, бунга мен доим амин эдим. Идеалистлар олтиёқлама бўлмалар ҳақида фикр юритишар экан, булар мутлақ маконнинг зарурий шаклидир ёхуд, жилла курса, бу маконни идрок эта олишимиз учун энг қулай кўринишдир дея ишондилар. Улар назарида, уч ёинки бешёқлама хоналарнинг мавжуд бўлиши ақл бовар қилмас ҳолатдир. (Зикрнинг муттасил жазбалари чоғи қоқ марказида маҳобатли думалоқ китоб қўним топган доирасимон хужра намоён бўлишидан сўфийлар гувоҳлик беради. Айни китобнинг ўзи каби адоқсиз банди хужра деворлари бўйлаб чексизликка қадар йўналгандир. Умуман, бу каби таъкидларга ишониш қийин, ифодалар ҳам тушунарсиз. Аслида, айланасимон бу китоб Тангрининг айнан ўзидир дейиш мантиққа яқинроқ.)

Ҳозирча азалий таъриф билан кифояланамиз, яъни Кутубхона маркази олтиёқлама бўлмаларнинг бирида жойлашган, юзаси эса қўл етмас ва адоқсиз доирадир. Ҳар бўлманинг ҳар бир деворида беш токча, ҳар бир токчада бир хил ҳажмли ўттиз икки китоб бор, тўрт юз саҳифадан иборат китобларнинг ҳар бир саҳифасида қирқ сатр ва ҳар сатрда саксон чоғли тим қора ҳарф мавжуд. Бу каби ҳарфлар китоблар бандини ҳам ишғол этган бўлса-да, аксар ҳолларда мазкур номланишлар китоб мазмунига мутлақо зиддир. Норасо ушбу тафовут бир вақтлар китобларнинг фусункор тилсими ҳақидаги фаразларга сабаб бўлганидан хабарим бор.

Тўқис хулоса чиқаришдан аввал айрим аксиомаларни яна бир бор хотирга солишни лозим топаман.

Аввало, Кутубхона *ab aeterno* – азалдан мавжуд. Бевосита ҳосила ўлароқ, оламнинг бўлғуси абадийлиги ҳақидаги фикрни юзага келтирадиган ушбу ҳақиқатни ақли расо ҳеч бир кимса шубҳа остига олмаслиги тайин. Инсон, бошқача қилиб айтганда, нокомил китобдор коинот бағрида (демакки, Кутубхонада) муттасил содир бўлувчи турли тасодифлар силсиласи оқибатида ёинки шумният илоҳларнинг бевош фаолияти туфайли пайдо бўлгандир, эҳтимол, аммо синоатли китоблар билан тўла нафис токчалари, сайёҳлар хизматидаги адоқсиз пиллапоялари ва ўтроқ китобдор эҳтиёжларига мунтазир ҳожатхоналари бўлган бу олам, бу коинот фақат Тангри заҳматлари маҳсулидир. Аниқ ва равшан, нафис ва ҳассос ҳарфлар уйғунлиги саҳифалар аро бетакрор мутаносиблик мужассам этган китоб ва титроқ қўлларим билан бу китоб юзасига ўзим битган абгор ёзувлар – бу ҳар икки ҳолатни қиёслаш илоҳийлик билан инсонийлик орасидаги адоқсиз тафовутни англаш учун кифоя қилади.

Иккинчидан, ёзув учун зарур белгилар миқдори йигирма бештадир. Ушбу аксиома уч юз йил аввал Кутубхона

умумий назариясини ишлаб чиқиш ва шу вақтга қадар ечими топилмаётган, китобларнинг тушуниксиз ҳамда бетартиб табиати муаммосини ҳал қилишга имкон берди. Минг беш юз тўқсон тўртинчи рақамли бўлмада менинг ўз падарим дуч келган бир китоб дастлабки сатридан сўнггисига қадар турли тартибда муттасил такрорланувчи атиги уч ҳарф – **MCV** ҳарфларидан иборат эди. Бу юртларда доврўқ қозонган бошқа бир китоб идрокни ҳолдан тойдирувчи пайдар-пай ҳарфлар чигалини намоён қилади, аммо хотимасида мана бу сирли мисра битилган: «*Оқими тўхтамас ай, Замон, эҳромларинг сенинг қайдадир?*» Бу тоифа китобларда маъно ва маънисизлик нисбати ўзаро кескин фарқланади. У ёки бу даражада маъно юкланган сатрлар саноксиз қоришиқ сўзлар бўтқасида изсиз ғойиб бўлади. (Олис ўлкаларнинг бирида бенаф уринишлардан ҳориган китобдорлар алалоқибат саҳифалардан маъно излаш каби зарарли хурофотдан воз кечганларини биламан. Ёзувни ихтиро қилган кимсалар табиатнинг йигирма беш аломатидан нусха олганларини эътироф этишса-да, аммо улар ушбу имловий белгиларни қўллаш тамомила тасодифларга асослангани ва булар кўмагида битилган китоблар, аслида, ҳеч вақони англатмаслигини зўр бериб таъкидлашади. Бу қараш ҳам асоссиз эмаслигини сўнгроқ кўриб чиқамиз.)

Мутолаага нобоп бу китоблар кўҳна ёхуд ноёб тилларда битилган дея узоқ вақтлар давомида ишониб келинди. Ибтидоий одамлар, яъни дастлабки китобдорлар чиндан ҳам ҳозиргидан кескин фарқланувчи тилларни истифода этгани рост, бир неча чақирим ҳув нарида номаълум лаҳжада, тўқсон қават юқорида эса мутлақо тушуниксиз яна бошқа тилда сўзлашишлари ҳам маълум. Такрор айтаман, буларнинг бари ҳақиқат, аммо тўрт юз ўн саҳифа давомида муттасил такрорланувчи **MCV** белгилари ҳеч бир тилга, ҳатто шевалар ёхуд энг ибтидоий тилга ҳам мувофиқ

келмайди. Жумбоқли ушбу вазиятдан чора излаган айримлар исталган бир ҳарф бошқасига таъсир ўтказа олади ва 71-саҳифанинг учинчи қаторидаги МСV ҳарфлари маъноси бошқа саҳифадаги бошқача тартибда жойлашган худди шу ҳарфлар маъносига мувофиқ эмас қабилдаги тахминни баралла эълон қилишди. Аммо тушуниксиз бу таъкид етарлича муваффақият қозонмади. Бошқа бир гуруҳ атиги уч ҳарфдан иборат мазкур ёзувларни тилсимли битик деб таърифлади. Гарчанд, аслида, мутлақо бошқа маъно назарда тутилган бўлса-да, ушбу тахмин қарийб барча ўлкаларда яқдиллик билан эътироф этилди.

Беш юз йил чамаси аввал юқори бўлмалардан бирининг мудури антиқа бир китобга дуч келди. Бошқа барчаси каби мужмал бу китоб айнан ўхшаш сатрлар битилган атиги икки саҳифадан иборат эди. Топилма шу атрофда юрган дайди хаттотга кўрсатилгач, ёзувлар пўртаҳол лаҳжасига оид экани маълум бўлди, аммо бошқалар ушбу матн идишда битилгани кундай равшан эканини билдиришди. Орадан бир аср ўтар-ўтмас масала ўз ечимини топди: китоб оз эмас, кўп эмас, мумтоз арабий тугалловчилари билан бойитилган гуарани ҳинду тилининг литва-самоед шеvasида битилгани ошкор этилди. Асосий жумбоқ ечилгач, матн мазмунини ҳам англаш мумкин бўлди: чексиз такрорлар турларига оид мисоллар билан бойитилган риёзий таҳлилга доир қайдлар эди бу. Юксак зако соҳиби бўлмиш бир китобдор айна мисоллар асосида сўнгроқ Кутубхона асосий қонунини кашф этишга муваффақ бўлди. Ўзаро ҳар қанча фарқланмасин, Кутубхонада мавжуд барча китоблар мутлақо айний унсурлардан, яъни сатр ва ҳарфлар оралиғи, нуқта, вергул ва алифбонинг йигирма икки ҳарфидан ташкил топганлигини маълум қилди ушбу файласуф. Кутубхона сўқмоқларида дарбадар кезган барча сайёҳлар шу вақтга қадар айтиб келган фикрни ҳам худди шу мутафаккир асослаб берди, яъни бутун бошли Кутуб-

хонада айнан ўхшаш икки хил китоб мавжуд эмас. Ушбу ишончли асосларга таяниб қуйидаги хулосага жазм этаман: Кутубхона бепоёндир ва унинг бўлмаларида йигирмадан ортиқ имловий белгилар иштирокида яратилган барча тусланишларни (буларнинг миқдори улкан бўлсада, ҳар қалай, адоқсиз эмас) ёхуд мавжуд барча тилларда ифода этиш мумкин бўлган мутлақо барча нарсани излаб топиш мумкиндир. Такрор айтаман – барчасини: келажакнинг муфассал тарихи, фаришталар шажараси, Кутубхонанинг тугал рўйхатини, беҳисоб сохта рўйхатлар, бу рўйхатларнинг сохта эканлиги исботларини, ишончга сазовор тугал рўйхатнинг ҳам, аслида, сохта экани далилларини, синоаткор Василид Инжили ва бу Инжил тафсирларини, ҳар кимсанинг ўз ажали ҳақидаги чинакам ҳикоя, алоҳида олинган ҳар бир китобнинг бошқа барча тилларга ўгирмаси, ҳар бир китобнинг бошқа барча тиллардаги шарҳлари, сакс қабилалари асотирларига доир Бэда қаламига мансуб эҳтимолий (аслида, ёзилмаган) рисола ва, албатта, Тацитнинг изсиз ғойиб бўлган асарлари.

Кутубхона коинотда мавжуд барча китобларни ўзида жо этгандир дея эълон қилиниши ҳамон одамларни адоғи йўқ қувонч чулғаб олгани ҳануз ёдимда. Одамлар у дамлар синоатлари ҳали очилмаган туганмас бир хазина соҳиби сезишарди ўзларини. Хусусий ва ё умумбашарий бўлсин, барча муаммоларга муносиб ечим олтиёқлама бўлмаларнинг қайсидир бирида шаксиз яширин эканига ҳамма дилдан ишонарди. Бу олам, бу борлиқ шу вақтга қадар етишмаган маъно касб этиб, бепоён орзу-умидлар янглиғ сарҳадлари ҳам бирдан кенгайиб қолгандек эди. Мағфиратлар китоби, ҳар кимнинг ҳар қилмишини тоабад кечиришга даъват этилган ва келажакнинг ажабтовур синоатларини ўзида пинҳон қилган ушбу муҳофаза ҳамда башоратлар китоби у вақтлар ҳамманинг ўй-хаёлини забт этган эди. Ажрдан умидворлар издиҳоми қадрдон гўшаларини тарк айлаб,



пиллапоялар бўйлаб юқорига сафарга отланди. Кутубхона тор йўлакларидида аёвсиз ўзаро баҳсларга киришган бу муҳожирлар тилидан учган қаҳрли дуоиббаъд садолари бутун атрофни забтига олган эди. Пиллапоялар саҳнида кечган қақшатқич ихтилофлар, умидларни барбод айлаган китобларнинг зимистон қаърига лаънат-ла улоқтирилиши ҳам у вақтларнинг хос манзараси эди. Келгиндиларни хушламас олис ўлка аҳли кўлларидида жувонмарг кетганлар саноғи эса ҳалигача маълум эмас. Бесамар изланишлар оқибатида айримларнинг ақлдан озишлари ҳам одатий ҳолга айланди... Мағфиратлар китоби чиндан ҳам мавжуд эди (келгуси замон одамларига тааллуқли икки дона шундай китобни ўзим кўрганимни айтмасам бўлмас), аммо бунинг изидан сафарга чиққан кимсалар танҳо ўзларига мансуб Ажр ёки бу Ажрнинг олис бир шарпасини топиш эҳтимоли ҳар бир киши учун, аслида, йўққа баробар эканини унутмишлар.

Яна у вақтлар башарият азал ва абаднинг энг муҳим синоати, Кутубхона ва замон яралишига доир синоатлар очилишини муштоқ бўлиб кутарди. Бу сирлар ечилиши ҳаққи донишмандлар забони кифоя қилмаса, бунинг учун лозим янги тилни, бу тилнинг сўзлик ва қоидаларини ҳам Кутубхонанинг ўзи ғойибдан бино эта олиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмасди.

Мана, тўрт юз йилки одамлар олтиёқлама бўлмалар бўйлаб сарсон кезаёттир. Расмий ваколат билан сийланган муҳаққиқлар ҳам ҳар дам сергак. Мен уларни кўп бора хизмат чоғида учратдим: ҳамиша ҳорғин ва ғазабнок бу одамлар китобдор билан истар-истамас суҳбат қуришар, жарликка қулашларига бир баҳя қолган зинаси йўқ пиллапоялардан ҳикоялар сўзлаган кўйи, исталган китобни макруҳ сўзлар истагида обдан кўздан кечирардилар. Илоҳий идора посбонларигаки омад кулиб боқмаётган экан, арзирли бирор нарса излаб топиш умидлари оддий одамлар кўнглида тобора сўниб борарди.

Узоқ йиллар давомидаги бесамар изланишлардан сўнг одамлар қалбини адоғи йўқ умидсизлик эгаллади. Аллақайси бир бўлманинг аллақайси бир тоқчасида орзуларнинг ардоқли китоблари яширин, аммо улар мутлақо қўл етмас эканлиги ҳақидаги фикрга тоқат қилиш мушкул эди. Осий бир мазҳаб раҳнамолари шу асно бесамар изланишларни бас қилиб, бунинг ўрнига тасодифларнинг ғаройиб тусланишлари оқибатида ушбу муборак китоблар қайта яратилгунига қадар ҳарф ва белгиларни муттасил қориштириш билан машғул бўлишга даъват этди. Кутубхона қонунларига мутлақо зид ушбу даъват расмий доираларни ҳушёрликка чорлади ва кўп ўтмай даҳрий бу мазҳаб фаолиятига барҳам берилди. Аммо болалигим хотираларидан айрим манзаралар ҳамон кўз ўнгимда – ҳожатхоналарда беркиниб олганча маън қилинган шашқол доналари кўмагида илоҳий тасодифни такрорлашга бенаф уринаётган қарияларга кўп бор дуч келардим у дамлар.

Яна бошқа бир гуруҳ эса бефойда бу китобларнинг қулини аёвсиз кўкка совуриш лозим деб ҳисобларди. Улар тўсатдан олтиёқлама бўлмаларга бостириб киришар, ваколат ёрлиқларини пеш қилиб китобларни ҳазарли нигоҳлари билан тинтув қилишарди. Улар қаҳрига дучор бўлган ҳисобсиз рисоалар беомон маҳв этилди. Фикрлар софлиги йўлидаги бу янглиғ мутаассиб шиддат оқибатида сонминглаб китобларни бой бердик. Бу жоҳиллар сўнгроқ мангу тавқи лаънат билан сийланишди, аммо улар телбалиги қурбони бўлган китобларга ҳамон мотам тутаётганлар икки муҳим нарсани ёддан чиқарадилар. Биринчидан, Кутубхона адоқсизлик қадар улкан бўлгач, унга инсон қўли билан етказилган ҳар қандай заҳмат тилга олишга ҳам арзимас даражада кичикдир. Иккинчидан, ҳар бир китоб беназир ва бетакрор бўлса-да, аммо ҳар бир китобнинг юз минглаб нокомил бошқа нусхалари мавжуд (илло, Кутубхона бепоёндир) ва улар атиги биргина ҳарф ё бошқа имло

белгилари билан ўзаро фарқланади. Фикримча, пардозчилар қилмишлари оқибатлари бу мутаассиблар дилларга солган қўрқув туфайли бўрттириб юборилган, аслида, улар Қирмизи бўлма китобларини қўлга киритишни кўнгилга туккан эдилар. Суратларга бой ва мўъжаз ҳажмли бу китоблар фусункор қудратга эга деб ҳисобланарди.

У замонлардан қолган ва аллақайси Китобдор ҳақидаги яна бир хурофот маълум. Айтишларича, олтиёқлама бўлмалардан бирининг аллақайси токчасида бошқа барча китоблар моҳияти ва мухтасар баёни битилган фусункор бир китоб мавжуд. Асрлар оша етиб келган ривоятларга кўра, буни мутолаа қила билган қайсидир китобдор оқибат Тангрига монанд бўлди. Мутолаа кўмагида илоҳийлик мавқеига эришган Китобдорга сиғиниш аломатлари мазкур ўлка лаҳжаларида ҳамон сақланиб қолгандир. Уни топиб, тавоф қилишни дилига туккан одамлар олис сафарларга отланишар, аммо асрлар кечса-да, кимдир Уни ниҳоят учратгани ёки Уни кўрган одамни кўрган бирор одам ҳақида ҳеч бир хабар бўлмади. Унинг синоатли ва муборак манзилини излаб топиш истаги шу тариқа хаёлларни ўғирлаган эди. Бунинг учун аллаким ортга йўналган регрессив усул қўллашни таклиф қилди: бунга кўра, А нисбатли китобни аниқлаш учун В нисбатдаги китобга мурожаат этиш лозим, чунки В китоб А нинг манзилига ишора қилади; В нисбатли китобни топиш учун эса, аввало, С нисбатдагини ўқиб чиқмоқ лозим эди ва шу тариқа чексизликка «қадар». Мана шундай саргардонликлар ичра менинг ҳам умрим ўтди, йилларимни сарфлаб қарийб адо қилдим. Кўзларимдан нур кетиб, жисмимни қувватнинг сўнгги нишонлари ҳам тарк этар чоғда бу оламнинг қайсидир бир токчасида барча истаклар манзили – ўша ялпи китоб мавжуд эканига мен барибир ишонаман; умрим поёнига етар экан, орадан асрлар кечса-да, аммо Ўзинг сийлаган лоақал бир бандага бу китоб томон йўлни кўрсатгин дея кўринмас Тангрига

туну кун муножот қиламан. Шараф ва эҳтиром, донишлик ва саодат менга насиб эмасдир, аммо буларнинг бари бошқаларга бўлсин. Ўрним менинг ҳатто жаҳаннамдир, аммо самолар мудом бор бўлсин. Майли, мен топталиб завол топарман, аммо бошқа хилқатингда Ўзинг каби адоқсиз бу Кутубхона лоақал бир дам асос топсин.

Даҳрийлар уқтиришадики, Кутубхона учун маънисизлик табиий, аммо қачонки маъноларга (жилла қурса, изчил сатрларга) дуч келинса, бу ҳол ғаройиб истисно ўлароқ қарши олинмоғи даркордир. Токчаларидаги барча китоблар бир-бирига муттасил қоришиб, исталган ҳар қайси китоб бошқа бир китобга эврилаётган жонсарак бир Кутубхона ҳақидаги ҳикоя ҳам маълум. Айтишларича, айна жараён ҳамон адоқсиз давом этаётир ва муайян китобларда таъкидланган чин моҳиятлар энди беомон инкорларга гирифтор бўлаётир.

Кутубхонада ҳукм сурган мутлақ бесаранжомлик тасдиғи бўлган бу сўзлар, айна пайтда, ушбу таъкид эгаларининг абгор таъби ва жаҳолатидан дарак беради. Аслида, Кутубхона барча лисоний таркибларни, йигирма беш дона имловий белгилар ҳосиласи бўлган барча талқинларни ўз ичига олади, асло мутлақ маънисизликни эмас. Ўзим бошқарган бўлмалардаги энг сара китоблар «Сайқалланган яшин», «Ганч талвасаси» ва «Аксаксаксас млё» деб аталганини эслатиб ўтмоқчиман. Бир қарашда мужмал туюлган бу истиоралар, аслида, яширин маъноларга эгадир, бу маъноларнинг бари бизга номаълум қайсидир китобда нақшланган ва мазкур китоб, шаксиз, Кутубхонада сақланажакдир.

Ҳарфларнинг қай бир бирикмасини – масалан, **d h c m r l c h t d j** – ёзмайин, улар илоҳий Кутубхона сирли забонларидан бирида, шубҳасиз, мудҳиш маънога эгадир. Талаффуз этилган ҳар қайси мисра тотли титроқларга тўлуғ ва бу тилларнинг бирида Тангрининг қудратли исмини анг-

латади. Сўз сўзламоқ адоқсиз такрорлар ботқоғига ботмоқ демакдир. Худди шу каби, эзма ва бефойда бу битикларим ҳам адоғи йўқ олтиёқлама бўлмалардан бирининг токчаларидан биридаги ўттиз китобнинг бирида азалдан мавжуддир, боз устига, бу битикларим инкорлари ҳам шу тақлид аллақайси жилд ичра муқим. (Эҳтимол тутилган ушбу тилларнинг барчасида бир хил миқдордаги сўзлар истифода қилинади. Уларнинг айримларида «олтиёқлама равоқлардан иборат қамровли доимий тизим» дея «кутубхона»га тўғри таъриф берилган, аммо ажабланарлиси шуки, айти пайтда, «кутубхона» сўзи «нон» ёки «эхром» ёхуд исталган бошқа ашёни англатади ҳамда «кутубхона»ни аниқловчи олти дона бу сўз мутлақо бошқа маънога эгадир. Бу сатрларни ўқиётган муштарий, сўзларимни англаётирмисан, аслида?)

Кутубхонада кечган йилларим давомида битиклар ёзишга одатландим, шу боис одамларнинг бугунги аҳволи энди мени у қадар ташвишлантормайди. Ҳамма нарса ёзиб бўлинган деган ишонч эса бизни барбод қилади ёхуд тобора берухсор шарпага айлантиради. Гарчанд бирор сатрини ўқий олмаса-да, китобларга сажда қилиб, ҳар саҳифасини тавоф айлагувчи навжувонлар юртини биламан. Юқумли хасталиклар ва хурофий низолар, таназзулга юз тутиб, босқинчилик шамойилини олган тавоф зиёратлари аҳоли нуфусига ўн ҳисса путур етказди. Йил сайин кўпайиб бораётган худкушликлар ҳақида айтдим, чоғи. Кўрқув ва кексалик, эҳтимол, мени чалғитаётгандир, аммо, ўйлашимча, инсоният тобора завол топиб бораётир, ҳадемай ундан нишона ҳам қолмас, аммо Кутубхона мангу қолажак. Фонусларнинг сокин нурлари ёритган, аммо кимсасиз, адоқсиз, лекин қилт этган ҳаракатдан бенишон, бебаҳо китобларга лиммо-лим, бироқ бенаф ва бефойда, ҳар замонлар ичра мангу ва тилсимлари ҳамон ечилмаган синоатли Кутубхона мангу қолажак.

Ҳозиргина адоқсиз деб ёздим. Бу сўзни битикларимга сохта латофат бағишлаш ва ё дабдаба учун киритмадим. Аслида ҳам борлиқни адоқсиз деб ҳисоблаш мантиққа зид эмас. Унинг сарҳадлари чеклангандир деб билгувчилар йўлаклар, пиллапоя ва олтиёқлама бўлмалар қаердадир барибир ниҳоя топишини назарда тутадилар, бу каби тахмин билан эса асло келишиб бўлмайди. Борлиқни чексиз деб ўйлаганлар эса, ўз навбатида, эҳтимол тутилган барча китоблар миқдори, аслида, чекланган эканини ёддан чиқарадилар. Не-не тафаккурларни ҳоритган ушбу асрий муаммонинг қуйидаги ечимини таклиф этаман: Кутубхона бир вақтнинг ўзида адоқсиз ва даврийдир. Тасаввур учун манзара: агарки мангу дарбадар ўша маълум зот исталган бир йўналишда йўлга отланса эди, айнан бир хил китоблар ўша бир хил тартибсизлик ичра (такрорларга маҳкум тартибсизлик оқибатда тартибга – Тартибга менгзанади) асрлар давомида муттасил такрорланаётганига амин бўлар эди. Алоҳа, айти шу заиф умид жозибаси сўнгги кунларим танҳолигига бир тутам таскин бўлиб сизиб кираётир.

**АЛИФ**  
**EL ALEPH**

*Эстела Кантога бағишланади*

O God, I could be bounded in a nutshell and count myself a King of  
infinite space. («Хамлет», II, 2.)<sup>[1]</sup>

But they will teach us that Eternity is the Standing still of the Present  
Time, a Nunc-stans (as the Schools call it); which neither they, nor any  
else understand, no more than they would a Nunc-stans for an Infinite  
greatnesse of Place... («Левиафан», IV, 46)<sup>[2]</sup>

Беатрис Витербо ожизлик ва ё кўрқув соя солмаган улугвор талвасадан сўнг қазо қилган диққина-фас ўша февраль тонгида Конституция майдонида енгил тамаки русуми рекламаси пайдо бўлганига эътибор қилдим. Ҳеч тиним билмас кенг бу олам Беатрисни тарк этгани ва бу йўқотиш навбатдаги адоқсиз эврилишларнинг дастлабкиси эканини англаб, кўнглим бузилди. Беқарор бу олам ўзгарса ўзгарсин, аммо мен шу ҳолимча қоларман дея қайғу аралаш кибр билан хаёл қилдим; у дамлар менинг беҳуда садоқатим гоҳо унинг жаҳлини чиқарарди, аммо ўшанда дилимни ғашлаган камситишларсиз ўзимни энди буткул унинг хотирасига бағишлай оламан. Ўттинчи апрель унинг туғилган куни эканини эсладим; шу куни Гарай кўчасидаги уйга бориб, отаси билан ҳол-аҳвол сўрашиб, холаваччаси Архентино Данери суҳбатини олишим айни муддао ва одобдан бўлади. Шунда мен мўъжаз

меҳмонхона нимқоронғилигида ўтириб, Беатрис Витербо-нинг саноксиз суратларини томоша қилган кўйи бу суратлар эгасини яна нечанчи бор муштоқ бўлиб умидсизлик билан кутаман. Ана Беатриснинг ён томондан туширилган рангли сурати; 1921 йил карнавалидаги ниқобли сурати, Беатрис чўқинтириш маросимида; Роберто Александри билан тўйларидаги сурат, буниси кўп ўтмай турмуши бузилгандан кейин отчопарда нонушта маҳали; Делия Сан-Марко Порсель ва Карлос Архентино билан Килмес сафарига; Вильегас Аэдо совға қилган хитойи кучукни бағрига босган Беатрис; Беатриснинг қаршидан олинган сурати, мамнун жилмайган Беатрис, нозик қўлларини нафис жабига қўйиб ўйга чўмган Беатрис... Беатрис энди қайтмас сафарга кетгач, ўзимнинг бу уйда ҳозирлигимни оқлаш учун аввалги пайтлардаги каби арзон китоблар совға қилишимга, бу китобларга биров қараб ҳам қўймаганига орадан неча ойлар ўтиб ишонч ҳосил қилмаслигим учун эса саҳифаларини аввалдан ўзим қирқиб чиқишимга энди асло ҳожат йўқ. Бечора мен, боёқиш китоблар!

Беатрис Витербо 1929 йили қазо қилди, ўшандан буён ҳар сафар ўттизинчи апрелда уларникига бориб, яқинларини зиёрат қилиб турдим. Одатда, чораги кам саккизда келиб, ўн беш-йигирма дақиқа ўтириб қайтардим; бора-бора кечроқ келиб, узокроқ қоладиган бўлдим; 1933 йили бирдан бошланиб қолган жала туфайли иложсиз дастурхонга таклиф қилишди. Табиийки, мен буни одатга киритдим ва кейинги йили Санта-Федан харид қилинган пиширик билан ташриф буюриб, ўз-ўзидан равшанки, кечки овқат билан сийландим. Ғуссали хотиралар ва беҳуда ишқ изҳорлари билан тўйинган таваллуд кунлари мен шу тариқа Карлос Архентино Данери ишончига сазовор бўла бордим.

Нозик қоматли Беатрис бўйи узунлигидан андак букча-йиб юрар, унинг қадам олишларидаги (таъбир жоиз бўлса) бирмунча тўпори хиромонлик кишини мафтун қилар-



ди. Карлос Архентино – ёноқлари қизил, тўладан келган, юзларининг бичими нозик, сочларига эса оқ оралай бошлаган бу жаноб шаҳар четидаги овлоқ бир кутубхонада хизмат қилади. Табиатида ҳукмбардорлик бўлишига қарамай, юриш-туришида шижоат сезилмайди – ўзига қолса, ишдан кейин, ҳатто байрам кунлари ҳам уйида кўмилиб ўтиришни маъқул кўрарди. Орада икки авлод алмашса ҳам, тилида италян талаффузи ва ҳаддан ортиқ қўл ишоралари сақланиб қолган. Сабр-қаноат нелигини билмас бу одам ҳамиша эҳтиросларга тўлиб, алланарсаларни исбот қилишга беҳуда урингани-уринган. Аммо қотмадан келган йирик қўллари (худди Беатрисникидек) чиройли. Бирмунча вақт Поль Фор шеъриятига муккасидан кетиб, ушбу балладалар бағрида пинҳон бўлган бокира шараф ғоясига шайдо бўлиб юрганини биламан. «Поль Фор фаранг шуароларининг мағрур қиролидир, – дея алқашини қўймасди Карлос Архентино, – уни танқидингга дучор қилишни ўйлай кўрма, заққум наштарларинг тиғлари унга асло зиён етказа олмагай».

1941 йилнинг ўттизинчи апрелида ўша доимий пишириқ ва бир шиша маҳаллий коньяк билан ташриф буюрдим. Коньякни татиб кўрган Карлос Архентино «чакки эмас» деди ва кетма-кет ичилган бир неча қадаҳдан сўнг замондошлар муҳофазасига бағишланган нутқини ирод қила кетди.

– Замондошимни мен ўз кабинетида, таъбир жоиз бўлса, бутун шаҳарнинг заковат нуқтасига айланган кабинетида ҳар турли телефонлар, телеграф ускуналари ва фонографлар, радиотелефон ва киноускуналар, турли лойиҳа ва сўзлик-луғатлар, иш жадвалларию даврий нашрлар қуршовида – улуғвор юмушлар ила машғул ҳолатида кўраман! – дерди у ўзига хос қизиққонлик билан.

Яна айтдики, мана шу каби турли ускуналар билан жиҳозланган одамнинг ўз жойини совитиб олис сафарларга

отланишига асло ҳожат йўқдир, илло, шижоаткор бизнинг ХХ аср Муҳаммад билан тоғ ҳақидаги машхур ўша маталнинг тамом аксини ҳаётга татбиқ этдики, барча тоғларнинг ўзлари энди замонавий Муҳаммад қаршисига ошиқаётир.

Унинг фикрлари менга шунчалар ҳавойи, ифодалари эса шу қадар баландпарвоз туюлдики, буларнинг барини қоғозга туширишга уриниб кўрсангиз бўлмайдими деб сўрадим. Кутганимдек, улуғвор бу юмушни аллақачон бошлаб қўйганини маълум қилди: ушбу ва ўзига хосликда булардан ҳам қолишмас бошқа мулоҳазалар, бирор кимсага ошкор этиб мақтанмасдан, ўзи неча йиллардан буён ёлғизликда тер тўкиб битаётган дostonнинг «Алери муқаддима»сида ифодаланмиш. Айтишича, ижод жазбалари жунбишга келган дамлар зўрма-зўракилик лашкарини инкор этиб, тахайюл парилари учун қалбининг даричаларини ланг очиб берар ва парилар ундовида битилмиш байтларни сўнгроқ қатъий қофияларга солармиш. Дostonнинг номи «Курраи замин» бўлиб, унда сайёрамизнинг бутун борлиғи барча тафсилотлари билан муфассал тасвир этилган ва, табиийки, ушбу тасвирлар талайгина ёрқин чекинишлару қаҳрли дуои бадлар билан бойитилгандир.

Дostonдан мухтасар бўлса ҳам байтлар ўқиб беришини сўрадим. У шу заҳоти ёзув столи тортмасидан юзасига «Хуан Крисостомо Лафинур кутубхонаси» деб муҳр урилган бир даста қоғоз чиқарди ва қаддини ғоз тутганча жарангдор овозда сатрлар ўқиди:

Бир юнон бўлиб кездим элат ва юртлар,  
Чекдим заҳмат, тотдим заҳар ва заққумлар,  
Яширмай айбин, оширмай борин

Сўзларман ҳикоятлар, аммо... *autour de ma chanibre.*<sup>[3]</sup>

– Мазкур банднинг жозибаси бисёрдир, – деди у. – Дастлабки сатр юноншунос мутафаккирлар эътирофига сазовор бўлишига аминман; иккинчиси – Муборак Битикдан

дебоча олган маълум услубни, яъниким тафсилоту номларнинг адоқсиз ва устма-уст зикр этилиши услубини янгилаш интилишларидан холи бўлмаган тарзда Ҳомердан Гесиодга томон оҳиста сизиб ўтиш тимсолидир; икки ёрти ифодалар бирлигидан ташкил топган учинчи сатрда барокко, декаданс ва ё мусаффо шаклларга беғараз эътиқоднинг олис садоларини туямиз; зуллинисонайлиги кўриниб турган тўртинчи сатр ҳазилга йўғрилган енгил назм шайдоларининг шаксиз кўлловига сазовор бўлгусидир. Боз устига, адабиёт билан тўйинган бутун бошли ўттиз асрни ўзида жо қилган уч дона улуғвор тафаккур ишораларини – биринчиси «Одиссея»га ишора, кейингиси «Меҳнат ва турмуш» ва учинчи ишора савойялик бекорчи бир кишининг сафарномаларига тегишли – атиги мана шу тўрт сатрнинг ўзида бирлаштиришимга имкон берган қофиябозлик санъати ва чегара билмас заковатим ҳақида сўзламасам ҳам бўлаверади... Хасталаниб бораётган замонавий санъат кулги ва мутойиба малҳамига ҳам муштоқ эканини жуда яхши биламан, сатрларга боқинг, Гольдонидан қаери кам бунинг, ахир?

Биргина ўзининг эътирофларига нойил бўлиб, муфассал шарҳлар билан тўйдирилган яна бир қанча сатрларни ўқиб берди. Айтарли эътиборга лойиқ бўлмаган булари аввалгисидан кўра абгор эди. Унинг қораламаларида иштиёқ, қаноат ва тасодифнинг ажабтовур уйғунлиги зоҳир бўлиб, фақат Данерининг ўзига кўринган фазилатлари эса иккиламчи ҳосила каби таассурот қолдирарди. Шунда мен шоирларнинг машаққатли меҳнати кўп қолларда шеърининг ўзига эмас, билъакс, уларнинг шеърини бетимсол эканига бошқаларни ишонтиришга қаратилганини англадим. Албаттаки, ушбу ишонтириш амаллари айнан шуаронинг кўз ўнгида (бошқалар назарида эмас) бу каби хусусий ижод маҳсулини юксакларга кўтара олади. Худди шу каби, қаршимда ҳамон нутқ ирод қилаётган Данери-

нинг ҳам сержама сўзамоллиги унинг достони сатрларига зигирча бўлсин кўчиб ўтмагани таассуфли эди.<sup>[4]</sup>

Ҳаётимда атиги бир марта «Полиольбион» деб номланиб, ўн бир бўғинли сатрлардан ташкил топган ўн беш минг байтлик достонни кўргандим. Ушбу топографик эпопеясида Майкл Дрейтон кўҳна Англиянинг ҳайвонот ва наботот оламини, сув ҳавзалари ва тоғларини, аскарӣй ва руҳоний тарихини муфассал баён этган эди; улуғвор, аммо муайян чегаралари бўлган ушбу битик Карлос Архентино тақдим этаётган ҳад билмас достондан кўра қизиқарлироқ эканига амин эдим. Ёнимда турган бу қаламкаш эса ўз ашъори билан бутун ер куррасини забтига олишга бел боғлаганди: 1941 йилга келиб у Кливленд штатининг бир неча фарсах ерлари, Обь дарёсининг аллақанча километрлик оқими, Веракрус шимолидаги газгольдер, Консепсьондаги савдо уйлари, Мариана Камбасерес де Альвеарнинг Ўн биринчи сентябрь кўчасида жойлашган чорбоғи, Брайтон соҳилидаги турк ҳаммомларини таснифлашга улгурди. У менга достоннинг Австралияга тааллуқли қисмидан кўламдор парчалар ўқиб берди – шаклга солинмаган узундан-узоқ ушбу байтларда тирик эҳтирослардан нишона ҳам йўқ эди. Тумтароқ сатрларнинг айримлари қуйидагича эди:

«Дилгир симоғочдан рост тараф сизга,

Адашсангиз, йўл кўрсатар илдам-олға

Қумлоқда қолган суяк-бошчаноқ.

– Туси недир унинг? – Сут рангига эш – оппоқ.

Мана бу сизга кўноқ – қўйхона, эҳей, эҳей!»

– Сатрлар бағридаги ишораларга эътибор қилдингми?

– деб савол ташлади ҳаяжонини яшира олмаётган Карлос Архентино. – Сенга ёқмаган бўлса ҳам, ҳали кўрамиз, ушбу байтлар шаксиз тасанноларга лойиқ бўлажак. Мисол учун, «дилгир» сифатловчиси чўпонлару оддий деҳқонлар турмушининг зерикарли дилгирлигини шу қадар аниқ ифодалайдики, наинки «Георгика», ҳатто бизлар боши-

мизга кўтариб муттасил олқишлаётганимиз «Дон Сегундо» назмлари ҳам бундай ҳолатни камина қадар ошкора кўрсатиб бера олган эмас. Шиддаткор наср унсурлари билан йўғрилган иккинчи банд сенга ўхшаш инжиқларга ёқмаслиги мумкин, аммо юрагида ўти бор ҳар қандай мунаққид эътироф этишига ишонаман. Ахир унда ўқувчи билан қизиқ суҳбатлар кечаётганига эътибор қилмадингми? Мен ўқувчининг бефарқ эмаслигини кўриб, унинг тилидан ўртага савол қўйиб, шу заҳоти у кутган жавобни ҳозирлаб бераётирман. «сут рангига эш – оппоқ» деган топилмамга нима дейсан? Ушбу ёрқин ўхшатиш Австралия манзараларининг муқим унсури бўлган осмон тимсолини кўз олдимизга келтиради. Тасвир бўёқлари бусиз ҳаддан зиёд қоронғи бўлар ва бедаво тушқунлик қалбини аёвсиз яралаган ўқувчи асарни ўқишни истамай, беихтиёр нари суриб қўйган бўлур эди. Тун яримлаганда Данери билан хайрхўшлашиб, уйга қайтдим. Икки ҳафта ўтар-ўтмас эса мени ҳайрон қолдириб ҳаётда биринчи мартаба унинг ўзи менга сим қоқди. Соат тўртларда учрашиб, «тараққий-парвар корчалонлар Жунино ва Жунгрига тегишли қўшни қаҳвахонада – мен турган уйга ҳам улар соҳиб эканини биларсан? – бирга тамадди» қилишни таклиф этди. Уларнинг қандолатхонаси ҳам бор, билиб қўйсанг ёмон бўлмайди дея қўшимча қилди. Карлос Архентино банд қилиб қўйган столни топиш осон бўлмади – замонавий салон-бар ўзим ўйлагандек бетартиб экан. Қўшни столда ўтирган мижозлар жаноб Жунино билан жаноб Жунгри сарфлаган сармоялар миқдоридан баҳс юритишарди. Карлос Архентино ўзини ичкарини ёритган ажабтовур қандилларга маҳлиё бўлгандек кўрсатар, диққат билан қаралса, унинг бу ҳаракатларида салон соҳибларига мўлжалланган ясама илтифот борлигини сезиш мумкин эди.

– Ҳали кўрамиз, бу қаҳвахона Фролесдаги энг пўрим ресторанлардан ҳеч қолишмаслигини тан оласан, – деди у.

Кейин иккинчи бор достонидан парчалар ўқиб берди. Пардоз-андоз талабларига кўра бу сафар айрим ўзгартиришлар киритилган, масалан, аввалги «ҳаворанг» ўрнига «зангор», «мовий» ва ё «ложувард» каби сифатлар қўлланилган эди. «Сутранг» сўзидан ҳам қоникмасдан, тери ошлаш жараёни тасвирланган ўринларда «заъфарон» каби сифатловчидан ўринсиз фойдаланганини кўриш мумкин эди... Алам билан мунаққидларнинг гўрига ғишт қалай бошлади, уларни ўзларида ҳеч вақоси бўлмагани ҳолда бошқаларга хазина жойини кўрсатишга устаси фаранг лўттибозларга тенглаштирди. Бу билан ҳам қоникмасдан, муқаддимабозликни хуш кўрадиган айрим қалам соҳибларини ҳам аяб ўтирмади. Аммо ўзини улардан истисно тарзида кўрадиган Карлос Архентино айнан унинг асари бирор ўткир соҳиби қаламнинг ёрқин сўзбошиси ила бошланиб, катта ҳаётга йўл олишини истар эди. Достонининг дастлабки алёрларини нашрга бериш режаси борлигини қистириб ўтгани заҳоти мени бу ерга бежиз таклиф этмаганини англадим: аҳмоқона алжирашларига мен сўзбоши битиб беришимни истаётган бўлса-я? Бекорга ташвиш чекибман, унинг мўлжали бошқа экан. Аммо мен яхшилаб илтимос қилсам, барча адабий доираларда обрўси баландлигига у заррача шубҳа қилмаётган Альваро Мельян Лафинур достонни мароқли муқаддима билан зийнатлаб бериши мумкин эмиш. Ул муборак адиб тарафидан билдирилиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай эътирозларга ўрин қолдирмаслик учун мен достоннинг шаксиз фазилатларини – қуйма сатрларнинг шаклий мукамаллиги ва ундаги маълумотларнинг илмий бехатолигини – алоҳида уқтириб ўтишим лозим эди. Альваро барча кўнгилочар тадбирларда ҳамиша Беатрисга ҳамроҳлик қилганини ҳам қистириб ўтгач, гапни чўзиб ўтирмай дарҳол кўна қолдим.

Данерини ишонтириш учун Альваро билан душанба эмас, балки пайшанбалик адиблар машварати сўнгидаги

кечки дастурхонда гаплаша олишимни айтдим. Аслида, кечки зиёфатлар бўлмас, аммо йиғилишлар айнан пайшанба кунлари ўтказилиши аниқ бўлиб, буни Карлос Архентино газета хабарларидан текшириб олиши мумкин эди. Улуғ адиб билан бўлғуси суҳбатимни ҳозирданок мулоҳаза қилаётган каби, аввало, унга дostonнинг ўзига хос тизимини баён қилажагимни айтдим. Шу билан биз хайрлашдик. Иригоен кўчасига қайрилаётиб ихтиёримда бўлган икки чорани кўз олдимга келтирдим: а) Альваро билан ростдан ҳам учрашиб, ўзи таниган Беатриснинг холавачаси қофиябозлик уфқларини яна ҳам кенгайтириб юборган алғов-далғовли дoston битганини рўйирост айтиш; б) бу ҳақда Альваро билан мутлақо суҳбат қурмаслик. Ношуд феълим панд бериб, шаксиз иккинчи йўлни танлашимни аввалдан билардим.

Жума куни тушдан кейин тинимсиз телефон жиринглай бошлади. Энди мангу сукутга кетган, аммо бир замонлар Беатриснинг ардоқли овозини беминнат ташиган бу ускуна энди Карлос Архентино Данерининг ғазабнок маломатларини етказувчи карнайга айланиб, тубан кетиши мумкинлигидан ғазабим қайнади. Аммо, хайриятки, мен кутган дилхиралик рўй бермади – фақат аввал менга нозик вазифа топшириб, энди эса буни тамоман унутганидан фиғоним фалакка чиқаёзди.

Телефон қўнғироқлари тиниб, хотиржам кунларим бошланиб кетди, аммо октябрь охирларида ҳеч кутилмаганда у яна сим қоқди. Ҳаяжон кучидан тутилиб гапираётган Данерини аввалига таниёлмадим. Қайғу ва ғазаб аралаш маълум қилдики, жудаям ҳаддидан ошиб, босар-тусарини билмай қолган анави Жунино билан Жунгри гўрсўхта қандолатхонасини кенгайтириш баҳонасида унинг уйини бузиб ташламоқчи эканлар.

– Аждодларим яшаб ўтган уй, Гарай кўчасида сочлари оқарган қадрдон гўшам менинг! – афтидан, шу каби назмий

оҳанглар билан ўзини чалғитмоқчи бўларди. Мен унинг қайғусини тушунар, боз устига, унга ҳамдard эдим. Зотан, қирқ ёшдан кейинги ҳар қандай ўзгаришлар дафъатан тезлаб кетган замон каби бизни саросимага солади; қолаверса, Беатрис билан саноқсиз ришталар орқали бирлашган уй ҳақида сўз бораётган эди. Хаёлимга келган ушбу нозик жиҳатни баён қилмоқчи бўлдим, аммо Данери мени эшитмас, жаҳл отига минган кўйи Жунино ва Жунгри томон пўписалар йўллашда давом этарди – «бемаъни ниятларидан қайтишмаса, ўзларидан кўришсин, қонунларнинг тенгсиз билимдони бўлган адвокатим доктор Жунни уларни шундай тавбасига таянтирсинки, товон пулига нақ юз минг песо санаб берганларини ўзлари ҳам билмай қолишади ҳали!»

Бутун шаҳарда маълуму машхур адвокат исмини эшитиб шошиб қолдим. Жунни унинг шикоятини қабул қилган ё қилмагани билан қизикдим. Бугун оқшом у билан бафуржа гаплашишини айтди. Кейин негадир сўзларида тутилиб қолди-да, ўта махфий сирини баҳам кўришга чоғланган одамдек пичирлаб: «Достонни адоғига етказишим учун бу уй менга жуда ҳам зарур, чунки ертўланинг бир бурчида Алиф жойлашган», – деди. «Алиф – бошқа жамики нуқталар бирлашган маконнинг бир нуқтасидир», – деб тушунтирди.

– У ошхона остидаги ертўлада жойлашган, – дея давом этарди кулфатдан ўзини йўқотиб қўйган Карлос Архентино. – У меники, фақат меники, мен уни ҳали мактабга бормасимдан олдин, болалигимда кашф қилганман. Ертўла пиллапояси тик ва сирпанчиқ эди, амаким билан холам мени у ерга қўйишмас, аммо бир кун кимдандир у ерда бутун бошли олам яширинганини эшитгандим. Кейин билишимча, гап сандиқ ҳақида борган, аммо мен у пайтлар бунини айнан тушунган эканман. Бир куни эса яширикча ер ости дунёсидан хабар олишга тушаётиб сирпаниб кетдим. Кўзимни очган заҳотим эса Алифни кўрдим.



– Қанақа Алифни? – сўрадим мен.

– Ҳа, оддий Алифни. Бир-бирларига аралашмасдан, халақит бермасдан курраи заминнинг барча манзиллари муқим бўлган жойни. Ўшанда кашфиётим ҳақида ҳеч кимга гапириб ўтирмадим, имкон топилди дегунча ўша ерга борадиган бўлдим. Вояга етиб, айнан сен билган дostonни яратишим ҳақи менга ушбу тортиқ берилганини у пайтлар, албатта, билмасдим. Жунино билан Жунгри мени хонавайрон қилишларига йўл қўймайман, асло! Бутун ақлу заковатини ишга солиб доктор Жунни Алифимни мендан бегона қилиш мумкин эмаслигини албатта исбот этажакдир!

– Қоронғи ертўлада ҳеч нарсани кўриб бўлмаса керак? – деб унинг хаёлпарастлигига ишора қилмоқчи бўлдим.

– Ҳа, тафаккур қилишни истамаган қоронғи шуурга ҳақиқатнинг йўл топиши чиндан ҳам мушкул, – деди у жавобан. – Ўйлаб кўр, ахир, агар ердаги барча жойлар Алифда экан, демак, ер юзидаги барча фонус ва чироқлар – барча ёруғлик манбалари ҳам, шаксиз, ўша жойда бўлмайдими?!

– Ҳозироқ уни кўришга бораман, – дедим-да, эътироз билдиришини кутмасдан гўшакни қўйдим. Ўзинг авваллари эътибор ҳам қилмаган далиллар йиғилиб, барчаси ойдинлашуви учун баъзан биргина нарса кифоя қилади – Карлос Архентино ақлдан озганини шу пайтга қадар тушуниб етмаганимга ҳайрон эдим. Нафсиламрини айтганда, бу хонадондаги бошқалар ҳам... Беатрис ҳам уччига чиққан соғлом фикрли аёл эди, аммо баъзан унда ғалати ўзгаришларни сезардим, нима десам экан, у ҳеч кутилмаганда ҳардамхаёлга айланиб қолар, яна бошқа сафар эса бутун оламдан ҳафсаласи пир бўлган одамдек ҳамма нарсага лоқайд ва сержаҳл бўлиб қоларди. Бунда, назаримда, ирсий нимадир бор эди. Карлос Архентинонинг телбалигини билиб, юрагимда ачинишдан нишона тополмадим, иллоки, биз ҳамisha бир-биримизни ич-ичдан ёмон кўрардик.

Уй ходими пича кутиб туришимни сўради – «жаноб ҳар доимгидек ертўлада фотоплёнкаларга ишлов бериш билан машғул». Энди кераксиз пианино устидаги қуруқ гултувак ёнида Беатрис улкан сурат ичидан табассум қиларди. Хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб суратга яқинлашдим:

– Беатрис, Беатрис Элена, Беатрис Элена Витербо, ази-зам менинг, тоабад мени тарк этган севгилим, бу мен – Борхесман, яна ҳузурингга келдим, – дедим ўзимни қўлга ололмай.

Бирпасдан кейин Карлос пайдо бўлди. Қуруқ саломлашишидан Алифни бой бераётгани уни қаттиқ қайғуга солганини тушундим.

– Манави сассиқ коньяк билан томоғингни хўллаб олгин-да, кейин ертўлага олға, – деди у. – Қимир этмасдан, узунасига чалқанча ётиш эсингдан чиқмасин. Қоронғиликда тек қотиб, кўзларинг кўниккунча сабр қилишинг лозим. Ертўланинг тош сатҳига ётиб, пиллапоянинг ўн тўққизинчи супасидан кўз узмайсан. Кейин мен сени ёлғиз қолдириб қопқани ёпаман, шунда сен мутлақо ёлғиз қоласан. Каламушлардан қўрқмайсанми, ишқилиб? Бизда бунақалардан бисёр. Хуллас, дамингни ичингга ютиб, сабр қилсанг, кўп ўтмай сен ҳам Алифни – алкимёгар ва каббалистлар микрокоиноти, *multum in parvoni*<sup>[5]</sup> кўриш бахтига, ниҳоят, нойил бўласан. – Яна айтдики: – Агар барибир кўра олмасанг, ўзингдан ўпкалайвер – бу дегани Алифнинг мавжудлигини асло инкор этолмайди. Шошилгин, насиб этса, тез орада Беатрис билан унинг барча сифатларида қайта дийдор суҳбатлар қура оларсан.

Унинг бўлар-бўлмас гаплари кўнглимни оздираёзганидан пиллапоядан шитоб билан куйига эндим. Пиллапоядан бирозгина энли ертўла қудукқа ўхшар, Карлос Архентино сўзлаган сандиқни излаб атрофга беҳуда аланглардим. Бир бурчакда шишалар тўла қутилар билан бўз халталар

қалашиб ётарди. Карлос ўша қоплардан бирини олиб, ёс-тиқ қилиб ўрагач, ўзи белгилаб қўйган жойга ташлади.

– Шу билан қаноатланасан-да энди, – деди у, – агар ёс-тиқни салгина баландроқ қилсам, балониям кўролмайсан. Энди мана шу жойга ётгин-да, нафасингни ростлаб ўн тўқ-қиз супани санаб чиқ.

Унинг барча талабларини бажарганимдан сўнг у, ни-хоят, мени ёлғиз қолдириб қопқани ёпди – шу онда ертў-лани зимистон қоронғилик қоплади. Ва мен таҳликали вазиятда қолганимни тушуниб етдим – мен аҳмоқ коньяк ўрнига захар ичиб, бир телбанинг найрангига учиб, энди ўзимни зиндонбанд этгандим. Хаста хаёлларида унинг ўзи ўйлаб топган мўъжизани мен кўра олмаслигимдан, нати-жада эса унинг телба эканини ошкор этишимдан қўрқув оҳангларини Карлоснинг овозида сезгандим-ку, ахир! Шу боис ҳам у мени шу йўсинда асфаласофилинга равона қи-лаётгани кундай равшан эди. Бу ташвишли ўйлардан бо-шим айлана бошлади – захри қотил таъсири. Жон ҳолатда кўзларимни бир зумга юмиб, яна очдим. Ва шу заҳоти мен Алифни кўрдим.

Мана энди ҳикоянинг ифода қилиб бўлмас ўрнига яқин-лашарканман, қаламкашликда ноқобил эканимни эъти-роф этмай иложим йўқ. Исталган ҳар қанақа тил, аслида, тимсоллар алифбосидан иборат экан, ушбу тимсолларни истифода этиш сен билан суҳбатдошинг ўртасида мавжуд умумий айнийликни назарда тутди. Аммо адоқсизлиги менинг ҳам абгор ақлимни шоширган Алифни бошқа-ларга қай йўсинда тасвир этай? Бунга ўхшаш ҳолларда сўфийлар лисоний тамгалардан фойдаланишади, хусусан, аллақайси форсий дарвеш илоҳни ифода этиш учун қуш ҳақида – бир вақтнинг ўзида бирваракайига барча қуш-ларни назарда тутган қуш ҳақида сўзлайди; Аланус де Ин-сулис маркази ҳар жойда, четлари эса ҳеч қаерда бўлган доира ҳақида; Зул-Қафл бир вақтнинг ўзида чор тарафга

боқаётган тўрт чехрали фаришта ҳақида сўз юритади. Тушуниксиз ушбу мисолларни бежиз келтираётганим йўқ, улар, илло, Алифга ҳам дохилдир. Бошимдан кечаётганларини мукаммал англатмоқ учун қачонлардир мен тайинли ўхшатишни топа оларман, эҳтимол, аммо унга қадар ушбу ҳикояда адабий сохтакорлик аломатлари бўртиб кўринса, маъзур тутарлар. Қолаверса, бош масала – адоқсиз кўпликни санаб ўтиш масаласи ечимсиз қолаётир. Маҳобати тенгсиз ўша онларда мен кўзни қувонтириб, даҳшатларга солувчи адоқсиз кўп ҳодисаларни кўра олдимки, уларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида ва биргина нуқтада содир бўлаётган эса-да, ҳеч қайсиси бошқа бирига халақит қилмасдан, бошқасининг ҳудудига сизиб кирмасдан рўй бераётган эди. Кўзларим шоҳид бўлаётган нарсалар айнан бир вақтнинг ўзида воқе бўлар, аммо менинг баёнимда улар кетма-кетликда ифода қилинади, ахир, тилимизнинг қоида ва имконлари бундан ўзгасига ярамасдир.

Супа юзасида, ўнг томонда, кўзни қамаштирадиган даражада ёруғ нурлар таратаётган шарчани кўрдим. Дастлаб у ўз ўқи атрофида айланаётгандек туюлди, аммо диққат билан назар солиб унинг туб ичларида содир бўлаётган, ақл бовар қилмас ғаройиб саҳналар туфайли менга шундай туюлганини англадим. Катталиги атиги теннис коптогича келадиган Алифнинг ичига зиғирча ҳам кичрайтирилмаган ҳолатда – чинакам ҳажми қадар бутун борлик, бутун коинот жо қилинганди. Ҳар бир буюм (масалан, шиша кўзгу) қолган барча буюмларнинг адоқсиз кўплиги эди, зотан, мен уларни борлиқнинг барча нуқталаридан бир вақтнинг ўзида ва бирваракайига кўриб турардим. Алифнинг бағрида мен жонлиқлари тумонат денгизларни кўрдим, ҳисоби йўқ сабоҳ ва шомларга шоҳид бўлдим, Американинг тирбанд кўчалари аро шошаётган одамларни, тимқора эҳром ичра паноҳ топган кумуш толани ва кунпаякун этилган лабиринтни (бу Лондон эди) кўрдим, шундоққина ёнимда

мени кўзгу билиб тикилган кўзларни кўрдим, бирортасида ўзим акс этмас барча бу кўзгуларга ҳайрат билан боқдим, ўттиз йил аввал Фрай-Бентос кўчасидаги бир уй олди-га тўшалган тош плиталарга ўхшашини Солер кўчасидаги бошқа бир уй ҳовлисида кўрдим, ишкомларга тортилган тоқларни, пардек момик қор ва тамаки тутунини, қазилма бойликлар жилоси ва жазирамада буғланаётган кўлни, қабарик экватор саҳроларини ва Инвернесда ўзим учратиб, қуюқ сочлари ва мағрур қомати билан ёдимда муҳрланган аёлни кўрдим, илдизи билан кўпорилган дарахт излари қолган йўлакни, Адрогадаги унутилмас чорбоғни кўрдим, Плиний асарининг Файлмон Ҳолланд қаламига мансуб илк ўгирмаси ва бу китоб ҳар бир саҳифасидаги ҳар бир ҳарфни бир оннинг ўзида кўрдим, кўраётиб китобни ёпиб қўйганларидан сўнг ҳарфлар туни бўйи ўзаро аралашиб кетмасликларидан ҳайрон бўлганим болалик хотирамни ҳам эсладим, тун ва кунларни, худди Бенгал чечагининг ранглари аксланган Керегаро шомини кўрдим, ўзимнинг бўш ётоғимни ва Алкмардаги илмий кабинетда икки кўзгу ўртасида адоқсиз тарзда аксланаётган глобусни кўрдим, Хазар денгизи бўйларида ёллари ҳилпираб чопаётган йилқиларни, одам кафтининг нафис бичимини ва муҳорабадан омон қолиб, энди уйларига мактуб йўллаётган аскарларни кўрдим, Мирсопур дўконларидан бирида бир даста испан қартасини, қишки боғда ўсган оғочнинг эгри кўланкасини кўрдим, сон-саноксиз қоплонларни, ўлик томирларда қотган қуюқ қонларни, шимол яйловларида кезган бизонларни кўрдим, денгиз бўронлари ва ўлкаларнинг саноксиз лашкарларини, ер юзаси ва остидаги барча қурт ва қумурсқаларни, форсий устурлабни кўрдим, ёзув столи тортмасида Карлос Архентинога аталган (дастхатни таниб титраб кетгандим) ақл бовар қилмас ножўя, аммо аниқ нишонга урилган Беатриснинг мактубларини кўрдим, Чакарита қабристонига муборақ лавҳни, бир замонлар

оромбахш Беатрис Витербонинг эндиги мудҳиш қолдиқларини кўрдим, тимқора қонларнинг томирларим бўйлаб оқимини, муҳаббат тўшагида муштарак вужудларни ва ажалнинг бу вужудлар оша зафарли юришларини кўрдим ва, ниҳоят, Алифнинг ўзини ҳам кўрдим, Алиф ичра жо бўлган заминни ва заминнинг ичида Алифни, сўнг яна Алиф ичра заминни ақл бовар қилар барча нуқтаи назарлардан кўрдим, ўз чехрамни ва ўзимнинг ички аъзоларимни, албаттаки, сенинг ҳам юзларингни кўрдим; кейин бошим айланиб, ўзимни йиғидан тия олмай қолдим, илло, шу онда менинг кўзларим алланечук нарсани – бу дунёда ҳали бирор кимса чиндан кўрмаган эса-да, аммо кибр ила номини қўйиб олган алланарсани – ақл бовар қилмас борлиқни кўрдим.

Энг сўнгида эса мен Алиф қаршисида саждага бош эгиб, ўзимни унга батамом таслим этишни истай бошладим.

– Ақлинг етмаган нарсага ҳадеб бурнингни тикаверсанг эс-хушингдан айрилиб қоласан, – деди кимдир калака қилаётгандай. – Сенга бу мўъжизани кўрсатганим учун ҳали бир умр қарздор бўласан. Расадхонам ажойиб эканми, Борхес?

Карлос Архентино энг юқори поғонада қаққайиб турар, қопқа кўтарилганидан ертўлага ёруғлик бостириб кирган эди. Ўрнимдан базўр туриб:

– Ҳа-ҳа, ажойиб, жудаям ажойиб, – дея ғўлдирадим.

Овозим ўзимга бегона ва ғалати туюлди.

Карлос Архентино эса сўраб-суриштиришини қўймасди:

– Ҳамма нарсани кўрдингми, аниқ кўрдингми?

Шу оннинг ўзида қасос режасини миямда пишитдим. Ертўласидан бошпана бергани учун унга ачиниш тўла оҳангда миннатдорчилик билдириб, уй бузилишига зинҳор қаршилиқ қилмаслигини астойдил уқтирдим – «билиб қўйинг, пойтахтнинг зарарли ҳавоси ҳеч кимга мурувват

қилмагай». Алиф ҳақида сўзлашни мутлақо рад этдим, фақат хайрлашаётиб уни меҳрибонлик билан бағримга бо-сарканман, қишлоқнинг сокин турмуши барча хасталикларга даводир дея қистириб қўйдим.

Конституция майдони бўйлаб метро томонга йўл солдим. Атрофдаги одамларнинг чехралари менга шу қадар таниш туюлар, нафақат чехралари, балки уларнинг бутун мақсад ва майллари, барча истак ва эҳтирослари ҳам менга очик дафтар каби равшан ва маълум эди. Уларнинг бирортаси энди мени хайрон қолдира олмаслигидан, уларнинг барчаси бирваракайига ва алоҳида мени ҳамиша ва ҳар жойда таъқиб этишларидан кўрқиб кетдим. Аммо бир неча уйқусиз тунлардан сўнг, хайриятки, яна аввалги унут кунлар бағрига қайтдим.

#### **1943 йил биринчи март кунги постскриптум**

Гарай кўчасидаги уйни бузишганидан сўнг олти ой ўтиб улуғвор дoston ҳажмидан чўчимаган «Прокруст» нашриёти «Аргентина манзаралари» куллиётини сотувга чиқарди. Воқеаларнинг кейинги ривожини ҳаммага маълум: Карлос Архентино Данери адабиёт бўйича иккинчи Миллий совринга сазовор бўлди.<sup>[6]</sup> Биринчисини доктор Аитега беришди, учинчисини доктор Марио Бонфантига. Ишонини қийин, аммо менинг «Ғирром бозингар» асарим бирорта ҳам овоз ололмади. Ҳасад ва калтафаҳмлиқ бу гал ҳам ғолиб бўлди! Кўпдан бери Данерини учрата олганим йўқ. Унинг толеи баланд қалами (у энди Алифнинг кўмагига мухтож эмасди) бу гал доктор Асеведо Диас адабий меросининг назмий баёнига киришгани ва тез орада бизни яна бир пухта асар билан мамнун этишини фақат газета хабарларидан билиб боряпман.

Мен Алиф моҳияти ва унинг номига доир яна айрим мулоҳазаларни билдириб ўтишни лозим топаман. Алиф – муборак лисон алифбосининг дастлабки ҳарфи номи-

дир. Мен баён этган ҳикояда унинг шаффоф шарга муқояса этилгани, афтидан, тасодиф эмасди. Зотан, ушбу ҳарф каббалада Эн-соф – адоқсиз ва мусаффо илоҳиётни англади; яна айтилишича, бу ҳарф само ва ерга ишора қилиб турган ва бу билан эса қуйи олам юқоридагисининг кўзгу ва харитаси эканига шоҳидлик бераётган одам қиёфасини ёдга солади; Mengenlehreга<sup>[7]</sup> кўра, Алиф – исталган бир бутунлик ўзининг исталган бўлақларидан катта бўлмаган трансфинит кўпликлар тимсолидир. Карлос Архентино ушбу номни ўзи танлаб олганмиди ва ёхуд барча нуқталар жамулжам бирлашувчи аллақайси бир нуқтанинг номи айнан Алиф эканини ўзининг хонаки Алифи кўмагида кашф этилган ҳисоби йўқ рисоалардан ўқиб билганмиди – буни билишни жуда истардим. Буни қабул этиш қийиндир, аммо мен бошқа Алиф мавжуд эканига (ва ё мавжуд бўлганига) ҳамда Гарай кўчасидаги уй ертўласидан топилган Алиф эса, аслида, сохта Алиф эканига ишонаман.

Бунинг далиллари қуйидагилардан иборат. Капитан Ричард Бёртон 1867 йилга қадар Британиянинг Бразилиядаги консули лавозимида хизмат қилди, 1942 йил июлида Педро Энрикес Уренья Сантус шаҳри кутубхонасидан Бёртонга тааллуқли, Искандар Зулқарнайн ёхуд Иккишоҳли Искандар соҳиби экани айтиладиган кўзгу ҳақидаги қўлёзмани топиб олади. Айни кўзгуда бутун олам акслангич эди. Бёртон яна бошқа шу каби ажойиботларни тилга олади – Торик ибн Зиёд ишғол этилган саройда («Минг бир кеча», 273) қўлга киритган ва аслида Кайхусравга тегишли етти ҳиссали кўзгу, Самосатлик Лукиан ой юзасида кўрган кўзгу («Ишончга сазовор тарих», 1, 26), Капелла «Сатирикон»и биринчи китобида сўз борган Юпитернинг тилсимли найзаси, Мерлиннинг «шиша оламга монанд думалоқ ва ботиқ» мутлақ кўзгуси («Парилар маликаси», III, 2, 19). Бёртон яна кўшимча қиладики, «санаб ўтилган барча кўзгулар (боз устига, ҳеч маҳал мавжуд бўлмаган бу кўз-



гулар) оддий оптик ускуналардан бошқа нарса эмасдир. Қоҳиранинг Амро масжиди намозхонларига эса муфассал маълумки, олам ва борлиқ ушбу масжид ҳовлиси атрофидаги устунлардан бири замиридан жой топгандир... Шаксиз, уни ҳеч бир кимса кўра олмас, аммо бу устунга қулоқ тутганлар борлиқ ҳаракатининг олис садоларини туя бошлайдилар... Масжид VII асрда қурилган, аммо устунлари исломга қадар амалда бўлган бошқа эътиқодлар эҳромларидан олинган эди. Муҳтарам Ибн Халдуннинг шу борада айтган сўзлари будир: «Кўчманчилар асос солган салтанатлар турфа бинокорлик юмушлари ҳаққи ажнабийлар оқи-мига ҳамиша муҳтождир».

Манфур ўша Алиф мана бу тош ичра ҳам мавжудми? Оламда неки бор – барини кўрганим ўша дам мен уни чиндан ҳам кўрганми эдим, сўнгра эса унутибмидим? Худди шу каби, бизнинг хотирамиз кушанда йилларга барибир ем бўлажак. Баайни замонлар кечган сайин Беатрис чехраси менинг хаёлимда тобора хира тортиб бораётгани янглиғ, барчаси унутилиб, батамом емирилажакдир.

**МАРВЛИК ҲАКИМ,  
НИҚОБ ТУТГАН БЎЁҚЧИ  
EL TINTORERO ENMASCARADO  
HAKIM DE MERV**

*Анхелика Окампога бағишланади*

Агар адашмасам, хуросонлик чойшаб тутган (ёки, аниқроғи, ниқоб тутган) пайғамбар Ал-Муқанна ҳақидаги манбалар тўртта эди: а) Аҳмад ал-Болозурий «Халифалар тарихи»нинг асл ҳолича сақланган мухтасар баёни; б) аббосий ҳукмдорларнинг расмий солномачиси Ибн Абу Тоҳир Тайфур қаламига мансуб «Ҳайбат дарслиги ёхуд Аниқлик ва кузатувлар китоби»; в) пайғамбарнинг муқаддас китоби – «Қора атиргул» ёки «Махфий атиргул»га тегишли даҳриёна қоидалар инкор этилган «Атиргулнинг тугатилиши» деб номланувчи арабий қўлёзма; г) Транскаспий темирйўл тармоғи ётқизилиши вақтида муҳандис Андруссов қўлга киритган бир неча мубҳам тангалар. «Тугатилиш»га тааллуқли байтлардан иқтибос қилинган бу тангалар Техрондаги нумизматика музейига тақдим этилди. 1899 йили топилган ва «Morgenlandisches Archiv»да калтабинлик билан (шошқалоқлик билан) чоп этилган қўлёзма аввал Хорн, сўнграқ сэр Перси Сайкс томонидан ишончга сазовор эмас деб эълон қилинган, «Атиргул»нинг аслияти батамом ғойиб бўлди.

Ирланд фитнакори ҳасратларига лиммо-лим Мур дostonи пайғамбар доврўғини Ғарб ўлкалари узра тараннум этди.

## Қизил бўёқ

Ўша замон ва ўша макон одамлари сўнгроқ чойшаб тутган пайғамбар номи билан атай бошлаган Ҳаким ҳижратнинг 120 йили, милоднинг эса 736 йили Туркистонда таваллуд топди. Боғлари, токзор ва ўтлоқлари сахрога маъюс тикилган кўҳна Марв унинг ватани эди. Чанг-тўзонлар соя солмаган маҳаллар у ернинг чошгоҳлари чароғон ва кўзни олувчи. Тўзонлар ялла қурган чоғлар одамлар хасталикка мубтало, тимқора узум шодалари эса ғуборнинг оқ чойшабига ўранган.

Ҳаким сўниб бораётган мана шу шаҳарда вояга етди. Амакиси унга қаллоб ва риёкорлар хунари бўлган бўёқчиликдан сабоқ бергани бизга маълум. Бу хунар куфрона йўлнинг илк дуоибаъдларига асос бўлгани ҳам равшан. «Менинг чеҳрам олтинга йўғрилган («Тугатилиш»нинг машҳур саҳифаларидан бирида у шундай ёзади), аммо мен қизил бўёқни намиқтириб, иккинчи кеча унга дағал юнгни ботирардим, кечаларнинг учинчисида эса таралган юнгни ол рангга бўяб чиқардим. Мамлакат соҳиблари мана шу қонли либослар туфайли ҳамон ўзаро тафовутдалар. Ўсмирликда жондорларнинг асл тусларини ўзгартириб, шу тариқа кўнглимни чоғлар эдим. Малоика кўй-қўзилар қоплонлардан туси билан фарқ қилишини айтади, аммо кўйларнинг қоплонга эврилиши Яратганга маъқул тадбир экани ҳақида Иблис муттасил менга уқтирар ҳамда у менинг ҳийла ва бўёқларимдан фойдаланар эди. Энди эса мен биламан – Фаришта ҳам, Иблис ҳам адашгандилар ва ҳар қандай ранг жирканчдир». Ҳижратнинг 146 йили Ҳаким шаҳардан изсиз ғойиб бўлди. Уйдан эса яксон этилган қозон ва бўёқчилик анжомлари, яна шерозий шамшир ва биринж кўзгу топдилар.

## Буқа

158 йил шаъбон ойи соб бўлар экан, сахро хавоси тиниқ ва мусаффо эди, одамлар эса нафсни ўлдириш фурсатидан ғофил қолмаслик илинжида мағрибдан балқиб чиқаётган рамазон ҳилолига тикилишган. Қуллару қашшоқлар, судхўру туя ўғрилари ва қассоблардан иборат бу оломон Марвга элтувчи йўл бўйидаги карвонсарой қарши-сида чордона қурган кўйи фалакдан ишорат кутар эди. Улар мағрибга тикилган, мағриб осмони ранги эса сахрога эш.

Шу дам (офтоби безгакка солишга мойил, ҳилоли эса талваса чақирувчи) сахронинг тубсиз қаъридан уч нафар кўланка пайдо бўлди. Учовлон ҳам одам жуссали, аммо миёнадагисининг боши буқаники эди. Улар яқинлашишаркан, карвонсарой кўноқлари ўртадаги одам ниқоб тутгани, бошқа иккиси эса сўқир эканига эътибор қилишди.

Кимдир биров («1001 кеча» эртақларидаги каби) бу ғаройиб манзара сабабини сўради. «Улар сўқирдирлар, – деб жавоб қилди ниқобли одам, – илло, улар менинг юзимни кўришди».

## Қоплон

Аббосийлар йилномачисининг маълум қилишича, сахродан пайдо бўлган одам (унинг овози фавқуллодда мулойим эди ёки ҳайвон ниқоби манзарасида шундай туюлганди) йиғилганларга юзланди. Дедики, улар тазаррунинг фақат бир ойига интиқдирлар, аммо у бундан ҳам аъло хабар келтирди: одамларнинг бутун умри тавба-тазарру бўлади ва улар шарафсиз ўлим билан завола топадилар. Яна айтдики, у Усмон ўғли Ҳақим бўлади, ҳижратнинг 146 йили уйига бир зот ташриф буюриб, муддаога ўтмакдан аввал таҳорат қилди. Ибодатини адо этиб бўлгач, шамшир билан унинг бошини танидан жудо айлади ва бошни фалакка олиб

кетди. Ул зотнинг (бу Жаброил фаришта эди) ўнг қўлида ётган бош Тангрига тақдим этилди. Тангри унга набийлик мақомини ато қилиб, шу қадар кўҳна каломни ҳам жойладики, буни такрорлаган забону лаблар куйиб кул бўлгусидир, раво кўрилган жаннатий шуъла эса осий бандалар кўзларини сўқир қилгусидир. Ниқоб тутилганлик боиси шу эди. Барча одамлар янги таълимотни эътироф қилиб, иймон келтиргач, улар учун Чехра намоён бўлади, шундагина одамлар ҳам, баайни фаришталар тавоф айлаганлари каби, сўқир бўлишдан ҳайикмай унга эътиқод қилиш саодатига етадилар. Ўзининг элчилик мақомидан огоҳ этган Ҳаким одамларни муқаддас уруш – жиҳод ва шаҳидлик саодатига чорлади.

Қуллар, гадой ва судхўрлар, туя ўғрилари ва қассоблардан иборат оломон унга ишонишдан бош тортди, кимдир «афсунгар!» деб қичқирди, яна биров эса «сохтакор қаллоб!» дея лаънатлади.

Карвонсарой кўноқларидан бирининг шикорга ўргатилган қоплони бор эди. Қайсидир бир дақиқада мана шу қоплон қафасдан қутулиб чиққани маълум. Ниқоб тутган пайғамбар ва шерикларидан бошқа ҳамма атрофга тирақайлаб қочиб қолишган. Қайтиб келишгач эса жондор сўқирга айланганди. Йиртқичнинг ялтироқ, ўлик кўзларини кўрган одамлар Ҳакимнинг оёқлари остига йиқилишди ва унинг илоҳий қудратига шаҳодат келтиришди.

### **Ниқоб тутган пайғамбар**

Аббосийларнинг расмий солномачиси ниқоб тутган Ҳакимнинг Хуросондаги муваффақиятлари ҳақида иштиёқсиз хикоя қилади. Кетма-кет мағлубият ва шавкатли саркарданинг чормих этилгани туфайли интиқом талвасасида бўлган бу музофот Шуълакор Чехра таълимотини бир интиқлик ила қабул қилди ва бу йўлда молию жонини ҳам аямади. (Ҳаким ўша пайтдаёқ буқа

бошли ниқобини ноёб дурлар билан зийнатланган ва нур каби товланувчи шойи чойшабга алмаштирди. Аббосий ҳукмдорларнинг тимсолий ранги қора эди. Ҳақим эса Муҳофаза Ниқоби, ялов ҳамда саллалар учун бунга тескари тарзда оқ рангни танлади.) Муҳораба мавсуми Ҳақим учун муваффақиятли бошланди. Тўғри, «Аниқлик китоби»да халифа қўшинлари ҳамиша ва ҳар жойда зафар қучганлари шарафланади, бироқ бундай зафарлар оқибати кўп ҳолларда саркардалар истеъфоси ва мустаҳкам қўрғонлар ташлаб чиқилишидан иборатлиги кўп нарсани ойдинлаштиради. 161 йил ражаб ойи адоғида шавкатли Нишопур ўз дарвозаларини ниқоб тутган пайғамбар учун очиб берди; 162 йил аввалида Астробод ҳам айна шу йўлни маъқул кўрди. Ҳақимнинг муҳорабалардаги иштироки (бирмунча омадли бошқа пайғамбар сингари) жангу жадалнинг қоқ марказида малла туя ўрқачида ўтирганча Илоҳга аталган сураларни қироат этишдан иборат эди. Атрофида найзалар жасадига муштоқ бўлиб учиб ўтса-да, бирортаси унга захмат етказмасди. Афтидан, унинг ўзи хатарларга интиқ эди – тунларнинг бирида саройи атрофида изғиб юрган моховга чалинган исқиртларни хобгоҳига чорлагач, ҳеч бир ҳадиксиз улардан бўса олиб, зар-кумушлар билан тақдирлаши ана шу интиқлик далолатларидан эди.

Кетма-кет зафарлар ортидан барака кириб бораётган молу мулкни бошқариш захматларини яқин салафларига топшириб қўйган, ўзи эса тафаккур қилиш ва оромга мойил эди; 114 нафар сўқир жориялардан иборат ҳарами унинг илоҳий вужуди эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланганди.

### **Мудҳиш кўзгулар**

Ҳар қанча нокамтар ёхуд жоҳил бўлмасинлар, ислом Тангрининг ишончли элчиларига нисбатан ҳамиша бағрикенглик кўрсатиб келган. Фақат шарти

шуки, уларнинг тарғиботи анъанага дахл этмасин. Эҳтимол, бизнинг пайғамбар бу каби бағрикенглик ортидан келувчи манфаатдан воз кечмас эди, бироқ издошларининг қутқулари, кетма-кет зафарлар ва халифанинг – у пайтлар Муҳаммад ал-Маҳдий халифаликда эди – ошкора ғазаби уни яққол шаккоклик ва куфрга етаклади. Куфр Ҳакимни бадном қилди, аммо у ўзининг хос эътиқоди асосларини, гарчи бунда кўҳна гностиклар таълимоти саслари сезилиб турган бўлса ҳам, шакллантиришга улгурди.

Ҳакимнинг космогонияси асосини недир шаффоф Худо забт этган. Худонинг илоҳий моҳияти шажара, шунингдек, исм ва қиёфани ўзига раво кўрмайди. Бу Худо ўзгаришлар илмидан сабоқ олмаган, бироқ ундан тарқалган тўққиз кўланка ҳаракатга келиши ҳамоно биринчи осмонни тўлдириб, бу осмонга ҳукмронлик қилади. Айни илоҳий шода унда ҳам фаришталар, илоҳий қудрат ва тахтиравонлар бўлган иккинчисини пайдо қилади, булар ҳам, ўз навбатида, қуйироқда бўлган, дастлабкининг бақамти монанди – бошқа осмонни вужудга келтиради. Айни иккинчи илоҳий бурж учинчисида аксланади, учинчиси қуйироқдагисида, шу тариқа 999 чига қадар. Буларнинг барчасини дастлабки осмон ҳукмдори – бошқа кўланкалар кўланкасининг кўланкаси – бошқаради ва унинг илоҳийлик махражи йўққа баробардир.

Биз умргузаронликда бўлган Ер – бу шунчаки бир нуқсон, аслиятга ўхшашга нўноқларча уриниш. Кўзгулар ва насл қолдириш жирканчдир, илло, бу ҳол нуқсонларни урчитиб, хатоларни мустаҳкамлайди. Асосий фазилат – нафрат. Айни фазилатга бизни икки йўл элтади (шу ўринда пайғамбар бизга эркин танлаш ҳуқуқини лозим кўради): нафсни жиловлаш ёхуд бошбошдоқлик, вужудни сийлаш ёхуд бокиралик.

Ҳаким тақдимотидаги жаннат ва жаҳаннам бундан-да мудҳишроқ. «Каломни инкор этувчилар учун, Беназир Ни-

қоб ва Чехрани инкор этувчилар учун («Яширин атиргул»да битилган дуоибваъд шундай жаранглайди) мен ғаройиб Жаҳаннам ваъда қиламан, илло, уларнинг ҳар бири 999 оташ салтанатига ҳукмронлик қилади ва ҳар бир салтанатда 999 оловли тоғ, ҳар бир тоғда 999 оловли минора, ҳар бир минорада 999 оловли хосхона, ҳар бир хосхонада 999 оловли тўшак, ҳар бир тўшакда эса унинг ўзи ётади ва (унинг чехраси ва унинг овозига эга) 999 олов чулғаган одам уни мангу азоблайди». Бошқа бир ўринда бунинг тасдиғига дуч келамиз: «Бу ҳаётда сизлар биргина вужуд азобларига дучорсизлар; аммо қалбингиз ва хаёлларингизда адоқсиз кўп вужудлар азобига гирифторсизлар». Жаннат тасвирлари эса ортиқча тафсилотлардан холи. «У жой ҳамиша зимистон, атрофдаги тош косалар обиҳаётга лиммо-лим ҳамда бу жаннат фароғати айрилиқ, воз кечишлар ва уйқусида туш кўраётганларнинг айрича фароғатидан бошқа нарса эмас».

### Чехра

Ҳижратнинг 163 ва Шуълакор чехранинг 5 йилида халифа кўшинлари Саномда Ҳакимни қамал қилди. Озиқ-овқат ва шаҳидлар етарли эди, бунинг устига, фаришталар илоҳий лашкарининг кўмаги кутилаётганди. Қамал остида қолган қалъа бўйлаб тасодифан мудҳиш хабар тарқалди. Айтишларича, зинокорликда гумон қилинган жориялардан бирини бўғиб ўлдираётганларида боёқиш жон ҳолатида пайғамбарнинг ўнг қўлида жимжилоғи, бармоқларида эса тирноғи йўқлигини айтиб қичқирган. Бу овоза лашкар орасида яшиндек тарқалди. Баланд айвонда кўзни қамаштирувчи офтоб остида Ҳаким илоҳдан ғалаба ёхуд унинг аломатини сўраш билан машғул эди. Шу дам ёмғирга қарши чопаётган каби бошларини қуйи эгиб садоқатли икки саркарда унга яқинлашиб, бирдан дурлар қадалган ниқобни тортиб олишди.



Барча ҳайратдан қалқиб тушди. Самода, меърожда бўлиб қайтган ҳаворийнинг чеҳраси чиндан ҳам оппоқлиги билан, доғли мохов хасталигига хос алоҳида оқлиги билан ҳайратга соларди. Бу чеҳра шу қадар шишинқираган ва беўхшовлигидан чиндан ниқобга ўхшарди. Қошлардан нишона қолмаган, ўнг кўзининг пастки қовоғи қартайган ёноққа қадар осилиб тушган, хасталик лабларни ҳам омон қўймаганди. Ҳаддан зиёд шишган бурун баайни арслонники каби эди.

Ҳақим сўнгги чора сифатида макрини ишга солиб ҳайқирди: «Сизларнинг жирканч гуноҳларингиз менинг шуъламни кўришга қўймаётир...»

Уни эшитиб ўтирмадилар ва найза санчдилар.

**ШАФҚАТСИЗ ХАЛОСКОР  
ЛАЗАРУС МОРЕЛ  
EL ATROZ REDENTOR  
LAZARUS MORELL**

**Олис сабаб**

Антил оролларидаги олтин конлари дўзахда машаққатли меҳнатдан силласи қуриётган ҳиндуларга 1515 йили авлиё Бартоломе де Лас-Касаснинг раҳми келди ва у Антил оролларидаги олтин конлари дўзахда машаққатли меҳнатдан занжиларнинг силласи қуриши учун қирол Карл V га занжиларни олиб келишни таклиф этди. Саховатпеша руҳоний туйғуларининг бу янглиғ ғаройиб тусланиши беҳисоб оқибатларни келтириб чиқарди: Хэнди блюзлари, Шарқий соҳиллик мусаввир Педро Фигарининг Париждаги муваффақияти, бошқа бир уругвайлик дон Висенте Россининг қочоқ қуллар ҳақида ҳикоя қилувчи ажойиб насри, Авраам Линкольннинг фусункор шавкати, Шимол ва Жануб ўртасидаги урушда ҳалок бўлган беш юз минг одам, ҳарбий нафақаларга сарфланган уч миллиард уч юз миллион доллар, сохта Фалучо ҳайкали, Академик луғатнинг ўн учинчи нашрига «оломон қилмоқ» (линч) феълининг киритилиши, эҳтиросларга лиммо-лим «Ҳамду сано» фильми, «буғдойранг» ва «қорамағиз» қўшин сардори – Солернинг Серритодаги шиддатли ҳужуми, фалон сеньорита жамоли, Мартин Фьеррони ўлдирган занжи, «El manisero» номли бемаза румба, Туссен Лувертьюрнинг барҳам берилган ва банди қилинган шидда-

ти, Гаитидаги салиб ва илон, папалоа ханжари билан бўғизланган эчкилар қони, тангонинг волидаси хабанера, кандомбе рақси шулар жумласидан.

## Жой

Маҳобатда тенгсиз дарё, дарёлар волидаси – Миссисипи бу тенги йўқ аблахнинг муносиб фаолият майдони эди. (Мазкур дарёни илк бор Альварес де Пинеда кашф этди, унинг биринчи тадқиқотчиси эса Перуни забт этган, шатранж ўйинини ўргата инклар қироли Атауальпанинг зиндондаги йилларига ҳусн киритган конкистадор – капитан Эрнандо де Сото эди. Капитан қазо қилгач, мана шу дарё сувлари уни ўз бағрига олди.)

Миссисипи – Парана, Уругвай, Амазонка ва Ориноко дарёларининг бағрикенг, адоқсиз узун ва буғдойранг опаси. Бу дарё сувлари мулат аёл вужуди рангидай – унинг сувлари йил сайин олиб келадиган тўрт юз миллион тонна лойқа Мексика қўлтиғини булғайди. Бу қадар кўламдаги табаррук ва кўҳна ахлатлар туфайли дельта ҳосил бўлган. Бунда, бетиним ювилиб турган қитъа ташландиқларида, улуғвор сарв дарахлари кўкка туташган. Ўлик балиқлари сочилиб, ҳар тарафни булғаган ва қамишзорлар забт этган қўланса ботқоқликлар мамлакати ўз сарҳадлари ва сукунатини кун сайин кенгайтириб борган. Шимолроқда, Арканзас ва Огайо кенгликларида, ҳам адирлар ястаниб ётибди. У ерларда безгак силласини қуритган сариқ юзли қашшоқлар қавми истиқомат қилади. Улар қум, оғоч ва лойқа сувдан бўлак ҳеч вақоси йўқлигидан тошу темирга суқ билан тикилишган.

## Одамлар

Ўн тўққизинчи аср бошларида (бизни айни шу вақт қизиқтиради) Миссисипи соҳилларидаги

бепоён пахта далаларида эрта тонгдан қош қорайгунча занжилар тер тўкишарди. Улар оғочлардан тикланган кулбаларда, шундоққина ерда, ухлашар, «она-бола» муносабатларидан бўлак барча уруғ-аймоқ алоқалари ўта шартли ва мавҳум эди. Уларнинг кўплари фақат исмлари билангина қаноатланишар, занжилар ҳарф танишмасди. Улар инглиз унли товушларини чўзиб, майин овозда ўз кўшиқларини куйлашар, бир чизикқа терилиб олган кўйи назоратчи қамчини остида эгилиб ишлашар ва қисматларига муҳрланмиш меҳнат – тавқи лаънат ва кулфатдан ўзга нарса эмаслигини жон-тани билан англаб боришарди. Баъзан қочиб кетишарди, шунда серсоқол одамлар кўркем отларга сакраб минишар, бақувват кўппаклар эса изма-из таъқиб этарди.

Ҳайвоний умид ва Африка кўркевларидан иборат негизларига улар Битик каломларини жойладилар: занжилар Исо масихга эътиқод қўйишди. Улар кўнгиллари сел бўлиб жўр овозда куйлашарди: «Биздан хабар ол, Мусо». Улар Миссисипи тимсолида лойқа Йордон дарёсининг аллақайси биродарини кўришарди, эҳтимол.

Олифта кийинган, узун сочли хасис жаноблар ушбу заҳматкаш замин ва занжиларнинг соҳиблари эди. Улар оқ қайиндан тикланган, сохта юноний пешайвони бўлган ва, албатта, дарёга тикилган серҳашам уйларда истиқомат қилишарди. Яхши кул минг доллар турар ва узоқ яшамасди. Занжиларнинг баъзилари шу қадар ношукр эдиларки, тез орада хасталаниб, ўлиб қолишарди. Бу омонат нусхалардан имкон қадар фойда олиб қолиш зарурлиги сабаб уларни тонг-саҳардан қош қорайгунча далада ушлаб туришар, шулар ҳисобига соҳиблар ўз ерларидан йил сайин пахта, тамаки ва ё шакардан мўл ҳосил йиғиб олишарди. Бетиним ишлов бериш оқибатида ҳолдан тойган ер тез орада ориқлаб қолар, далаларни бегона ўтларнинг қалин кўшини ишғол этарди. Ташландиқ фермалар, чор атроф-

даги мункиллаган кулбаларни, чакалакзор ва қўланса бот-қоқликларни эса оқ танли қашшоқлар макон тутишганди. Улар балиқ ҳамда бошқа майда-чуйдаларни овлаш ҳамда чорвачилик орқасидан кун кўришарди. Кўп ҳолларда улар занжилардан овқат сарқитлари тиланишлари ҳам бор гап эди ва шу тақлид ғариб ҳаёт кечиришаркан, ҳар қалай, бизнинг наслимиз соф-ку деган хаёл билан овунишарди. Шундай овунгувчиларнинг бири Лазарус Морель эди.

### Бизнинг қаҳрамон

Америка ойномаларида чоп қилинаётган Морелнинг суратлари сохтадир. Шу қадар эсда қолувчи ва донғи кетган одамнинг чинакам тасвири йўқлиги тасодиф эмасди, балки. Эҳтимол, у ортиқча излар қолдирмаслик, айни пайтда, номини афсонавийликка дахлдор этиш мақсадида суратга олишларидан ўзини олиб қочган деб тахмин қилиш ҳам мумкиндир... Аммо бизга шуниси маълумки, у ёшлигида бадбашара бўлганди, ўзаро жуда яқин жойлашган кўзлари ва ножоиз юпқа лаблари уни хушсурат деб аташларига мутлақо изн бермасди. Кейинчалик йиллар унга ёшини яшаб бўлган аблаху омади юриб, сувдан қуруқ чиққан жиноятчиларга хос айрича салобат бахш этди. Қашшоқ болалик ва шарафсиз яшалган умрга қарамай, у Жанубдан чиққан чинакам киборлардан бири эди. Муқаддас битик билан дурустгина таниш бўлган бу одамнинг ваъз айтишларида ғайритабиий оҳанрабо бор эди. «Лазарус Морелни минбарда кўрдим, – деб ёзади Луизиана штатидаги Батон-Ружда жойлашган қиморхона соҳиби, – мен унинг ибратормуз сўзларини тингладим, унинг кўзларидан сизиб чиққан ёшларни кўрдим. Унинг зинокор, занжилар ўғриси ва қаттол эканини билсам-да, менинг ҳам кўзларим йиғларди».

Тингловчилар кўзларини намлатган бу тақводорона эҳтиросни Морелнинг ўзи қуйидагича изоҳлайди: «Мен

Инжилни таваккал очдим ва авлиё Павелнинг айни изди-  
ҳомга мос сатрларига кўзим тушди, шу тариқа бир ярим  
соатлар чамаси ваъз айтдим. Бу орада Креншоу ўз шерик-  
лари билан вақтни зое кетказишмади – улар менга сомеъ  
бўлганларнинг отларини ими-жимида ўғирлашди. Ўзим  
учун олиб қолганим қайноқ қонли тўриқдан бўлак ҳамма-  
сини Арканзасда пуллаб юбордик. Тўриқ Креншоуга ҳам  
ёқиб қолган эди, аммо бу от унга муносиб эмаслигига уни  
ишонтирдим».

### Услуб

Отларни бир штатда ўғирлаб, бошқа би-  
рида пуллаш Морелнинг жиноий тарихида у қадар муҳим  
ўрин эгалламаса-да, аммо айни шу машғулоти унинг учун  
Ялпи шарафсизлик тарихида мустаҳкам ўрин ҳозирлаган  
услубнинг илк дебочаси эди. Бу услуб қарор топиши учун,  
албатта, ўзига хос шароитлар зарур бўлди, шунингдек,  
бу учун талаб этилувчи пасткашлик, одамларнинг умид  
ва ишончини суиистеъмом қилиш ҳамда тузоққа тушган  
боёқишлар кўнглида урчиган даҳшатни иблисона тарзда  
авж олдира бориш маҳорати нуқтаи назаридан ҳам мазкур  
усул ягона эди. Гарчи Ал Капоне билан Бакс Моран катта  
шаҳарларда улкан сармоя ва садоқатли автомат қурола-  
ри билан иш кўрсалар-да, Морель кўнглига туккан ният  
ва бу ниятга элтувчи услублар қаршисида иккисининг  
машғулоти анча тутуриқсиз эди. Улар атиги муайян бир  
соҳани назорат қилишни истайдилар, холос... Агар гуруҳ  
миқдори ҳақида гапириш керак бўлса, Морелнинг қўл ос-  
тида мингга яқин йигит бўлиб, уларнинг ҳар бири унга  
содиқликка қасамёд қилганди. Уларнинг икки юз нафари  
қолган саккиз юз одам бажариши лозим бўлган буйруқ-  
лар чиқарувчи Олий Кенгаш аъзолари эди. Энг хатарли  
юмушлар мана шу саккиз юз нафарга юкланган, неки бало

бўлса, айнан шулар рўбару қилинарди. Улар орасида исён чиққудек бўлса, ортиқча пайсалга солинмайди, зумда улар устидан ҳукм чиқарилиб, оёқларига пухта боғланган тош билан тезоқар лойқа дарёга улоқтирадилар. Бу қароқчилар лашкарининг аксари мулат бўлиб, вазифа қуйидагилардан иборат эди. Улар қўлларидаги қимматбаҳо узукни кўз-кўз қилган кўйи Жанубнинг бепоён далаларини кезиб юришар, бирор бахтиқаро занжини учратгач унга озодлик ваъда қилишарди. Олисидаги бошқа бир плантацияга сота олишлари учун бу занжини соҳибидан қочишга ундашар, шундан сўнг қўлга киритилган пулнинг маълум қисмини унга топшириб, яна қайта қочишга кўмаклашишга сўз беришарди. Кейин уни эркин штатларнинг бирига олиб боришарди. Пул ва эрк, жарақ-жарақ кумуш долларлар ва эрк – бундан кўра жозибалироқ нарса борми, ўзи? Истикболда мана шу неъматларнинг барчасини хаёл қилган бу қул биринчи марта қочишга журъат этарди.

Қочиш учун энг осон йўл дарё эди. Каноэ, кема туби, қайиқ, бир четида уйчаси ёки баланд чодирлари бўлган улкан сол – барибир эмасми, муҳими, илдам олға босаётганлигини, бетиним оқиб турган дарёда хавф-хатардан холи эканлигини билиб турсанг бас... Шундай қилиб, занжини бошқа бир далага сотишади. У эса яна қайта чакалакзорга қочиб кетар ёки ташландиқ кулбада яширишиб оларди. Шунда энди негадир жаҳл отига минган валинеъматлар (занжи уларга нисбатан ишончсизлик туя бошлаган бўлади) кўзда тутилмаган харажатлар ҳақида сўзлаб уни сўнгги бор сотишга мажбур эканларини маълум қиладилар. Қайтиб келганидан сўнг биратўла икки қочқин учун ҳақ тўлашларини ва бундан буён мутлақо озод бўлишини айтишади. Занжи ўзини тағин қайта сотишларига ижозат беради, янги жойда бир муддат ишлаб юрар, кейин эса овчи кўппакларга ем бўлиш ё ўласи қилиб саваланиш эҳтимолига қарамай, сўнгги бор қочишга

журъат этарди. У қонга беланган, бутун баданидан чак-чак тер томиб турган, жони ҳалқумига келган ва беҳолликдан кўзлари юмилиб кетаётган алпозда саховатпеша мулатлар ёнига қайтиб келарди.

### Узил-кесил озодлик

Бу воқеаларнинг ҳуқуқий томонларини қараб чиқиш лозим бўлади. Дастлабки соҳиб қочқин ҳақида хабар қилиб, қочоқни тутиб келинганлик учун мукофот тайин этмагунича Морелнинг йигитлари занжини пул-лашмасди. Шунда исталган одам уни қўлга олишга ҳақли эди ва навбатдаги олди-сотди ўғрилиқ эмас, балки қочоқнинг ишончини озгина суиистеъмол қилиш бўларди, холос. Соҳибнинг одил маҳкамага арз қилиши эса бефойда ва анча қимматга тушарди – харажатлар қопланмасди.

Мана шулар туфайли хавфсирашга асос йўқдай туюларди. Бироқ занжининг ўзи панд бериб қолиши, ҳаддан зиёд миннатдорлик чоғи ва ё алам туфайли оғзидан гуллаб қўйиши мумкин эди. Иллинойс штатида, Эль-Каиро исло-ватхонасида, ичилган бир неча шиша виски, унга – мана шу қулзодага беришлари керак бўлган мўмай пулни совура бошлаган итвачча ичган бир неча шиша виски – ва тамом – сир очилади-қўяди. Шу пайтларда хусусий мулкни ин-кор этаётган ва занжиларга озодлик берилишини тарғиб қилиб, уларни йўлдан оздираётган саховатпеша аҳмоқлар фирқаси Шимол ҳавосини булғаётган эди. Морель ўзини ушбу бузғунчилар қаторига қўшишларини сира истамасди. У янки эмасди, жанублик оқ танли эди, чинакам оқ танлиларнинг муносиб зурриёти эди, у фурсат етиб ишдан четлашгач бойваччалардай яшашни, пахта далалари ва уларда қоматлари ёйдай эгилиб тер тўкаётган қулларга эгалик қилишни кўнглига тугиб қўйган эди. У шу қадар улкан тажрибаси билан ҳаётини беҳуда хатарга қўя олмасди.



Қочоқ эса бу орада озодликка илҳақ эди. Шунда Лазарус Морелнинг бадқовоқ мулатлари бир-бирига – баъзан фақат қош қоқиш орқали – буйруқни оширишар ва боёқиш занжини кўзларидан, қулоғидан, сезгиларидан, кундузги чароғонликдан, атрофни қуршаган қабоҳатдан, вақт ва замондан, ҳурлик ваъда қилиб тузоққа илинтирган валинеъматларидан, ўзига раво кўрилмаган меҳр-шафқатдан, бир қултум нафасдан, қочқин чоғи бўғзига муштоқ бўлиб ортидан чопган итлардан, занжилар ўзлари учун халоскор билган Мусо ҳеч тарк этгиси келмаган коинотдан, бир мисқоли-да рўёбга чиқмаган умидлардан, завол сари муттасил элтувчи меҳнат ва ниҳоят, унинг ўз-ўзидан ҳам халос этишарди. Милтиқдан узилган ўқ, қоринга урилган пичоқ ёки бошга тушган зарба – Миссисипи қўйнидаги тошбақа ва мўйловдор балиқлар халос этилишнинг бу усуллари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлардилар.

### Ҳалокат

Садоқатли одамлар амалга ошираётган тадбир гуллаб-яшнаши керак эди. 1834 йил бошига қадар Морель етти юз нафарга яқин занжини халос этиб улгурган ва бу бахти чопганлар изидан боришга шай турган яна анчагина қул йиғилиб қолган эди. Фаолият доираси кенгайиб кетгани туфайли сафларни ҳам кенгайтириш лозим бўлди. Янги қасамёд қилинганлар орасида арканзаслик Виржил Стюарт исмли йигит бор эди. Айтишларича, бу йигит саноқсиз қулларидан айрилган бир киборнинг жияни эди. 1834 йил августида Виржил хиёнат қилди ва Морель билан йигитларини сотиб қўйди. Морелнинг Янги Орлеандаги уйини миршаблар қуршаб олишди. Бироқ уларнинг укувсизлиги туфайли ёки пора кўмагида Морель қочиб қутулди. Орадан уч кун ўтди. Бу пайтда Морель Тулуз кўчасидаги чирмашиб ётган гуллар ва ҳайкаллари

бор кўхна бир уйда яшириниб юрди. Кейинчалик маълум бўлишича, у жуда кам овқатланар ва оёқяланг ҳолда, ўйчан қиёфада, сигара бурқситиб катта қоронғи бўлмаларда санқиб юргани-юрган эди. Бу уйда хизматда бўлган қул орқали у Натчез ва Ред-Ривер шаҳарларига иккита мактуб жўнатди. Тўртинчи куни уйга уч киши ташриф буюриб, тонгга қадар алланарсаларни маслаҳат қилишди. Бешинчи кун кечга яқин Морель ўрнидан туриб, устара сўради ва ихлос билан соқолларини қиртишлади. Сўнг кийиниб ташқарига чиқди. У шаҳарнинг шимолий даҳалари бўйлаб шошилмасдан, бамайлихотир юриб ўтди. Фақат шаҳардан ташқари чиққачгина Миссисипи соҳили бўйлаб илдам одимлай кетди.

Унинг режасига ширакайфлик чоғидаги жасорат ўт қалаган эди. Морель ўзини ҳали-ҳамон ёдда сақлаб, иззат қилишлари эҳтимоли бўлган одамлар – Жанубдаги занжи қуллардан фойдаланиб қолмоқчи эди. Ахир улар ўртоқлари қочиб кетаётгани ва ортга қайтмаётганини кўриб туришарди. Демак, қочоқлар озодликда эканига амин эдилар. Морель ўзининг барча фазилатларини ишга солиб занжиларни ялпи исёнга даъват қилишни, Янги Орлеанни барча сарҳадлари билан забт этиш ва талон-торож айлашни режаштирган эди. Чоҳга қулатилган, хиёнат туфайли қарийб барбод этилган Морель бутун қитъа миқёсидаги жавоб ҳаракатини, оддий бир жинойтчини барча гуноҳларидан фориғ айлаб, тарих қадар юксалтирувчи жавоб ҳаракатини кўнглига туккан эди. Шу мақсадда у бошқа жойларга нисбатан ортиқроқ иззатда бўлган Натчез шаҳрига йўл олди. Бу саёҳат ҳақида унинг ўзи сўзлаган ҳикоя мана бундай:

«Отни қўлга киритганимча мен тўрт кун яёв йўл босдим. Бешинчи куни чанқоғимни қондириш учун жилға ёнида тўхтадим. Қулаган дарахт устида ўтириб ўзим юриб келган йўлга тикиларканман, мен томон келаётган отликқа кўзим тушди. Албатта, шу заҳоти отни тортиб олишга аҳд

қилдим. Тараддуд кўриб отликқа шавкатли қуролимни тўғриладим ва яёвланишини буюрдим. У буйруқни бажарди, мен чап қўлимда узангини тутганча дарёга ишора қилиб олдинга юришини буюрдим. У озгина юриб тўхтади. Ечинишни буюрдим. «Модомики мени ўлдирмоқчи экансиз, ўлимим олдидан ибодат қилишимга рухсат этинг», – деди. Унинг ибодатини тинглаб ўтиришга вақтим йўқлигини айтдим. У тиз чўкди, мен эса гарданига ўқ қададим. Кейин қорнини ёриб, ичак-човоқларини дарёга улоқтирдим. Бисотини кавлаштириб, тўрт юз доллар, ўттиз олти цент ва бир даста қоғоз топдим, қоғозларга қараб ўтирмадим. Унинг ҳали оҳори кетмаган этиклари менга лойиқ келди. Ўзимники эса титилиб кетганди, уларни дарёга улоқтирдим. Натчезга кириб бориш учун мен шу тариқа отга эга бўлдим».

### Хотима

Морель – уни дорга осишни хаёл қилаётган исёнкор занжилар сардори, занжилар тўдалари томонидан дорга осилган, уларга қўмондонлик қилишни орзулаган Морель – қайғу билан маълум қиламанки, Миссисипи тарихи ушбу ажойиб имкониятларнинг бирортасидан фойдалана олмади. Азалий адолат талабларига қарама-қарши тарзда, бу дарё ҳам ўз соҳилларида ҳисобсиз қабоҳатлар содир этган одамнинг қабрига айланмади. Ўпкаси шамоллаган Лазарус Морель 1835 йилнинг 2 январь куни Сайлес Бакли исми билан Натчездаги шифохонага ётқизилди. Умумий палатадаги беморлардан бири уни таниб қолди. 2 ва 4 январь кунлари бир неча плантацияда қуллар исён кўтаришга уриниб кўришди, аммо айтарли кўп талафотсиз уларни тийиб қўйдилар.

**БЕҒАРАЗ ҚАТТОЛ БИЛЛ ҲАРРИГАН**  
**EL ASESINO DESINTERESADO BILL**  
**HARRIGAN**

Ҳикояни бошлар эканман, хаёлимда дастлаб Аризона ерларининг қиёфаси намоён бўлади; кумуш ва олтин билан тўйинган Аризона ва Янги Мехико ерларининг, мубҳам ва ҳайратгир ерларнинг, ясситоғлар ва латиф ранглар юртининг, ўлаксахўр қушлар топ-тоза қилган суюкларнинг оппоқ жилваси лиммо-лим ерлар қиёфаси собит бўлади. Бу ерларда иккинчи галда Билли қотилнинг – от билан чирмашиб кетган чавандознинг, сахрони ларзага солувчи, худди афсун каби олисдан жон олувчи кўринмас ўқлар юборар қаҳрли тўппонча тутган йигитнинг қиёфаси намоён бўлади.

Маъдан билан тўйинган, қовжироқ ва биллур саҳро. Йигирма бир ёшида жон таслим қилган ҳамда жувонмарг этилган йигирма бир жондан – «мексикаликларни ҳисобга олмаганда» – инсоний адолат ҳисобига кўра қарзини узмай кетган қарийб болакай.

**Илк даҳа**

1859 йили Нью-Йорк ерости харобаларида шавкат ва кўрқув кейинчалик Қаттол Билли лақабини инъом этган бир одам дунёга келди. Айтишларича, унга ирланд аёлининг ҳорғин вужуди ҳаёт ато этган, аммо у занжилар орасида улғайди. Бу қўланса ва қорамағиз маконда у ўзининг сепкил ва малла сочларидан ғурурланар-

ди. Оқ танли эканидан гердаяр, қасоскор, қаҳри қаттиқ ва разил эди. Ўн икки ёшидан «Ботқоқ фаришталари» тўдасига – ахлатхоналарда қароқчилик қилиб кун кўрган ушбу самовий хилқатлар тўдасига қўшилди.

Қўланса туман ҳиди анқиган оқшомлар улар ерости лабиринтидан пайдо бўлишар ва биринчи дуч келган олмон денгизчиси изидан тушиб, гарданига уриб йиқитишарди, уни шипшийдам қилиб бўлгач эса навбатдаги манзилга йўл олишарди. Афсун ёрдамида отларга заҳмат етказишга қодир сочлари оппоқ занжи – Гэз Хаузер Жонс уларга раҳнамо эди.

Баъзан оқова ариқ ёнидаги кулба чордоғидан бирор жувон йўловчи устига челак тўла кулни сочиб юборарди. Йўловчи боёқиш нафаси бўғилиб, қўлларини силтаётган маҳал бизнинг шоввозлар унга ташланиб қолишар ва ертўлага олиб кириб, чўнтаklarини тамом қоклашарди.

Билли Ҳарриганнинг, бўлғуси Қаттол Биллининг, таҳсил йиллари шу тарзда кечди. У театр томошаларини, айниқса, ковбой саргузаштларини хуш кўрарди. Афтидан, айна томошаларда ўз қисматининг ишорат ва тимсолларини алланечук савқи табиий билан сезгувчи эди.

### **Ғарб сари**

Ўша пайтлар Боверининг талотўп театрларидаги мелодрамалар ўқ овозлари ва ковбойлар билан лиммо-лим эди, буни тушуниш қийин эмасди: у маҳаллар Американи Ғарб ўзига бетиним чорлар, кунботар ўлкасида Невада ва Калифорния олтини яширинган эди. Кунботар ўлкасида танасига ҳали болта урилмаган эманзорлар, ҳисобсиз бизон подалари, Брайхэм Янгнинг баланд тоқили шляпаси ва кўламдор ётоғи бор эди; қизил танлиларнинг маросимлари ва важоҳати, саҳронинг мусаффо осмони, бепоён прериялар ва серҳосил ерларнинг ёнма-ёнлиги

баайни денгизнинг яқинлиги янглиғ қалбларни ҳаяжонга соларди. Олис Ғарб ўзига чорларди. Саргузашт ва бойлик ишқидагиларнинг сўнгсиз издиҳоми, Ғарбни муттасил забт этаётган минглаб америкаликлар издиҳоми ўша йилларнинг асосий манзараси эди. 1872 йили қамоқхонадан қочгач ҳар гал сувдан қуруқ чиқувчи Билл Ҳарриган мана шу издиҳомга келиб қўшилди.

### Мексикаликнинг ўлдирилиши

Тарих энди бизни (баъзи кинорежиссёрларга қўл келувчи бу тарих воқеалар тартибига амал қилмайди) бепоён денгиз сингари қудратли саҳро қўйнида адашиб ётган оддий тавернага олиб ўтади. Воқеа кечган маҳал – 1873 йилнинг ёмғирли туни; воқеа кечган жой – Льяно-Эстакадо (Нью-Мехико). Қора булутлар беомон ишғол этган осмон. Прерия манзараси этни жунжиктиришга мойил – прерияда йиртқичлар паққос туширган сигирнинг бош чаноғи, зимистон ичра увлаётган шоқол кўзлари, хушбичим отлар, таверна эшигидан сизиб турган бир тутам шуъла. Ичкарида пештахтага инганча ҳорғин йигитлар қонларни кўпиртирар ичкилик ичишмоқда ҳамда бургут ва илон сурати нақш этилган кумуш тангаларнинг жаранги. Кайфи ошиб қолган кимдир ғамгин-маъюс қўшиқ хиргойи қиляпти. Баъзи бировлар «эс» товушига мўл тилда, афтидан, испан тилида сўзлашаётир, аммо бу кимсалар ҳам ширакайф. Харобаларда вояга етган малла сочли Билл Ҳарриган пештахта ёнидагилар орасида. Иккита қадаҳни бўшатиб улгурган бўлса-да, чамаси, кўнгли яна ичишни тусайди. У айна шу кенгликлар одамларидан хайратда. Унинг назарида, бу одамлар ажойиб, баджаҳл ва омадли, ёввойи отлар ва асов тойларни жиловлай билувчи абжир бўлиб кўринади. Бирдан ўртага сукунат чўкади, бу жимликни фақат хиргойи қилаётган мастгина пайқамай-

ди. Ичкарига барча барзанги йигитлардан-да барзангироқ – юзлари кекса ҳинду аёлнинг юзларига эш мексикалик кириб келади. Унинг бошига улкан сомбреро қўндирилган, ёнларида эса тўппончалар. Испан сўзлари билан булганган инглиз тилида тавернадаги ҳамма гринголарга, ит-ваччаларга хайрли тун тилайди. Чорловга ҳеч ким жавоб қилмайди. Билл унинг кимлиги билан қизиққач, бу мексикалик Дэго, яъни Диего ёки чиауалик Белисарио Вильягран эканини пичирлаб маълум қилишади. Шу заҳоти ўқ овози янграйди. Билл бақувват елкалар оша сурбет меҳмонга ўқ қадайдди. Вильяграннинг қўлидан қадаҳ сирғалиб тушади ва жасад гурсиллаб қулайди. Иккинчи ўққа ҳожат йўқ. Билл марҳум олифтага қараб ҳам қўймасдан суҳбатни давом эттиради. «Наҳотки, – дейди у. – Мен эсам нью-йорклик Билл Ҳарриган бўламан». Ҳеч ким билан иши йўқ маст одам хиргойисида давом этарди.

Бу воқеадан кейинги ғала-ғовурни тасаввур қилиш қийин эмас. Биллнинг қўлларини сиқиб олқишларга кўмиб юборадилар, виски билан сийлаб, тасаннолар айтадилар. Кимдир Биллнинг тўппончасида ҳали белги йўқлиги ва Вильягран ҳалокати шарафига биринчисини нақшлаш лозимлигини билдиради. Марҳумнинг пичоғини эсдалик учун олиб қолаётиб Қаттол Билли айтган гапни одамлар ҳали узок вақт эслаб юришади: «Мексикаликлар пичоқ осиб юришга лойиқ эмаслар». Воқеа бу билан ҳам адо бўлмайди. Чарчаган Билл тўшагини марҳум ёнига ёзади ва ҳамманинг кўз ўнгида тонгга қадар пинакка кетади.

### **Қотиллик ҳаққи қотиллик**

Мана шу мерганлик билан отилган ўқ туфайли (ўн тўрт ёшида) Қаҳрамон ва Қаттол Билли дунёга келди, Қочоқ Билл Ҳарриган эса гўрга кирди. Хилватларда қароқчилик билан шуғулланган разил босқинчи чегара ху-

дудларда бебошлик қилувчи ковбойга айланди. У Орегон ва Калифорниядаги урфга кўра ўзини ортга ташлаб эмас, балки Вайоминг ва Техасдаги каби эгарда тик ўтиришни ўрганди. Сўнгроқ тилларда дoston бўлган фусункор қиё-фасида нью-йорклик ўғрига тааллуқли белгилар барибир сақланиб қолганди; у занжилар билан дўст бўлмагани каби мексикаликлардан ҳам нафратланар, аммо сўнгги сўзлари (палид сўзлар) испан тилида бўлди. Изқуварлардан дай-дилар сабоғини олди. У бошқа бир санъатни, мушкулроқ бошқа бир санъатни – одамлар устидан ҳукмфармолик қилиш санъатини ҳам дурустгина ўзлаштирди. Буларнинг ҳар иккиси омадли от ўғриси бўлиб етишига кўмак берди. Гоҳи замон унинг кўнгли гитара садоси ва Мехико исловатхоналарини тусаб қоларди.

Уйқуни доғда қолдириб қаторасига тўрт кунлаб чапанилар даврасида айш-ишрат сурар, буларнинг барчаси баъдига ургач эса қарзларини ўқ билан тўларди. Бармоғи тепки устида экан, у ўша сарҳадлардаги энг қаҳрли, балки, энг ожиз ва ёлғиз ковбой эди. Кейинроқ Биллнинг бошига етган оғайниси, шериф Гаррет, билан ораларида бир гал шундай суҳбат кечганди: «Мен буйволларни ўлдириб мерганликни астойдил машқ қилдим». «Мен эсам одамларни ўлдириб, яна ҳам астойдил машқ қилдим», – дея мулойим сўз қотган эди Билл. Тафсилотларини тиклаш мушкул, аммо, «мексикаликларни ҳисобга олмаганда», у йигирма бир нафар жонни жувонмарг қилгани барчага маълум. Хатарларга тўла етти йил давомида у телбалик деган серҳашам эҳтиросга ҳамроҳ бўлди.

1880 йилнинг 25 июль кечаси Қаттол Билли Саммер фортининг шоҳкўчаси – аслида, якка-ягона кўчаси – бўйлаб от қўйиб борарди. Иссиқдан диққинафас бўлган одамлар чироқларни ёқишмаганди. Пешайвонда тебранма оромкурсида ҳордиқ чиқараётган комиссар Гаррет тўп-пончасини чиқарди ва ўйлаб ўтирмасдан Биллининг қор-



нига ўқ қадади. Саман ҳамон елиб борар, чавандоз эса қулаган жойида типирчилаб ётарди. Гаррет яна бир бор ўқ узди. Қаттол Билли яраланганини билган одамлар даричаларини яна ҳам зичроқ ёпишди. Ўлим талвасаси узоқ ва фалакни таҳқирловчи даражада бадбин кечди. Қуёш тиккага келган маҳал унга яқинлашиб тўппончасини тортиб олишди. Билли ўлиб ётар ва ҳамма ўликлар каби энди кераксиз матоҳга айланганди.

Унинг соқолини қиртишлаб, янги либос кийдиришди, кейин эса одамларни қўрқитиш ва калака учун бир дўконнинг ойнаванд айвонига ўтқазиб қўйишди. Қаттол Билли сўнгги бор кўриб қолишни истаган одамлар чор атрофдаги қишлоқлардан от ва араваларда етиб келишарди. Учинчи кун унга озроқ пардоз беришга тўғри келди. Яна бир кун ўтиб эса шод-хуррамлик билан дафн этдилар.

## ҚАРОҚЧИ ЧИНГ БЕВАСИ LA VIUDA CHING, PIRATA

«Қароқчи аёл» сўзи баъзи бир бемаъни сарсуэлалар ҳақидаги, бутун чиранишлари нўноқ актриса эканини билдириб турган хонимчалар қалин қоғозлардан тикланган ясама тўлқинлар қўйнида рақс тушиб қароқчи аёлларни намойиш қилаётган баъзи бир ножўя томошалар ҳақидаги анчагина нохуш хотираларни юзага чиқарса, эҳтимол. Аммо, ҳар қалай, қароқчи аёллар, денгиз илмидан сабоқ олган, асов денгизчиларни жиловлай билган, кемаларни таъқиб этиб, уларни талон-торож айлаш ҳадисини олган қароқчи аёллар яшаб ўтганлар. Шундайларнинг бири: «Ҳар ким ҳам қароқчи хунарига муносиб эмас ва бу юмушни шараф ила ўтай олиш учун худди мен сингари жасур эркак бўлмоқ лозим», – дея жар солган Мери Рид исмли аёл эди. Шуҳратли йўлининг дастлабки палласида (у ҳали дарға эмасди) жазманларидан бирини кема муштумзўри ҳақорат қилди. Мери уни яккама-якка олишувга чақирди ва икки қўлида қурол билан – Кариб оролларидаги қадимий урфга кўра – жанг қилди. Чап қўлида бесўнақай ва қайсар тўппонча, ўнг қўлида эса садоқатли шамшир. Тўппонча отилмай қолди, аммо шамшир панд бермади... 1720 йили Мери Риднинг анча хатарли фаолиятига Сантьяго-де-ла-Вегада (Ямайка) испан сиртмоғи тўғаноқ бўлди.

Мана шу денгизларда кезган яна бир қароқчи аёл муҳораба маҳали кўп маротаба ҳаётини хатарга қўйган, кўкраклари бўлиқ ва оловранг сочли, соҳибжамол ирланд

қизи Энн Боней эди. У Мери Риднинг қуролдоши эди, кейинроқ эса сиртмоқдаги дугонасига айланди. Унинг суюкли жазмани капитан Жон Ракмэм ҳам айна шу томошада бир қулоч арқон билан сийланди. Ойшанинг Абу Абдуллоҳга айтган сўзларини Энн қайғу ва нафрат билан қарийб айнан такрорлаганди: «Агар эркак киши каби жанг қилганинда эди, ит каби осиб юбормасдилар».

Қароқчи аёллардан яна бири, аммо анча омадли ва номдори Осиё сувларини Сарик денгиздан тортиб Анном сарҳадларидаги дарёларга қадар кезиб чиққан аёл эди. Мен ҳарб юришларида укуви зўр бўлган бевани, Чинг бевасини, назарда тутаётирман.

### Сабоқ йиллари

1797 йили Сарик денгиздаги кемалар соҳиблари иттифоқ туздилар ва Чинг исмли кўпни кўрган ҳамда муносиб одамни адмирал этиб сайладилар. У соҳил бўйидаги қишлоқларни ўта шафқатсизлик билан ва астойдил талар эдики, оқибатда сўнгги дон-дунидан айрилган аҳоли кўзёшлари ва инъомлар эвазига ҳукмдор ҳомийлигига эришмоқчи бўлди. Аҳолининг умидсиз илтижолари ҳукмдорга етиб борди: уларга ўз қишлоқларига ўт қўйиб, балиқ овлашни бас қилишни ва мамлакат ичкарисига чекиниб, зироатчилик деб аталувчи нотаниш илм билан машғул бўлишни буюрдилар. Балиқчилар амрни бажо келтирдилар, омади чопмаган қароқчиларни эса бу гал кимсасиз соҳиллар қарши олди. Шу сабаб улар денгизда қароқчилик қилишга киришдилар. Бу эса, ўз навбатида, салтанатга яна ҳам катта зарар еткизар, зотан, савдо-сотик тўхтаб қолганди. Ҳукумат узоқ ўйлаб ўтирмасдан собиқ балиқчиларга омоч ва буқаларни ўз ҳолига қўйиб, яна қайта эшкак ва тўрларга соҳиб чиқишни буюрди. Бироқ шуқуҳсиз ўтмиш ёдларига тушиб деҳқонлар рози бўлмадилар,

натижада ҳукумат ўзга йўл тутди: адмирал Чинг ҳукмдор отхоналари сардори этиб тайинланди. Адмиралнинг кўнгли сусти кетиб, таклифга кўнди. Бундан хабар топган кема соҳибларининг одил ғазаби Чинг шарафига ҳозирланган тўқис зиёфатга сабаб бўлди. Дастурхонга оғули қуртлардан тайёрланган нафис таом тортилар экан, баднафслик оқибати ҳалокатли бўлди – собиқ адмирал ва ҳукмдор отхоналарининг тетапоя сардори денгиз илоҳига жон таслим қилди. Биратўла икки хиёнатдан изтиробга тушган бева фитнадан қароқчиларни огоҳ қилди. Ҳукмдорнинг мунофиқ карамини рад этишга, захар билан сийлашга мойил ношукр кема соҳибларига хизмат қилишдан воз кечишга даъват этди. Уларга ўз манфаатлари йўлида иш тутиш ва янги адмирал сайлашни таклиф этди. Улар бевани, ҳорғиннигоҳ ва кўланкамисол табассумли мана шу аёлни, афзал билдилар. Унинг тимқора, йилтироқ сочлари кўзларидан кўра чароғон эди. Беванинг буйруқларига амал қилиб кемалар денгизга, бўрон ва хавф-хатарга пешвоз чиқди.

### Кўмондонлик

Муттасил талон-торож ўн уч йил давом этди. Денгиз кўшини олти флотилиядан иборат бўлиб, байроқлар ранги турлича эди: алвон, сарик, қора ва (дарға кема байроғининг туси) кулранг. Сардорлари Лочин ва Қоя, Тоғ жилғасининг қасоси, Денгизчилар хазинаси, балиқлари Сонминг тўлқин ва Баланд куёш деб номланарди. Беванинг шахсан ўзи тузиб чиққан низомнинг ҳар банди қатъий ва сўзсиз ижрони талаб этарди, расмий хитой битикларига сохта салобат бағишловчи дабдабадан холи услуби эса аниқ ва лўнда эди. Бу услубнинг ваҳимали жумлалари қуйидагича (Низомнинг алоҳида бандларини айнан келтираман):

«Ғаним кемаларидан кўлга олинган ўлжа омборга олиб келиниши ва қайта ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Ўлжа-

нинг ҳар бир қароқчига тегишли бешдан бир бўлаги ўз вақтида улашилади; қолган қисми омборда сақлансин. Буйруқни бузганлар ўлимга маҳкумдирлар».

«Ўз жойини махсус буйруқсиз ташлаб кетган қароқчи жазога лойиқдир: барчанинг кўз олдида қулоқларига тиф урилади. Иккинчи бор жиноят содир этганлар ўлимга маҳкумдирлар».

«Қишлоқларда асир олинган аёлларни кема сатҳида сотиш тақиқланади; бу иш трюмда ва фақат юклар оғасининг ижозати билан амалга оширилади. Буйруқни бузганлар ўлимга маҳкумдирлар».

Асир олинганлар кўрсатмаларидан маълумки, қароқчиларнинг емиши асосан қотган нон, қовурилган каламуш ва қайнатилган гуручдан иборат эди, муҳораба кунлари улар шаробларига порох аралаштириб ичардилар. Фирром қарта ва шашқол, шароб тўла коса ва қартабозлик, ҳаловат ато этгувчи бир ўрам афюн ва хитой чироқлари уларнинг ҳордиқларига жило берарди. Улар шамширни афзал билиб биратўла икки қўл билан жанг қилишарди. Жангга киришдан аввал ёноқ ва баданларига саримсоқ суви суртишар, бу уларни ўқларнинг ажалэлтар ўпичидан омон сақлашига ишонишар эди.

Хотинлар ўз эрларига ҳар жойда ҳамроҳ эди, дарғани эса зафарлардан сўнг ўзгариб турувчи беш-олти аёлдан иборат бутун бошли ҳарам ўртага олганди.

### **Ёш ҳукмдор Киа-Кинг гапиради**

1809 йил ўрталарида ҳукмдорнинг фармони эълон қилинди. Ушбу фармоннинг муқаддима ва хотимаси таржимасини ҳавола этаман. Бундаги услубни кўплар хушламайди.

«Зоти паст ва бузуқ одамлар; бошқаларнинг ризқ-рўзини топтаб, етим-есирлар ва солиқ йиғувчиларнинг ил-

тижоларига қулоқ осмаётган одамлар; ўз жаҳаннамларида қақнус ва аждар суратини чизаётган одамлар; босма китоблар ҳақиқатини инкор этувчи ҳамда нигоҳлари Шимолга қадалган чоқ дув-дув кўзёш тўкаётган одамлар – мана шу одамлар дарёларимиз осойишталигига тўғаноқдирлар ва улар паноҳимиз остидаги баҳрлар кўхна сукунатига дахл қилмоқдалар. Уларнинг мўрт ва ожиз қайиқлари кечаю кундуз тўлқинлар билан олишиб ётади. Улар жаҳолатни кўнглига туккандирлар ва улар-да дўст эмасдир, уларда ҳеч вақт денгизчининг чин дўсти бўлмагандир. Улар денгизчига кўмакни хаёл қилмайдилар, у билан ноҳақ ва бешафқат муомалада бўладилар, нафақат талон-торож айлайдилар, балки мажруҳ қиладилар ва ҳалок этадилар. Улар Фалакнинг табиий қонунларига бўйин эгмайдилар, шу боис дарёлар тарк этадилар соҳилларини, ўғил отага қарши боради, қурғоқчилик ва ёмғирлар фасли ҳам йиллар кечган сайин адашиб кетди.

...Шу боис ҳам сенга, адмиралим Кво-Ланг, бу осийларни жазолашга буйруқ қиламан. Хаёлдан соқит этма, меҳршафқат шоҳлар ҳокимиятининг азалий сифатидир ва бу сифатни ўзлаштириб олиш ўзига ортиқ бино қўйиш бўлур эди. Шафқатсиз ва одил бўлгин, менга итоаткор ва енгилмас бўл».

Қайиқлар мўртлиги ҳақида йўл-йўлакай эслатиб ўтилган маълумот, албатта, ҳеч бир асосга эга эмасди. Шунчаки Кво-Ланг қўшинига далда бериш зарур эди. Орадан тўқсон кун ўтгач Чинг бевасининг лашкари Марказий салтанат қўшинлари билан тўқнаш келди. Тонг-саҳардан шом қоронғисига қадар мингга яқин кема ўзаро жанг қилди. Кўнғироқ ва ноғораларнинг, тўп садолари ва дуоибаъдларнинг, бонг товушлари ва башоратларнинг жўр овози жангга ҳамроҳ бўлди. Салтанат кучлари яксон этилди. Ман қилинган шафқат ёки тавсия этилган шафқатсизликни намойиш қилиш имкони туғилмади. Кво-Ланг бизнинг мағ-

луб қўмондонларимиз унутишни афзал биладиган урфга содиқ қолди: ўз жонига қасд қилди.

### Даҳшат чулғаган соҳиллар

Ва шунда мағрур беванинг олти юз жанговар жонкаси ва 40 минг ғолиб қароқчилари қишлоқларни олову қиличдан ўтказган кўйи ўнг ва сўл томондаги етим-есирлар миқдorigа миқдор кўша Сицзян дарёсининг этагини тўлдириб юборди. Баъзи қишлоқларни ер билан яксон этдилар. Бир қишлоқнинг ўзида минг чоғли асир қўлга киритилди. Тўқайзор ва яқин атрофдаги шопипоялар кўйнида омонат ҳимоядан фойдаланмоқчи бўлган бир юз йигирма нафар аёл бир зумда топилиб – уларни чақалоқнинг бетиним йиғиси ошкор қилганди – кейинроқ Макаода сотиб юборилди. Ситамли кўзёшлари ва ваҳшиёна жазолар ҳақидаги хабар кечикиб бўлса-да Киа-Кингга, Само ўғлонига, довур етиб борди. Муаррихларнинг баъзи бирлари ишонтириб айтадиларки, бу хабар жазо экспедициясининг тор-мор келтирилишидан кўра уни кўпроқ қайғуга солди. Шундайми ёки йўқ, аммо, ҳар қалай, у навбатдаги кўшинни – денгизчи ва аскарлари, аслаҳа ва анжомлари, мунажжим ва башоратгўйларининг миқдори жиҳатидан даҳшатга солувчи навбатдаги кўшинни муҳорабага ҳозирлади. Бу гал кўшинга Тинг-Квей қўмондон этиб тайинланди. Сонсиз-саноқсиз кемалар Сицзян дельтасини ишғол қилиб, қароқчилар эскадраси йўлини тўсиб қўйди. Бева ҳам жангга ҳозирланди. Бу галги жанг оғир, ҳаддан зиёд оғир бўлишини ва деярли омонсиз бўлишини у биларди, илло, талончилигу бекорчиликда кечган кунлар ва ойлар одамларни йўлдан оздирганди. Аммо муҳораба ҳали-бери бошланай демасди. Тонг чоғи қуёш бамайлихотир бош кўтариб, оқшом маҳали чайқалиб турган қамишзор ортига бемалол ботар, аммо одамлар ҳамиша сергак эди. Пешин-

нинг жазирама қуёши ҳолдан тойдирар, ҳордиқ эса тинкани куритарди.

### **Аждар ва тулки**

Бу орада ҳар оқшом аждарларнинг ландовур галалари салтанат эскадраси кемаларидан ҳавога кўтарилиб, сув юзасига ва ё душман жонкалари сиртига назокат билан келиб кўнарди. Қамиш ва қоғоздан ясалган мазкур мосламалар варракларни эсга солар, уларнинг олранг ёки кумушранг туси эса ўхшашликни яна ҳам оширарди. Бева бу ажабтовур учар юлдузларни қизиқиб томоша қилар ҳамда аждар, тулкининг доимий ношукрлиги ва адоқсиз ножўя ишларига қарамай, доимо унга ҳомийлик қилувчи аждар, ҳақидаги узун ва тушуниксиз матал ёдига тушарди. Кўкдаги ой соб бўлаётган эди, қамиш ва қоғоздан ясалган аждарлар эса ҳамон ўша воқеани сезилар-сезилмас ўзгаришлар билан ҳикоя қилишда давом этарди. Бева қайғуга ботиб хаёл сурарди. Осмонда ва зангор сувда ой тўлишгач, воқеа поёнига етган туюлди. Тулкининг пешонасига гуноҳларидан кечиш ва ё даҳшатли жазо битилгани қоронғу эди, аммо муқаррар ниҳоя яқинлашиб қолганди. Бева англаб етди. У иккала шамширини ҳам дарёга улоқтириб, палубада тиз чўкди ва ўзини император кемасига олиб боришларини буюрди.

Оқшом туша бошлаган, осмон аждарларга лиммо-лим, аммо бу гал уларнинг ранги сариқ эди. Бева кемага кўтарилаётиб шундай пичирлади: «Тулки аждардан паноҳ сўраб келаётир».

### **Хотима**

Солномачиларнинг хабар қилишларича, тулки афв этилган ва ўзининг узоқ кексалик йилларини афюн савдосига бағишлади. У энди бева деган номдан воз



кечиб, хитойчадан таржимада «Чин илм нури»ни англа-  
тувчи янги исмни қабул қилди.

«Ўша кундан буён (ёзади бир муаррих) барча кема-  
лар осойишта бўдилар. Беҳисоб дарёлар ва тўрт денгиз  
ишончли ҳамда хайрли йўлларга айланди.

Деҳқонлар кескир шамширларини пуллаб, буқа сотиб  
олдилар ва ўз ерларига ишлов берадиган бўдилар. Улар  
қурбонлик маросимларини ижро этиб, тоғ чўққиларида  
ибодат қилишар ва бўйра ортида қўшиқ куйлаб, уззуккун  
кўнгилхушлик билан машғул эдилар».

## ЎЛИМ ВА БУССОЛЬ LA MUERTE Y LA BRÚJULA

*Мандиа Молина Ведиага бағишланади*

Лённротнинг ақл ва заковатини такомиллаштирган беҳисоб жумбоқлар орасида «Трист-ле-Руа» чорбоғида хотима топган бир хил тусдаги, ғайриоддий қонли воқеалар ҳали бўлган эмас эди. Эрик Лённрот сўнгги жинойтнинг олдини ола билмагани рост, аммо у шундай воқеа содир бўлишини олдиндан кўра билганлигига шубҳа йўқ. Шунингдек, Ярмолинский қотилини топа олмаса-да, ушбу жинойтларнинг сирли тарздаги даврийлиги ва унда Шарлах Денди лақабли Ред Шарлахнинг қўли борлигини аниқлади. Ред Шарлах (бошқа кўплар қатори) Лённротни ўлдиришга онт ичган, аммо бизнинг изқувар бундай пўписалардан ҳайқадиганлар тоифасидан эмас эди. Лённрот ўзини Огюст Дюпен сингари донишманд ҳисобласа-да, таваккалчилик ва жўшқинлик белгилари табиатига бегона эмасди.

Биринчи жинойт «Отель дю Нор»да – сувларига саҳро ранг қўшган дарё этагида қад кўтарган ўша баланд иморатда содир бўлди. Талмудчиларнинг учинчи анжуманида иштирок этиш учун Подолскдан етиб келган ноиб учинчи декабрь куни мана шу минорага (шифоҳоналарнинг ноҳуш оқлиги ва қамоқхоналарнинг тартиб билан рақамланган бирхиллигини ўзида мужассамлаштирган мана шу минорага) жойлашди. Соч-соқоли кўзлари каби кўнғир тусли

бу одам доктор Марк Ярмолинский эди. Биз «Отель дю Нор» унга ёққан ёки йўқлигини ҳеч қачон билмадимиз, доктор меҳмонхонани унинг ўзига хос итоат билан, Карпатдаги уч йиллик уруш ҳамда уч минг йиллик қувғин ва қирғинга бардош беришга кўмаклашган итоаткорлик билан қабул қилди. Унга R қаватида жойлашган бир хонали номерни беришди, рўпарадаги серҳашам кўп хонали suite ни эса Галилея тетрархи банд этган эди. Ярмолинский овқатланиб бўлгач шаҳар билан танишувни кейинги кунга қолдирди, жавонга кўплаб китоблари ва санокли уст-бошини жойлаштирди, ҳали тун оғмасидан чироқни ўчирди. (Кўшни номерда жойлашган тетрархнинг ҳайдовчиси берган гувоҳлик шулардан иборат.) Тўртинчи декабрь куни эрталаб соат 11 дан 3 дақиқа ўтганида «Идише цайтунг» муҳаррири унга кўнғироқ қилди, аммо доктор Ярмолинский жавоб бермади; уни номерида юзлари бироз қорайган, яримьяланғоч ҳолда топишди. У йўлакка олиб чиқувчи эшик қаршисида ётар, кўксидан эса пичоқнинг чуқур изи қолган эди. Орадан бир неча соат ўтгач ўша номерда комиссар Тревиранус билан Лёнрот мухбирлар, сураткаш ва жандармлар қуршовида ушбу сирли қотиллик тафсилотларини совуққонлик билан муҳокама қилишарди.

– Бош қотириб ўтиришга ҳожат йўқ, – деди Тревиранус кўлидаги папиросни улуғвор тарзда силтаганча. – Галилея тетрархи энг ноёб ёқутлар соҳиби эканлиги барчамизга маълум. Кимдир уларни қўлга киритиш пайига тушган ва адашиб бу ерга кириб қолган. Ярмолинский уйғониб кетган, ўғри эса уни ўлдиришдан бошқа чора топа олмаган. Шундай эмасми?

– Бу фараз ҳақиқатга яқин, аммо қизиқарли эмас, – жавоб қилди Лёнрот. – Ҳақиқат қизиқарли бўлиши шарт эмас деб эътироз билдиришингиз мумкин. Мен эса сизга шундай дейман – ҳақиқат, балки, қизиқарли бўлиши шарт эмасдир, аммо фаразлар бундан мустасно. Сизнинг йўл-

йўлакай ўйлаб топган фаразингизда тасодифларга ҳаддан зиёд кўп ўрин берилган. Қаршимизда жонсиз раввин ётибди ва мен фараз қилинган ўғрининг фараз қилинган омадсизлигини эмас, балки соф раввинона изоҳни танлаган бўлар эдим.

Тревиранус ранжиган каби жавоб қилди:

– Мени раввинча изоҳ эмас, бошқа бировни, барчага нотаниш бошқа бировни чавақлаб ташлаган одамни қўлга тушириш кўпроқ қизиқтиради.

– У сиз айтганчалик нотаниш эмас. Мана унинг тўла асарлар тўплами, – Лённрот қалин жилдлар тартиб билан терилган жовонга ишора қилди, – «Каббала ҳимояси», «Роберт Фладд фалсафасига шарҳ», «Сефер Йецира»нинг таҳлилий таржимаси, «Баал-Шем таржимаи ҳоли», «Ҳасидлар мазҳаби тарихи», Тетраграмматон ҳақидаги тазкира (олмон тилида) ва Бешкитобда Худонинг номлари ҳақидаги яна бир тазкира.

Комиссар жирканиш аралаш ҳадик билан китобларга қараб қўйди. Сўнг беҳос кулиб юборди.

– Мен бор-йўғи ожиз бир насронийман, – деди у, – истасангиз, бу лаш-лушларнинг барини ола қолинг. Яхудий бидъатларини титкилашга менда вақт йўқ.

– Эҳтимол, ушбу жиноят айни шу яхудий бидъатлари тарихи билан боғлиқдир, – ўйчан сўз қотди Лённрот.

– Худди насронийлик каби, – дея луқма ташлашга журъат қилди воқеа жойига етиб келган «Идише Цайтунг» муҳаррири. Калтабин бу одам тортинчоқ ва Худога ишонмас эди. Миршабларнинг бири ёзув машинкасидан бир парча қоғоз топиб олди. Унда мана бу тушуниксиз сўзлар ёзилган эди:

**«Исмнинг биринчи ҳарфи айтилди».**

Лённрот бирдан яна жиддийлашиб марҳумнинг китобларини боғлашни буюрди ва уларни иш-

хонасига олиб кетди. У тергов ишларидан четланиб, китобларни тадқиқ қилишга киришиб кетди. Китобларнинг бири уни тақводорлар мазхаби асосчиси Исраел Баал-Шем-Това таълимотидан огоҳ қилди; бошқаси Худонинг зикр этиб бўлмас исми – Тетраграмматон қудрати ва ҳалокатли таъсири билан ошно этди; яна бир китоб мутолааси Худонинг махфий исми мажудлиги ва бу исмнинг жисмига (форсларнинг нақл қилишларича, Искандар Мақдунийга тегишли бўлган шиша копток сингари) унинг тўққизинчи сифати – мангулик, яъни оламда мавжуд ҳамма нарсадан – келгусида юз берувчи, айна вақтда рўй бераётган ва ўтмишда содир бўлган ҳамма нарсадан воқифлик жо этилганлиги ҳақидаги фикрдан бохабар айлади. Анъанага кўра, Худонинг тўқсон тўққиз исми мавжуд, гебраистлар ушбу миқдорнинг номукамаллигини жуфт сонлар қаршидаги фусункор кўрқув билан боғлайдилар, ҳасидлар эса шу фикрдан келиб чиққан ҳолда мазкур нуқсон юзинчи исм – Мутлақ Исмнинг мавжудлигидан далолат деб хулоса қиладилар.

Орадан бир неча кун ўтгач «Идише Цайтунг» муҳаррирининг ташриф буюриши Лённротни тадқиқотларидан чалғитди. Муҳаррир қотиллик хусусида суҳбатлашмоқчи бўлганди, Лённрот Худонинг исмлари ҳақида фикр юртишни афзал кўрди; шундан сўнг муҳаррир Эрик Лённрот қотил исмини топиш йўлида Худонинг исмларини ўрганиш билан машғул дея газета орқали хабар берди. Газеталардаги одмилаштиришларни ўқийвериб кўникиб қолган Лённрот бундан ғазабланмади. Ҳар қандай одамни ҳар қандай китоб сотиб олишга мажбур қилиш мумкинлигини англаган ишбилармонлардан бири, пайтдан фойдаланиб, «Ҳасидлар мазхаби тарихи» номли харидоргир журнал чоп эта бошлади.

Иккинчи жиноят учинчи январга ўтар кечаси пойтахт ғарбидаги ташландиқ ва кимсасиз жойда содир бўлди. Бу

овлоқ жойни айланиб юрган отлик жандармларнинг бири тонг-сахарда эски бўёқчилик устахонаси остонасида пончо ёпинган одам жасадини кўриб қолди. Унинг тош қотган юзлари қонга беланганидан ниқобга ўхшар, кўксида эса пичоқнинг чуқур изи қолганди. Деворга оҳак билан бир неча сўз ёзилган эди. Жандарм ёзувни ўқий олди... Кечга яқин Тревиранус билан Лённрот жиноят содир бўлган ўша жойга отланишди. Улар ўтирган машинанинг ўнг ва сўл томонидаги шаҳар тобора узоқлашар эди; осмон эса юксалиб борар, уйлар ҳам энди хаёлни чалғитмай қўйганди, фақат ҳар замонда гиштин ўтхоналар ёхуд сарвқомат те-ракларни кўриш мумкин эди, холос. Мана, ниҳоят, қайғу макони: ботаётган қуёшнинг ваҳшатли нурларида тобланган пахса деворларни оралаган кўча. Жасад аниқланган, у кўхна шимолий даҳаларда номи чиққан Симон Асеведо исмли одам эди. Аввал юк ташувчи, кейинроқ эса сайловди мавсумларида ёлланма муштумзўр бўлган бу одам ўғрилиқ, ҳатто гап ташишдан ҳам ҳазар қилмай қўйганди. (Қотиллик усули иккала изқуварга ҳам таниш туюлди. Асеведо тўппончадан кўра пичоқни афзал билган қароқчилар авлодининг сўнгги вакили эди.) Оҳак билан қуйидаги сўзлар ёзилганди:

**«Исмнинг иккинчи ҳарфи айтилди».**

Учинчи жиноят учинчи февралга ўтар кечаси содир бўлди. Тун ярмидан оққан маҳал комиссар Тревиранус хонасида телефон жиринглади. Сирлилик пардасига ўралган ва ғаразғўйлик сезилиб турган бўғиқ эркак овози ўзини Гинзберг (ёки Гинзбург) деб таништирди ва тегишли ҳақ эвазига ҳар икки қотиллик – Асеведо ва Ярмолинскийнинг ўлдирилиши билан боғлиқ далилларни хабар қилишга тайёрлигини билдирди. Аллақандай ҳуштак ва бурғу товушлари унинг овозини босиб кетди. Кейин

алоқа узилиб қолди. Бу ҳазил бўлиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаган ҳолда (ҳар қалай, ўйин-кулгулар мавсуми эди) Тревиранус унга «Ливерпуль-хауз»дан – исловатхона маликалари ва инжилфурушлар баҳамжиҳат яшаб келаётган Рю-де-Тулон кўчасидан сим қоқишганини аниқлади. Ўз навбатида, комиссар қовоқхона соҳибига кўнғироқ қилди. Обрўсига путур етиши мумкинлигидан хавотирга тушган ва дили сиёҳ бўлган соҳиб (Блек Финнеген, ирландиялик собиқ жинойтчи) қуйидагиларни маълум қилди – телефондан охирги марта фойдаланган кимса унинг мижози, Грифиус исмли одам бўлиб, у яқинда улфатлари билан ташқарига чиқиб кетибди. Грифиус бир ҳафта аввал юқоридаги хонани ижарага олган, унинг юз тузилиши нозик, соқолига оқ оралаган, одмигина қора либосда эди. Финнеген (Тревирануснинг фаҳмлашича, соҳиб бу хонани бошқа нозик мақсадлар учун мўлжаллаган эди) катта ҳақ сўраганига қарамай, Грифиус тортишиб ўтирмади. У деярли ташқарига чиқмас, ҳар гал хонасида овқатланар, бардагилар ҳам уни таний олишлари даргумон эди. У кечқурун сим қоқиш учун пастга тушган маҳал қовоқхона қаршисига икки ўриндиқли фойтун келиб тўхтади. Извош ўрнидан жилмади, аммо баъзилар унинг айиқ ниқоби кийиб олганига эътибор қилишди. Фойтундан ўрта бўйли икки масхарабоз тушиб келди, афтидан, уларнинг дурустгина кайфи ҳам бор эди. Бурғу садолари остида Финнеген идорасига кира солиб Грифиусни қучоқлай кетишди. Грифиус уларни таниб турган бўлса-да, муомаласи совуқ эди; учовлон идиш тилида бир фурсат суҳбат қуришди – Грифиус паст ва бўғиқ сўзлар, уларнинг овозлари эса сохта ва бақироқ эди – кейин ҳаммалари унинг хонасига кўтарилишди. Чорак соатлардан сўнг оғизлари қулоғида мамнун кайфиятда қайтиб чиқишди. Грифиус шериклари каби маст эди. Оёғида аранг турган бу одам ниқоб кийган икки масхарабозни қучоқлаб ол-

ганди. (Бардаги аёллар уларнинг либосида сариқ, қизил ва зангор шакллар борлигини эслашди.) Грифиус йўл-йўлакай икки марта қоқилиб ҳам кетди. Ҳар сафар уни масхарабозлар тутиб қолишарди. Учовлон фойтунга ўтиргач энг яқин бандаргоҳ томон елиб кетишди. Фойтунга энг охирида кўтарилган масхарабоз қовоқхона қаршисидаги симёғочларнинг бирига оҳак билан ножўя сурат ва аллақандай жумлани ёзиб қўйишга улгурган эди.

Тревиранус ёзувни ўқиб кўрди. Олдиндан фаҳмлаш мумкин бўлганидек, ёзув қуйидагича эди:

**«Исмнинг сўнгги ҳарфи айтилди».**

Сўнг Тревиранус Грифиус-Гинзберг хонасини кўздан кечирди. Полдаги қон доғлари ёйилиб кетган, ҳар жойда мажор русумли папирос қолдиқлари сочилиб ётарди. Жавонда эса баъзи саҳифаларига белгилар қўйилган ва Лейсден қаламига мансуб «Philologus hebraeograecus» («Яҳудий-юнонча сўзлашгич» (1739) бор эди. Тревиранус китобга ижирғаниб тикилди ва Лённротга одам юборди. У кела солиб сўзлашгични варақлай кетди. Бу вақтда комиссар ҳозирча тахмин қилинаётган одам ўғирлашга оид бир-бирига зид кўрсатмалар бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш билан машғул эди. Соат тўртларда иккови ҳам кўчага чиқишди. Эрталабдан буён супуриб-сидирилмаган илонизи Рю-де-Тулон кўчаси бўйлаб юриб боришар экан, Тревиранус гап бошлади:

– Бордию ушбу тундаги ҳодиса оддий муғомбирлик бўлса-чи?

Эрик Лённрот кулиб қўйди ва «Яҳудий-юнонча сўзлашгич»нинг ўттиз учинчи бўлимига оид жумлани жиддий қиёфада ўқиб берди:

– Dies Judaeorum incipit ad solis occasu usque ad sous occasum diei sequentis. Бу яҳудийлар учун кун қуёш боти-



шидан бошланиб, кейинги кун қуёш ботишига қадар давом этади деганидир.

Ҳамроҳи заҳархандалик билан деди:

– Булар сиз бу оқшом қўлга киритган энг қимматли маълумотларми?

– Асло. Гинзберг айтган биргина сўз бундан қадрлироқ.

Даврий тарзда содир бўлаётган бу қотилликлар ҳақида кечки газеталарда хабарлар босилиб чиқди. «Шамшир ва Хоч» зоҳидлар навбатдаги анжуманидаги ажойиб тартиб-интизомни ушбу жиноятлар учун ўртак қилиб кўрсатди; Эрнст Паласт «Жафокаш» саҳифалари орқали «атиғи уч нафар яҳудийни йўқ қилиш учун уч ой вақт сарфлаган махфий жиноятчиларнинг кечириб бўлмас сусткашлиги»-ни қоралаб чиқди; «гарчи баъзи фаҳм-фаросат соҳиблари мазкур уч жумбоқнинг ўзга изоҳини кўрмаётган бўлсаларда», яҳудийларга қарши фитна деган ваҳимали тахминни «Идише Цайтунг» инкор этди. Жанубнинг энг кўзга кўринган ёлланма қотилларидан бўлган Денди Ред Шарлах эса унга қарашли ҳудудларда ҳеч қачон бу каби қотиллик содир этилмаганини айтиб, комиссар Франц Тревиранусни жинояткорона масъулиятсизликда айблади.

Биринчи март куни оқшом комиссар муҳр босилган конверт олди. Очиб кўрилгач, унинг ичида «Барух Спиноза» деб имзо қўйилган мактуб ва қандайдир нашрдан юлиб олинган шаҳарнинг батафсил харитаси борлиги маълум бўлди. Мактубда учинчи март куни ҳеч қандай қотиллик содир этилмаслиги башорат қилинган, зотан, «Барух Спиноза»нинг таъкидлашича, шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган бўёқчилик устахонаси, Рю-де-Тулондаги қовоқхона ва «Отель дю Нор» барча томонлари тенг бўлган сирли учбурчакнинг бенуқсон қирралари эди; харитада қизил сиёҳ билан мана шу учбурчак чизиб қўйилганди. Тревиранус геометрик услубдаги бу далиллар билан танишиб чиққач мактуб билан харитани Лённротга

юборди – бундай бемаъни бошқотирма билан унинг ўзи шуғулланаверсин.

Эрик Лёнрот юборилган мактубни диққат билан ўрганиб чиқди. Кўрсатилган уч нуқта ҳақиқатан ўзаро тенг масофада жойлашган эди. Вақтдаги бақамтилик (3 декабрь, 3 январь, 3 февраль), масофалар орасидаги бекаму кўстлик... Унга бирдан жумбоқнинг сири ечилгандай туюлди. Унинг тахминларини компас ва буссоль яна ҳам ойдинлаштирди. Лёнрот мийиғида кулиб қўйди – «Тетраграмматон». Сўнг комиссарга сим қоқди.

– Кеча менга юборганингиз шакллар учун ташаккур, – деди у. – Шакллар жумбоқни ечишимга ёрдамлашди. Эртагаёқ, жума куни, жиноятчилар панжара ортида бўлади. Кейин кўнгилни хотиржам қилсак бўлаверади.

– Демак, улар тўртинчи қотилликни содир этишмас экан-да?

– Тўртинчи қотиллик содир этилади, айнан шунинг учун ҳам хотиржам тортсак бўлаверади.

Бир соат ўтар-ўтмас у Жанубий темирйўллар тармоғига қарашли поездда ташландиқ «Трист-ле-Руа» чорбоғи томон елиб борар эди.

Шаҳарнинг назарда тутилаётган жанубий ҳудудидан чиқинди ва ахлатларга тўла лойқа сувли анҳор оқиб ўтади. Дарё ортида эса фабрикага қарашли ерлар ястаниб ётибди. У жойларни барселоналик сардор қаноти остида бўлган ёлланма қотиллар макон тутишган. Уларнинг энг машҳури – Ред Шарлах бу махфий сафардан хабар топиш учун бор нарсадан кечишга тайёр бўлса керак деган фикрдан ичида мамнун жилмайиб қўйди. Асеведо Шарлахнинг қиёматли ошнаси эди. Лёнрот тўртинчи мурда Шарлахнинг ўзи бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. Кейин бу тахминидан воз кечди... Умуман олганда, Лёнрот жумбоқни ҳал қилган, муайян ҳолатлар, далиллар эса (исмлар, ҳибсга олишлар, башаралар, суд ва қамоқхона тафсилотлари)

уни энди деярли қизиқтирмай қўйган эди. Мазкур жиноий ишни тадқиқ этиб ўтказилган уч ойдан сўнг унинг кўнгли очик ҳавони, ниҳоят, ҳордиқ чиқаришни тусаб қолганди. У қотилликлар изоҳи яширинча юборилган учбурчак ва кўҳналик ғубори қўнган бир юнонча сўзда бўлиши керак деб хаёл қилди. Жумбоқ сири ечилган, бунинг учун бутун бошли юз кунни сарфлаганидан уялиб ҳам кетди.

Поезд сукунатга чўмган бекатда тўхтади. Лённрот вагондан тушди. Эрта тонг каби сокин оқшомлардан бири. Туман қўйнидаги кенгликлар ҳавоси намчил ва совуқ эди. Лённрот манзил томон йўлга тушди. У йўлда итларни кўрди, ёпиқ изда турган вагонга эътибор қилди, уфққа назар ташлади, кўлмакдаги қўланса сувни ичаётган ва кумушдек товланган йўрға отга узоқ тикилиб қолди. Олисда «Тристле-Руа» чорбоғининг тўртбурчак шийпони кўринган маҳал қоронғи туша бошлаганди. Шийпон атрофини ўраган чинорлар сингари баланд эди. Яширин Исм шайдолари орзу қилган ўша дақиқадан уни атиги бир тонг ва бир шом (шарқнинг азалий тонги ва мағрибдаги яна бир тонг) ажратиб турганлигини хаёл қилди Лённрот.

Чорбоғнинг нотекис четлари эски темир панжара билан ихоталанган, асосий дарвоза берк эди. Ичкарига осонликча кира олмаслигига кўзи етган Лённрот бутун чорбоғни айланиб чиқди. Яна ишғол қилиб бўлмас дарвоза қаршисида пайдо бўлгач қўлларини беихтиёр ораликқа суқиб зулфинни топди. Дарвозани базўр очди. Лённрот оёқлари остидаги қат-қат япроқларни босганча чинорлар оралаб ўтган йўлак бўйлаб юрди. Чорбоғ ўзининг бемаъни бақамтилиги ва нақшларининг аҳмоқона тарзда такрорланиши билан ҳайратга солар, биринчи токчага ўрнатилган Диананинг мрамор ҳайкалига бошқа бир токчадаги ўзга бир Диана бақамти эди; бир болохона худди шу каби бошқа бир болохонанинг акси бўлиб хизмат қилар, икки серҳашам зинапоя икки томондан иккита нақшинкор панжара-

ли майдонга томон йўналганди. Икки чехрали Гермесдан тушаётган кўланка ваҳимали эди. Лённрот чорбоғ каби уйни ҳам айланиб чиқди. Ҳамма нарсани кўздан кечириб бўлгач баланд пешайвон остидаги дарпардани кўрди.

Лённрот дарпардани сурди: унинг ортида ертўлага олиб тушувчи мрамар супалар ётқизилганди. Меъморнинг дидини тушуна бошлаган Лённрот ертўланинг қарама-қарши деворида худди шунга ўхшаш супалар борлигини тахмин қилди. Тахмини тўғри чиқди, у супалардан юқори кўтарилди ва шифтга қўлларини тираганча чиғир қопқасини очиб, ташқарига чиқди.

Аллақайдан тушаётган ожиз шуъла уни ойна қаршисига олиб келди. У деразани ланг очиб юборди: марказида фавворалари бўлган қаровсиз боғни думалоқ ой сутдек ёритиб турар эди. Лённрот уйни ўрганишда давом этди. Даҳлиз ва йўлаклар орқали у айнан бир хил мўъжаз ҳовлиларга чиқар ва кўпинча айнан бир ҳовлида яна қайта пайдо бўларди. У ғубор қўнган зиналардан юриб айланмасимон даҳлизларга кўтарилар экан, қаршида турган кўзгуларда муттасил акс этар, дераза ортидаги айнан ўша маънос боғни ҳар гал турли баландликдан ва турли нуқтадан томоша қилар эди; хоналардаги жиҳозларга сариқ ғилоф кийдирилган, матоларга эса ўргимчаклар ин қурганди. Ётоқхоналарнинг бирида чинни гулдонга солинган якка-ёлғиз гулга кўзи тушди, унга тегиб улгурмасидан қуриган япроқлар кукунга айланиб, тўкилиб тушди. Учинчи ва тўртинчи қаватга кўтарилгач Лённротга бу кошона адоқсиз ҳамда бўй ва энига томон муттасил ўсиб бораётгандек туюлди. «Уй айтарли катта эмас, – ўйлади у, – қоронғилик ва бақамтилиқдан, кўзгулар ва қаровсизликдан ҳамда нотаниш вазият ва кимсасизлик туфайли менга адоқсиз туюлаётир».

Айлана зинапоя орқали у шийпонга кўтарилди. Тунги ҳилол ойналараро шуъла сочар, уларнинг ранги сариқ, қи-

зил ва зангор эди. Ғаройиб ва ҳайратомуз хотирадан эсанкираб қолган Лённрот ойналардан кўзини узолмай қолди. Шу заҳоти паст бўйли, аммо чайир ва баджаҳл икки кимса унга ташланиб қуролини тортиб олишди; баайни йўқликдан пайдо бўлган баланд бўйли учинчи одам такаллуф билан таъзим қилди:

– Илтифотингиз нақадар улуғ. Сиз биз учун бир кеча ва бир кундузни тежадингиз.

Бу Ред Шарлах эди. Анави иккови Лённротнинг қўлини боғлашди. Лённрот, ниҳоят, тилга кирди:

– Шарлах, наҳот, сиз бўлсангиз махфий исмни излаётган?!

Шарлах индамай тураверди. У қисқа олишувда қатнашмади, фақат Лённротнинг тўппончасини олиш учун қўл узатди. Бир фурсатдан сўнг сўзлай бошлади; унинг овозида қўлга киритилган зафардан қониқиш, бу оламнинг ўзи каби чексиз нафрат ва мана шу нафрат қадар улкан қайғу сезилиб турар эди.

– Йўқ, – деди Шарлах. – Мен бор-йўғи ўткинчи ва заифроқ бошқа бир нарсани излаяпман, Эрик Лённротни излаяпман. Уч йил аввал Рю-де-Тулондаги исловатхонада сиз менинг укамни шахсан қамоққа олган эдингиз. Йигитларим мени ўша олишувдан қорнимда миршаб ўқи билан олиб чиқишди. Мен мана шу бақамти ва кимсасиз чорбоғда тўққиз кеча-кундуз ажал билан олишиб ётдим; ичим иситмадан олов бўлиб ёнар, тонг ва шомларга бепарво тикилган икки чехрали манфур Янус эса тушим ва ўнгимда мени ваҳшатга соларди. Менда ўз вужудимга нафрат уйғонди, иккита кўз, иккита қўл ва иккита ўпка худди бир одамнинг ўзида иккита чехра бўлгани каби даҳшатли эди. Ирландиялик бир одам мени Исо Масих динига эътиқод қўйдириш илинжида «гоим»лар ҳикматини такрорлагани-такрорлаган эди: «Барча йўллар Римга олиб боради». Кечалари мен мана шу ташбеҳ билан алаҳсиб чиқар ва бу

дунё ҳеч бир бағридан чиқиб кетиб бўлмас лабиринт эканлигига иймон келтирардим, илло, барча йўллар – улар хоҳшимол ва ё жануб томон йўналган бўлсин – аслида, Рим томон олиб боради, ўз навбатида, Рим бир вақтнинг ўзида укам ўлим талвасасида ётган тўртбурчак қамоқхона ва «Трист-ле-Руа» чорбоғи эди. Шундай пайтларда мен инимни турмага ташлаган одам атрофида лабиринт барпо қилман деб икки чехрали худо ҳамда безгак ва кўзгуларнинг барча худолари номи билан онт ичдим. Мана, мен бу лабиринтни тикладим: бунинг учун менга ўлдирилган раввин, буссоль, XVIII асрда фаолият кўрсатган мазҳаб, бир юноний калом, битта пичоқ, бўёқчилик устахонаси деворларидаги шакллар хомашё бўлиб хизмат қилди.

Бу ният тасодиф туфайли туғилди. Бир неча дўстларим билан (улар орасида Даниэль Асеведо ҳам бор эди) тетрарх ёқутларини ўғирлашни мўлжалладим. Асеведо бизга хиёнат қилди: олдиндан тўланган пулларни ичкиликка совириб бўлгач ўғирликка бир кун аввал ёлғиз ўзи отланди. Улкан меҳмонхонада адашиб қолгач тунги соат иккиларда Ярмолинский хонасига кириб қолди. Уйқусизлик тинчлик бермаётган Ярмолинский эса алланималарни ёзиб ўтирарди. Афтидан, у Худонинг исми хусусида қандайдир мақола тайёрлаётган ва эндигина мана бу сўзларни ёзиб улгурган эди: «Исмнинг биринчи ҳарфи айтилди». Асеведо унга чурқ этмасликни буюрди, аммо Ярмолинский қўнғироққа интилгач, Асеведо унга пичоқ уришга мажбур бўлди – Ярмолинский кўксида пичоқнинг чуқур изи қолганди. Бу қарийб ихтиёрсиз ҳаракат эди; эллик йил мобайнидаги зўравонликларга тўла ҳаёт энг осон ва ишончли йўл ўлдириш эканлигидан унга сабоқ берган эди. Ўн кундан сўнг «Идише Цайтунг» сиз Ярмолинский ёзувларида унинг ўлимига изоҳ қидираётганингизни маълум қилди. Мен «Ҳасидлар мазҳаби тарихи»ни ўқиб чиққач Худонинг исмини айтишга йўл бермайдиган илоҳий қўрқув мазкур таълимотни

келтириб чиқарганлиги ва бу исм қудратли ҳамда синоатлар ичра пинҳон эканлигини билиб олдим. Айни шу Махфий исмни излаб топиш йўлида баъзи ҳасидлар қотилликларга ҳам қўл уришларидан воқиф бўлдим... Сиз раввинни ҳасидлар ўлдирган деб тахмин қилишингизни фаҳмлагач ишончингизни мустаҳкамлашга киришдим.

Марк Ярмолинский учинчи декабрга ўтар кечаси ўлдирилган эди; иккинчи «қурбонлик» учун мен учинчи январь тунини танладим. Ярмолинский шаҳарнинг шимолий ҳудудида ҳалок бўлган, иккинчи «қурбонлик» учун эса шарқий томондан жой топиш лозим эди. Ушбу ният учун керакли одам Даниэль Асеведо бўлиб, у ўлимга лойиқ эди: ўзбошимча ва хиёнаткор эди, унинг қўлга олиниши бутун режани барбод қиларди. Уни одамларимизнинг бири чавақлади; бу икки ўлим ўртасида алоқа боғлаш учун мен бўёқчилик устахонаси ойналари устига манави жумлани ёзиб қўйдим:

*«Исмнинг иккинчи ҳарфи айтилди».*

Учинчи жиноят учинчи февралда содир бўлди. Тревиранус тўғри фаҳмлаганидек, бу оддий муғомбирлик эди. Грифиус-Гинзберг-Гинзбург – бу менман; мени дўстларим ўғирлаб кетишмагунча бутун бир ҳафтани (сохта соқол ёпиштириб олган кўйи) Рю-де-Тулондаги ўша исловатхонада ўтказдим. Дўстларимнинг бири симёғочда «Исмнинг сўнгги ҳарфи айтилди» деган ёзувни қолдирди. Бу режага кўра фақат учта қотиллик назарда тутилганлигига ишора эди. Ҳамма шундай деб тушунди ҳам; аммо мен сизга, муҳтарам донишманд Эрик Лённрот, тўртинчи қотиллик ҳам содир этилишига оид бир неча ишора қилдим. Шимолдаги битта, шарқ ва ғарбдаги иккита мўъжиза бекаму кўст бўлиши учун жанубда тўртинчиси содир этилиши лозим эди. Ахир Худонинг исми – Тетраграмматон

– JHVH – тўрт ҳарфдан иборат; масхарабозлар ва бўёқчи ниқоби тўрт унсур ҳақида фикр уйғотар эди. Мен Лейсден асарида бир жойни белгилаб қўйгандим, унда айтилишича, яҳудийларнинг куни бир шомдан иккинчи шомга қадар давом этади; бу жумладан қотилликлар ҳар ойнинг тўртинчи кунида содир этилишини англаш мумкин эди. Мен Тревиранусга томонлари тенг бўлган учбурчакни юбордим. Етишмаётган нуқтани ўзингиз белгилаб олишингизни сезгандим. Тўғри тўртбурчакни хотималовчи ва сизни муқаррар ўлим кутаётган жойни маълум қилувчи сўнгги нуқтани ўзингиз белгилаб олишингизни билган эдим. Мен сизни – Эрик Лённротни кимсасиз «Трист-ле-Руа»га етаклаб келувчи йўлни пухта ишлаб чиқдим.

Лённрот Шарлах нигоҳидан кўзларини олиб қочди. Лённрот атрофларини сарғиш, зангор, қизил тўртбурчак шакллар чегаралаган дарахтлар ва осмонга назар ташлади. Унинг этлари жунжикиб, маъюсланиб қолди. Атрофни қоронғилик забтига олиб улгурган, қаровсиз боғ тарафдан аллақандай қушнинг маънисиз ва бефойда қичқириғи эшитилди. Лённрот бақамти ва такрорланувчи ўлимлар жумбоғи ҳақида сўнгги бор ўйга толди.

– Лабиринтингизда учта кераксиз чизиқ бор, – деди у, ниҳоят. – Мен якка-ёлғиз тўғри чизиқдан иборат юнон лабиринтини биламан. Ушбу чизиқда шу қадар кўп файласуфлар адашиб қолганларки, фақирдай оддий изқуварнинг ҳам шу кўйга тушганидан ажабланишга ҳожат йўқ. Шарлах, навбатдаги эврилишда мени овлаётиб А нуқтада бир сохта қотилликни амалга оширинг (ёки чинакамига содир этинг), кейинги қотилликни А нуқтадан 8 чақирим узоқликда жойлашган В нуқтада, учинчи қотилликни А ва В нуқталар оралиғидаги масофанинг қоқ ўртасида жойлашган С нуқтада содир этинг. Кейин эса мени А ва С нуқталар оралиғидаги масофанинг қоқ ўртасида жойлашган D нуқтада кутинг. Мени D нуқтада ўл-



диринг, худди ҳозир «Трист-ле-Руа»да ўлдираётганингиз каби мени D нуқтада ўлдиринг.

– Сизни кейинги сафар ўлдираётганимда, – деб жавоб қилди Шарлах, – мен сизга якка-ёлғиз тўғри чизикдан иборат бўлган лабиринт, кўзга кўринмас ва адоқсиз лабиринт ваъда қиламан.

У бир неча қадам ортга чекинди. Сўнгра диққат билан тепкини босди.

**ЎЗ ЛАБИРИНТИДА ҲАЛОК БЎЛГАН  
ИБН ХОҚОН АЛ-БУХОРИЙ  
ABENJACAN EL BOJARI, MUERTO EN SU  
LABERINTO**

*...Аллоҳни қўйиб, ўзга дўст  
тутганларнинг мисоли  
ўзига ин қураётган ўргимчак кабидир.  
Қуръон, XXIX, Ал-Анкабут, 41*

– Мана шу ерда менинг аждодларим яшаб ўтганлар, – деди Данревен ва булутлар қўйнидаги юлдузларни ҳам забтига олган ишора билан кимсасиз текисликни, денгиз ва сувоқлари кўчган улуғвор иморатни кўрғонлаб чиқди.

Дўсти Анвин трубкасини қўлида ўйнаганча унинг фикрини тасдиқлагандек ишора қилди. 1914 йил ёз оқшомларининг бири эди; осуда ҳаётдан безиган бу икки оғайни Корнуэлл атрофидаги мана шу жойлар сукунатидан ором олишарди. Тимқора соқолли Данревен замондошлари кўламини аниқлашга ожизлик қилган ва ҳикоя қилиб бериш мушкул улуғвор асар муаллифи сифатида шуҳрат қозонган. Анвин эса Ферма ўз вақтида исботлай олмаган Диофант теоремасини тадқиқ этганди. Ҳар иккиси ҳам навқирон, қизиққон ва жўшқин ёшда эдилар.

– Нилотлар қабиласининг сардори ёхуд шоҳи Ибн Хоқон ал-Бухорий, – деди Данревен, – мана шу уйнинг асосий бўлмасида ўз жияни Саид томонидан ўлдирилганидан буён қарийб чорак аср вақт ўтди.

Кутилганидек, Анвин ушбу фожеа сабабини сўради.

– Бунинг сабаблари бир қанча, – жавоб қилди Данревен. – Биринчидан, бу уй – лабиринт. Иккинчидан, шоҳни садоқатли қул ва арслон кўриқлагувчи эди. Учунчидан, яшириб қўйилган хазина ўғирлаб кетилган. Тўртинчидан,

айни қотиллик содир этилган вақтда қотилнинг ўзи жонсиз эди. Бешинчидан...

– Жумбоқларни қалаштириш бефойда, – унинг мулоҳазаларини бўлди Анвин. – Уларнинг ечими жуда оддий бўлиши мумкин. Эдгар Понинг ўғирланган мактуб ҳақидаги ҳикоясини, Зангвиллнинг қулфланган хонасини эсла.

– Жумбоқлар ечими жуда мураккаб бўлиши ҳам мумкин, – эътироз билдирди Данревен.

– Коинотни эсла.

Қумтепага кўтарилгач улар лабиринт қаршисида пайдо бўлишди. Яқиндан кузатилганида лабиринт одам бўйидан баландроқ қилиб оддий ғиштлардан барпо этилган тўғри ва деярли адоқсиз девор каби туюларди. Уй айлана шаклида қурилган, бироқ унинг сатҳи жуда кенглиги боис эгриликлар сезилмайди деди Данревен. Анвин эса ҳар қандай тўғри чизиқ адоқсиз улкан айлана ёйидан иборат деб эълон қилган Николай Кузанскийни эслади. Тун ярмида улар зим-зиё ва хавф-хатарга тўла даҳлизга олиб кирувчи, пуртур етказилган кўҳна эшикни топишди.

Данревен, гарчи ичкарида беҳисоб чорраҳалар бўлсада, муттасил сўлга томон юрсалар бирор соатдан сўнг уй марказига етиб олишларини айтди. Икковлон эҳтиёткорлик билан қадам қўярди, бир фурсат ўтиб асосий йўлак икки тор йўлакларга ажради. Шифт тобора пастлаб борганидан уй уларни ютиб юборишга чоғлангандай туюларди. Улар олдинма-кетин боришар, Анвин муттасил деворни пайпаслаб йўл топарди. Зимистон ичра юриб боришар экан, Данревен Ибн Хоқон ўлими воқеасини сўзлаб берди.

– Менинг илк хотираларим, – деб ҳикоясини бошлади у, – Ибн Хоқоннинг Пентрит дарвозалари қаршисида пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса ажабмас. У арслон етаклаган одам ҳамроҳлигида ташриф буюрганди. Инжилдаги суратларни ҳисобга олмаганда, бу мен кўрган дастлабки занжи ва биринчи арслон эди. Гарчи ҳали гўдак бўлсам-да, олов-

ранг тусли жонзот ва тун каби қора одам мени Ибн Хоқон қиёфасидан кўра камроқ ҳайратга солди. Ибн Хоқон менига дароз бўлиб кўринди; у оч қўнғир тусли, қийиқ кўзлари тимқора, қиррабурун, лаблари қалин, соқоллари заъфарон ва қадам олишлари улуғвор маҳобатли бир одам эди. Шунда мен: «Шаҳаншоҳ денгизлар оша сузиб келди», – деб эълон қилдим. Кейинроқ, бинокорлар уйни тиклашга киришгач, мен бу унвонга қўшимча қилиб уни Бобил шоҳи деб атадим.

Мусофирнинг Тентритда кўним топмоқчи экани ҳақидаги хабар илтифот билан қарши олинди, уйнинг кўлам ва шакли эса саросимаю можарога сабаб бўлди. Уйнинг якка-ёлғиз битта бўлма ва бир неча чақирим масофага чўзилган йўлақлардан иборат бўлиши тасаввурга сиғмас эди. Халқ орасида «Бундай гўшалар насронийларга эмас, Муҳаммад динидагиларга хосдир» деган гап тарқалди. Ҳар соҳа билимдони бўлган ректоримиз Олби жаноблари лабиринт барпо этганлиги боис Тангри томонидан жазога мустаҳиқ қилинган шоҳ ривоятдан барчани огоҳлантирди. Душанба куни Ибн Хоқон ректор хузурига ташриф буюрди. Ушбу қисқа ташриф тафсилотлари ўша пайтда ошкор этилмаган бўлса-да, бундан буён Ибн Хоқоннинг иззат-нафсига тегувчи ваъзлар қайта ўқилмади, бинокорлар эса ишни давом эттирдилар. Орадан йиллар ўтиб, Ибн Хоқон ҳалок бўлгач, Олби ўша суҳбат мазмунини маъмурларга ошкор қилди.

Маълум бўлишича, Ибн Хоқон унга тахминан шундай деган эди: «Мен амалга ошираётган ишни қоралашга ҳеч бир кимса журъат этолмайди. Менинг гуноҳларим шу қадар улуғки, Тангрининг улуғ номини асрлар давомида такрорласам-да, уқубатларимни юмшата олмайди. Менинг гуноҳларим шу қадар улуғки, ўз қўлларим билан ўзимни бўғизлай олсам-да, бу Адолат соҳиби мен учун ҳозирлаган уқубатларни бундан ортиқ зўрайтира олмайди. Менинг исмим барчага аён: мен Ибн Хоқон ал-Бухорийман,

мен саҳройи қабилалар устидан ҳукмронлик қилган Ибн Хоқон ал-Бухорийман. Мен кўп йиллар давомида ўз жияним Саид кўмагида уларга зулм қилдим, охир-оқибат Худо уларнинг илтижоларини қабул қилиб, исён кўтаришларига йўл қўйди. Навкарларим қиличдан ўтказилди, ўзим эсам йиллар давомида тўпланган хазина билан қочишга муваффақ бўлдим. Саид мени қоя этагидаги авлиё сағанасига олиб борди. Қулимга саҳродан огоҳ бўлиб туришни тайинладим; Саид иккимиз тинкамиз қуриб уйкуга кетдик. Кечаси мен илонлар чанғалида бўғилаётганимни туш кўрдим. Даҳшат ичра уйғонгач кўрдимки, ёнимда Саид ухлаб ётар, тонг эса ёришиб келмоқда эди; мен кўрган даҳшатли тушнинг боиси баданимга ёпишган ўргимчак толаси эди. Хазина адоқсиз эмас, Саид эса ўз улушини талаб қилиши мумкин деб хаёл қилдим. Белбоғимга кумуш сопли ханжар қистирилган эди – Саиднинг бўғзига ханжар урдим. У жон талвасасида бир-икки оғиз сўз айтди, аммо мен уларни англай олмадим. Саиднинг юзларига тикилдим: у жон таслим қилган бўлса-да, ўрнидан туриб келишидан кўрқиб қўлимга бошини тош билан мажақлашни буюрдим. Кимсасиз саҳро кўйнида узоқ адашгач, ниҳоят, олисда денгизни кўрдим. Унинг сувларида улкан кемалар сузиб юрарди. Мен ўлик одам сувни кечиб ўта олмайди деб хаёл қилдим ва ўзга юртларни излаб топишни иктиёр этдим. Денгиздаги биринчи кечанинг ўзида Саидни ўлдираётганлигимни туш кўрдим. У айтган сўнги сўзларни илғаб олгунимча шу ҳол такрорланаверди. У ўлими олдидан шундай деган эди: «Мени ҳозир қай тарзда ўлдираётган бўлсанг, мен ҳам сени, қаерда бўлмагин, шу тахлит ўлдираман». Саиднинг ушбу башорати рўёбга чиқмаслиги ҳаққи қасам ичдим; унинг арвоҳи йўлдан адашмоғи учун лабиринт барпо этиб, унинг бағрида яширинишга қарор қилдим.

Ибн Хоқон ал-Бухорий шу сўзларни айтиб изига қайтди. Олби бу занжи эсини йўқотиб қўйибди, барпо қилмоқ-

чи бўлган бемаъни лабиринт савдойилигининг тимсоли ва яққол исботидир деб ўйлади. Кейин бундай деб ўйлаш ғайриоддий иморат ва ғайриоддий ҳикояга мувофиқдир, аммо Ибн Хоқон вужудидан ёғилган қудрат таассуротига батамом зид деб хаёл қилди. Эҳтимол, бу каби воқеалар Миср тарафларга хосдир. Эҳтимол, бу каби хулқ-атвор (Плиний аждарлари каби) алоҳида шахслардан кўра кўпроқ миллат маданиятига хосдир... Олби Лондонда «Таймс» тахламларини кўздан кечириб, кўзғолон ҳақидаги ҳикоянинг чинлигига ҳамда Ал-Бухорий ва кўрқоклиги билан ном чиқарган вазирнинг ғойиб бўлганига ишонч ҳосил қилди.

Бинокорлар ишни тугатганлари ҳамон Ибн Хоқон лабиринт марказига кўчиб ўтди. Уни қишлоқда бошқа кўришмади; Саид Ибн Хоқонни излаб топиб ўлдирган деган фикр баъзан Олбини ташвишга соларди. Шамол кечалари арслон наърасини олиб келар, шунда кўрадаги кўйлар ибтидоий даҳшатдан тош қотардилар.

Шарқ мамлакатларидан Кардифф ёки Бристолга йўл олган кемалар гоҳи кичик кўрфазда лангар ташлар, шунда Ибн Хоқоннинг содиқ қули лабиринтдан эниб (у маҳаллар лабиринт қизғиш эмас, балки ол ранг эди), денгизчилар билан Африка лаҳжасида суҳбат қурар, афтидан, у тириклар орасидан вазир арвоҳини изларди. Бу кемалар яширинча спиртли ичимлик ва фил суяклари ташишлари ҳақида овоза тарқалган, демак, улар марҳумлар арвоҳларини ҳам ташишлари эҳтимолдан холи эмас эди.

Уй қуриб битказилганидан сўнг орадан уч йил ўтгач «Роза Сарона» лангар ташлади. Бу кемани мен ўз кўзларим билан кўрмаган бўлсам-да, унинг қиёфаси Абукир ва Трафалгар ёнидаги муҳорабалар тасвирланган суратлардагига ўхшар ва, менимча, у кемасоздан кўра моҳир дурадгор меҳнати маҳсулидек туюлувчи кемаларнинг бири эди. Бу (лоақал, менинг тасаввуримда) сайқал берилган ва тезю-

рар гўзал кема бўлиб, денгизчилари араб ва малайзияликлардан иборат эди.

Кема куз кунларининг бирида, тонг-саҳарда, лангар ташлади. Ибн Хоқон Олбининг уйига бостириб кирган маҳал шом туша бошлаган эди. У Саид лабиринтга кириб олганлиги ҳамда қул билан арслон ўлдирилганлиги ҳақида даҳшат ичра базўр сўзлаб берди. Ибн Хоқон маъмурлар уни муҳофаза қила олиш-олмасликларини билмоқчи бўлди. Олби жавоб қилиб улгурмасидан уни бу уйга иккинчи ва сўнгги бор ҳайдаб келган ўша кўрқув исканжасида дарҳол ортига қайтди. Кутубхонада ёлғиз қолган Олби кўрқув чангалидаги мана шу одам бир вақтлар Суданда ўз ҳукми остидаги қабилаларга чексиз зулм ўтказганлиги ҳамда муҳораба ва одам ўлдириш санъатидан воқиф эканлигига ишонулмасдан ҳайратда эди. Эртасига кемаларнинг бири (кейинроқ маълум бўлишича, Қизил денгиздаги Савакин томон) жўнаб кетганидан хабар топди. У қулнинг ўлимига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлиб лабиринтга йўл олди. Олби Бухорийнинг узук-юлуқ сўзларига ишонмаган эди, бироқ йўлакнинг биринчи муюлишида ўлик арслонга дуч келди, навбатдаги муюлишда қулнинг жасадини кўрди, марказий бўлмада эса боши мажақланган Бухорийни учратди, оёқлари остида садаф билан нақшланган сандиқча ётар, ичидаги пуллар эса ғойиб бўлганди.

Ҳикоядаги сўнгги жумлалар дабдабаси Данревен ўз ҳикоясини шу каби сўзамоллик билан якунлашга одатланганидан яққол далолат эди. Анвин ҳикояга қизиқиб қолган каби:

– Арслон билан қул қай тарзда ўлдирилганди? – деб сўради.

Данревен ўша аллозда, овозида сезилиб турган қайғули қониқиш билан жавоб қилди:

– Уларнинг ҳам бошлари мажақланган эди.

Қадам товушларига ташқарида ёгаётган ёмғир шовқини қўшилиб кетди. Анвин мана шу лабиринтда, Данревен қиссасининг «марказий бўлмаси»да тунаб қолишлари мумкинлигини ўйлади, аммо бу узок ноқулайлик хотираларда саргузаштга айланади. Данревен чўзилиб кетган сукутни бузиб худди қарзини қайтаришни талаб қилаётгандек савол ташлади:

– Ахир бу воқеа сирли эмасми?

– Бу воқеа сирлими-йўқми – менга қоронғу, аммо ғирт ёлғон эканлигини аниқ биламан, – жавоб қилди Анвин.

Данревен эса асабийлашиб ректорнинг тўнғич ўғли (афтидан, Олби бу вақтда қазо қилган эди) ва бутун Пентрит аҳолиси мазкур воқеага гувоҳ эканлигини айтди. Анвин узр сўради. Қоронғилик кўйнида вақт ҳаддан зиёд секин ўтар, иккови ҳам йўлдан адашган бўлишларидан хавфсирай бошлаган, юқоридан оқаётган заиф шуъла зинанинг юқори супаларини ёритишга тушганида эса улар буткул ҳолдан тойгандилар. Улар юқорига кўтарилгач доирасифат хароба хонада пайдо бўлишди.

Бахтиқаро шоҳдан хотира бўлиб икки нарса сақланиб қолган эди: ойналаридан денгиз ва атрофдаги яланглик кўзга ташланиб турган кенг дераза ҳамда зинапоя қаршисидаги қопқон. Кенг бўлса-да, бу хона зиндонга ўхшар эди.

Ёмғир туфайли эмас, балки кейин хотирлаб юриш учун икки дўст бу тунни лабиринтда ўтказишди. Риёзиётчи хотиржам ухлади; шоирнинг эса ўзига ҳам беўхшов туюлган мисралар хаёлидан кетмади:

*Faceless the sultry and ovarpowering lion,*

*Faceless the stricken slave, faceless the king.*

*(Қудратли арслон ётар боши мажақланган,*

*Боши пачоқдир қул ва шоҳнинг ҳам.)*

Анвин Ал-Бухорий кечмиши баёни ўзини заррача қизиқтиргани йўқ деб ҳисоблар, аммо тонг-сахарда жум-



боқнинг ечимини топганига ишонч билан уйғонди. Бир ҳодисани бошқа бири билан ҳар жихатдан қиёслаган кўйи куни бўйи ўйчан қиёфада юрди, икки кун ўтгач Данревен билан Лондон қовоқхоналаридан бирида учрашишга келишиб олди. Учрашгач Данревенга тахминан қуйидагиларни маълум қилди:

– Мен Корнуоллда сен сўзлаб берган воқеа қип-қизил ёлғон деб айтдим. Воқеалар ҳақиқат эди ёки ҳақиқат бўлиши мумкин эди, бироқ улар сенинг тилингда қуруқ сафсатага айланганди. Энг асосий ёлғондан, тасаввурга сиғмайдиган лабиринтдан бошлайман. Қочоқ одам лабиринтда яширинмайди. Қочоқ одам баланд соҳилда, устига-устак, олислардан денгизчиларга яққол кўриниб турган олранг лабиринт барпо қилмайди. Уни барпо этишга ҳожат йўқ, зотан, Коинотнинг ўзи тайёр лабиринтдир.

Чиндан ҳам, яширинишни истаган одам учун барча йўлаклари унга элтувчи бу минорадан кўра Лондоннинг ўзи ишончлироқ. Мен сенга баён қилган фикр аввалги куни лабиринт томига келиб урилаётган ёмғир товушига қулоқ тутган кўйи ухлашга чоғланганимиз маҳалда хаёлимга келди; мени ўз ташрифига лойиқ кўрган бу фикрдан илҳомланиб сенинг сафсатаңни унутиш ва бошқа бирор маънилироқ нарса ҳақида ўйлашга қарор қилдим.

– Масалан, кўпликлар назарияси ёхуд тўртинчи ўлчам ҳақида, – дея кинояомуз луқма ташлади Данревен.

– Асло, – жиддий тарзда жавоб қилди Анвин. – Мен Крит лабиринти ҳақида, ҳўкиз бошли одам марказий нуқтаси бўлган Крит лабиринти ҳақида ўйладим.

Саргузашт асарлар билимдони бўлган Данревен жумбоқ ечими мана шу жумбоқнинг ўзидан ҳамиша бир поғона пастда туради деб хаёл қилди. Жумбоқ ғайритабиий, ҳатто илоҳий табиатга эгадир, унинг ечими эса найранг-бозликдан бошқа нарса эмас. Жумбоқ ечимини узайтириш илинжида шундай деди:

– Хўкиз бошли минотаврни ҳайкал ва тақинчоқларда кўриш мумкин. Данте эса уни танаси хўкизники, боши одамники бўлган махлуқ сифатида тасаввур қилган.

– Бу талқинни ҳам қабул қилиш мумкин, – қўшилди Анвин. – Бу ўринда баҳайбат уйнинг ўз даҳшатли соҳибига монанд келиши муҳим. Лабиринт мавжуд бўлишининг бош сабабчиси минотавр эди. Тушда кўрилган хатар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Агар минотаврни хотирласак (лабиринт ичида турган одамнинг хаёлига келадиган муқаррар хотира), жумбоқ ечилади-қўяди. Бироқ, тан оламан, бу кўҳна тимсол менга жумбоқнинг ечимига олиб борувчи йўл бўлиб туюлмаган эди, шу боисдан сенинг ҳикоянда бир қадар ўринли тимсол – ўргимчак толаси бўй кўрсатиши зарур эди.

– Ўргимчак толаси дейсанми? – сўради фикридан адашган Данревен.

– Ҳа. Бу жиноятни қотилнинг (қотил мавжуд эди) кўнглига солган ўргимчак толаси (мутлақ маънодаги тола, айтайлик, кўнгил толаси) мени ҳайратга қолдирди. Эсла: сағана қаршисида ётган Ал-Бухорий илонлар тўдасини туш кўради, уйғонгач эса аён бўладики, бу тушнинг боиси танага ёпишган ўргимчак толаси эди. Ал-Бухорий илонларни туш кўрган ўша тунга қайтамиз. Тахтдан қулатилган шоҳ, вазир ва қул ўзлари билан хазинани олиб саҳрода жон сақлайдилар. Улар сағанада яшириниб юрадилар. Кўрқоқ эканлиги бизга маълум бўлган вазир ухлаб ётибди; биз довюраклигини билган шоҳ эса уйғоқ. Хазинани вазир билан бўлишишни истамаган шоҳ уни бўғизлайди; бир неча кечадан сўнг тушида вазир уни барибир ўлдиришидан огоҳ қилади. Буларнинг барчасига ишониш қийин; менимча, воқеалар бошқача тарзда содир бўлган. Ўша тунда довюрак шоҳ ухлаб ётган, кўрқоқ Саид эса сергак эди. Ухламоқ ёруғ олам билан видолашмоқ демак, бундай видолашув эса ўзини таъқиб этаётганларидан хабардор одамга

муносиб эмас. Ҳасадгўй Саидни шоҳнинг уйқуси васвасага солади. У қотиллик қилишни дилига туккан ва, эҳтимол, қўлидаги ханжар ҳам шай эди, аммо у ўзида журъат топа олмади. У қулни кўмакка чорлади, хазинанинг бир қисмини сағанага яшириб қўйдилар, кейин Савакин, ундан сўнг Англияга қочиб келишди. Ал-Бухорийдан яшириниш учун эмас, балки уни тузоққа илинтириб ўлдириш мақсадида денгиз теграсида алвон деворли улкан лабиринт барпо қилинди. Кемалар нубияликларни ол ранг одам, қул ва арслон ҳақида огоҳ этишларини ҳамда эртами-кеч Ал-Бухорий уни мана шу лабиринтдан излаб топиш учун етиб келишини у биларди. Сўнгги йўлакда Ибн Хоқон учун қопқон ҳозирлаган эди. Ал-Бухорий Саиддан чексиз нафратланар, шу боис оддий эҳтиёт чораларини кўришни лозим топмади. Кутилган кун етиб келди; Ибн Хоқон Англия соҳилига қадам қўйди, лабиринт эшигига яқинлашди, вазир, чамаси, пистирмадан узилган битта ўқ билан уни ўлдирган маҳалда зинанинг биринчи супасига қадам қўйиб улгурган эди. Арслонни қул ўлдирган, қулни иккинчи ўқ ер тишлатди. У шундай иш тутишга мажбур эди, зотан, боши мажақланган бир кўрқоқ жасади шубҳа уйғотиши мумкин эди; арслон, қул ва шоҳ мурдаси яхлит тизимни ташкил этади; ушбу тизимнинг бир бўлагига эга бўлган одам воқеанинг асл моҳиятини англай олади. Олби билан суҳбат чоғида Ибн Хоқонни (вазирни) кўрқув чулғаб олганлигидан ажабланмаса ҳам бўлади; у ҳозиргина даҳшатли жиноятни содир этган ва хазинани қўлга киритиш учун Англиядан қочиш ниятида эди.

Анвиннинг ушбу мулоҳазаларидан сўнг орага сукунат чўкди. Данревен ўз қарашларини баён қилишдан аввал яна бир кўза пиво буюрди.

– Фикрингга қўшиламан, – деди у. – Менинг Ибн Хоқоним, аслида, Саид эди. Бу каби эврилишлар – жанрнинг кўҳна хусусиятлари ва унга амал қилишни муштарий та-

лаб этади. Бироқ мен хазинанинг бир қисми Суданда қолдирилган деган тахминни рад қиламан. Эсла, Саид шоҳ ва шоҳ ғанимлари таъқиби остида эди; у хазинанинг бир қисмини яшириш билан овора бўлганидан кўра ҳаммасини олиб кетишини тасаввур этиш осонроқ. Эҳтимол, бутун маблағ сарфлаб бўлинганлиги боис ҳам пуллар топилмаган эди; нибелунглар хазинасидан фарқли ўлароқ, адоқсиз бўлмаган бу пулларни бинокорлар хазм қилиб юборишганди. Бу ҳолда Ибн Хоқон совуриб бўлинган хазинани қайтариб олиш мақсадида денгизни сузиб ўтган бўлиб чиқади.

– Совуриб бўлинган эмас, – деди Анвин, – балки уни тузоққа илинтириш ва ҳалок этиш учун ғиштдан тикланган улкан ва айланасимон қопқон ҳозирлашга сарф этилган хазина. Агар тахминим тўғри чиқса, Саидни баднафслик эмас, балки нафрат ва қўрқув шундай йўл тутишга мажбур қилди. У хазинани ўғирлади, бироқ кейин унинг учун хазина муҳим эмаслигини тушуниб етди. Муҳими Ибн Хоқонни ҳалок этиш эди. У ўзини Ибн Хоқон қилиб кўрсатди, Ибн Хоқонни ўлдирди ва охир-оқибатда унинг ўзи Ибн Хоқонга айланди.

– Шундай, – қўшилди Данревен, – у дайдига айланди, қачондир, қазосидан олдин, шоҳ бўлганлигини ёхуд ўзини шоҳ қилиб кўрсатганлигини хотирлашга маҳкум бўлган дайдига айланди.

**СЎҚМОҚЛАР ОРАЛАГАН БОҒ**  
**EL JARDÍN DE SENDEROS QUE SE**  
**BIFURCAN**

Лиддел Ҳарт қаламига мансуб «Жаҳон уруши тарихи»нинг йигирма иккинчи саҳифасида ўн уч британ дивизиясининг (бир минг тўрт юз тўплар кўмагидаги) Serre-Montauban жабҳасида 1916 йил 24 июлига режаланган ҳужуми йигирма тўққизинчи кун тонгига қадар кечиктирилгани маълум қилинади. Муҳтарам муаллиф фикрича, ушбу жузъий ҳаяллашга тасодифан бошланиб кетган кучли ёғинлар сабаб бўлган эди. Аммо Тсингтао Hochschule (олий мактаби) собиқ инглиз тили мударриси доктор Йу Тсун тилидан битилган, унинг ўзи ўқиб, имзо чеккан ва қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган мактуб воқеага қутилмаган тарзда ойдинлик киритади. Мактуб аввалида икки саҳифа етишмайди.

«...юрагим ҳаприққанча гўшакни жойига илдим. Симнинг нариги тарафидан менга олмонча жавоб қилган овоз эгасини шу заҳоти танидим. Бу капитан Ричард Мадден эди. Бундан чикдики, Мадден Виктор Рунеберг уйида. Демак, энди барча заҳматларимиз зое кетди, демак, энди бизнинг ўзимиз ҳам (аммо айна дамда хусусий тақдирларимиз мен учун аҳамиятсиз туюлар ёки режаланган ният қаршисида шундай туюлмоғи керак эди) муқаррар ҳалок бўламиз. Рунеберг ҳибсга олингани ва, балки, ўлдирилганига шубҳа йўқ. Кун адоғига етмасидан менинг ҳам бошимга

у боёқишнинг қисмати тушмоғи тайин. Мадден мурувват нелигини билмайди. Аниқроғи, у шунга мажбур. Ахир, Англия хизматидаги ирланд, боз устига, етарлича ғайрат кўрсатмаслик ва ҳатто хиёнатда айбланган бу одам шундай имконни бой бериши мумкинми? Ахир, Олмон империясининг икки жосусини фoш қилиб қўлга олиш ва, эҳтимолки, бартараф этиш каби кутилмаган тухфа учун тақдирга шукрона айтмай бўладими? Хаёлимдан шу янглиғ мудҳиш ўйлар кечаркан, юқоридаги хонамга кўтарилиб, паришон алпозда эшикни тамбаладим ва ётоққа чўзилдим. Ойна ортида эса иморатларнинг доимий манзараси ва заиф нур таратаётган кечки қуёш. Бошқа барча кунлар каби одатий ва ҳеч бир ўзгаришдан дарак бермас бу кун менга муқаррар заво л келтиришига ишониш қийин эди. Валинеъматидан бемаврид етим қолган ва мувозий Хай Фенг боғчаларида топишмачоқ ўйнаб, болалик кунларини шом қилган камина ҳозир ва ҳадемай ёруғ оламини тарк этади. Бунга чиндан ақл бовар қилмасди. Шунда мен бу қуёш остидаги, бу оламдаги борики барчаси ҳозир, айна шу пайтнинг ўзида нимагадир олиб келади, муайян бир ҳодиса ё ҳолатни пайдо қилади деб ўйладим. Асрлар кетидан асрлар кечса-да, аммо айнан ҳозирнинг ўзида содир бўлаётган ҳодиса, айна шу дамнинг бағрида кечаётган жараён чиндан воқедир. Еру осмонда, баҳру наҳрда неча одамлар сарсон, аммо танҳо менинг бошимдан кечаётган бу кун воқеалари ягона ҳақиқат. Дафъатан Мадденнинг беўхшов башараси кўз олдимга келиб дониш хаёлларим пароканда бўлди. Шунда нафрат ва кўрқув аралаш (Ричард Мадденни доғда қолдириб тезроқ сиртмоққа тортишларини кутар эканман, кўрқувларимга иқро р бўлиш энди менга оғир ботмайди) яна хаёл қилдим: омад кулиб боққанидан масрур тўпори бу аскар мен Синоатни шаксиз билишимни, британ тўпларининг янги жамлоғи ўрнашган Анкре воҳасидаги жой номини билишимни хаёлига ҳам келтирмайди. Шу дам номаълум бир

қуш кулранг осмонни тилиб ўтди ва мен Фаранг осмонини тўлдирган саноқсиз учоқлар галаси махфий жамлоқ кулини кўкка совураётганини тасаввур қилдим. Жонимга муштоқ ғаним ўқи мени ер тишлатмасидан бу хабарни Олмония қадар етказа олсам эди! Аммо инсоннинг ўзидан-да ожиз унинг овози бу қадар олис масофани кеча олмас. Ўзим қўлга киритган бебаҳо хабар бошлиқнинг қулоғига етиб бормоғи учун Рунеберг иккимиз Стаффордширда эканимиздан бўлак ҳеч вақодан беҳабар, Берлиндаги файзсиз хонасига кўмилиб олган кўйи биздан бирор дарак излаб уззуккун рўзномаларни титиш билан овора манфур бу кимса қулоғига етиб бормоғи учун қай тадбир қўлламоқ лозим, ахир? Шунда дарҳол қочишга қарор қилдим. Ҳар дақиқа ғанимат эди ва изимга тушган Мадден худди шу дамнинг ўзида мени нишонга олаётган каби оҳиста ўрнимдан турдим. Негадир бисотимни бир қур сарҳисоб қилмоқчи бўлиб чўнтагимда борини столга тўкдим. Захираларим, ўйлаганимдек, абгор эди – амриқо русумли соат, ялтироқ занжирга илинган тўрт қиррали танга, Рунебергга тегишли, энди эса бефойда ва дардисар калитлар шодаси, ёндафтар, шу заҳоти баҳридан ўтишим лозим бўлган, аммо фаромушхотирлигим сабаб сақланиб қолган мактуб, швед ақчаси, икки шиллинг ва бир неча пенс, қизил-зангор қалам, дастрўмол ва садоғида сўнгги ўқ фурсатини кутиб ётган тўппонча. Ўзимга қатъият ва журъат бағишламоқ ниятида тўппончани салмоқлаб кўрдим ва кўринмас ғаним томон йўналтирдим. Шу дам ўқ овозини олисларда ҳам эшитишлари мумкин деган ўй хаёлимга келди. Ҳаял ўтмай кейинги қадамларим хаёлимда пишиб етилди. Хабарни Берлинга етказиши мумкин бўлган бирдан-бир одам исмини телефон китобидан излаб топдим: у одам поездда ярим соатлик йўл наридаги Фэнтон атрофида яшарди.

Аслида, жасорат ва довюраклик сифатлари менга бирмунча бегона эканини ҳозир – ниятимни адоғига етказган

айни шу дамда яшириб ўтирмайман. Гарчи ниятларим рўёбидан фахр туймасам-да, аммо бу нақадар мушкул кечгани ёлғиз ўзимга аён. Бу ишни мен Олмония шарафи ҳаққи қилмадим, мутлақо. Ўзимни жосус даражаси қадар тубан тушишга мажбур этган қаттол бу юртнинг менга зиғирча аҳамияти йўқ. Қолаверса, Англияда бир одамни билардим, мен учун Гёте каби қадрли оддий бир одамни. Узоқ суҳбат қура олмаганимга таассуфдаман, аммо ўша қисқа дамларнинг ўзида у, менинг назаримда, Гёте закоси билан баробар эди. Бир сўз билан айтганда, Берлинда ўтирган ўша бошлиқ мен кабилар тоифасини ёмон кўргани учун ҳам, кечмиш аждодларнинг адоқсиз силсиласи сийратида мужассам мен кабиларни ёмон кўргани учун ҳам ниятимни амалга оширдим. Сарик юз ва қисик кўз бир одам олмон кўшинини ҳалокатдан сақлаб қолишга қодир эканини унга исботламоқчи бўлдим. Аммо, аввало, мен капитан дастига чап беришим лозим эди, яна ҳаялласам, кеч бўлиши тайин. Оҳиста кийиниб, кўзгудаги аксим билан сўнгги бора хайрлашдим. Пастга тушиб, кўчага разм солдим ва нарида турган фойтунга кўзим тушди. Бекат томон фойтун билан борганим маъқул, шундай қилсам кимсасиз кўчада кўзга ташланмайман. Ўзи шундоқ ҳам тузоққа илинган ва мутлақо ҳимоясиз сезардим ўзимни. Извошга бекатга етмасдан тўхташини тайинлаганим эсимда, тезроқ чипта олиб, вагонлардан бирида кўздан нари бўлишга ошиққанимдан юрагим ҳаприқарди. Шунга қарамай, ортиқча эътиборни тортмаслик учун фойтундан атай шошмасдан тушдим. Эшгроув деган жойга боришим керак эди, лекин чиптани ундан нарироққа олдим. Поезд бир неча дақиқадан сўнг, саккизу элликда, жилади, кейингиси эса тўққиз яримда. Перронда ҳеч ким йўқ эди, югуриб поездга чиқдим, бирмабир вагонларни кўздан кечирдим: икки-уч чоғли фермер, азадор жувон, Тацитнинг «Солнома»си мутолаасига берилган ўсмир йигит ва Оврўпа уруши жабҳаларида жароҳат-



ланган бўлса-да, аммо энди, хизматдан бўшатилоганидан чоғи, мамнун бир аскардан бошқа йўловчи йўқ эди. Поезд, ниҳоят, ўрнидан кўзгалди. Шу дам перронда ҳаллослаб чопаетган Мадденга кўзим тушди. Хайриятки, у поездга кеч қолди. Кўрқувдан титраганча хатарли ойнадан узоқроққа биқиндим.

Тез орада ўзимни қўлга олдим. Ўйладимки, беллашув бошланди, майли, тасодиф туфайли лоақал қирқ дақиқага бўлсин рақибим ҳамласини қайтариб, дастлабки олишувда ғолиб чиқдим. Ушбу кичик ютуқ якуний зафарга дебоча бўлмай дея ўзимга далда бердим. Поездлар жадвали вақтлар орасидаги бебаҳо тафовутни ҳаётиятмаганида, мен ҳозир панжара ортида бўлар ва, балки, олишув чоғи бетакаллуф Мадден ўқиға учрардим. Шуларни ўйлар эканман, ҳадикларимни аритган бу зафар қадрни ҳаёлимда яна ҳам юксалди. Юраксизлигимга ҳамроҳ шу каби барорлар йиғиндиси режаланган тадбирни поёнига етказишимга кўмак беради дея ўзимни ишонтирган эдим ва табиатимга эш бу ожизлик менга охирига қадар бир қувват инъом этди. Аслида, мен кўнглимга туккан режа не бўлибди, одамлар ҳали бундан ҳам мудҳиш бурчларини муттасил адо этишга маҳкум замонлар келади, ўшанда ер юзида биргина жангари ва каллакесарлар қолади. Уларга ўғитим шудир: кўрқинчли режа ижрочиси баайни буни бажо келтириб бўлдим дея аввалдан ҳаёл қилсин, келгуси кунларини баайни ўтмиш кунлари каби муқаррар билсин. Мен шундай йўл тутдим, кўзларимда эса (мурданинг кўзларида), чамаси, ҳаётимнинг энг сўнгги куни ва бу куннинг оқшом томон беомон оғиши аксланарди. Шумтоларни ортда қолдирганча оҳиста бораётган поезд аллақерда пишиллаб тўхтади. Бекат номини эълон қилишмади. «Эшироув шу ер эмасми?» – деб сўрадим перронда тўдалашган болалардан. «Ҳа, шундай», – бараварига жавоб қилишди. Поезддан тушдим.

Бекат сахнини фонус ёритиб турса-да, болалар юзларини илғаш қийин эди. «Доктор Стивен Альберникига бормоқчимисиз?» – деди улардан бири. Жавобимни кутмасдан бошқаси йўлни тушунтира кетди: «Унинг уйигача анча бор, лекин манави йўлдан сўлга юриб, чорраҳа йўлкалардан доим чапга қайрилиб борсангиз адашмай топиб оласиз». Уларга раҳмат айтиб ёнимдаги охирги тангани бердим. Тош зиналардан тушиб, кимсасиз йўлга чиқдим. Адоғи томон қиялаб борган тупроқ йўлдан кетарканман, куюқ дарахт шохлари устимда соябон бўлар, шундоққина бошим узра шуъла таратаётган тўлин ой эса худди менга ҳамроҳ эди.

Ричард Мадден режаларимни тушуниб етгандек туюлди. Аммо бу имконсиз дея ўзимга тасали бердим. Ҳамиша сўлга қайрилиш ҳақидаги болаларнинг кўрсатмаси баъзи лабиринтларда марказий сахнини топиб бориш чораси эканини ёдимга солди. Лабиринтлар ҳақида озми-кўпми билимим бор. Мен шавкатли Тсуй Пэн набирасиман, Юннан ҳукмдори бўлган, аммо вақтики келиб маҳобатли бир асар битиш илинжида, персонажлари зичлиги бобида «Алвон хужра оқшомлари»ни ҳам доғда қолдирувчи роман ёзиш учун ўткинчи қудратдан воз кечган ўша беназир ҳукмдор зурриётиман, ахир. Уни узлатга етаклаган иккинчи нияти ҳар кимсани йўлдан адаштирар бир лабиринт барпо қилиш эди. Бир ажнабий қўлида ҳалок бўлгунича бу икки асар учун ўн уч йилини сарфлади, аммо роман тушунишга яроқсизлигича қолди, лабиринтни эса ҳеч ким топа олмади. Дарахтлар соя солган ёлғизоёқ йўлдан борарканман, яна хаёл денгизига шўнғидим. Бой берилган мукамал ва бокира бу лабиринт шолиторлар аро ё денгиз тубларида адашган сарбаланд тоғлар зирвасида яширин алпозда тасаввуримда жонланди. Лабиринт сарҳади йўқ ва адоқсиз эди, унда биргина саккизёқлама кўшклар ва муттасил айлана шаклида йўналган йўллар эмас, балки бутун бошли баҳру наҳрлар,

музофот ва салтанатлар муқаррар эди. Мен мавжуд барча лабиринтларнинг энг комили ҳақида, ўтмиш ва келажак замонларни забтига олиб, фусункор бир тарзда бутун борлиқни ўзида жо айлаган ҳамда муттасил тармоқланган кўйи, тобора равнақ топиб боргувчи лабиринтлар лабиринти ҳақида хаёл қилдим. Шу каби мубҳам манзараларга ғарқ бўлиб қочқинлик қисматим ёдимдан кўтарилди, атрофда ҳамон сокин оқаётган вақт ҳиссини унутиб, шу дам ўзимни мутлақ тафаккур соҳиби ҳис этдим. Ботаётган қуёшнинг сўнгги нурларида ғира-шира кўринаётган, ўз ҳолича мавжуд бу далалар ва тобора кучга тўлиб, бошим узра шуъла таратаётган ойни бутун борича идрок қилардим. Қиялаб бораётган йўл эса ҳолдан тойдирмас ва дилларга ором берувчи поёни йўқ оқшом чўкмоқда эди. Туман қоплаган ўтлоқлар бағрини тилган йўл тармоқланиб борарди. Дарахтларнинг қуюқ япроқлари ва масофа туфайли кучи қирқилаётган шамол аллақадан гоҳ баланд, гоҳ паст пардали оҳанглари олиб келарди. Инсоннинг ғаними албатта (у ёки бу заминда яшаётган) одам бўлади деб ўйладим, аммо беҳисоб мавжудотлари, шивирларининг оҳанглари, дарахтзор ўрмонлари, денгиз ва оқшомлари билан зийнатланган заминнинг асло ўзи эмас. Шу аснода мен баланд кўҳна дарвоза қаршисида пайдо бўлдим. Панжара ортида боғ ва шийпонга ўхшаш бир иморат кўринарди. Шунда менинг юксак хаёлларимга ҳамоҳанг бўлган мусиқа шу ердан таралаётганини англадим, аммо бу менинг қалбимга туташ Чин оҳанглари экани ҳайратли эди. Мусиқани ғайришуурий тарзда табиий қабул қилганим боиси шунда эди. Дарвозада қўнғироқ тугмаси бормиди – эслай олмайман, балки, зулфинни қоқиб овоз бергандирман. Оҳанглар эса ҳамон атрофга таралмоқда эди.

Бир маҳал ихота ортидаги уйдан чироқ кўтарган норғул одам чиқиб кела бошлади. Сутранг қоғоздан ясалган фонус шуъласида дарахтлар гоҳ кўриниб, гоҳ қоронғиликка

чекинарди. Қаршимга етиб келган одам дарвозани очди ва менинг лаҳжамда оҳиста сўзлади:

– Муҳтарам Си Пэн афанди, афтидан, каминани ўз суҳбатларига ноил қилишни лозим топган кўринади. Даставвал боғни бир қур кўришни истарсиз?

У мени хабарчиларимиздан бири билан адаштирган эди, билдирилган таклифдан шошиб қолдим:

– Қанақа боғни айтяпсиз?

– Сўқмоқлар оралаган боғни-да, тақсир.

Шу дам хотиримда нимадир бош кўтарди ва қатъий бир ишонч билан унга юзландим:

– Бу бобокалоним Тсуй Пэн боғидир.

– Бобокалонингиз? Бундан чиқди, сиз ўша шавкатли зотнинг зурриётимисиз? Қани, марҳамат қилинг унда.

Болалигим боғларидаги каби тўлғонган намчил йўлак бизни уй томон етаклади. Шарқ ва Оврўпа тилларида битилган китобларга тўла кутубхонага кирдик. Нурафшон сулоланинг учинчи императори нашрига масъул бўлган, аммо босилмай қолиб кетган Ғойиб қомуснинг сариқ мато билан муқоваланган бир неча қўлёзма жилдларига кўзим тушди. Пуштиранг чинни тувак, бизнинг усталар форс кулларидан ўзлаштирган зангор тусли яна бошқа қадимий идиш ҳам борлиги ёдимда...

Стивен Альбер нимтабассум билан ҳаракатларимни кузатиб турарди. Айтганимдек, новчадан келган чўзинчоқ юзли бу одамнинг қўнғир тусли кўзлари одамга синчков боқар, оппоқ соқоли эса ўзига ярашиб турарди. Айни пайтда, унинг қиёфасида роҳиб ва кекса денгизчиларга хос нимадир сезилиб турар, «синологияга меҳри тушмагунча» Тенчунда миссионерлик қилганини ўзи сўзлаб бергач, сезгиларим алдамаганини билдим.

Мени пастак ўриндиққа ўтиришга таклиф қилди, ўзи дераза ва жавонсоат орасидаги курсига жойлашди. Таъқибчим Ричард Мадден яқин орада ҳозир бўлмаслигини

чамаладим. Шундай экан, муқаррар қарор ижросини бироз ортга суриш мумкин эди.

– Тсуй Пэн ҳаёти чиндан ҳам кишини ҳайратга солади, – дея сўз бошлади Стивен Альбер. – Ўзи таваллуд топган музофот волийси, фалакиёт билимдони ва етук мунажжим, мўътабар китобларнинг закий муфассири ва шатранж ишқибози, довруқли шоир ва нафис хаттот бўлмиш бул зот биргина китоб ва лабиринт барпо этмоқ учун буларнинг баридан воз кечди. Мустабид ҳукмдор ва адолатпеша волий севинчларини, базми жамшид ва жориялар лаззатини, ҳатто йиллар асносида жамлаган ўз заковатини ҳам инкор этиб, Мусаффо танҳолик ҳужрасига ўзини банди айлади. Ўлимидан сўнг ҳобгоҳини тафтиш қилган ворислари бир уюм қоралама саҳифалардан бўлак ҳеч вақо топа олишмади. Ўзингизга яхши маълум бўлса керак, бу саҳифаларни оловга ем қилмоқчи бўлганларида даос ва ё буддавий рутбали васий қўлёзмани албатта нашр эттириш лозимлигига барчани ишонтирди.

– Биз, Тсуй Пэн зурриётлари, – дедим мен, – бу роҳибни ҳамон лаънатлаймиз. У нашр эттирган бўлмағур бу китоб ҳар турли персонажлар алаҳсирашларидан ясалган уйдирма саҳналарнинг хом-хатала йиғиндисидан бошқа нарса эмас. Масалан, китобнинг учинчи бобида жон таслим қилган қаҳрамон, буни қарангки, кейингисида эсон-омон ҳаёт гаштини суриб юраверади. Тсуй Пэннинг иккинчи нияти – лабиринт барпо этиш ҳаракатларига келсак...

– Бу лабиринт худди қаршингизда турибди, – деди Альбер ва ёзув столига ишора қилди.

– Дандон ўйинчоқ! – ҳаяжонимни яширолмай хитоб қилдим. – Мўъжаз лабиринт...

– Тимсоллар лабиринти, – фикримни тўғрилади у. – Замоңларнинг яширин лабиринти. Жоҳил боболарининг уқувсиз зурриёти бўлган камина ушбу содда жумбоқни еча олди. Лабиринт иншо этилганидан сўнг кечган қарийб бир

асрлик вақт воқеа тафсилотларини бартараф этиб улгурди, аммо унинг айрим ҳолатларини фараз қилиб кўришимиз мумкин. Кунларнинг бирида Тсуй Пэн яқинларига: «*Рисола бошлаш фурсати етди, шу боис сизларни тарк этаман*», – дегандир, эҳтимол. Бошқа сафар эса, балки: «*Лабиринт барпо қилиш учун энди сизларни тарк этаман*», – дея маълум қилгандир. Унинг ниятидан бохабар бўлганларнинг ҳеч бири китоб ва лабиринт, аслида, бир нарса эканини ўйлаб ҳам кўрмади. Мусаффо танҳолик ҳужраси қаровсиз боғ марказида кўним топган, эҳтимол, шу манзара лабиринтни моддий бир иншоот деб ўйлашларига сабаб бўлгандир. Тсуй Пэн қазо қилгач, тасарруфида бўлган бепоён сарҳадларда ҳеч кимса лабиринтга, лоақал, унинг ишораларига ҳам дуч келмади. Боши-кети йўқ романнинг чалкашлиги изланаётган лабиринт шу китобнинг айнан ўзидир деган фикр уйғотди менда. Шаксиз тўғри қарор чиқаришимга эса мана бу икки ҳолат кўмак берди: бири Тсуй Пэн гўё чиндан ҳам поёни йўқ ва адоқсиз лабиринт барпо этмоқчи бўлгани ҳақидаги бир ривоят, иккинчиси эса ўзим қўлга киритган мактубдан бир жумла.

Шуларни айтиб Альбер ўрнидан турди. Бир фурсат менга орқа ўгириб ёзув столи тортмасидан нимадир олди. Бир вақтлар ол ранг бўлган, энди эса вақт таъсирида хира тортиб, юпқалашган қоғозни кўлимга тутқазди. Тсуй Пэннинг хаттотлик маҳорати чиндан эътирофга сазовор эди. Ўта нафис мўйқалам билан бир замонлар менинг қондошим битган сўзларга ҳайрат ва титроқ билан тикилардим: «*Келажакдаги турли (барчаси учун эмас) замонлар учун сўқмоқлар оралаган боғимни мерос қолдираман*». Индамасдан қоғозни қайтариб бердим. Альбер эса сўзида давом этарди:

– Бу мактубни излаб топмагунимча китоб ҳам адоқсиз бўлиши мумкинми деб ўйлардим. Воқеалари бир доира бўйлаб муттасил такрорланувчи, сўнгги саҳифасида даст-

лабки саҳифа ҳикоялари такрор баён қилинган, шу боис ҳам истаганча давом этувчи бир китоб тимсоли хаёлимдан кетмас эди. Эътиборсизлик туфайли китобни кўчириш чоғи хаттот йўл қўйган ажабтовур хато боис малика Шаҳризода «Минг бир кеча» эртақларини муттасил такрор сўйлашга маҳкум ўша кечани ҳам эсладим. Мен яна афлотуний ғоялар руҳидаги, рўёбга чиқариб бўлмас фусункор бир рисола халқга келтирдим – бир мерос тарзида инъом этилувчи ушбу рисола ғояси авлоддан авлодга кўчиб, муттасил такомиллашиб боради, ҳар бир авлод унга ўз фаслини ёзиб қолдиради ё ўтмишдошлар битганларини итоат ва диққат билан таҳрир қилишда давом этади. Хаёлда пайдо бўлиб, ўшанинг ўзида кўмилган бу каби ихтиролар кўнглимга тасалли берар, аммо Тсуй Пэн қаламига мансуб пойма-пой рисолага бирортасининг дахли йўқ эди. Шу каби фаразлардан бошим қотган кунларнинг бирида Оксфорддан сиз танишган мактубни олдим. Табиийки, ўша жумла, «*Келажакдаги турли (барчаси учун эмас) замонлар учун сўқмоқлар оралаган боғимни мерос қолдираман*» деган жумла, эътиборимни тортди. Шунда мен ифодалари норавон, сўзланган воқеалари эса чалкаш бу романнинг айнан ўзи «сўқмоқлар оралаган боғ» эканини англадим, «*келажакдаги турли (барчаси учун эмас) замонлар учун*» деган сўзлар эса макондаги эмас, билъакс, замондаги айрилиш нуқталари ҳақида фикр уйғотди менда. Романга яна бир кўз югуртириб чиққач, бу фикрим янада мустаҳкамланди. Исталган роман қаҳрамони бир неча имкон қаршисида пайдо бўлиши ҳамон бу имконларнинг фақат бирини танлайди, қолганларининг эса баҳридан ўтади. Тсуй Пэннинг таъбири мушкул асари қаҳрамони бўлса, буларнинг барини биратўла танлайди ва бу ҳаракати билан келгуси замоннинг турфа хил талқинларини барпо этади, ўз навбатида, бу замонлар ҳам урчиб, муттасил тармоқланиб бораверади. Айнан шу боис

ҳам роман тафовутларга тўла тушуниксиз бир асар каби таассурот уйғотади. Мисол учун, махфий сирдан бохабар ва шу боис ҳар дам таҳлика ичра турмуш кечираётган Фан исмли асар қаҳрамони унинг уйига ташриф буюрган нотаниш кимсани ўлдиришга қарор қилади. Айни қарор пишиб етилган ҳолатнинг бир неча фарқли якунлари бўлиши турган гап, яъни Фан бемаврид келган меҳмонни ўлдириши ёки, аксинча, меҳмон Фаннинг ўзини доғда қолдириши мумкин, бошқа ҳолатларда иккиси ҳам омон қолиши ёки уларнинг ҳар бири ҳалок бўлиши мумкин ва ҳоказо. Ҳайратланарлиси шундаки, Тсуй Пэн асарида ушбу интиҳоларнинг барчаси тасарруф этилади ва уларнинг ҳар бири тармоқланган вақтнинг навбатдаги бошқа айрилиш нуқталарига дебоча бўлади. Ушбу лабиринт сўқмоқларининг гоҳи замон ўзаро туташув эҳтимоли ҳам мавжуд: узоққа бормайлик, мана, сиз, масалан, менинг уйимга ташриф буюрдингиз, бироқ ўтмишнинг эҳтимолий талқинларидан бирида сиз менинг ашаддий рақибим эдингиз, бошқа бирида эса жондан азиз дўстим. Менинг ғализ талаффузим сизга малол келмаса, асардан айрим ўринларни ўқиб берсам.

Хонани забтига олган чироқ ёруғида юзлари қаримсиқ кўринса-да, аммо, айни пайтда, мангуликка дахлдор, аритиб бўлмас алланарса Альбернинг қиёфасига улуғворлик бахш этиб турарди. Асардаги айнан бир фаслнинг икки хил талқинини равон талаффузда ўқиб бераркан, кўз ўнгимда кўҳна ўтмиш манзаралари жонланарди. Талқинларнинг биринчисида навкарлар ёлғизоёқ тоғ тизмалари бўйлаб муҳораба майдони томон ошиқади. Тун зимистони аро тубсиз жарликка қулаб ҳалок бўлиш қисмати ҳар дам таъқиб этса-да, улар хатарларга пешвоз чиқиб муқаррар зафар қозонадилар. Иккинчисида айнан ўша навкарлар шоҳона зиёфат авжига минган сарой ҳобгоҳлари оралаб илдамлашади, аввалги талқиндаги муҳораба садолари,



кейинги талқинда ҳозир бўлган ушбу навкарлар назарида, шоҳона зиёфатнинг давомидек туюлади, улар бу гал ҳам зафар қучадилар.

Қадим ўтмиш воқеаларини тавозе билан тинглар эканман, хатарлар атрофимга тузоқлар қўйган ва мен энди сўнгги чорага умид боғлаган шу дамда дунёнинг бошқа бурчидаги олису бегона салтанат фуқароси бир замонлар менинг бобокалоним битган бу ҳикояларга айнан ўзим учун қайта жон ато қилаётгани чиндан ҳайратомуз эди. Синоатли битик каби ҳар икки талқинда такрорланувчи сўнгги сўзлар ҳамон ёдимда: *«Алалҳусус, дастларида беомон шамшир, сокин қалбларида эса беназир матонат тутмиш, ғозий ва ё шаҳид бўлишга ҳозир баҳодирлар муҳораба майдони ичра шарафларга ноил бўлмишлар».*

Шу дам атрофимда ва қаъримнинг аллақайси тубларида илғаш мушкул бўлган тушуниксиз садоларни ҳис этдим. Сафлари ҳар томон ажралгани ҳамон бир-бирига бақамти ва ҳамоҳанг одим ташлаётган, сўнгра яна қайта бирлашиб, зафарлар томон илгарилаётган қўшин садоларига ўхшамасди бу садолар, билъакс, эҳтимол, бобом тараннум айлаган бу навкарлар шавкатидан қувват олган яширин тўлғамаларнинг мубҳам нишоналари каби эди гўё. Бу орада эса Стивен Альбер мулоҳазаларида давом этарди:

– Шавкатли аждодингиз бўш вақтларини шу каби эҳтимолий талқинларни эрмак қилиб ўтказганига шубҳам бор. Умрнинг ўн уч йилини бундай тутанмас, тумтароқ тажрибаларга бағишлашни ақлга сиғдириш мушкул. Юртингизда роман жанри ҳеч маҳал эҳтиромда бўлмаган, бобонгиз яшаб ўтган замонларда эса енгилтак мавзулар битилгани боис бу шакл яна ҳам кўпроқ нафратга дучор бўлганини айтиб ўтириш ўринсиз. Моҳир романнавис бўлган Тсуй Пэн ўртамиёна адиблар сафини асло ўзига раво кўрмаган. Замондошларининг шоҳидлик беришича, у ҳамиша метафизик ва фусункор мақсадлар сари интилган, унинг

бутун ҳаёти айни шоҳидликни тўла-тўқис тасдиқлайди. Фалсафий ихтилофлар биз сўзлаётган романида ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Вақт ва замон тушунчасига доир туганмас мулоҳазалар, ечими номаълум мангу масалалар муттасил хаёлини ўғирлаб, беҳад азобларга қўйгани менга яхши маълум. Аммо, буни кўрингки, «Боғ» саҳифаларида бунинг бирор ишорасини учратмайсиз. Боз устига, «вақт» ёки «замон» сўзларини у бирор марта ҳам ишлатмайди. Марҳамат қилиб айтинг-чи, бу ўжарликни сиз қандай изоҳлай оласиз?

Жавобан бир неча абгор фаразни таклиф этдим. Уларни бир фурсат муҳокама қилгач Стивен Альбер савол ташлади:

– Сизнингча, калит сўз «шатранж» ҳисобланган жумбоқ ўйинида қай бир сўз мутлақо истисно қилинади?

– «Шатранж» деган сўзнинг ўзи, – дея шу заҳоти жавоб қайтардим.

– Кам бўлманг, – деди Альбер. – «Сўқмоқлар оралаган боғ»нинг айнан ўзи мен назарда тутаётган қамрови чексиз жумбоқ, мухташам бир ривоятдир, унинг тилсими фақат вақт ва замонлар кўмагида ечилар. Айнан шу яширин сабаб туфайли ҳам асарда бу сўзларни, лоақал, бу сўзларга ишораларни-да учратмаймиз. Ибтидою интиҳоси номаълум бўлган бутун бошли адоқсиз асар давомида биргина сўзни истифода этмаслик учунгина муттасил тарзда ғализ ташбеҳ ва ўринсиз истиораларни бўлар-бўлмасга қўллай-вериш, назаримда, бу ҳолат исталмаган (айнан шу сабаб ҳам мудом кўнгилда тутилган) айнан биргина ўша сўзни алоҳида таъкидлашнинг энг самарали, энг ифодали воситаси эди. Чапдастликда моҳир Тсуй Пэн ўзининг адоқсиз асари муюлишларида худди шундай айланма йўллари афзал билди. Мен юзлаб қўлёзмаларни қиёслаб ўрганиб чиқдим, уқувсиз хаттотларнинг лоқайдлиги сабаб матнга киритилган ноўрин нуқсонларни тўғрилаб пароканда-

ликни бартараф этдим, натижада асарнинг азалий режага мувофиқ кўринишини тиклаб, ниҳоят, уни тўлалигича таржима қилдим (ёки ўзим амал қилган тилдаги бошқа муқобилини яратдим) – шу қадар машаққатлардан сўнг амин бўлганим шуки, «вақт» ё «замон» калимаси асарда бирор марта тилга олинган эмас. Ишончим бўйича, жумбоқнинг ечими будир: «Сўқмоқлар оралаган боғ» Тсуй Пэн тасаввуридаги айрича оламнинг туталланмаган, айни пайтда, бузилмаган манзарасидир. Ньютон ва Шопенгауэрдан фарқли ўлароқ, қондошингиз ягона ва мутлақ замон ғоясига инонмас эди. Билъакс, тобора равнақ топиб боришга мойил вақт силсилаларининг адоқсиз бирлиги, ҳар томон тармоқланиб, сўнг яна қайта ўзаро туташгач, навбатдаги гал айрилишга қадар кўринмас ўзанлар бағрида мувозий бақамтиликда мавжланажак замонларнинг ақл бовар қилмас тизими Тсуй Пэн эътиқодининг марказий нуқтаси эди. Ҳар гал ўзаро туташгач яна қайта тармоқланган кўйи нечанчи бор ўзаро кесишаётган ва, балки, орадан асрлар кечса-да, учрашиш мудом насиб этмаган, шулар боис муттасил ҳаракатланишга мубтало вақт ва замонларнинг ушбу муҳташам издиҳоми тасаввур қилиш мумкин бўлган барча эҳтимолий талқинларни ўзига жо айлагандир. Бу замонларнинг аксаридида сиз билан менга ўрин йўқ; айримларида сиз бўлсангиз-да, аммо мен йўқдирман; бошқаларида эса, аксинча, мен умргузаронман, аммо сиз бунда назарда тутилган эмассиз. Бироқ ҳафсалангиз пир бўлмасин, издиҳомнинг санокли силсиласида иккимизга ҳам жой ҳозирланган ва, мана, қуръа ташланиб, хосиятли тасодифларнинг бахтли ҳосиласи ўлароқ сиз менинг уйимга ташриф буюрдингиз. Бошқа сафар, эҳтимол, боғ оралаб ўтаётиб менинг жонсиз жасадимга дуч келарсиз; яна бирида эса сиз билан айнан шу каби дилдан суҳбатлар қурарман, аммо мен, вақт сўқмоқларининг аллақайси биридан сизиб чиққан бир сароб, бошқа бир замон ўпқонида, эҳтимолки,

росмана умр кечираётган кимдир бировнинг олис шарпаси эканимни хаёлингизга ҳам келтирмассиз.

– Замонларнинг қай бирида бўлмайин, – дедим ичимдан келаётган титроқни билдирмасликка тиришиб, – Тсуй Пэн боғига қайта жон ато этганингиз учун сиздан беҳад миннатдорман.

– Маъзур тутасиз, – деди нимтабассум билан Альбер, – аммо муттасил тармоқланиб борувчи вақт келажакнинг беҳисоб кўринишларини келтириб чиқаради. Шундай экан, «Замонларнинг қай бирида бўлмайин», – дейишингиз бироз ноўрин, илло, уларнинг бирида мен сизга ашаддий ғаним эканим кундай равшан.

Шу дам мен аввалги ўша садоларни яна ҳис қилдим. Уйни ўраган намчил боғнинг ҳар бурчида беҳисоб шарпалар пусиб ётгандек туюлди каминага. Қиёфалари Альбер ва менинг ўзимдан андоза олган, бир-бирига нотаниш бу шарпалар миқдори лаҳза сайин яна ҳам кўпайиб, бошқа вақт ўлчамлари таъсирида муттасил эврилишларга юз тутиб борарди. Диққатимни йиғиб, разм солганим ҳамон кўрқинч бу манзара тарқалиб битди, аммо боғ қоронғилигида энди росмана бир одамга кўзим тушди. Йўлак бўйлаб биз томон шахдам юриб келаётган бу одам капитан Ричард Мадден эди.

– Келажак эшик қоқмоқда, – дедим мен, – аммо ҳар не бўлса-да, мен ҳамиша сизга дўстлигимча қоламан. Ижозатингиз билан мактубга яна бир кўз ташласам.

Альбер ўрнидан туриб, менга орқа ўтирганча ёзув столига яқинлашди. Қўлимдаги тўппонча аллақачон шай эди – диққат билан тепкини босдим: Альбер бирор овоз чиқармасдан шу заҳоти қулади. Онт ичиб айтаманки, у чақин урган каби бир лаҳзада жон таслим қилди.

Бундан кейинги воқеаларнинг аҳамияти йўқ. Билганим шуки, зум ўтмай ичкарига бостириб кирган Мадден мени банди этди. Ҳарбий маҳкама мени сиртмоққа тортиш ҳа-

қида ҳукм чиқарди. Бошимдан кечирган, айна пайтда кечаётган ва кўп ўтмай содир бўлажак тенгсиз даҳшат ва таҳлика қаршисида танҳо ниятларим ижобати менга адоқсиз тасалли бўлажак: барча машаққатларим оқибатида мен бемисл зафар қучдим, зарба берилиши лозим бўлган шаҳар номини Берлинга қадар етказа олдим. Кечаги кун эса шаҳарнинг кули кўкка созурилди. Бу ҳақида таниқли хитойшунос олим Стивен Альбернинг (Йу Тсун исмли бир одам томонидан амалга оширилган) сирли ўлимидан бутун Англияни воқиф этган рўзномадаги бошқа хабардан ўқиб билдим. Берлиндаги идорасида моғор босиб ўтирган бошлиғим жумбоқнинг ечимини топган эди. Барчаси ортда қолар экан (чиндан ортда қоларми?), Альбер деган шаҳар номини унга хабар қилиш мен учун асосий масала экани ва урушнинг суронли долғалари ичра айнан шундай исм соҳибини ўлдириш ягона чора бўлгани унга энди маълум. Аммо у бир нарсани билмайди, бошқалар-да бундан ҳеч замон воқиф бўлмас – дилимни азоблаб қўймаётган бу изтироб нақадар адоқсиз, силламни тамом қуритган бу беҳоллик эса замонлар поёни қадар туганмасдир.

**ТЛЁН, УКБАР, ORBIS TERTIUS**  
**TLÖN, UQBAR, ORBIS TERTIUS**

**I**

Кўзгу ва энциклопедиянинг ўхшашлиги туфайли мен Укбарни кашф қилдим. Рамос-Мехиада, Гаона кўчасидаги уйнинг йўлак адоғида, кўзгу ташвишли жимирлар, энциклопедия эса кишини чалғитиш учун The Anglo-American Cyclopedia деб номланган эди (Нью-Йорк, 1917). У 1902 йилги Encyclopedia Britannicанинг сўзма-сўз, аммо анча кечиккан қайта нашри эди. Бу воқеа беш йил чамаси аввал юз берди. Ўша оқшом меникига Биой Касарес меҳмон бўлиб келган ва биз романни биринчи шахс номидан қандай ёзиш кераклиги ҳақида баҳслашиб узоқ ўтириб қолдик. Фикримизча, ровий бу каби роман саҳифаларида баъзи бир воқеалар ҳақида атайин сўзламас ё уларни бузиб кўрсатиб, турли хил қарама-қарши талқинларга йўл қўярди; ўз навбатида, бу ҳол баъзи – жуда озчилик – ўқувчиларнинг бешафқат ва ё бачкана моҳиятни тушуниб етишларига кўмак берар эди. Йўлак адоғида бизни кўзгу кузатиб турар ва биз кўзгуларда аллақандай мудҳишлик бор эканига эътибор қилдик (ярим тун чоғи бундай кашфиётлар муқаррар). Шунда Биой Касарес Укбар ереснархларидан бирининг сўзларини эслади: «Кўзгу ва қўшилишлар жирканчдир, илло, улар одамлар миқдорини кўпайтиради». Мен ушбу кўхна ҳикмат манбаини сўрадим – бу The Anglo-American Cyclopediада, Укбар ҳақидаги мақолада, босилган деб жавоб қилди Биой.

Бизнинг уйда (жиҳозлари билан ижарага олган уйимизда) шу нашрнинг бир нусхаси бор эди. XXVI жилднинг сўнгги саҳифаларида биз Упсал ҳақидаги мақолани, XXVII жилднинг дастлабки саҳифаларидан «Урал-Олтой тиллари» тўғрисидаги мақолани топдик. Укбар ҳақида эса лом-мим дейилмаган эди. Бироз хижолат бўлган Биой кўрсаткич-жилдларни қўлига олди. У турли талаффузларни саралаб беҳуда уринарди: Укбар, Угбар, Оокбар, Оукбар... Кетиш олдидан айтдики, Укбар Ироқ ё Олд Осиёдаги аллақайси бир вилоят эди. Тан олишим керак, мен бир қадар ўнғайсизланган кўйимча унинг фикрини маъқуллаган бўлдим. Хаёл қилдимки, ном-нишонсиз бу мамлакат ҳамда исм-шарифи йўқ бу ересарх Биой шоша-пиша тўқиб чиқарган нарсалар эди ва у камтарлиги туфайли шулар воситасида ўз жумласини асосли қилиб кўрсатмоқчи бўлганди. Юстус Пертес хариталаридан бирига бесамар тикилиш оқибатида бунга ишонч ҳосил қилдим.

Эртаси куни Биой менга Буэнос-Айресдан сим қоқди. Энциклопедиянинг XXVI жилдига киритилган Укбар ҳақидаги мақола қаршисида турганини айтди. Унда ересархнинг исми кўрсатилмаган, аммо гарчи адабий нуқтаи назардан анча бўш бўлса-да, ҳар қалай, қарийб ўша сўзлар билан ифода этилган таълимотнинг баёни бор: «Кўшилиш ва кўзгулар жирканчдир» – «Copulation and mirrors are abominable». Энциклопедия матнида шундай дейилган эди: «Ушбу гностиклардан бирининг назарида, бу дунё сароб ёки (аниқроғи) недир ботил макон эди. Кўзгулар ва бола туғишлар жирканчдир (mirrors and fatherhood are hateful), илло, мавжуд нарсани кўпайтириб чор атрофга тарқатадилар». Мен бу мақолани кўрмоқчи эканлигимни айтдим. Бир неча кундан сўнг Биой уни олиб келди. Мен ҳайратдан ёқа ушлаб қолгандим – Риттернинг «Ўлкашунослик» деб аталган муфассал кўрсаткичларида «Укбар» деган номга ишора ҳам йўқ эди, ахир.

Биой келтирган китоб чиндан ҳам Anglo-American Cyclopediанинг XXVI жилди эди. Китобнинг кўшимча муқова-си ва белидаги тартиб сўзлар айнан бизнинг нусхамиздаги каби (Тор-Урс), бироқ саҳифалари 917 эмас – 921 та эди. Худди мана шу кўшимча саҳифаларда (ўқувчи фаҳмлагани-дек) сўзликда кўрсатилмаган Укбар ҳақидаги мақола бор эди. Биз кейинроқ жилдлар орасида бошқа тафовутлар йўқлигини аниқладик. Иккови ҳам (айтиб ўтганимдек) Encyclopaedia Britannica ўнинчи жилдининг қайта наشري бўлиб, бу китобни Биой «кимошди» савдосида харид қил-ганди. Биз мақолани синчиклаб ўқиб чиқдик. Биой эслат-ган жумладан ўзга ҳайратга солувчи маълумот йўқ эди. Бошқа ҳаммаси қатъий тартибга солинган, услуби жиҳа-тидан шу нашр руҳида ва, табиийки, зерикарли эди. Қай-та ўқиётиб эса айнан шу қатъий услуб соясидаги жиддий ноаниқликка эътибор қаратдик. Жўғрофий бўлимда эсла-тиб ўтилган ўн тўрт номдан фақат учтасини, бир ишора тарзида матнга киритилган учта номни, қидириб топдик – Хуросон, Арманистон ва Арзирум. Тарихий исмлардан эса фақат биттасини: кўпроқ мажоз маъносида келтирил-ган қаллоб ва афсунгар Смердисни. Мақолада гўёки Укбар сарҳадлари кўрсатиб ўтилган, аммо манзиллари бутунлай нотаниш эди – мазкур вилоятнинг дарёлари, жарлик ва тоғ тизмалари. Масалан, жанубий сарҳадда Сойи Халдун бо-тиғи ва Ақсо дарёсининг дельтаси жойлашганлиги, ушбу дельта оролларида эса ёввойи отлар ўтлаб юриши ҳақида ўқиб қолдик. Бу 918-бетда айтилган эди. Тарихий бўлим-дан (920-бет) маълум бўлдики, ўн учинчи асрда кечган таъқиблар оқибатида диндорлар оролларда жон сақлаган-лар, у ерларда ҳали-ҳамон бу одамлар яратган тош лавҳа-лар сақланиб қолган ва баъзан уларга тегишли тош кўз-гулар ҳам учраб туради. «Тил ва адабиёт» бўлими ихчам бўлиб, фақат шу нарса эътиборни тортарди: унда айтили-шича, Укбар адабиёти хаёлий йўналишга эга ҳамда досто-



ну афсоналари ҳеч вақт воқеликни акс эттирмас ва, балки, Млехнас ва Тлён номли хаёлий мамлакатларни тасвирлар эди... Тўртта китоб санаб ўтилган бўлиб, гарчи уларнинг учинчиси – Сайлэс Хэйзлем: «Укбар номли мамлакат тарихи» – «History of the Land Called Uqbar», 1874 – Бернард Куорич китоб дўконидаги кўрсаткичларда қайд этилган бўлса-да, биз уларнинг бирортасини ҳали-ҳамон топа олганимиз йўқ. Рўйхатдаги биринчи китоб – «Кичик Осиёдаги Укбар мамлакати ҳақида мароқли ва мутолаага лойиқ маълумотлар» – «Lesbare und lesenwerthe Bemerkungen ober das Land Uqbar in Klein Asien», 1641 йил деб белгиланган ва Йоганн Валентин Андрее томонидан ёзилган эди. Қизиқарли ҳол: орадан бир неча йил ўтгач мен бу исмни тасодифан Де Куинсида («Асарлар», ўн учинчи жилд) учратиб қолдим. Маълум бўлишича, бу исм XVII аср бошларида хаёлий розенкрейцерлар жамоасини тавсифлаган олмон уламосига тегишли эди. Кейинчалик бошқалар унинг тасаввур маҳсулини чиндан ҳам ҳаётга татбиқ этдилар.

Ўша оқшом Миллий кутубхонага йўл олдик. Турли хил хариталару манбалар рўйхатлари, жўғрофий жамиятлар журналлари ва сайёҳлар эсдаликларини беҳуда титкилаб сарсон бўлдик – ҳеч ким ва ҳеч қачон Укбарда бўлган эмасди. Биой қўлга киритган энциклопедия умумий кўрсаткичида ҳам бу ном тилга олинмаган. Эртаси куни Карлос Мастронарди (у ҳам бизнинг изланишларимиздан воқиф эди) Корриентес ва Талкуано китоб дўконида «Anglo-American Cyclopedia» жилдларига дуч келди... Дўконга кириб, XXVI жилдни сўради. Табиийки, унда Укбар ҳақида ишора ҳам йўқ эди.

## II

Жанубий темирйўл тармоғида хизмат қилган муҳандис Герберт Эш ҳақидаги аллақандай ожиз,

тобора хира тортиб бораётган хотира Адрогадаги меҳмонхонада, баравж бутазорлар аро ва кўзгуларнинг хаёлий тубларида ҳали-ҳануз муқим. Ҳаётлик чоғида у кўпчилик инглизлар сингари арвоҳдек деярли кўримсиз яшаб ўтди; ўлимидан сўнг у энди ҳатто аввалги арвоҳ ҳам эмас. У норғул ва озғин, бир вақтлар малларанг бўлган сийрак чўққи-соқоли ва, фаҳмлашимча, бефарзанд бева эди. Куёш соатлари ва бир туп эман дарахтини томоша қилиш учун (унинг ўзи бизга кўрсатган суратларга кўра хулоса чиқаряпман) у бир неча йил оралатиб Англияга бориб келарди. Отам у билан дўст тутинганди; таъбир жоиз бўлса, уларнинг бу дўстлиги соф инглизча эди, ўзаро эътирофлардан воз кечиб, тез орада суҳбатларсиз ҳам давом этувчи дўстликлар сирасидан эди. Улар ўзаро китоб ва газеталарини ўртоқлашишар, шахмат ўйнашар, аммо буларнинг барчаси сукут пардасига ўралган бўларди... Мен уни меҳмонхона йўлагидида риёзиётга оид китобни қўлида тутган кўйи осмоннинг бетакрор бўёғига тикилган қиёфада эслайман. Бир куни оқшом биз ўн иккилик ҳисоб тизими ҳақида сўзлашиб қолдик (бу назарияга кўра, 12 10 рақамидан сўнг ёзилади). Эш айтдики, у ҳозир айнан шу иш билан, қайта ҳисоблаш орқали, ўн иккилик жадвалларни олтмишлик жадвалга айлантириш билан машғул эди (бунга кўра, олтмиш 10 рақамидан сўнг ёзилади). Бу юмуш Риу-Гранди-ду-Сулдаги бир норвегнинг буюртмаси эканини илова қилди у. Биз саккиз йилдан буён таниш бўлсак-да, у ёқларда бўлганини бирор марта тилга олган эмасди... Биз чўпонлар турмуши ҳақида, «капангалар» ва Шарқдаги баъзи қариялар ҳали-ҳамон «гаучо» деб талаффуз қилиб юрган бу бразилча сўзнинг келиб чиқиши ҳақида суҳбат қурдик. Ва – Ўзи кечирсин! – ўн иккилик ҳосилалар ҳақида қайтиб оғиз очмадик. 1937 йилнинг сентябрида (биз бу вақтда меҳмонхонада эмасдик) Герберт Эш бўйин томирининг ёрилишидан қазо қилди. Қазосидан бир неча кун аввал унинг номига Бразилиядан муҳр босил-

ган кути келган, ичида анча салмоқли бир китоб бор эди. Эш уни қаҳвахонада қолдирган жойидан анча ойлар ўтиб топиб олдим. Мен китобни варақлай бошладим ва бирдан саросимага тушдим – ҳайратимни тасвирлаб ўтирмайман, зеро, гап менинг туйғуларим ҳақида эмас, балки Укбар, Тлён ва Orbis Tertius ҳақида бораётган эди. Исломнинг таълим беришича, аллақайси бир оқшом, Кечалар Кечаси деб аталувчи аллақайси бир оқшом, фалакнинг яширин дарвозалари ланг очилади ва кўзалардаги сувлар янада лаззатли тортади; мен ўша дарвозалар қаршисида ҳам бу оқшомдаги каби ҳайратга тушмаган бўлур эдим. Китоб инглиз тилида ёзилган эди, ҳажми 1001 саҳифа.

Малла чармли муқова белида қизиқарли ёзувни ўқиб қолдим, у кўшимча муқовада ҳам такрорланган: «Тлённинг биринчи энциклопедияси. XI жилд. Хлаер-Жангр» – «A First Encyclopaedia of Tlön, vol. XI. Hlaer to Jangr». Нашр этилган вақти ва жойи кўрсатилмаган, биринчи саҳифа билан рангли жадваллардан бирини тўсиб турган хитой қоғозига қуйидаги ёзувлари бўлган зангори шакл муҳрланган эди: «Orbis Tertius». Яширинча нашр қилинган аллақайси бир энциклопедия саҳифаларида хаёлий мамлакат ҳақидаги қисқа баённи ўқиб қолганимдан буён орадан икки йил ўтди, мана, энди тасодиф менга анча қадрли ва чиндан салмоқли нарсани ато этди. Мана, мен энди бутун бошли номаълум сайёранинг тарихи, меъморчилиги ва тафовутлари, афсоналарининг кўркувлари ва забонларининг куйлари, ҳукмдорлари ва денгизлари, тошларию қуш ва балиқлари, риёзиёти ва олов-оташлари, илоҳиётга оид ва метафизик аксилталқинлари жо бўлган кўламдор, тартиб билан тузиб чиқилган китобга эга бўлган эдим. Бунда ҳамма нарса аниқ, равон, панд-насиҳат ва ё масхара қилиш ниятидан холи тарзда баён этилганди.

Мен сўзлаётган ўн биринчи жилдда аввалги ва кейинги жилдларга ишора қилинган. «N.R.F»-да эълон қилинган ва

классикага айланиб улгурган мақоласида Нестор Ибарра айни шу бошқа жилдларнинг мавжудлигини инкор этади; Эсекиель Мартинес Эстрада билан Дриё ла Рошель унинг гумонларини тўла муваффақият билан рад қилдилар. Аммо астойдил қидирувлар ҳозирча натижа бермаётгани ҳам рост. Икков Америка ва Европа кутубхоналарини бенаф ағдар-тўнтар қилиб чиқдик. Изқуварликдан иборат мана шу кўшимча юмушлардан чарчаган Альфонсо Рейес ҳатто етишмаётган китобларни қайта ярата бошлашни барчамизга таклиф этади: панжасига кўра арслонни тиклаш, *ex ungue leonem*. У бунинг учун «тләнчилар»нинг бир авлоди етарли бўлишини ҳазил аралаш ҳисоблаб чиқди. Ушбу дадил хулоса бизни асосий муаммога олиб қайтади: Тләннинг ихтирочилари, аслида, кимлар? Бу жойда кўплик сонни кўлаш зарур эди, негаки якка-ёлғиз ихтирочи ҳақидаги, номаълумлик ва камтаринлик зимистони аро тер тўкаётган аллақандай чексиз ҳамда танҳо Лейбниц ҳақидаги фараз бир овоздан рад қилинди. Бу гўзал янги дунё, *brave new world* – номаълум даҳо раҳбарлиги остидаги мунажжимлару ўсимликшунослар, мусаввир ва муҳандислар, метафизик ва шоирлар, кимёгару риёзиётчилар, ахлоқшунос ва ҳандаса алломалари... яширин жамиятининг ижоди, деб ўйлаш ҳақиқатга яқинроқ. Мана шу турфа илмлардан бохабар одамлар беҳисоб, аммо хаёл қилишга қобиллар озчиликдир, мазкур хаёлни қатъий тартибли режага бўйсундира олувчи одамлар ҳисоби бундан-да камроқ. Ушбу режа шу қадар кўламдорки, ҳар бир иштирокчининг улуши оломон ичра адашган чивин кабидир. Дастлаб бошда Тлән – бу бошдан-оёқ тартибсизлик ҳамда тасаввурнинг бемасъул тўполонидан иборат деб хаёл қилдилар. Энди маълум бўлишича, Тлән – бу яхлит дунёдир ва гарчи хомаки тарзда бўлса-да, уни бошқариб турувчи ички қонунлари ишлаб чиқилган. Оммабоп журналлар ўзига хос иштиёқ билан Тләннинг ҳайвонот олами ва қир-адирларини омма

мулкига айлангирдилар – фикримча, шаффоф қоплонлар ва қонхўр миноралар барча одамларнинг диққат-эътиборига лойиқ эмас. Тлёндаги дунёқарашлар мажмуасини баён қилиш учун атиги бир неча дақиқа сўрайман.

Юм айтган эдики – мен бу фикрга қўшиламан – Берклининг далил-исботлари ҳеч қандай эътирозга йўл қўймагани каби зиғирча ишонтира олмайди ҳам. Ушбу мулоҳаза бизнинг ерга нисбатан тўла-тўкис ҳақиқатдир, Тлёнга нисбатан эса тўла-тўкис ёлгон. У сайёра халқлари табиатан идеалистлардир. Уларнинг тили ва улар тилининг ҳосилалари – дин, адабиёт, метафизика – дастлабки идеализмни тақозо этади. Уларнинг назарида, олам буюмларнинг макондаги тўплами эмас, балки турли-туман алоҳида хатти-ҳаракатларнинг турфа хил мажмуасидир. Тлён учун макондаги эмас, балки вақтдаги давомийлик хос. Тлённинг тахмин қилинаётган «ҳозирги замон» тиллари ва лаҳжалари ўсиб чиққан боботили – Urspracheда отлар мавжуд эмас. Унда фақат адвербиал маънога эга бўлган бир бўғинли сўз ясовчи қўшимчалар (ёки олдқўшимча) кўринишидаги аниқловчили шахссиз феълларгина мавжуд. Масалан, «ой» сўзига тўғри келадиган бирор сўз бўлмагани ҳолда, «ойламоқ» ёки «ойлангирмоқ» тарзида ўгириш мумкин бўлган сўзлар мавжуд. «Дарё узра ой кўтарилди» жумласи «хлёр уфанг аксаксаксас млё» бўлиб жаранглайди ёки, сўзма-сўз таржима қилинса, мана бундай: «юқорига узра доимий оқим ойланди».

Юқоридаги сўзлар жанубий минтақа тилларига тааллуқли, шимолий минтақа тиллари (буларнинг боботили ҳақида ўн биринчи жилдда жуда оз маълумот берилган) феъл эмас, балки содда сифат асосига қурилган. От сифатларни йиғиб бориш йўли билан ҳосил қилинади. «Ой» эмас, балки «қоп-қора-думалоқ юзасидаги ҳаволанган-ёруғ» ёки «осмон» ўрнига «майин-зангор» дейишади ва ё хоҳлаган бошқа бирикмани ишлатишади. Биз танлаб олган мисол-

даги сифатлар бирикмаси чиндан ҳам мавжуд жисмга мос келади, аммо бундай қилиш, аслида, умуман шарт эмас. Айни шу минтақа адабиётида (Мейнонг воқелигидаги сингари) поэтик ният талабларига биноан бир лаҳзада пайдо бўлиб, ғойибликка юз тутар хаёлий буюмлар ҳукм суради. Баъзан улар бир лаҳзалик вақтга боғлиқ бўлади. Икки сифатдан – кўринувчи ва эшитилувчи белгилардан – иборат нарсалар мавжуд: шафақ ранги ва қушнинг олис қичқириғи. Кўп белгилардан иборат нарсалар бор: қуёш ва сузувчи кўксига қарши сув – юмуқ қабоқлар ортидаги ғира-шира зангори шуъла, дарё оқими ва ё туш қучоғига ўзини бахшида қилган одам туйғулари. Иккинчи даражали ушбу жисмлар бошқалари билан бирикиши, баъзи қисқартма сўзлар ёрдамида эса бутун бир жараён деярли адоқсиз бўлиши мумкин. Битта дона улкан сўздан иборат машҳур дostonлар мавжуд. Муаллиф яратган «поэтик объект» бу сўзда яхлит ҳолга келтирилган. Гапнинг от бўлаги борлигига ҳеч кимнинг ишонмаслиги оқибатида қизиқ жумбоқ келиб чиқди – ҳар бир шимолий минтақа фуқароси уларнинг (отларнинг) миқдори чексиз деб ҳисоблайди. Ушбу минтақа тилларида ҳинд-оврупа тилларининг барча отлари ҳамда кўплаб бошқа нарсалар ҳам мавжуд.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Тлённинг мумтоз маданияти бор-йўғи битта илмдан – руҳиятшуносликдан иборат бўлиб, бошқа барча фанлар унга бўйсунди. Айтиб ўтганимдек, бу сайёра одамлари дунёни маконда эмас, балки вақт давомийлигида юз берувчи моддалар ҳаракатининг мажмуаси сифатида тушунадилар. Спиноза ўзининг чексиз илоҳига кўлам ва тафаккур сифатларини лойиқ кўради; биринчи сифатнинг (фақат баъзи ҳолатларга хос биринчи сифатнинг) иккинчи сифатга (коинотнинг бекаму кўст айнияти ҳисобланган иккинчи сифатга) қарама-қарши қўйилишини Тлёнда ҳеч ким тушунмаган бўлур эди. Бошқача қилиб айтганда, маконга тегишли аллақан-

дай бир нарсанинг вақтда давом этишини улар хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Уфқда кўринган тутун, куйиб ётган дала ва кейин мана шу ёнғинга сабаб бўлган чала ўчирилган папироснинг намоён бўлиши ғоялар бирикмасига мисол тарзида изоҳланади.

Мана шу ялпи монизм ёки идеализм ҳар қандай фанни норасо қилади. Аллақайси бир ҳодисани тушунтириш (ёки аниқлаш) учун уни бошқа бир ҳодиса билан боғлаш лозим; Тлён фуқароларининг қарашларига кўра, бу каби алоқа жисмнинг навбатдаги ҳолати ҳисобланади, ўз навбатида, мазкур ҳолат аввалги ҳолатни ўзгартириш ва ё изоҳлашга қодир эмас. Ҳар қандай тафаккур ҳолати ҳеч қандай оқибатга олиб келмайди: ҳатто шунчаки номлаш ҳолати – яъни *id est* турларга ажратиш – орқали хатога йўл қўйилади – асл нусха бузиб кўрсатилади. Шу вазиятлардан келиб чиқиб Тлёнда фанлар, ҳатто оддий мулоҳаза ҳам бўлиши мумкин эмас дея хулоса қилиш мумкин эди. Аммо қизиғи шундаки, фанлар беҳисоб у ерда. Фалсафий таълимотлар ҳам шимолий минтақадаги отларнинг кўйига тушган. Ҳар қандай фалсафа, ҳеч шубҳасиз, диалектик ўйин, баайни эҳтимоллар фалсафасидир, деган ҳақиқат фалсафий мажмуаларнинг кўпайишига олиб келди. У ерда турли-туман ақл бовар қилмас фалсафалар ўпқони яратилган бўлиб, уларнинг қурилиши аксарият ҳолларда жозиба ва шовшувга асосланган тарздадир. Тлён метафизиклари ҳақиқат тугул, унинг қариндошига ҳам интилмайдилар – улар таажжубга солувчи нарсани излайдилар. Уларнинг фикрича, метафизика фантастик адабиётнинг бир тармоғидир. Ҳар қандай тизим, аслида, борлиқ барча жиҳатларининг аллақайси бир муайян жиҳатга бўйсунушидан бошқа нарса эмаслигини улар жуда яхши билишади.

Ҳатто «барча жиҳатлар» ибораси ҳам ярамайди, зеро, бу билан ҳозирги замон ва ўтган замонларнинг ақлга сиғмас бирлигига ишора қилинади. Қолаверса, кўплик сони

– ўтган замонлар – ҳам ножоиз, зеро, бу билан ўзгача тасаввурнинг ақлга сиғмаслигига гўёки ишора қилинган бўлади... Тлён фалсафий оқимларидан бири охир-оқибатда вақтни ҳам инкор этди: бу донишларнинг мулоҳазасига кўра, ҳозирги замон ноаниқдир, келажак эса у ҳақда ҳозирги замон бағрида ўйланган фикр тариқасидагина воқелиқдир.\* Яна бошқа бир оқим айтадики, «барча замонлар» ўтиб бўлди ва бизнинг ҳаётимиз шу ҳолича якуни томон беомон ўтиб бораётган муқаррар жараённинг элас-элас хотиралари ва ё, жилла қурса, пажмурда инъикосидир. Яна бир оқимнинг фаразича, жаҳон тарихи – бизнинг барча ҳаётларимиз тарихи, ҳаётларимизнинг майда-чуйда тафсилотлари тарихи яширин жаҳон тарихи – иблис билан тил бириктирган алақайси иккинчи даражали худо томонидан муттасил қайд қилиб борилгай. Яна бирининг фикрича, дунёни баъзи белгилари аҳамиятсиз бўлган криптограмма – махфий нома билан қиёслаш мумкин ва уч юз кечада бир содир бўлар ҳодисагина чин ҳақиқатдир. Яна бирови биз бу ерда ухлаб ётар эканмиз, ўзга дунёда бедор юрамиз, шу тариқа ҳар бир одам икки одамдан иборатдир дея ишонтиради.

Тлёндаги ҳеч бир таълимот материализм каби ашаддий мунозараларга сабаб бўлмаганди. Баъзи файласуфлар уни ҳам – кўпроқ эҳтиросга берилиб – бир жумбоқ тарзида изоҳлайдилар. Ушбу ақл бовар қилмас таълимотни англаш осон бўлсин учун ўн биринчи аср\*\* ересиархи тўққиз дона кумуш тангадан иборат жумбоқ ўйлаб топди. Ушбу беназир топишмоқнинг кўплаб талқинлари бўлиб, уларда тангалар ва топидиқларнинг турлича миқдорлари кўрсатиб ўтилади; бу талқинларнинг энг машҳурини келтираман.

«Сешанба куни кимсасиз йўлдан ўтиб бораётиб Х тўққиз дона мис тангасини йўқотиб қўяди. У пайшанба куни шу йўлдан чоршанба куни ёғиб ўтган ёмғир туфайли бироз занг босган тўрт дона мис танга топиб олади. Z жума



куни йўлдан учта танга топади. Ўша куни эрталаб Х ўз уйи йўлагидан иккита танга топади». Ереснарх бу воқеа орқали топиб олинган тўққиз дона танганинг мавжудлигини – яъни борлиқда узлуксизлигини – исботламоқчи эди. У таъкидлайдики, «Айни тангаларнинг тўрттаси сешанба билан пайшанба оралиғида, учтаси сешанба билан жума оқшоми оралиғида, иккитаси эса сешанба билан жума куни эрталаб оралиғида мавжуд эмасди деб ўйлаш бемаънилик бўлур эди. Улар вақтнинг мана шу уч бўлаги ҳар бир дақиқасида – жилла қурса, инсон англай олмас қандайдир яширин ҳолатда – мавжуд эди деб ўйлаш ҳақиқатга яқинроқ».

Ушбу жумбоқни таърифлашга Тлэнда амалда бўлган тил яроқсиз эди – кўплар барибир ҳеч вақони тушунмади. Соғлом мантиқ тарафдорлари дастлаб бошда бу чўпчакнинг чинлигига ишонмаслик билан қаноатланишди. Уларнинг таъкидлашича, бу таомил билан мустаҳкамланмаган ва қатъий мантиқий мулоҳазага ёт икки янги сўздан – «қидириб топмоқ» ва «йўқотмоқ» феълларидан – ғайриоддий тарзда фойдаланишга асосланган фирромликдир, илло, бу феъллар мантиқий таомилга зид равишда дастлабки тўққиз танга билан кейинги тўққиз танганинг айнийлигини назарда тутди. Ушбу соғлом тафаккур ҳомийлари яна эслатиб ўтадиларки, ҳар қандай от (одам, танга, пайшанба, чоршанба, ёмғир) фақат рамзий маънога эгадир. «Чоршанба куни ёғиб ўтган ёмғир туфайли бироз занг босган» қабалидаги маккор тасвир фош этилган эди. Бу жумлада сешанба билан пайшанба оралиғидаги тангаларнинг узлуксиз мавжудлигини ҳали исботлаш лозим эди. Бу шундай тушунтирилади: «ўхшашлик» билан «айнийлик» бутунлай бошқа нарсалардир, шундан келиб чиқиб тўққиз нафар одам қаторасига тўққиз кун давомида кучли оғриқ чангалида бўлганлари назарда тутилган бир маънисизлик ёки фараз қилинган ҳодиса – *reductio*

ad absurdum ишлаб чиқилди. Мана шу оғриқ ҳар вақт бир хилдир деб тахмин қилиш бемаънилик эмасми деган савол қўйишади улар.\*\*\* Алалхусус, айна мантиқ билан қуролланган бу муҳтарам жамоа жумбоқ ўйлаб топган ересиярхни куфрда айблади, уларга кўра, ересиярх фақат бир нарсани – илоҳий «борлик» сифатини оддий тангаларга раво кўришдай куфр ниятни кўнглига туккан эди, боз устига, ересиярх кўплик шаклини гоҳ инкор қилиб, гоҳ эътироф этади. Бунинг учун шундай далил-исбот келтирилади: бордию ўхшашлик айнийликни назарда тутса, у ҳолда, тўққиз дона танга якка-ягона битта тангадир деб ўйлаш ҳам лозим эди.

Раддиялар ҳали адоғига етган эмасди. Муаммо таърифлаб берилганидан сўнг орадан юз йил ўтгач бизнинг ересиярх сингари зўр қобилиятли, бироқ изчил анъана тарафдори бўлган бошқа бир донишманд фавқулодда даядил фаразни ўртага ташлади. Унинг анча пухта тахминида таъкидланишича, якка-ёлғиз зот мавжуд, мана шу яхлит зот моҳият-эътибори-ла оламдаги барча хилқатларнинг ҳар биридир ва, ўз навбатида, барча хилқатлар илоҳнинг тана аъзолари ҳамда ниқобларидан ўзга нарса эмас. X Y ва Z дир. Z учта танга топиб олади, чунки буларни X йўқотиб қўйганлигини эслайди; X йўлакдан иккита танга топади, чунки қолганлари ҳам топилганини эслайди... Ўн биринчи жилддан маълумки, ушбу идеалистик таълимотнинг узил-кесил ғалабаси учта асосий сабаб билан боғлиқ эди: биринчиси – фикрловчи мавжудотни танҳо воқелик деб билувчи таълимотга (солипсизмга) нафрат; иккинчиси – руҳиятшуносликни илмлар пойдевори сифатида сақлаб қолиш имконияти; учинчиси – худолар мавқеини сақлаб қолиш имконияти. Шопенгауэр (эҳтиросли ва мусаффо Шопенгауэр) «Parerga und Paralipomena» – «Афоризмлар ва максималар»нинг биринчи жилдида шунга яқин таълимот яратди.

Тлён геометрияси ўзаро биров фарқланувчи икки илмдан – кўз билан кўришга ва ҳис қилишга асосланган геометриялардан иборат. Бизнинг геометрия билан бақамти бўлган иккинчиси бир геометрияга бўйсундирилган. Нигоҳий геометрия нуқталарга эмас, балки буюм юзасига асосланган. Бақамти чизиклардан беҳабар ушбу геометриянинг уқтиришича, бир жойдан бошқа жойга ҳаракатланиб кўчаётган одам атрофидаги буюмлар шаклини муттасил ўзгартиради. Тлён арифметикасининг асосида чексиз сонлар тушунчаси ётади. Бунда асосий эътибор катта ва кичик тушунчаларга қаратилган. Бу тушунчаларни бизнинг риёзиётчилар  $>$  ва  $<$  белгиси билан ифодаляйдилар. Бизникиларнинг Тлёндаги ҳамкасблари айтадиларки, ҳисоб жараёнининг ўзи миқдорни ўзгартириб, уни ноаниқ ҳисобдан аниқ ҳисобга айлантиради. Бир неча одам айнан битта миқдорни ҳисоблаб бир хил натижа чиқаришлари, руҳиятшунослар назарида, ғоялар бирлиги ёки хотира ўткирлигига мисол тариқасида тушунилади. Тлёнда тафаккур объектининг ягона ва мангулиги эса бизга маълум.

Адабий тамойилларда ҳам ягона объект ғояси ҳукм суради. Муаллиф жуда кам ҳолларда кўрсатиб ўтилади. У ерда «қаллоб плагиат» тушунчасининг ўзи йўқ: мавжуд барча асарлар замондан ташқари ва исми номаълум ягона муаллиф асаридан ўзга нарса эмаслиги кундай равшан. Баъзан танқидчиларнинг ўзлари муаллифларни ўйлаб топади: бунинг учун икки турли асар танлаб олиниб – масалан, «Дао Дэ Цзин» ва «1001 кеча» – уларни битта адиб номи билан боғляйдилар, сўнгра ушбу ажабтовур *homme de lettres* – қаламкашнинг руҳияти холис ва жиддий тарзда тадқиқ этила бошланади.

Уларнинг китоблари ҳам бизники каби эмас. У ернинг адабиёти якка-ягона воқеани такомиллаштириб бориш билан машғул. Фалсафада ҳамиша тезис ва антитезис, ҳар қандай таълимотнинг қатъий амалда бўлган «параст» ҳам

«аксил» тушунчаси мавжуд. Ўз бағрида инкор этувчиси бўлмаган китоб Тлэнда нотугал саналади.

Идеализм ҳукм сурган замонлар воқеликка таъсир қилмасдан қолмади. Тлэннинг энг қадимий вилоятларида йўқолган буюмларнинг икки ҳисса кўпайиши мунтазам учрайди. Айтайлик, икки одам бир дона қаламни излайди, биринчи одам топиб олиб, лом-мим демайди: иккинчи бир одам бошқа қаламни, аввалги қалам сингари чинакам, бироқ бу одамнинг тасаввурига кўпроқ мос келадиган бошқа қаламни топади. Айни иккиламчи буюмлар «хренирлар» дейилиб, улар бирмунча беўхшов бўлса-да, фойдаланишга анча қулай. Яқин вақтларгача «хренирлар» хаёлпарастлик ва хотира сустлигининг тасодифий маҳсуллари эди. Улар эндигина юз йилдан буён режали равишда ишлаб чиқарилаётганига ишониш қийин, аммо Ўн биринчи жилд бунга гувоҳ. Дастлабки уринишлар муваффақиятсизликка учраган эди. Шундай бўлса-да, *modus operandi* – ишлаб чиқариш услуби эслаб ўтишга лойиқ. Давлат тасарруфидаги қамоқхоналардан бирининг бошлиғи дарёнинг эски ўзанида қадимий қабристон борлигини маҳбусларга эълон қилиб, кимки арзигулик буюм топса, уни озод этишни ваъда берди. Қазииш ишлари бошланишидан бир неча ой аввал улар топишлари лозим бўлган буюмлар суратини кўрсатишди. Ушбу дастлабки уриниш умид ва баднафслик ишга халал беришини намоёйиш этди: белкурак ва чўкич билан бир ҳафта тер тўкилгач, тажриба ўтказилаётган вақтдан анча аввалги даврга мансуб, занг босган ғилдиракдан бўлак ҳеч қандай «хрэн»ни топиб бўлмади. Махфий тугилган тажрибани кейинроқ тўртта коллежда такрорлашди. Дастлабки учтасида ҳеч бир иш чиқмади, тўртинчи коллеж ўқувчилари эса (бу коллеж бошқони қазииш ишлари бошлангач тўсатдан қазо қилди) олтин ниқоб, кўҳна шамшир ва кўк-сида ёзуви бўлган, яшилга мойил шоҳона совутни қазиб олдилар ё бунёд этдилар. Ёзувни эса ҳеч ўқиб бўлмади.

Қидирувларнинг тажриба эканидан бохабар гувоҳларнинг ишга яроқсизлиги шу тариқа аён бўлди... Оммавий қидирувлар бутунлай тескари хусусиятли буюмлар туғдираётган эди: ўшандан буён қазилган ишларини алоҳида, ҳаттоки тадориксиз олиб боришга келишилди. «Хрөнирлар»ни режали ишлаб чиқариш (Ўн биринчи жилдда шундай дейилган) археологлар оғирини енгил қилди: энди келажак сингари бўйсунувчан ва юввош тортиб қолган ўтмишга ҳам жило бериб, уни ҳатто ўзгартириш мумкин бўлиб қолди. Эътиборга лойиқ мисол: иккинчи ва учинчи даражали «хрөнирлар»да, яъни бошқа бир «хрөн»дан келиб чиққан «хрөнирлар» билан «хрөн» «хрөн»дан келиб чиққан «хрөнирлар»да дастлабки «хрөн» хатоларининг кучайиши кўзга ташланиб қолди; бешинчи даражали «хрөнирлар» «хрөн»га жуда ўхшаб кетади; тўққизинчи даражали «хрөнирлар»ни иккинчи даражали «хрөнирлар» билан адаштириб юбориш мумкин; ўн биринчи даражали «хрөнирлар»да эса асл нусхаларда ҳам бўлмаган мусаффолик мавжуд. Аммо бу жараён даврийдир, яъни ўн иккинчи даражали «хрөн»дан бузилиш бошланади. «Хрөн»дан шаклининг ажойиб ва софлигига кўра ҳар қандай «ур» устун туради: «ур» ишонтириш орқали бунёд қилинган, йўқлик бағридан умид кўмагида олиб чиқилган буюм саналади. Сўзлаб ўтганим ажойиб олтин ниқоб бунга ёрқин мисол.

Тлөндаги буюмлар икки ҳисса кўпаяди, шунингдек, уларда яна бир хислат бор: одамлар хотирасидан кўтаришга ашёлар тобора хира тортиб, белгиларини йўқота боришга мойил. Ўтмишдан мисол – ҳар куни аллақайси бир гадойнинг оёқлари тегиб тургач мавжуд бўлган, у қазо қилгач эса кўздан йўқолган остона. Баъзан ўзига ошён қурган қушлар ёки қирчанғи от амфитеатр харобаларини мангу йўқ бўлишдан сақлаб қолгич эди.

Сальто-Ориенталь,  
1940

## Пост-скриптум, 1947

Юқорида баён қилинган бадияни мен 1940 йили «Фантастик асарлар антологияси»да чоп этилган ҳолича – бир неча ташбеҳ ва мана энди енгилтаклик бўлиб туюлаётган ҳазиломуз хулосани ҳисобга олмаганда – қисқартиришларсиз келтиряпман. Ўшандан буён қандай воқеалар бўлиб ўтмади дейсиз!.. Улардан айримларига тўхталаман.

1941 йил мартада Герберт Эшга тегишли Хинтон рисолаги саҳифаларида Гуннар Эрфьорд кўли билан битилган мактуб топилди. Мактуб зарфида Оуро-Прето почта муҳри бўлиб, саҳифаларда Тлён синоати тўкис тушунтириб берилган эди. XVII асрнинг биринчи ярмига мансуб аллақайси оқшом – Люцерна ва ё Лондонда – ушбу ажабтовур лойиҳага илк бор асос солинган, мутлақо янги ўлка ўйлаб чиқариш мақсадида бирлашган маслакдошлар яширин жамияти таъсис этилганди (унинг аъзолари қаторида Дальграно, кейинроқ Жорж Беркли ҳам бор эди). Анча муҳам дастлабки дастурга кўра «герметик илмлар», хайрия ва каббала (тилсимот илми) назарда тутилганди. Андреенинг мароқли асари айни шу илк даврда яратилди. Кенгашиш ва таҳлиллар билан ўтказилган бир неча йилдан сўнг бутун бошли мамлакат ўйлаб чиқариш учун бир авлод кифоя қилмаслиги жамият аъзоларига аён бўлди. Тадбирни давом эттириш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзига шогирд танлаб олишига келишилди. Бу каби меросхўрлик тартиби самарали бўлиб чиқди: икки асрлик қувғиндан сўнг ушбу фирқа Америкада қайта тикланди. 1824 йили Мемфисда (Теннесси штати) жамият аъзоларидан бири хонанишин корчалон Изро Бакли билан ҳамсуҳбат бўлади. Ҳикояни истехзо аралаш тинглаб бўлгач ушбу режанинг камтарона кўламини кулгуга олади. Америкада мамлакат ўйлаб топиш бемаъ依ликдир деди Бакли ва би-

ратўла бутун бошли сайёра ўйлаб топишни таклиф этди. Мазкур улуғвор ғояга у яна бир таклиф, ўз нигилизми маҳсулини илова қилди: ушбу бемисл режа мутлақ сир тутилмоғи лозим. Айни ўша маҳалда *Encyclopedia Britannica*нинг йигирма жилди босмадан чиққан, Бакли хаёлий сайёранинг тартибга солинган мана шундай қомусини яратишни таклиф этади. Олтин захираларига бой тоғларни, кемалар билан тўлиб-тошган дарёларни, буқа ва бизонлари ўтлаб юрган яйловларни, бу сайёра занжиларию исловатхона ва долларларини кўнгилга сикқунча тасвирлайверишсин, аммо шарт шуки, «бу асар лўттибоз Исо масих измида юрмасин». Бакли Худога топинмас, аммо ожиз бандалар ҳам бутун бошли олам ярата олишларини мана шу йўқ Худога исбот қилмоқчи эди. Бакли Батон-Ружда 1828 йили захарланиб ўлди; 1914 йили жамият ўз издошларига – уларнинг нафари уч юз эди – Тлён Биринчи Энциклопедиясининг сўнгги жилдини топширади. Бу нашр махфий эди: уни ташкил қилган қирқ жилд (инсонлар қўли билан битилган энг улкан асар) анча муфассал бошқа бир нашр учун, инглиз тилида эмас, балки энди Тлёндаги тилларнинг бирида ёзилиши керак бўлган бошқа бир нашр учун асос бўлиб қолиши лозим эди. Ушбу хаёлий дунё шарҳи *Orbis Tertius* деб номланган бўлиб, Герберт Эш – Гуннар Эрфьорд гумаштаси ва ё жамият аъзоси сифатида – унинг яратувчиларидан бири эди. Ўн биринчи жилднинг юборилиши Эш жамиятнинг тўлақонли аъзоси эди деб тахмин қилишга асос беради. Бошқа жилдлар тақдири қандай кечган? 1942 йилдан қизиқарли воқеалар содир бўла бошлади. Дастлабкиларини аниқ-тиниқ эслайман ва, эҳтимол, бу воқеа илк дебоча эканини ҳис этгандим ўшанда. Бу воқеа Лаприд кўчасидаги чорбоғда, мағрибга қараган баланд болохона қаршисида содир бўлди. Княгиня де Фосиньи Люсенж хоним номига Пуатьедан кумуш идишлар олиб келинди. Ажнабий муҳрлар билан зийнатланган қути тубларидан гўзал буюм-

лар пайдо бўла бошлади: Утрехт ва Париждан юборилган, жониворлар сурати нақшланган турли ошхона жиҳозлари, бу жиҳозлардан ҳам кўра нафис чой қайнатгич. Ушбу мудроқ жонзотлар ичра бир қибланамо синоатли титрар эди. Қибланамо княгиняга тегишли эмасди. Унинг зангор мили оҳанрабо майдони томон интилган, қабарик пўлат сиртига нақшланган ҳарфлар эса Тлэндаги алифболардан бирига тааллуқли эди. Шу тариқа хаёлий дунё чин дунёга илк бора бостириб кирди. Мени ташвишга солган тасодиф боис иккинчи воқеага ҳам шоҳид бўлдим. Бу орадан бир неча ой ўтгач Кучилья-Неградаги бир емакхонада юз берди. Аморим иккимиз Санта-Анадан қайтиб келаётгандик. Такуарембо дарёси ўзанидан чиқиши оқибатида биз у жойларнинг абгор меҳмоннавозлигини бошдан ўтказишга (ва тоқат қилишга) мажбур бўлдик. Хўжайин шароб мешлари қалашиб ётган хонага биз учун жой ҳозирлади. Биз ўринга ётдик, аммо девор ортидаги маст ҳамсоя гоҳ узок ва бежамдор сўкиниб, гоҳ бачкана кўшиқни ушлаб куйлаган кўйи тонгга қадар уйқу бермади. Биз, табиийки, ҳеч тинмаган бу овозларни емакхонада сийланган мусаллас касридан деб билган эдик... Ҳамсояни эрталаб йўлакда жонсиз ҳолда топишди. Хирилдоқ овоз бизни чалғитганди – марҳум ҳали ароқхўрлик илмидан жиддий сабоқ олмаган ёш йигит бўлиб чикди. Унинг белбоғидан бир неча танга ва шашқол донаси каби катталиқдаги ялтироқ маъдан конус тушиб қолди.

Бир болакай конусни олиб қочишга беҳуда уринарди. Уни ўрта яшар одам базўр кўтара олди. Мен уни бир неча сония кафтимда ушлаб турдим: эсимда, оғирликка тоқат қилиб бўлмас эди, конусни олиб қўйишгач, яна бирмунча вақт вазини ҳис этиб турдим. Кафтимда эса аниқ билиниб турган гардиш излари қолди. Бу қадар ғайриоддий вазнга эга мўъжаз буюм кўнгилда ғашлик ва хавотир уйғотар эди. Кимдир биров уни тезоқар дарёга улоқтириш-



ни таклиф этди. Бир неча песо эвазига Аморим уни харид қилди. Мархум ҳақида эса у «шарқий соҳил»дан эканидан бошқаси маълум эмасди. Ўша жажжи, вазмин конуслар (ер юзида номаълум маъдан) Тлэндаги айрим динларда илоҳ тимсоли бўлиб хизмат қилади.

Мана шу жойда ҳикоянинг ўзимга тааллуқли бўлагига нуқта қўяман. Қолганлари эса барча ўқувчиларим хотирасида (балки, умид ва ёки қўрқувларида) яшайди. Фақат яна айрим мисолларни эсга солиш кифоя. Башариятнинг кўламдор хотираси уларни тўлдириб, равнақ эттиришига аминман. 1944 йили бир одам Мемфис кутубхонасида (Нэшвилл, Теннесси штати) «The American» газетасини тадқиқ қилаётиб Тлэн Биринчи Энциклопедиясининг барча қирқ жилдини топиб олди. Ўша кашфиёт тасодиф эдими ёки ҳанузгача яширин бўлган Orbis Tertius соҳибларининг ижозати билан рўёбга чиқарилганмиди деган масала атрофида ҳамон мунозаралар тинган эмас. Кейинги фараз ҳақиқатга яқинроқ, чамаси. Ўн биринчи жилднинг баъзи бир ақл бовар қилмас таъкидлари (дейлик, «хрёнирлар»нинг кўпайиш хусусияти) Мемфисда топилган нусхада ташлаб ўтилган ёки бир қадар юмшатиладигани. Бундан келиб чиқиб шундай тахмин қилиш мумкин – айти тузатишлар ушбу янги дунёни чин дунёга имкон қадар яқин тасвирлаш режасига кўра амалга оширилган эди. Буюмларнинг Тлэндан турли мамлакатлар бўйлаб тарқалиши, афтидан, бу режани яқунлаши лозим эди... Ҳақиқат шуки, жаҳон матбуоти «топилма» атрофида катта шов-шув кўтарди. Дарсликлар, антологиялар, тақриз ва ўғирмалар, Башарият Буюк Асарининг муаллифлар билан келишилган ё ўғринча қайта нашрлари ер юзини тўлдириб юборди. Бу жараён ҳали-ҳамон тўхтаган эмас. Воқелик бир зумда турли нуқталарда чекина бошлади. Албатта, воқелик аслида ҳам ён беришни тусаб қолган эди. Атиги ўн йил аввал одамлар хаёлини ўғирлаш учун бир-бирига бақамти

ва қатъий тартибли туюлган тушунчалар, айтайлик, диалектик материализм, аксилсемитизм ва ё фашизм кифоя эди. Шундай экан, ҳар соҳаси тартибга солинган янги сайёранинг – Тлённинг жозибасига учиш, унинг муфассал ва равшан манзарасига кўнгил кўйиш ҳеч гап эмасди. Ахир, воқелик ҳам тартибга солинган-ку деб эътироз билдириш бефойда. Ҳа, балки, шундайдир, аммо у илоҳий қонунларга кўра тартиб қилинган – бунинг таржимаси эса шу: атрофимизда кечаётган ва биз кўниккан воқелик англаб етиш имконсиз ноинсоний қонуниятларга кўра тартиб қилинган. Тлён эса – бу лабиринт, у инсонлар ўйлаб чиқарган лабиринт, инсонлар англаб етишлари ҳаққи барпо қилинган лабиринт.

Тлён билан алоқалар ва унга кўникиш биз яшаб турган дунёни йўлдан оздирди. Тлённинг хушбичимлигидан эсини йўқотган инсоният бу уйғунлик фаришталарининг эмас, балки шатранж усталари ниятининг маҳсули эканини тобора ёддан чиқараётир. Тлённинг (фаразларга асосланган) «дастлабки тили» мактабларга бостириб кирди, Тлённинг баркамол (ва ҳаяжонли манзараларга тўла) тарихини ўқитиш ўша тарихга, болалик йилларим устидан ҳукмрон бўлган ўша тарихга кўланка ташлаб улгурди; одамлар хотирасидаги одатий ўтмишни бошқа бир ўтмиш, биз қаллоб эканидан ҳам беҳабар бошқа ўтмиш, сиқиб чиқармоқда. Нумизматика, доришунослик ва археология ўзгаришларга юз тутди. Ўйлашимча, биология ва риёзиётни ҳам шу қисмат кутаётир... Ер юзаси бўйлаб тарикдек сочилган танҳо донишмандлар шажараси дунё тусини ўзгартириб юборди. Уларнинг иши давом этаётир. Бордию башоратларимиз рўёбга чиқса, юз йиллардан сўнг кимдир биров Тлён Иккинчи Энциклопедиясининг юз жилдини топиб олади.

Ва ўшанда сайёрамиздан инглиз тили ҳам, фаранги ва испан тили ҳам ғойиб бўлади. Дунё Тлёнга айланади. Мен-

га эса барибир, мен Адрога қўноқхонасининг сокин паноҳи остида Браун «Дафн кўзаси»га ёзилган Кеведо руҳидаги бадиага (уни чоп эттирмақчи эмасман) ишлов бериш билан машғулман.

## EVERYTHING AND NOTHING<sup>1</sup>

Ўз ҳолича у Ҳечким эди; (ҳатто ўша даврнинг ножўя суратларидаги бошқа кимсаларга ўхшамас) юзлари ва сон-саноксиз алмойи-жалмойи сўзлари ортида ҳеч ким кўрмаётган тушгина яширинган эди, холос. Аввал унга бошқалар ҳам шундай бўлиб туюлганди, бироқ мана шу бўшлиқ ҳақида биродарига сўзлаб бермоқчи бўлганида унинг эсанкираб қолгани янглишганига ишонтирди ва бошқалардан асло фарқ қилмаслик зарурлигига амин бўлди. У китоблардан малҳам топишни ўйларди. Бунинг учун – замондошининг гувоҳлик беришича – лотин тилини ҳаминқадар, юнонийни эса яна ҳам озроқ ўрганди; кейинроқ инсоний турмушнинг энг оддий удумини бажаргач мақсадга эришаман қабилидаги тўхтамак келди ва адоқсиз июнь кечаларининг бирида Анна Хэтуэйнинг қучоқларига ўзини отди.

Йигирма нечадир ёшида у Лондонга келди. Энди ихтиёрсиз равишда ўзини бошқа бировлар қиёфасига солиш машқини олди – маҳоратининг маккорлигига учишга ҳозир оломон қаршисида турли қиёфалар намойиш этувчи актёрга айланди. Бозгирлик машаққати унга беқиёс, балки, ҳаётидаги илк қувончни ҳадя этди; аммо якунловчи сатрлар янграр, сахнадан сўнгги жасад олиб чиқилар ва уни воқесиз оламнинг ёқимсиз тафсилотлари яна қайта бағрига оларди. Шунда у Феррекс ёхуд Темур бўлишдан ти-

---

<sup>1</sup> Ҳамма ва ҳеч нарса.

нар ва яна қайта Ҳечкимга айланарди. Зерикарли ҳаёт уни бошқа қаҳрамонлар ва бошқа мудҳиш воқеаларни ўйлаб топишга ундар эди. Ва, мана, унинг вужуди Лондоннинг исловатхонаю қовоқхоналарида бир жасадга белгиланган амалларни бажарар экан, бу жасадда истиқомат қилаётган руҳи коҳинлар огоҳларига қулоқ осмаган Қайсар, сўфитўрғайни лаънатлаётган Жульетта, ташландиқ харобазорда ялмоғизлар (тақдир илоҳалари) билан давра қурган Макбет бўлар эди. Шу вақтгача ҳеч бир кимса мисрлик Протей янглиғ воқеликнинг барча кўринишларидан тўқис фойдаланган бу одам каби шу қадар кўп қиёфага соҳиб бўлган эмасди. Баъзан – буни барибир англашмайди деган ишонч билан – у ёки бу асар ҳошияларида машъум иқдорлар ёзиб қолдирарди, масалан, Ричард ўз пешонасига чексиз қиёфаларни ижро этиш қисмати битилган бозгир эканини айтади. Яго эса бепарво алпозда ғалати сўзларни гапиради: «Мен – мен эмасман». Ҳаёт, туш ва тасаввурнинг бир-бировига монандлиги уни кейинроқ довруқ қозонган машҳур байтларни ёзишга ундади.

Тушларини бошқариб у йигирма йил вақтини совурди, аммо бир кун эрталаб шамшир зарбларидан ҳалок бўлувчи мана шу барча қироллар, учрашиб-айрилувчи ва-да баландпарвоз сўзларни айтиб жон таслим этувчи бебахт маъшуклар сувратида бўлишдан нафрату даҳшат туйди. Ўша куниеқ ўзи тетапоя қилган театрни пуллаб юборди, орадан бирор ҳафта ўтгач эса жонажон шаҳарчасида ҳозир бўлди. Киндик қони билан зийнатланган бу гўшада болалигидан мерос ирмоқ ва дарахтзорни излаб топди. Аммо, не ҳайратки, бу ерда ҳам кимдир бировга менгзаниш лозим эди. У энди фақат қарзларини ундириш ва муттасил даъволашиш билан машғул нафақадаги корчалон қиёфасини танлади. Шу даврда жўшқинлик ва бадийликнинг ҳар қандай аломатларига атайин ўрин қолдирилмаган васиятномани битди. Лондонда қолган биродарлари аҳён-

аҳёнда унинг ёлғизлигини зиёрат қилишар, шунда у яна қайта шуаро либосини кияр эди.

Тарихнинг қўшимча қилишича, ўлими арафасида ёхуд кейин у Тангри қаршисида ҳозир бўлган ва Унга мана бу сўзлар билан мурожаат қилган: – Мен, беҳуда шунча кўп одамга менгзанган кимса, фақат бир киши – ўзим бўлишни истайман. – Ва Яратганнинг овози унга бўрон ичра жавоб қилди: – Мен ҳам мен эмасман; сен ўз асарларингни яратганинг каби, мен ҳам бу дунёни ўйлаб чиқардим, Шекспирим менинг ва сен – ўзим кўраётган тушнинг шарпаларидан биридирсан, худди ўзим каби, моҳияти ҳамма ва ҳеч ким бўлган худди ўзим каби.

## DREAMTIGERS<sup>1</sup>

Болалигимда мен йўлбарсларга сажда қилардим – Парана балчиқлари ёхуд Амазонка ирмоқларига тегишли холдор мушуклар эмас, балки жангчи фил устидаги қуролли одамгина бас кела олувчи Осиёнинг шоҳона йўлбарслари хаёлларимни забт этганди. Мен соатлаб ҳайвонот боғида қолиб кетардим; табиатшуносликка оид китоб ва энциклопедияларга эса улардаги йўлбарслар сурати кўркамлигига қараб баҳо берардим. (Ўша суратлар ҳамон ёдимда, ҳаётимда учраган аёлларнинг чеҳра ва табассумлари эса унут.)

Болалик ўтди, йўлбарслар ва уларга эҳтирос қариб битган эса-да, улар ҳануз тушларимда муқим. Кексалик тушларимнинг тубсиз ва чигал тўрларига кўпроқ улар илинадилар: мудроқ қўйнига чўмар эканман, у ёки бу тушни эрмак қилаётиб бирдан туш кўраётганимни англайман. Шундай чоғлар иродамга эрк бераман: бу тушларни мен истаган

---

<sup>1</sup> Тушдаги йўлбарслар.

кўйимга сола оламан-ку дея хаёл қиламан, бас, шундай экан, ҳозир болалигим йўлбарсларини чорлайман.

Бироқ шу заҳоти ожизлик этакларимдан тутади – тушлар хаёл қилинган махлуқни яратишга қодир эмас! Туш қатларидан бирин-кетин йўлбарслар издиҳоми сизиб чиқади, аммо – не тонг?! – уларнинг бари оёқларида базўр турган ва беўхшов, ўзим суйган махлуқларнинг олис акс садоси каби; кўппак ва ёхуд калхатни ёдга солувчи айримлари эса мени буткул умидсизлик денгизига ғарқ қилади.

## МУРДАЛАР МАШВАРАТИ DIÁLOGO DE MUERTOS

Бу одам 1877 йил қиш тонгларидан бирида Жанубий Англиядан ташриф буюрди. Бўғриққан юзли, бақувват гавдаси келишган бу кимсани кўплар чиндан ҳам Жон Булнинг ватандоши деб ўйлагани рост. Унинг бошини баланд тоқили шляпа безаган, эгнига эса ғалати ёпинчиқ ташланган эди. Уни бир тўда эркак, аёл ва ёш болалар сабрсизлик билан кутишаётган, кутувдагилар баъзиларининг бўйнида қонталаш чандиқ кўринар, яна бирлари эса бошсиз бўлиб, улар чайқалган кўйи эҳтиёткорлик билан қадам ташлашар эди.

Тўдадагилар бегонани ўраб олишди, кимдир бўралаб сўкди, аммо кўрқув исканжасидаги оломон бундан ортигига журъат этмади.

Шу дам юзлари кўкимтир, кўзлари чаноқлари қаърида базўр йилтираётган бир одам ҳарбийларга хос қадам билан олдинга чиқди; унинг пахмоқ сочларию анчадан буён парвариш кўрмаган соқоли юзларини еб битиргандек таассурот уйғотар эди. Саноқсиз шамшир излари денгизга қуйилаётган ирмоқлар каби вужудини тилка-пора айлаган бу одам қаршисида бегона кимса бир муддат саросимада қолди, аммо мазкур ҳолатини сездирмаслик учунми, дарҳол қўл узатди.

– Хоинлар шамширидан завол топган жасорат тимсолини бу ҳолда кўриш нақадар аянчли! – деди у. – Аммо қотиллар сенинг буйруғингга биноан улушини олиб, Музаффа-

рийат майдонида сиртмоққа тортилганларини эшитиш эса кўнгилга ором бахш этади.

– Мабодо сен Сантос Перес ва ака-ука Рейнафлар ҳақида гапираётган бўлсанг, билгинки, шунча йиллар ўтиб мен энди улардан миннатдор бўляпман, – шубҳага ўрин қолдирмас салмоқ билан жавоб қилди ярадор одам.

Суҳбатдоши унинг сўзлари чинлигига ишонқирамай қараб кўйди. Кирога сўзларига ойдинлик киритишни лозим топди:

– Сен мени ҳеч вақт тушунмагансан, Росас. Ахир иккимизнинг пешонамизга бутунлай терс қисматлар битилган бўлса, қайдан ҳам тушунардиг. Оврўпага қучоқ очган, эндиликда жаҳондаги энг номдор шаҳарга ҳукмронлик қилиш сенинг чекингга тушган, мен эсам Американинг бир тупкасида қашшоқ гаучолар билан бирга улардан-да қашшоқ тупроқ учун жанг қилиб умримни ўтказдим. Найза ва ҳайқириқлар, саҳро ва чекка ўлкаларда эришилган қарийб нутилаёзган ғалабалар – менинг мулким. Барранко Яко деб аталган холи жойда тиш-тирноғигача қуролланган одамлар тасодифан ташланиб танамни шамширларига ем қилганлари учун ҳам мен одамлар хотирасида ҳали узоқ яшайман. Бу ғаройиб ўлим учун сендан миннатдорман. Ўшанда сен лутфан таклиф этган бу тухфани қадрига яраша муносиб баҳолай олмагандим, аммо авлодлар буни хотирларидан фаромуш айлаганлари йўқ. Ёки ўша суронли давр тараннум этилган гўзал суратлар ва Сан-Хуандан чиққан бир машҳур одам қаламига мансуб қизиқарли рисоладан сенинг хабаринг йўқми?

Ўзини ўнглаб олган Росас суҳбатдошига нафрат билан тикилди.

– Хаёлпараст, – деди у. – Авлодлар мақтови, аслида, замондошлар олқишидан қадрлироқ эмас. Кейингисининг қиймати бир тийин, чунки бу олқишни пулга ҳам сотиб олиш мумкин.



– Кўнглинда нималар борлигини яхши биламан, – эътироз билдирди Кирога. – 1852 йили тақдир шафқат юзасидан ва ё сени охирига қадар синовдан ўтказиш учунми, эркак кишига муносиб ажални юборган эди. Қисматингни тасдиқлаш учун жангда ҳалок бўлишинг лозим эди, аммо сен кўрқоқлик қилдинг ва бу тухфага муносиб эмаслигингни кўрсатдинг.

– Нималар деяпсан? – Росас бўш келишни истамасди. – Жанубда бир умр асов отларни, сўнг эса бутун мамлакатни жиловлаган одамни кўрқоқ деяпсанми?

Кирога кулиб юборди.

– Ҳа-да, – деди у, – иш бошқарувчиларинг берган гувоҳликларига ишонадиган бўлсак, сен чиндан ҳам эгарда мўъжизалар яратгансан, аммо у маҳаллар бутун Америка бўйлаб – буниси ҳам эгарда – бошқа мўъжизалар ҳам яратилаётган, уларнинг номлари эса Чакабуко ва Хунин, Пальма Редонда ва Касерос эди.

Росас охиригача тинглаб бўлгач жавоб қилди:

– Менинг жасорат кўрсатишимга ҳожат йўқ эди. Сен айтаётган мўъжизалар, аслида, муҳораба маҳали мендан ҳам жасоратлироқ жанг қилган ва менинг омонлигим ҳаққи жон таслим этган одамларим эди. Сени ҳалок айлаган Сантос Перес ҳам шуларнинг бири. Жасорат сабр ва бардош демак; кимдир узоқроқ бардош беради, бошқаси камроқ, аммо эртами-кеч ҳар қандай одамнинг қудратига путур етади.

– Бўлиши мумкин, – деди Кирога, – аммо мен тегишли умримни яшаб, ажалимни ҳадиксиз қарши олдим. Бугун ҳам мени бутунлай яксон этиб, қайта пайдо қилувчилар томон пешвоз чиқарканман, менга бошқа қиёфа ва бошқа тақдир ҳозирланганини биламан, чунки зўравонликлар тарих баъдига уриб бўлган. Бошқа қиёфам ким бўлиши ва менинг ўзим яна қандай эврилишларга дучор бўлишим ўзимга қоронғу, аммо шу нарсани аниқ била-

ман – менинг ворисим ҳам худди ўзим каби жасурлик ма-  
йини сипқоради.

– Мен эсам ортиқча нарса талаб қилмайман, – деди Ро-  
сас, – ўзлимча қолиш менга кифоя.

– Тошлар ҳам ҳамиша тош бўлиб қолишни истайди, –  
деди Кирога, – емирилиб адо бўлгунига қадар улар тош-  
лигича қолишга маҳкум. Ажалга қадам қўяр эканман, мен  
ҳам сен каби ўйлардим, аммо бу ерда кўп нарсага ўрганар  
экансан. Яхшилаб эътибор қил – иккимиз ҳам энди бош-  
қачамиз.

Аммо Росас уни эшитмас, овоз чиқариб ўй сурарди:

– Мен мурда бўлиш учун яратилмаган бўлсам керак,  
йўқса, манави жойлар ва бу суҳбат нима учун менга туш  
бўлиб, мен эмас, балки бошқа – ҳали туғилмаган бошқа  
одам кўраётган туш бўлиб туюлаётир?..

Улар бошқа бир оғиз сўз айтишмади, илло, бу маҳал  
уларни Кимдир ўзига чорлаётган эди.

## АСТЕРИЙ ГЎШАСИ LA CASA DE ASTERIÓN

*Мария Москера Истменга бағишланади*

Ва жонзотга ошиқ малика фарзанд кўрди,  
исмини Астерий атадилар.  
Аполлдор. Кутубхона, III, 1

Биламан, мени такаббурликда, балки, одамлардан нафратланишда ва ё телбаликда айблайдилар. Бу айбловлар (улар билан фурсат етгач ҳисоблашаман) жирканчдир. Чиндан ҳам, мен уйдан чиқмайман, аммо бу уйнинг эшиклари (уларнинг миқдори эса адоқсиз) одамлар ва жонзотлар учун уззуккун очиклиги ҳам ҳақиқат. Ким истаса остона ҳатлайверсин. Бу ерда на бир эркаловчи дабдаба ва на саройларнинг серҳашам савлатидан нишона бор, аммо бунда сукунат ва танҳолик муқаррар. Ҳамда гўша бор ер юзида тенги йўқ. (Мисрда бунга эш уй бор дегувчилар қаллобдир.) Бу уйда бир жиҳоз йўқлигини ҳатто мунаққидларим ҳам эътироф этишлари лозим. Яна бир бемаънилик – гўёки мен, Астерий, маҳбус эмишман. Бу ерда бирор танбаланган эшик ёки қулф йўқлигини такрорлаш шартми?

Бундан ташқари, қош қорая бошлаган бир маҳал мен кўчага чиқдим: ҳолбуки, тун чўккунга қадар қайтиб келган эканман, бунинг боиси шу – авом халқнинг чехраларидан, авом халқнинг кафт сингари бетус ва бетуйғу чехралари-

дан кўрқиб кетгандим. Кўёш ботиб улгурган, аммо чақалоқнинг бетиним йиғисию оломоннинг илтижоли фарёди мени таниб қолганларидан далолат эди. Одамлар калима келтиришар, нари қочишар ва тиз чўкардилар. Уларнинг бирлари Иккиёқлама шамшир ибодатхонаси пойига томон судралишар, бошқаларининг эса кўлларида тош кўринар эди. Кимдир биров ўзини денгизга отди. Онамининг малика ўтгани бежиз эмас, соддалигим туфайли буни истаганимда ҳам мен бу ялангоёқлар билан кўшилиб кета олмайман.

Ҳамма гап менинг бетакрор эканлигимда. Одамларнинг ўзаро муомала қила олишлари мени асло қизиқтирмайди; мен, албатта, файласуфман, шундан келиб чиқароқ аминманки, ёзув орқали ҳеч вақони англатиб бўлмайди. Бу пасткаш икир-чикирлар буюк юмуш учун мўлжалланган менинг қалбимда жирканиш ҳиссини туғдиради. Мен ҳеч вақт бир ҳарфни бошқасидан фарқлай олмасдим – менга жо қилинган аллақандай олижаноб бетоқатлик савод чиқаришимга халал беради. Гоҳи замон бундан афсус чекаман – ахир кунлар ва тунлар шу қадар узун.

Албатта, овунчоқларим ўзимга етарли. Ҳолдан тойиб қулгунимча олишувга шай кўчқор каби тош йўлаклар бўйлаб чопганим-чопган. Мен таъқиб остига олинган каби ҳовуз ёнидаги хилватга ва ё йўлак муюлишига беркинаман. Айрим томлардан қулаб ҳам кўрдим. Баъзан кўзларимни юмиб, чуқур нафас олган кўйи ўзимни ухлаётган қилиб кўрсатаман (шундай пайтлар гоҳо чиндан ухлаб қоламан, уйғонгач эса кундузнинг туси ўзгарган бўлади). Аммо барчасидан бошқа Астерий ўйинини хуш кўраман. У гўё меҳмонга келган бўлади ва мен уни уй билан таништираман. Унга сертавозе сўз қотаман: «Кел, анави бурчакка қайтиб борайлик» ёки «Энди нариги ҳовлига ўтамиз» ёки «Бу дарпарда сенга ёқишини билардим» ёки «Мана бу эса қум тўла идиш» ёки «Ҳозир ерости йўли иккига ажралишини кўра-

сан». Гоҳи замон адашиб ҳам кетаман ва иккимиз шодон кулиб юборамиз.

Мен фақатгина ўйинлар ўйлаб топмайман, балки уй ҳақида ҳам ҳаёл сураман. Уйнинг барча бўлаклари кўп мартаба такрорланади, уларни бир-бировидан фарқлаш амри-маҳол. Бир дона ҳовуз, ҳовли, сувлоқ, охур эмас, балки ўн тўрт дона (чексизлик аломати) охур, сувлоқ, ҳовли, ҳовуз мавжуд. Бу уй оламга эш, яна ҳам тўғрироғи, бу уйнинг ўзи оламдир. Аммо гоҳи замон ҳовузли ҳовлилару бир хил тусдаги тошлар ётқизилган чанг-тўзонли йўлаklar кўнглимга уради. Ва шунда мен ташқарига йўл оламан, Иккиёқлама шамшир ибодатхонаси ва денгизга тикиламан. Ўн тўртта (чексизлик аломати) денгиз ва ўн тўртта (чексизлик аломати) ибодатхона мавжудлиги бир кун оқшом менга аён бўлгунига қадар бундай ҳолатимни тушуна олмагандим. Ҳамма нарса кўп мартаба, ўн тўрт мартаба такрорланади, аммо оламда икки нарса бетакрор: юқорида – тушуниксиз қуёш; пастда эса мен – Астерий. Эҳтимол, юлдузларни, қуёш ва мана шу баҳайбат гўшани ҳам мен бунёд этганман, аммо бунга у қадар ишончим комил эмас.

Ёвузликдан халос этишимни тилаб ҳар тўққиз йилда бир бора бу уйга тўққиз одам ташриф буюради. Тош йўлаklar адоғида уларнинг қадам товушлари ва ё овозларини илғагач қаршиларига шодон ошиқаман. Бутун маросим бир қанча дақиқа давом этади – улар бирин-кетин беҳуш йиқиладилар, мен эсам ҳатто қон юқтиришга ҳам улгурмайман. Улар йиқилган жойларида қолаверадилар, жасадлари эса бир йўлакни бошқасидан фарқлашимга кўмак беради. Уларнинг ким эканликлари менга қоронғу, аммо биттаси жон таслим айлаётган маҳал қачондир менинг ҳам халоскорим келиб етишини башорат қилди. Ўшандан буён ёлғизлик кўнглимга оғир ботмайди, ўшандан буён менинг ҳам халоскорим борлигини ва у охир-оқибат остонадан ҳатлаб ўтишини биламан. Оламдаги барча-жами

товушларни илғай олсам эди, унинг қадам олишини таний билардим. У мени йўлак ва эшиклари камроқ бўлган қаергадир етаклаб борса эди... Халоскоримнинг афт-ангори қай тусда бўлади дея ўзимни саволга тутаман. У буқа бўладими ва ё одам? Эҳтимол, у буқа бўлар одам бошини кўтариб юрган? Балки, у ўзимдир менга ўхшаган?

\* \* \*

Эрталабки қуёш нурлари жилва қилаётган биринж шамшир юзасидаги қон аллақачон қотиб улгурганди.

– Ишонасанми, Ариадна, – деди Тесей, – минотавр деярли қаршилик кўрсатмади.

**ПЕДРО САЛЬВАДОРЕС**  
**PEDRO SALVADORES**

Мен тарихимизнинг энг ғалати ва энг қайғули манзараларидан бирини (чамаси, биринчилар қатори) ҳикоя қилиб бермоқчиман. Буни имкон қадар ҳикояга аралашмасдан, чиройли тўлдиришлар ва хатарли тахминларсиз амалга ошириш маъқул деб ўйлайман.

Иштирок этувчилар уч киши: эркак, аёл ва ҳар жойда ҳозир у нозир мустабид кўланкаси. Эркак кишининг исми Педро Сальвадорес эди; менинг бобом Асеведо уни Касерос ёнидаги жангдан сўнг бир неча кун ёки ҳафта ўтгач кўрган. Ҳақиқат шуки, Педро Сальвадорес ҳамма қатори бир одам эди, фақат тақдир ва йилларгина унга бетакрорлик ҳадя этди.

У ўша замоннинг ўртаҳол заминдорларидан бўлиб, сақланиб қолган маълумотларга кўра, унинг чорбоғи бор, ўзи унитарийларга хайрихоҳ эди. Планеслар хонадонидан бўлган хотини билан Суипачанинг Темпле кўчаси билан кесишган жойида истиқомат этишар, ҳикоя қилинаётган воқеалар содир бўлган уй оддийгина эди: оддий дарвоза, йўлак, панжарали эшик ва мўъжаз ички ҳовлилар.

1842 йил окшомларининг бирида уй эгалари тупроқ йўлдан тобора яқинлашиб келаётган отлар дупури ва чавандозлар ҳайқириғига эътибор қилишди. Бу гал масорка<sup>1</sup> уларни четлаб ўтмади, эшикни гурсиллатиб тепа бош-

---

<sup>1</sup> масорка – ёлланма қотиллар гуруҳи.

ладилар. Аскарлар эшикни бузаётган маҳал Сальвадорес столни нари сургач гиламни қайириб, ертўлага яшири-нишга улгурди. Хотини столни жойига суриб қўйиши ҳамон Сальвадоресни ҳибсга олиш учун ташриф буюрган каллакесарлар бостириб кирди. Хотини Сальвадорес Монтевидеога қочиб кетди деб айтди. Бу сўзларига ишонмасдан уни дўппосладилар, мовий чинни идишларни чил-чил айлаб, бутун уйни остин-устин қилсалар-да, гиламни кўтариш хаёлларига келмади. Улар қайтиб келишларини айтиб ярим тунда чиқиб кетишди.

Педро Сальвадореснинг чинакам воқеаси мана шу жойдан бошланади. У ертўлада тўққиз йил умр кечирди. Йиллар кунлардан, кунлар соатлардан иборат, тўққиз йиллик муддат эса мана шу кун ва соатлар хаёлий йиғиндисининг мавҳум шаклидан ўзга нарса эмас деб ҳар қанча мулоҳаза қилманг – бўлиб ўтган воқеа даҳшат эди. Охир-оқибат кўзлари кўниккан зулмат қўйнида у ҳеч бир нарса тўғрисида, ҳатто нафрат ва хатар ҳақида ҳам ўйламаган дея олмайман. Сальвадорес ертўлада умрини ўтказар экан, ташқаридан хотинининг таниш қадам олишлари, челакнинг қудуққа урилиши, ҳовлида қуяётган жала – ўзи қувғин қилинган оламнинг товушлари эшитилар ва ҳар бир янги куннинг сўнггисига айланиш хатари кезиб юрарди.

Оғзидан гуллаб қўйишларидан чўчиган хотини хизматкорларнинг жавобини берди. Қариндош-уруғларига бўлса Сальвадорес Шарқий Соҳилда деб айтди. Ўзи ва эрини боқиш учун аскарлар кийими тикиш билан машғул бўлди. Фурсат етиб, икки ўғил тукқач, оиласи уни бузукликда айблаб оқ қилди. Мустабид қулагач эса қариндошлар бу учун ёлвориб узр сўрашди.

Ким ва ё нимага айланиб қолганди Педро Сальвадорес? Ертўлада бу қадар узоқ яшашга уни нима мажбур қилди – кўрқувми ё муҳаббат, қадрдон Буэнос-Айрес хаёлими ва ё шунчаки кўникиш? Ёлғизликдан тинкаси қуриган хотини,



чамаси, унга фитна ва ғалабалар ҳақидаги мужмал хабарларни етказиб турган эди. Ёки Сальвадорес кўрқоқ эдими ва буни билган хотини бечора шу қадар садоқат билан уни кўздан яширганмиди? Эҳтимол, шағамсиз, эҳтимол, китобларсиз у ертўлада қай тариқа кун кечирганини тасаввур қиламан. Қоронғилик, чамаси, уни уйқуга ундар эди. Эҳтимол, дастлаб у ҳамон ўша мудҳиш кечани, найзалар унинг бўғзига муштоқ бўлган ўша мудҳиш кечани, кимсасиз кўчалар ва яйдоқ далаларни туш кўрган эди. Орадан шунча йиллар ўтгач у энди қочиб кета олмас ва фақат ертўланигина туш кўрганлиги ҳам ҳақиқат эди. Дастлаб бошда у таъқиб остига олинган қочоқ эди, кейинчалик эса тақдирга тан бериб, инида сукутга кетган йиртқич ва ё аллақандай санамга айланганди.

Бу ҳол Росас мамлакатдан жуфтакни ростлаган 1852 йилнинг ёзига қадар давом этди. Шундан сўнггина бизнинг зоҳид ертўлани тарк этди; менинг бобом у билан суҳбатдош бўлди. Хомсемиз ва бесўнақай бу одамнинг ғариб юзлари мум рангини олган, ўзи паст овозда мискин сўзларди. Унинг мусодара этилган ерларини барибир қайтариб беришмади; афтидан, у чўнтагида бир мирисиз қазо қилди.

Педро Сальвадореснинг қисматида мен ҳамма нарсада кўрганим тимсолни кўраман, кўнгил учида турган тимсолни кўраман.

**ИРЕНЕО ФУНЕС**  
**FUNES EL MEMORIOSO**

Мен Иренео Фунесни кўлидаги уқубат-гулни худди унинг туб замиридаги охирги зарраларига қадар яққол кўраётган каби синчиклаб томоша қилаётган ҳолатида эслайман. Хотирлашга доир муборак ушбу сўзни тилга олишга гарчанд нолойиқман, аммо папирос тутуни ортида олис сароб каби кўринган матонатли ҳиндовий чехраси ҳамон кўз олдимда. Абгор хотирам панд бермаётган бўлса, яна унинг қоқсуяк қўллари, бу қўллар тутган мате идиши, нотаниш кўл сурати туширилиб, даричага омонат тортилган дарпарда ва, ниҳоят, оврупанамо пўрим оҳанглардан холи унинг дағал ва димоғдор нутқи ҳамон хотирамда муқаррар. Мен уни нари борса уч дафъа, сўнгги бор 1887 йилда кўргандим. Лоақал бир марта бўлса-да у билан учрашганларнинг барчаси ўз хотиралари билан ўртоқлашишлари лозимлиги ҳақида ўртага ташланган фикрга камина ҳам бажонидил қўшиламан, гарчи у билан қисқа фурсатли учрашувларим ҳамду саноларга йўғрилган сермазмун ҳикояларга боис бўлолмаса ҳам, холисликда бўлғуси ушбу куллиётнинг бошқа ҳикояларидан асло қолишмаслигига кафолат бераман. Педро Леандро Ипуче Фунесни ақл ва салоҳиятда беназир, «ўзимизнинг туғма Зардушт» деб таърифлайди, бунга асло эътирозим йўқ, аммо айни таърифи комил муаллифи Фунеснинг ҳамқишлоғи экани, устига-устак, бошқа барча уругвайликлар қатори дарди бедаво – маҳаллий-

чиликка муккасидан кетганини ҳам хотирдан фаромуш қилмаслик лозимдир.

Фунес билан илк учрашувимиз саксон тўртинчи йилнинг март ва ё февраль ойига тааллуқли оқшомларнинг бирида рўй берди. Ўшанда отам мени ёзги таътил баҳона Фрай-Бентосга олиб борган, амакиваччам Бернардо Аэдо иккимиз овозимизни баралла қўйиб, қўшиқлар айтганча Сан-Франсиско чорбоғидан от чоптириб келардик. Куни бўйи силлани қуритган диққинафасликдан сўнг энди осмонни тимқора булут қоплаган, жануб тарафдан эса бошлаган шамол ерга қадар таъзим қилдиришга бел боғлаган каби дов-дарахтларни беаёв зуғумига олган эди. Яп-яйдоқ даланинг қоқ ўртасида жалага тутилиб қолишимиздан мени ваҳима босар, айна пайтда, шундай бўлишини ичичимдан истар эдим. Хавф-хатар эҳтиросларидан энтикиб, момоқалдиروقларни ортда қолдиришга бел боғлаб еларканмиз, тез орада икки четига юқорилатиб йўлак ётқизилган кўчада пайдо бўлдик. Атроф дафъатан қоронғиликка чўмгандек бўлди, шу дамнинг ўзида юқорида кимдир шитоб билан югуриб бораётганига кўзим тушди. Бутун осмонни эгаллаб олган қора булутлар манзарасида ажралиб кўринган йигитнинг шалвори, чориқлари, оғзидаги папириси – буларнинг бари ҳамон эсимда. Кутилмаганда Бернардо унга юзланиб: «Соат неччи бўлди, Иренео?» – деб сўради. У эса осмонга ҳам қарамасдан, ҳамон чолиб бораркан: «Тўрт минути кам саккиз бўлди, оғайничалиш Бернардо Хуан Франсиско», – деб жавоб қилди. Овози ингичка ва масхараомуз эди.

Кейинчалик амакиваччам маврид-бемаврид ёдимга солавермаганида, табиатан паришонхаёл бўлганим учун бу воқеага ортиқча аҳамият бериб ўтирмасдим. Бернардо бўлса, маҳаллий ғурури жўшиб кетганиданми ва ё исми-шарифларининг барчаси калакаомуз айтилганидан зиғирча ҳам ўсал бўлмаганини кўрсатиб қўйиш учунми, Иренео

билан иккови ўртасида кечган ўша суҳбатни оғзидан тано-  
би қочиб такрорлашни ҳеч қўймади.

Йўлимизда учраган йигит ғалати қилиқлари билан ном  
чиқарган Иренео Фунес экани, ўтакетган одамови Иренео-  
дан кечаю кундузнинг қай маҳалида соат сўрасанг, ўйлаб  
ўтирмасдан аниқ вақтни айтиб бера олишини мароқла-  
ниб сўзлаб берди. Бернардонинг яна қўшимча қилишича,  
Фунес шу ерлик жомашир хотин Мария Клементина Фу-  
неснинг ёлғиз арзандаси бўлиб, отаси ким экани ҳақида  
эса турли фаразлар юради – биров кушхонада хизмат қи-  
ладиган инглиз доктори О'Коннорни кўрсатса, бошқалар  
от ўргатувчи ёки, ундан ҳам нарисси, Сальто бўлусидан бир  
қассобни Иренеонинг бу дунёга келишига сабабчи қилиб  
кўрсатишар, эҳтимол, шулар сабабли у онаси билан қиш-  
лоқ четида, Laugeles чорбоғи ортида одамлар кўзидан па-  
нада яшарди.

Саксон беш ва саксон олтинчи йил ёз ойларини Монте-  
видеода ўтказдик, кейинги йил яна Фрай-Бентосга бордик  
ва барча танишларимни суриштирдим, табиийки, Фунес-  
ни ҳам сўрадим. Айтишларича, бурноғи йил асов отдан қу-  
лаб, афтидан, энди у бир умрга ёстиққа михланиб қолиб-  
ди. Бу хабарни эшитганим захоти ғалати бир ҳислар мени  
чулғаб олгани эсимда: Сан-Франсискодан от чоптириб  
келаётганимизда уни баланд йўлакда биз билан баробар  
югуриб бораётган ҳолида илк бора кўргандим, бу машъум  
хабарнинг айнан амакиваччам оғзидан билдирилиши эса  
чиндан бошимиздан кечган манзаралардан бино этилган  
тиниклиги ажабтовур бир тушга ўхшарди. Ўрнидан қўз-  
галмай ётган Фунес уззукун ҳовлидаги кактусга тикилар  
ва ё дарахтлар учида ҳилпираётган мезонлардан кўзини  
узмас, оқшомлари эса ўрнини ойнага яқинроқ суриб қў-  
йишларига изн берарди, холос. Унинг кибри шу қадар эди-  
ки, бошига тушган кулфат унинг учун худди айнаи муддао  
бўлганини ўзининг бутун қиёфаси билан бошқаларга бил-

дириб қўйгиси келарди... Мангуга банди этилган маҳбус каби қисмати алайна-ошкор кўриниб турган ҳолатида – панжара ортида мен уни яна икки дафъа кўрдим. Биринчи сафар кўзлари юмуқ ҳолича қимир этмасдан ётар, кейинги сафар эса ётган жойида сантонина новдасига диққат билан тикилган алфозда учратдим.

У пайтлар мен ўзимга бино қўйишдек хасталикдан ҳали қутулолмаган ва бир ҳисобда шунинг учун ҳам бошқаларнинг тиши ўтмайдиган лотин тилини пухта ўзлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Шарль-Франсуа Ломон қаламига мансуб «De viris illustribus»<sup>[1]</sup>, Кишернинг «Thesaurus»<sup>[2]</sup> асари, Юлий Цезарнинг «Шарҳлар»и ва Плинийга нисбат берилган «Historia naturalis»<sup>[3]</sup> жилдларидан бири жомадонимдан ўрин олган, табиийки, бу китобларнинг аксари менинг абгор лисоний имкониятларимдан анча юқорида эди. Дўппидек қишлоқда ҳеч кимдан ҳеч нарсани яшириб бўлмаганидек, овлоқ ранчода тўшакка михланган Иренео ҳам ушбу ажабтовур китоблар ҳақида тез орада бохабар бўлди. Жимжимадор хуснихатда битилиб, каминага йўлланган унинг тантанавор мактубида «таассуфлар бўлсинки, мухтасар кечган» ва «саксон тўртинчи йилнинг унутилмас еттинчи феввали оқшомидаги» учрашувимиз тилга олиниб, ўша йилнинг ўзида қазо қилган, аммо ўз вақтида «Итусанго томон жасоратли юриши чоғида ҳар иккала ватанига кўрсатган тенгсиз хизматлари» шарафланган амаким дон Грегорио Аэдога оид ҳамдлардан сўнг ўзим билан келтирган китоблардан бирини луғати билан бирга «аслиятни тўғри англашим учун, илло, лотин тилини ўзлаштиришга ҳозирча фурсатим бўлмади», бериб туришим сўралган эди.

Китобларни уринтирмасдан ва тез орада қайтиб беришини ҳам илова қилганди. Куюнчак Андрес Белью тарғиб этган орфографиядан оғишмаган хуснихати, боя айтганимдек, тиниқ ва гўзал эди: у ўрнига *i*, *g* ўрнига эса *j* ҳарф-

лари жимжима билан битилганди. Аввалига Иренео ушбу мактуби билан мени калака қилаётган бўлмасин деб ўйладим, аммо амакиваччаларим бу услуб айнан Иренеонинг ажабтовур табиати маҳсули эканини айтиб кўнглимни хотиржам қилишди. Мураккабликда тенгсиз лотин тилини биргина луғат ёрдамида ўзлаштириш фикри Иренеонинг сурбетлиги маҳсулими ва ё калтабинлигиданми, тўғриси, буни нима деб ўйлашни билмасдим. Унинг пуч хаёлларига нуқта қўйиш учун Кишер қаламига мансуб «Gradus ad Parnassum»<sup>[4]</sup> ва Плиний асарини юбордим.

Ўн тўртинчи февраль куни Буэнос-Айресдан отамнинг «аҳволи оғирлиги» сабаб тезда етиб келишим лозимлиги битилган телеграмма олдим. Худойим ўзи кечирсин, аммо шу кулфат баҳонасида ҳам бошқалар эътиборини ўзимга қаратишни истаганим рост, отамнинг аҳволи у қадар оғир эмаслигини ич-ичимда истасам-да, бошқалар назарида, бу кулфатимни зўрайтириш, айни пайтда, бу қайғуни мардонавор қарши олганимни кўрсатиб қўйиш илинжида дуч келган одамни телеграммадан бохабар қилар эканман, пировардида буларнинг бари чинакам кулфатни идрок этишимга халал берганди. Жомадонга нарсаларимни жойлаётиб «Gradus» билан «Historia naturalis» биринчи жилди йўқлигига эътибор қилдим. Кема эртаси куни тонгда жўнаб кетарди ва мен вақтни йўқотмаслик учун тамаддидан сўнг Фунесникига йўл олдим. Оқшом бўлишига қарамай, диққинафаслик ҳамон аримагани ғалати эди.

Ораста ва саранжом ранчода Фунеснинг онаси пешвоз чиқди ва Иренеонинг бўлмаси уйнинг адоғида экани, агар у ер зимистон бўлса, ҳайрон бўлмаслигимни айтди – «болам бечора соатлаб қоронғида ўтиргани-ўтирган».

Тош йўлаклардан юриб ички ҳовлига ўтдим, ундан яна бошқасига. Кўпдан бери қаровсиз ток новдалари деворларга чиппа ёпишган, ичкарида эса ростдан ҳам қоронғилик ҳукм сурарди. Шу дам Иренеонинг ингичка ва мас-

хараомуз овози эшитилди. Бу овоз лотинча калималарни мароқ билан талаффуз этар, ўлик бу забоннинг хотира каби олис садолари кулбанинг зах деворларида акс садолар бериб янграб кетарди. Ҳеч адо бўлмас бу тунги узун суҳбатлар чоғи ушбу жумлалар «*Historia naturalis*» еттинчи китобининг йигирма тўртинчи бўлимига тааллуқли эканини билиб олдим. Мазкур боб хотира мавзусида бўлиб, сўнгги жумлалари қуйидагича эди: *ut nihil non iisdem verbis redderetur auditum*<sup>[5]</sup>.

Ўзгармаган ўша бир хил овозда Иренео мени ичкарига таклиф қилди. У каравотда ётган кўйи тинимсиз папирос бурқситар, чамамда, тонгга қадар унинг юзларини барибир аниқ кўра олмагандим, биргина охири кўринмас папирос ва деворларга урилаётган бир маромдаги овози мавжуд эди. Яна хонадан ёқимсиз зах ҳиди анқирди. Иренеонинг қаршисига ўтириб, телеграмма ва отамнинг хаста экани воқеасини сўзлаб бердим.

Мана энди мен ҳикоямнинг энг мушкул қисмига яқинлашяпман. Ҳикояда ярим аср аввал содир бўлган ушбу суҳбатдан бўлак воқеалар йўқлигини муҳтарам ўқувчи билишини истардим. Шунча йиллар ўтгач тўлалигича тиклаш имконсиз бўлган сўзларни айнан келтира олмайман. Иренеодан эшитганим нарсалар маъносини имкон қадар аниқ баён қилиш билангина чекланаман. Замонлар ўтгач қайта сўзланган воқеа билвосита нутқ аслият таъсирини сусайтириб, ҳикоя жозибасига путур етказишини ҳам биламан.

Иренео «*Historia naturalis*»да баён этилган ажабтовур хотира соҳиблари номларини тилга олишдан бошлади: қўл остидаги саноксиз лашкарларининг барчасини ном-ном билган форс шоҳи Кир, ўз салтанати ҳудудларида яшаган йигирма икки миллат тилида адолат билан ҳукм-фармолик қилган Митридат Евпатор, мнемотехника ихтирочиси Симонид, бир дафъа қулоғига чалинган нарсани йиллар ўтиб ҳам адашмасдан такрорлай олиши билан

шухрат қозонган Метродор. Бу каби нарсалар ҳайратга солиши мумкинлигидан Иренеонинг ўзи чин дилдан ҳайрон бўларди. Унинг айтишича, асов отдан қулаган ўша ёмғирли оқшомга қадар у бошқа бандалардан асло фарқ қилмас, бошқалар қатори сўқир ва гунг, жоҳил ва ақли калта бир ношуд эди. Унинг беҳато вақт туйғуси ва исмларни аниқ ёдда сақлай олиш қобилияти ҳақида сўз очмоқчи бўлдим, аммо у мени тингламас, ўзини маломатларга солишдан қолмасди. Бутун бошли ўн тўққиз йилини баайни тушларида яшаган каби совуриб адо қилди: у қараса ҳам кўрмас, тингласа ҳам эшитмас ва неки билса барини аста-секин, аммо беомон унутишга маҳкум эди. Отдан йиқилган ўша кундан эътиборан ташвишу майллари оддий ва пасткаш бу оламини унутди, жароҳатлардан ҳушига қайтгач, тамоман ўзгача атроф-муҳит унга пешвоз чиққан, ранг ва товушлари бетимсол, олис хотиралари шу қадар тиниқ бу оламнинг илк таассуротлари ақлини шошираёзганди. Сал ўтиб энди фалаж бўлганини билгач ҳам ортиқча куюниб ўтирмади. Вужудининг ҳаракатсизлигини тенги йўқ ушбу таассуротлар учун арзимас бадал сифатида қабул қилди. Шу товон ҳисобига энди у мутлақо беҳато хотирага эга бўлганди.

Биз бир боқишда хонтахта устидаги шароб билан тўлатилган уч дона қадахни кўрсак, Фунес бу шаробга боис бўлган барча ток новдаларини, ишқомларда товланиб етилган узумлар ва бу мўъжаз қуёшчаларни авайлаб бағрига олган барча япроқларни бира тўла кўра оларди. У минг саккиз юз саксон иккинчи йил ўттизинчи апрели тонгида осмоннинг жануб қисмида кўриниш берган олис булутлар шамойилларини ўзи бир дафъа кўрибоқ ёдида сақлаб қолган китоб саҳифаларидаги чизиқлар билан қиёслаш олар ёхуд Кебрачо ёнидаги муҳораба арафасида Рио-Негро бўйлаб сузаётган қайиқ эшқакларидан пайдо бўлган кўпик нақшлари билан ушбу булутлар шаклидаги



Ўхшашликлар ҳақида батафсил ҳикоялар сўзлай биларди. Бу хотиралар оддий эмасди, кўз олдида гавдаланаётган олис манзараларнинг бари уриб турган қирмизи юрак мисол тирик ва қадрли инсон бағри каби қайноқ эди. Иренео ўзининг барча тушларини, ҳаттоки бир дамлик мудроқ пайтида бир сонияга кўриниш берган жамики рўёларини қайта тиклаш қурбига эга эди. Икки-уч дафъа бутун бошли кунларини барча тафсилотларига қадар, бекаму кўст хаёлида қайта тиклади, фақат бунинг учун шунга мувофиқ тарзда ҳар гал бутун бошли бир кунини сарф этарди. «Менинг хотираларим башарият ибтидосидан бошлаб ер юзида яшаган барча инсонлар хотираларидан ҳам кўпроқдир», – дегани ёдимда. Яна: «Сизларнинг уйғоқликдаги ҳаётингиз менинг тушларимга бас кела олмагай». Тонг оқара бошлаганда яна маълум қилдики: «Билиб қўй, оғайни чалиш, менинг хотирам олқинди сувлар исканжасида бўғилган бир тилим жилғадир». Ёзув тахтасининг сатҳи, тўғри бурчакли учбурчак ва барча томонлари тенг параллелограмм – ушбу шаклларнинг барчасини бемалол кўз олдимизга келтира оламиз; Иренео ҳам елиб бораётган байталнинг чигал ёлларини, тоғ ёнбағрида ўтлаб юрган подаларни, ўчоқда ёнаётган оловнинг муттасил ўзгарувчан жилваларини, чирсиллаб атрофга сачраётган учқунлар парвозидаги бетартиб тартибни ва, ниҳоят, мотам тунлари марҳумнинг чеҳрасида айниш томон содир бўлаётган ўзгаришларни шу каби осон тасаввур қила оларди. Самодаги юлдузларнинг қанча миқдорини билиши менга қоронғи эди, холос.

Иренео шуларни менга сўзлаб берар экан, айтганларига зиғирча шубҳа қилмасдим. У вақтлар кинематограф ҳам, фонограф ҳам ҳали ихтиро қилинмаган, балки, бу ерларга ҳали етиб келмаганди, аммо, барибир, Фунеснинг фавқулодда қобилиятлари бўйича тажриба ўтказиш бирор кимсанинг хаёлига келмагани таажжубли эди. Бошқа то-

мондан қаралса, барчаси тушунарли, чунки неки бўлса, барини эртага қолдириб яшаш қонимизда бор, ахир, бизлар боқий зотлар каби мангу яшашимизни, эртами-кеч ҳар биримиз оламда неки бор – барчасини билиб олишимизни англари эканмиз, бошқача йўл тутишимиз мумкин эмаслиги ҳам табиийдир.

Қоронғилиқдан эса Фунеснинг овози сўзлашда давом этарди.

1886 йили ўзига хос рақамлаш тизими ўйлаб топгани ва бир неча куннинг ўзида йигирма тўрт минг ифодани ишлаб чиққанини сўзлаб берди. Буларнинг барини у ёзиб ўтирмас, илло, лоақал, бир карра ўйлаган нарсаси хотирасида батамом муҳрланиб қоларди. Агар адашмасам, масалан, «ўттиз уч песо»ни ифодалаш учун битта рақам ёки битта сўз ўрнига иккита рақам ёки уч дона сўз лозим бўлишини ўтакетган исрофгарчилик деб билгани бу тизимни яратишига дастлабки туртки бўлган эди. Беўхшов бу амални бошқа сонларга нисбатан ҳам қўллашга жазм қилди. У, масалан, «етти минг ўн уч»ни тўла талаффуз этиш ўрнига «Максимо Перес» дер, «етти минг ўн тўрт»ни «темир йўл» билан алмаштирар, бундан кейинги сонлар эса «Луис Мелиан Лафинур», «Олимар», «олтингугурт», «учқат япроқ», «наҳанг», «газ», «қозон», «Наполеон», «Августин де Ведиа» каби сўзлар билан ифодаланар эди. «Эллик» ўрнига лўнда бўлсин учун «тўққиз» дерди. Ҳар бир сўз бир тамға каби алоҳида белги билан сийланган, охирги катта сонлар ифодаси ўта мураккаб эди... Иренео таклиф этаётган қоришиқ сўзлар бўтқасидан иборат бу нарсани амалдаги рақамлаш тизими мантиқига мутлақо зид бир бало эканини уқтиришга ҳаракат қилиб кўрдим. Масалан, «365»ни ифодалаш учун биз учта юзлик, олтита ўнлик ва бешта бирликни талаффуз этарканмиз, табиий тарзда тафаккур қиламиз дедим. Аммо «занжи Тимотео» ёки «шапалоқ» каби унинг тасарруфидаги «сонлар»да фикрлашдан асар ҳам йўқлигини

қистириб ўтдим. Фунес гапларимни тушунмас ёки атайин ўжарлик қиларди.

XVII аср миёнасида Локк алоҳида олинган ҳар бир нарса-буюмнинг, ҳар бир тош, ҳар бир қуш ва ҳар новданинг ўз номи бўлган муфассал тил ўйлаб топиш мумкинлигини тахмин қилиб, шу заҳотиёқ бу эҳтимолидан воз кечганди. Бизнинг Фунес ҳам худди шу каби тил яратишга уриниб кўрган, аммо бу тил умумлашган ноаниқликлардан иборат бўлишини ўйлаб ўз вақтида шаштидан қайтган эди. Аслида эса Фунес ҳар бир ўрмон бағридаги ҳар бир дарахт шохларидаги ҳар бир япроқнигина эмас, балки муайян бир япроқни ўзи кўрган ёхуд хаёл қилган дамларни, ҳар галги сонияларини ҳам ёдида сақлар эди. Ўтмиш томон саёҳатларининг ҳар бирини етти ва ё ўн мингта алоҳида хотиралари билан чеклаб, уларни маълум рақамлар ёрдамида белгилаш билан тартибга солишга қарор қилди, аммо дилини кемирган икки хил гумон туфайли (ушбу вазифа адоқсиз давом этиши, айни пайтда, беҳуда эканлиги сабаб) бу амали ҳам рўёбга чиқмай қолиб кетди. Иренеони эмас, аммо сизу биз каби оддий бандаларни адоқсизлиги билан даҳшатга сола олгулик бу тадбирга қўл урилса, қазо вақтига қадар базўр болалигига оид хотираларинигина тартибга солишга улгуришини хаёл қилиб фикридан қайтган эди.

Зикр этилган ҳар икки лойиҳа (табиий сонларнинг адоқсиз тартибига доир туганмас луғат ва хотирада сақланаётган барча тимсолларнинг бефойда хаёлий каталогги) хаста хаёл фаолияти маҳсулидир деб билинса-да, айни пайтда, уларда мафтункор улуғворлик сифатлари намоён эди. Улар Фунеснинг ғаройиб оламини тасаввур этишимиз ёки, жилла қурса, ҳис этишимизга имкон беради. Унинг ўзи умумлашма ғоялар яратишга ноқобил бўлганини ҳам унутмаслигимиз лозим. Умумлашган «кўппак» тушунчаси турли катталиқ ва турлича кўринишдаги итларни ўз ичи-

га олишини англаши қийин бўлибгина қолмасдан, соат учдан ўн тўрт минут ўтгандаги (ён тарафидан кўринган) кўппак билан соат учдан ўн беш минут ўтгандаги (шундоқ қаршидан кўринган) кўппакнинг айний эканини у мутлақо қабул қилолмасди.

Кўзгуларда акс этган юзи, унинг ўз қўллари уни ҳар гал ҳайратга соларди. Ўша маълум асарида Свифт Лилипутия ҳокими соатлардаги дақиқа миллари ҳаракатини кузата олишидан ҳикоя қилади. Фунес эса турли таомларнинг оҳиста, аммо беомон бузила боришини, хасталанган тишлардаги оғриқнинг зўрая бориши ва ҳорғинлик тадрижини муттасил кузата биларди. Боз устига, ҳали куч-қувватга тўла кимсанинг нигоҳига сизиб кира бошлаган олис ажалнинг билинар-билинмас ташрифи ҳам унинг назаридан четда қолмасди. У ранглари турфа хил, аммо ўткинчи, тилсимлари бисёр, аммо яланғоч бу дунёнинг тераннигоҳ ва ёлғиз томошабини эди. Бобил, Лондон ва Нью-Йоркнинг муҳташам маҳобати ақлларни шоширади, аммо ҳақиқат будирки, ушбу шаҳарларнинг тирбанд кўчаларида изғиган на бир кимса, олис ва овлоқ гўшада умргузаронлик қилаётган боёқиш Иренео Фунесни кечаю кундуз исқанжага олиб азоблаган бераҳм ушбу воқеликнинг истибдодидан лоақал бир мисқол ҳам татиб кўрмагандир. Уйқуга кетиш унинг учун азоб эди. Ухламоқ бу олам борлиғидан чалғимоқдир. Қоронғилик қўйнида ўрнида қимир этмай ётаркан, Фунес қўшни уйлар деворидаги дарзларни, чок қилиб терилган ҳар бир ғиштнинг жойлашувини кўз олдига келтирарди. (Такрорлайман, унинг бисотидаги хотираларнинг энг заифи ҳам бизнинг жисмоний фароғат ва оғриқларимиздан кўра аниқ ва равшанроқ эди.) Шаҳарчанинг кунчиқар тарафида иморатлари ҳали қуриб битказилмаган янги мавзе ястаниб ётар, Фунес бу уйларни зимистон ичра шарпа мисол кўринган кўланкалар тарзида тасаввур қиларди. Ниҳоят, мудроққа чўмиш илинжида ўша томонга ағдари-

либ олар, бу ҳам кор қилмагач эса ўзини сокин мавжланган дарё қўйнида тасаввур қилар ва тўлқинлар қучоғидаги вужуди оҳиста чайқалиб, мавҳумлик ичра тамом эриб би-таётганини ҳис этарди.

Иренео тез орада ортиқча зўриқишсиз инглиз, фаранг, португал ва лотин тилларини ўзлаштирди. Аммо орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, унда фикрлаш қобилияти бўлганлигига ҳамон шубҳа қиламан. Илло, фикрлаш нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро тафовутларини унутмоқ, уларни турларга бирлаштириб, умумлаштирмоқ демакдир. Нарсалар билан ивирсиб ётган Фунеснинг оламида эса бево-сита илганган тафсилотларгина амал қилар эди.

Сабоҳнинг илк нурлари хонага сизиб кира бошлаган маҳал туни билан тинмаган овоз соҳибининг юзларини, ниҳоят, кўра олдим. 1868 йилда таваллуд топган Иренео эндигина ўн тўққиз ёш остонасида турар, аммо, менинг назаримда, у бир ёдгорлик бўлиб, кўҳна Миср ва унинг эҳромларидан, тарих зулматидан биз тараф кўз ташлаган мубҳам элатлар ва уларнинг набийларидан ҳам мўйсафид метин бир ёдгорлик бўлиб туюларди. Шунда менинг ҳар бир сўзим, ҳар бир ишорам унинг беаёв хотирасида мангу қолажакдир дея ҳадик ичра хаёл қилганим ҳамон эсимда.

Иренео Фунес 1889 йили ўпка шамоллашидан қазо қилди.

## РАГНАРЁК<sup>1</sup> RAGNARÖK

Тушларда кўрилган қиёфалар (ёзади Колриж), кўплар хаёл қилганларидек, туйғуларни юзага чиқармайди, балки уларни қайта тиклайди. Бизни қақнус бўғаетганидан даҳшат туймаймиз, балки мана шу даҳшатни англаш учун қақнусни хаёл қиламиз. Модомики шундай экан, тушда кўрилган нарса ҳақидаги оддий ҳикоя эсанкираш, талваса, хавотир, кўрқув ва ҳайратдан бино қилинган бу тунги тушни тасвирлаб беришга қодирми? Ҳар қалай, ҳикоя қилишга уриниб кўраман; бу туш якка-ёлғиз сахнадан иборатлиги боис асосий масала четда қолиши ёхуд, жила курса, соддалашуви эҳтимол.

Воқеа бўлиб ўтган жой – фалсафа-адабиёт куллиёти, воқеа бўлиб ўтган вақт – оқшом. Ҳамма нарса (тушлардаги одатий ҳол) сағал бошқачароқ эди; ҳамма нарса бироз йириклашганидан ғаройиб туюларди. Раҳбариятга сайлов борар, мен аллақачон қазо қилган Педро Энрике Уренья билан суҳбатлашардим. Бирдан намойиш ё байрам тантанаси садолари атрофни тутди. Одамлар ва ҳайвонлар ҳайқириғи Бахо томондан эшитиларди. Кимнингдир «Улар келишяпти» деган огоҳи «Худолар! Худолар!» ҳайқириқлари билан уйқашиб кетди. Тўрт-беш чоғли одам оломондан ажралиб, Катта зал сахнига чиқиб олганди. Биз кўзёш-

---

<sup>1</sup> Герман-скандинав мифологиясида худоларнинг ёвуз махлуқлар билан сўнги муҳорабаси. Бу афсоналарга кўра ушбу жангда дунё ҳалокатга учрайди.

ларимизни яширмасдан қарсак чалардик: Худолар асрий қувғинликдан қайтиб келишмоқда эди. Оломон елкасида келаётган Худолар бошларини мағрур тутиб, қадларини ростлаганча таъзимларимизга кибр ила жавоб қилишарди. Уларнинг бири тушлардан олиб чиқилган новда тутган, бошқа бирови йиртқишларники каби панжасини улуғвор алпозда олдинга чўзди; Янус чеҳраси Тотнинг қайирма тумшуғига хавфсираб боқарди. Чамаси, олқишлардан завқи ошиб кетган биттаси – кимлигини энди эслай олмайман – бургутнинг тоқат қилиб бўлмас зафарли садоси билан ҳайқириб юборди. Худди шу сониядан барчаси бошқача тус олди.

Хаёлимга келган дастлабки фикр «Худолар сўзлашни билмайдилар» деган шубҳа эди. Асрлар давомидаги ёввойи ва кўчманчи турмуш улардаги инсонийлик аломатларини мутлақо яксон айлаб улгурган эди; ислом яримойи ва Рум салиби қувғинларга марҳамат қилмади – қийшиқ пешоналар, сарғайган тишлар, мулат ва ё хитойникига эш сийрак мўйлов ҳамда ҳайвонларники каби торсайган лаблар Олимп наслининг инқирозидан далолат эди. Уларнинг башанг уст-бошлари эса Баходаги қиморхона ва исловатхоналар шинавандаларини ёдга соларди. Ёқаларга қадалган чиннигул қонга беланган мисол товланар, баданга чиппа ёпишган либос остидан эса ханжар сопи билиниб турарди. Ва шунда биз англаб етдик – улар сўнгги чорага умид боғлашган, улар ов маҳалидаги йиртқишлар каби айёр, сўқир ва бешафқат эдилар – ва мабодо улардан кўрқсак ё марҳамат қилсак, улар бизни қириб ташлайдилар.

Шунда биз залворли тўппончаларни чиқардик (қаердандир тушда тўппончалар пайдо бўлганди) ва мароқ билан Худоларни отиб ташладик.

## ЯРАТУВЧИ EL HACEDOR

Хотира овунчоқлари уни ҳеч вақт чал-  
фитмас эди. Тутқич бермас оний хотиротлар ҳам қалбини  
мутаассир этмас, улуғвор бошқа алланарсанинг жузъий  
синиқлари янглиғ шунчаки кечиб ўтарди. Кулол тасарруф  
этмиш қирмизи бўёқ; юлдузлар залворидан оғирлашган  
фалак; бир замонлар арслонини бой берган ҳилол; санг-  
тарошнинг сокин бармоқлари оҳиста силаётган мрам-  
тош жилоси; садафмисол оппоқ ва бақувват тишлари би-  
лан бурдалашни ўзи хуш кўрган қобон этининг лаззати;  
финикиялик икковлон биродарлар машварати; навкар  
кўлидан учган туғнинг сарғиш қумлоқ узра қотмиш кў-  
ланкаси; бокира дилдор ва ё маъсума денгиз ифори; та-  
хирлиги асал таъмига мувозанат киритган қуюқ шароб –  
буларнинг барчаси қалбда борини беомон сиқиб чиқарар  
эди. Қаҳр-ғазаб ва ё матонатни туйгани каби, вақтики ке-  
либ кўрқув шаробидан ҳам сипқорди, бир гал эса пешқа-  
дамлар сафида ҳатто ёғий истехкомини ишғол этди. Сар-  
гузаштлар ишқига асир ва тасодифлар оқимига итоаткор  
бу зот фароғатнинг ягона талабига бўйсунган кўйи турфа  
ўлкаларда дарбадар кезди, баҳру наҳрнинг ҳар тарафида  
улуғвор кент ва муҳташам саройларни беармон зиёрат-  
лар қилди. Бозор талотўплари ва баайни такатуёқ шотир-  
лар жавлон уриб, масрур бўлишлари ҳаққи барпо бўлган  
баланд тоғлар пойида мубҳам асотирлар тинглаб, уларга  
шаксиз инонди.



Аммо ҳадемай малоҳатли бу дунёнинг қуёши ботди, тақдир юзига парда тортилди: тун юлдузлари бир-бир узилиб сўнди; одим ташлаганда оёқларидан-да қатъият йўқолди. Кундуз ранглари хира тортиб, атрофдаги олам мавҳумлик сувларига чўкди. Кўзларидан тамом нур кетиб, сўқирлик ташриф буюрганини англагач хўрлик алами ичра шашқатор ёшлар тўкиб йиғлади. Ахир у дамлар метин матонат фазилати ҳали кашф этилмаган ва омонлик илинжида муҳораба майдонидан қочиб қутулмоқ, Ҳектор каби ботирлар наздида, ҳали иснод бўлиб туюлмас эди. *«Асотирлар ваҳмига тўлуғ бу осмонни ҳам, кечиб ўтаётган йиллар чизик солмиш бу чехрамни-да энди қайта кўра олмасман»*, – дея алам ичра хаёл қилди. Ўксик вужуд узра шу зайл куну тунлар кечиб ўтар, аммо бошқа барчаси каби зимистон бу тун ҳам оёқлаб, галдаги тонг ҳукмига кирган маҳал у кўзларини очди ва кундалик жиҳозларни (энди ҳайиқмасдан) элас-элас илғай бошлади. Буларнинг бари қачонлардир содир бўлганини савқи табиий сезги билан ҳис этгани ҳамон ўша хавотир ва сурур, ўша илинж ва ҳайрат билан атрофга боқди. Шунда у бир дам ёришган шуур теранликларига шўнғиб, қарийб унут бўлган, аммо ҳозир ярқ этиб чақнаган бир хотирани кечмиш йиллар гирдобидан олиб чиқди.

У эслаган нарса олис болалиги билан боғлиқ воқеа эди. Кунларнинг бирида тенгқур бир жужуқ уни ҳақорат қилган, иснодга дош чидолмай бу ҳақда отасига сўзлаб берганди. Боланинг арзи ҳолини бепарво тинглаган падартиғларида адоқсиз қудрат яширин ва боланинг ўзи хаёлларида неча бор орзулаган биринж шамширни девордан олиб узатди. Ифтихордан терисига сиғмай кўлидаги шамширга виқор билан боқаркан, дилини яралаган воқеани ҳам унутгандек эди. *«Вояга етиб, эр киши бўлганигни ҳамма кўрсин»* – отанинг бу сўзлари амри фармон бўлиб қулоқларига қуйилди. Тун оғушига олган сўқмоқ кўздан ғойиб бўлган, аммо фусункор шамширни маҳкам тутган

бола нишабликдан пастга эниб, соҳил томон ошиқди. Рақибига етказилаётган жароҳат ва беомон зарбалар атрофда кечаётган тунни титроққа солар, бола хаёлида эса Аякс ва Персей жасоратлари жонланар эди. Олис хотираларга шўнғиган бу одам айнан шу манзара – олис дамларнинг худди шу тахир таъмини излаган, қолганлари эса олишуволди ҳайқириқлари ва уқувсиз ҳамлалар, энг сўнггида эса қонга бўялган шамширни тутган кўйи уйга томон йўл – булар муҳим эмас эди.

Бундан кейин яна бир воқеани эслади. Буниси ҳам зимистон аро кечган муқаррар учрашувлар тоифасидан эди. Зулмат кўйнидаги ерости йўлакларида уни бир аёл муштоқ кутар, маъбудлар ҳады этган мазкур хилқатни у саноксиз тош йўлаklar ва тобора мавҳумлик сари элтувчи пиллапоялар бўйлаб сарсон излашда давом этарди. Шуурига бостириб кирган бу хотиротлар айнан ҳозир ва ҳеч бир изтироб бермай ташриф буюргани сабабларини ҳеч тушуна олмасди.

Бирдан ҳаммасини англаб етди. Ўзи тобора сингиб бораётган тун зимистони аро уни ҳам ишқ ва хатар, Арес ва Афродита интиқ кутарди. Тобора олдинга илдамлар экан, шон-шараф ва алёр садолари, одамлар муҳофаза қилган, аммо маъбудлар ҳалокатга гирифтор этган муқаддас даргоҳ учун жанг долғалари, баҳрлар кўйнида адашиб, қадрдон оролини мудом излаган ва зулматдан ранг олмиш кемалар саси, ўз қўллари билан иншо этиб, келажак сари олис сафарга равона айлаган барча «Одиссея» ва «Илиада»ларнинг келгуси авлодлар хотиралари аро кезган шивирлари – ўзига таниш ва қадрдон буларнинг барини кўнгил кўзи билан туйиб борарди. Энди барчага аён буларнинг барини зулмат кўйнига сингиб боргани чоғ илк бора жисми жонида сизди ва ортидан келаётган башариятнинг адоқсиз барча издиҳомига юноний бир мерос этиб қолдирди.

## ДОН КИХОТ МАСАЛАСИ UN PROBLEMA

Фараз қилайлик, Толедода арабий имлода битилган дафтар топадилар, матншунослар бу матн Сервантес ўз «Дон Кихот»и муаллифи сифатида тақдим этган ўша Сид Аҳмад Бен Инҳолий қаламига мансуб эканини аниқлайдилар. Ҳикоя қилинишича, беҳисоб олишувларидан бирининг сўнгида қахрамон (шонли қилич ва қалқонини қўлда маҳкам тутган кўйи Испания йўлларида кезиб, учраган кимсани жангга чорлашдан эринмайдиган қахрамон) рақибини ўлдириб кўйганини кўради. Қўлёзма шу ерда узилади. Масала эса бу ҳолатда Дон Кихот қандай йўл тутишини беҳато айтиш ёки лоақал тахмин этишдан иборат.

Назаримда, бу вазиятда уч хил фаразни илгари суриш мумкин. Дастлабкиси салбий: Дон Кихотнинг тахайюлга мубтало оламида ўлим афсун каби оддий нарса экан, демак, эътиборга лойиқ фавқулодда ҳеч бир воқеа рўй бергани йўқ ва содир этилган биргина қотиллик афсонавий девлар билан олишаётган (ёки олишаётганига ишонаётган) одамни изтиробга солиши даргумон. Эҳтирос ва ҳаяжонлар билан суғорилган кейинги фаразга кўра, Дон Кихот, аслида, ғайриоддий саргузаштлар мутолаа қилаётган Алонсо Киханонинг атиги бир кўланкаси эканини бир зум ҳам ёдидан чиқармайди; ажал билан рўбарў келгач эса адоқсиз тушлар уни Қобил жиноятига етаклаганини англайди ва росмана уйғониб, телбалик оламини, эҳтимол, бутунлай

тарк этади. Учинчиси, ҳақиқатга яқинроғи шудир, эҳтимол, қотиллик содир этган Дон Кихот мудҳиш бу қилмиши васвасахаёл ҳосиласи эканини ўйлаб ҳам кўрмайди, биль-акс, содир бўлмиш оқибатнинг аниқ ва равшанлиги уни айни оқибатнинг боиси ҳам оқибатнинг айнан ўзи каби чинакам воқеъ эканини тахмин қилишга ундайди, шу тариқа у босинқирашлар домида мангу қолиб кетади.

Энг сўнггида эса яна бир фаразни тахмин қилиш мумкин, аммо буни испанлар тафаккури, қолаверса, бутун Ғарб зехнияти қамраб олишига шубҳам бор. Ушбу фаразни тушуна олиш учун кўхнароқ, нафис ва мукамалроқ, ўзининг адоқсиз ҳикматларидан толиққан бошқа дунё, ўзга олам лозим бўлади. Бу оламда ғаним жасади қаршида ўйга чўмган бизнинг Дон Кихот – энди у Дон Кихот эмас, балки ҳиндовий қайта таваллудларнинг бирида бошини шоҳлик тожи зийнатлаган ҳукмдор – қотиллик ва туғилиш – илоҳий ва ё фусункор сифатга эга бу фаолият турлари банданинг пешонасига битилган қисматдан кўра афзалроқ эканини тушунади. У, шунингдек, ҳаракатсиз тош қотган бу мурда ҳам залвори қўлини ҳоритаётган қонли шамшир каби, баайни унинг ўзи ва аввал ўтмиш барча ҳаётлари каби, ҳар ерда ҳозир илоҳу тангрилар ва, ниҳоят, улар барпо этмиш бутун Борлиқ сингари, аслида, хаёлий бир туш эканини ҳам англаб етади.

**ИККИ ШОҲ ВА ИККИ ЛАБИРИНТ**  
**LOS DOS REYES Y LOS DOS**  
**LABERINTOS**

Машойихлардан ҳикоя будирки, қадим ўтган замонда Бобил юртида ҳукм сурган шоҳ кунларнинг бирида қўл остидаги меъморларни машваратига чорлади ҳамда ақлларни лол қолдиришда бемисл, мураккаб ва маккорликда эса тенгсиз бир лабиринт барпо этишни буюрди. Дедики, ақли расолар унга қадам қўймоққа журъат этмасин, журъат этганлар эса изсиз мангуга ғойиб бўлсин. Ҳукмдорнинг куфр уфурган бу нияти илоҳий ақидаларни оёқости қилиш билан баробар эди, илло, кимсани йўлдан оздириб, ҳолини паришон айлаш ёлғиз Яратганга хос, асло бандасига эмас. Орадан йиллар ўтиб саройга араблар хожаси ташриф буюрди ва соддадил бу меҳмонни калака қилишни кўнглига туккан Бобил хоқони уни лабиринт билан танишишга чорлади. Ортга йўл топа олмай, чорасизлик ва хўрликдан дили вайрон бўлиб, адоқсиз йўлақларда саросима ичра дарбадар кезган саҳройи меҳмон, ниҳоят, Тангрига ноалар айлади ва Унинг каромати ила кунботарга яқин чиқиш йўлини топди. Тош ва биринж маъданлардан барпо қилинган тузоқ қўйнидан қутулиб, яна қайта мезбон қаршисида ҳозир бўлгач дашномли бир оғиз сўз демади, фақат ўзи униб-ўсган Арабистонда бундан ҳам ҳайратомуз ўзга лабиринт борлиги, агар Тангри ёрлақаса, меҳмоннавозликда беназир мезбонга фурсати етиб уни намойиш этишдан умидвор эканини маълум қилди.

Шундан сўнг юртига қайтиб, саркарда ва амирларини қошига чорлади. Ҳар дамни ғанимат билган саҳро лашкари Бобил устига шу қадар шиддат билан ёпирилдики, саросима ичра қолган ёғий истехкомларининг кули кўкка совурилди, қўшини эса ҳар томон тирқираб, пароканда бўлди. Шоҳнинг ўзи бош ўлжа ўлароқ банди этилди. Чопқир туяга ортиб чавандозлар ҳамроҳлигида уни саҳро томон олиб кетишди. Сафарнинг учинчи куни қумтепалликлар ортига қуёш ботаётган маҳал арабий султон хитоб қилди: «Ай замонлар, тақдир ва муҳлатлар ҳукмдори! Бобилда сен мени адоқсиз пиллапоялари, беҳисоб девор ва эшиклари бўлган биринж лабиринт аро маҳв этишни ният қилгандинг; энди эса Соҳиби Қудрат менинг ўз лабиринтим билан сени ошно қилишимни амр этаётир. Пиллапоялардан кўтарилиб, эшикларни вайрон айлашга, ҳолдан тойдирар йўлакларда сарсон кезиб, омонлик сари элтажак йўлларга тўғаноқ деворларни йиқмоққа унда на бир ҳожат йўқлигини, илло, ҳадемай ўзинг кўрарсан»<sup>1</sup>.

Шуларни айтиб, бандини озод қилишни буюрди ва адоқсиз саҳронинг қоқ ўртасида уни холи қолдирдилар. Очлик ва ташналик бобилий ҳукмдор ҳикоясига кўп ўтмай хотима ясагани маълум. Завол нелигин билмас Боқий Зотга беадад ҳамдлар бўлсин!

---

<sup>1</sup> Ректоримиз Олби жаноблари айти шу воқеани ҳикоя қилиб берган эди. Қаралсин: «Ўз лабиринтида ҳалок бўлган Ибн Хоқон ал-Бухорий» /...Бизнинг ректор, ҳар соҳа билимдони бўлган Олби жаноблари, лабиринт барпо этганлиги боис Тангри томонидан жазога мустаҳиқ этилган шоҳ ҳақидаги ривоятни излаб топди ва буни минбар оша барчага сўзлаб берди...

## МУДҲИШ КЎЗГУЛАР LOS ESPEJOS ABOMINABLES

Ислоннинг уқтиришича, тирик жонзотлар суратини чизиб гуноҳларга ботган ҳар банда Маҳшар куни ўз яратмишлари даврасида қайта тирилади. Уларга жон ато этиш буюрилади, аммо бунинг уддасидан чиқмаган осий барча маҳсуллари билан бирга мангу азоб оташига қулайди. Буюмларнинг аксланиб, кўпайиш манзараларидан болалигимда мен ҳам даҳшат туяр, бу кўрқинчларимнинг барчасига кўзгулар сабабчи эди. Ҳар бир қадамнингни пойлаб, ҳаракатларингни аниқ ва шаксиз такрорлаётган кўзгуларнинг муттасил ва беомон фаолияти – фусункор бу тақлид санъати оқшом чўккан дамлар мени яна ҳам кўпроқ талвасага соларди. Кўзгулар тушларимга бостириб кирмасликларини ёлвориб Худо ва панохкор фаришталарга илтижолар қилганим ҳамон ёдимда. Улар мени кундузлари кўрқитгани кифоя эди, ахир. Силлиқ ва шаффоф юзаларда аксланаётган тасвирлар ажралиб, мустақил яшай бошлаши эҳтимолидан бир кўрқсам, бедаво бир хасталик юзларимни пажмурда этганини кўриш хаёлидан минг чандон таҳликага тушардим. Бу кўрқувларим бежиз эмаслигини кейинроқ билдим. Бошдан-охир нохуш бўлса-да, аммо бошимдан ўтган бу воқеа жуда оддий эди.

Адашмасам, минг тўққиз юз йигирма еттинчи йилда ҳамиша маъюс бир қиз билан танишдим. Овозини илк бор телефонда эшитганим бу қиз билан сўнгроқ қаҳвахо-

нада учрашдим. Тимқора ва силлиқ сочлари хуш қома-  
га ярашган Хулия нимаси биландир бошқаларга ўхшамас,  
унинг ўзгачалиги кишини сескантирувчи ўткир нигоҳла-  
рида эди, эҳтимол. Ўзаро суҳбатлар чоғи хонадонларимиз  
ўтмишини ғалвирдан ўтказар эканмиз, аждодлари, ўзим-  
никидан фарқли ўлароқ, унитарийлар насабидан экани  
маълум бўлди. Иккимизнинг ҳам хавотирларимиз ноўрин  
бўлиб чиқди, зотан, ушбу кўҳна ихтилоф бизни ғаройиб  
тарзда яқинлаштирди ва бу яқинлик, ўз навбатида, бизни  
юртимиз билан яна ҳам жипсроқ боғлади. Хулия сувоқла-  
ри кўчиб, ҳилвираб қолган кўпқаватли уйда, ошкора қаш-  
шоқлик ичра оиласи билан бирга яшар, Белванера деб  
аталган маҳалласида кечалари сайр қилишни бора-бора  
одатга айланттирдик. Баъзи оқшомлар темирйўл ёқалаб  
Сармьенто кўчасига қадар борардик, ундан нарироқда  
эса бизни Юзйиллик хиёбон вайроналари хомуш қарши  
оларди. Нафсиламрини айтганда, ўртамизда муҳаббат  
деган нарса, ҳатто бунинг ишоралари ҳам йўқ эди. Ху-  
лиянинг сиймосида мен оддий туйғуларга асло ўхшамас  
бир кучни, ҳамиша мени талвасага солган бир қудрат-  
ни сезардим. Аёл меҳри ё мойиллигини қозониш учун,  
одатда, ўйлаб топилган ва ё чинакам болалик хотирала-  
ридан унга ҳикоялар сўзлайдилар. Худди шу каби, мен  
ҳам Хулияга кўзгулар ҳақида сўзлаб бердим, аммо, бахтга  
қарши, менинг бу ҳикоям сўнгроқ – ўттиз биринчи йил  
оқшомларидан бирида боёқишнинг босинқирашларига  
сабаб бўлди. Хулия тобора ақлдан озаётгани, бунга сабаб  
эса ётоғидаги ғалати кўзгу эканини айтиб зорланди. Бир  
сафар бу кўзгуда менинг аксимни кўрибди. Шу дам Хулия  
бирдан титрай бошлади ва мен, аслида, ёвуз бир жодугар  
эканим, кечалари эса уни тинмай таъқиб этаётганимни  
гапириб, сўнг жимиб қолди.

Менинг чеҳрам, ўша дамлар ихтиёримда бўлган беҳи-  
соб чеҳраларимнинг атиги биргинаси тақдим этган беҳо-



сият бир ҳиммат эди бу. Саноғи йўқ акс ва сувратларим чекига тушган бу оғир қисмат мени ҳамон изтиробларга муттасил чўмдирар, аммо ортиқ қайғуришларга энди не ҳожат?

## СЮЖЕТ LA TRAMA

Важоҳатли шамшир ва бўғзига муштоқ ханжарлар. Ўз биродарлари томонидан ҳайкал пойига қадалган ва қаттол бу фитнадан дили яксон этилган Цезарь тиглар ва чехралар аро асранди ўғли Марк Брутга кўзи тушади. Қаршилиқ кўрсатишни бас қилиб: «*Сен ҳам бундамисан, ўғлоним!*» – дея ҳайқиради. Эҳтирос ва ҳаяжонга тўла ушбу хитобни сўнгроқ Шекспир билан Кеведо адабий бир тимсол ўлароқ асарлари узра баланд кўтарди.

Муттасил такрорлар, турфа хил талқин ва ўзаро бақамтиликни тақдир хуш кўради. Худди шу каби, орадан ўн тўққиз аср ўтгач Буэнос-Айресдан жануброқда фитнакорлар тиглари остида жон таслим қилаётган бир гаучо ҳам малъунлар орасида ўғай валадини таниб қолади. Шунда у енгил бир дашном билан ҳайрат ичида болага юзланади (бу сўзларни ўқигандан кўра қулоқ билан эшитган афзал): «*Вой ота ўғил, вой онангни-ей!*» Уни тезда саранжомлашади. Қиссадан ҳисса шуки, тарихнинг яна такрорланиши ҳаққи жон таслим этганини боёқиш гаучо фараз қилишга ҳам улгурмайди.

**СЕРВАНТЕС ВА ДОН КИХОТ ҲАҚИДА  
МАСАЛ  
PARÁBOLA DE CERVANTES Y DE  
QUIJOTE**

Испания қиролининг кекса навкари истеъфодаги бир хил тусли кунларини дилгирлик ичра ўтказар экан, Ариосто тараннум этган бепоён кенгликлар, уйқу ва тушларда бесамар кетган вақтлар кўним топган фусункор қамар водийси ҳамда Монталбан бир замонлар ўмарган тилло санамни хаёл қилиб, биргина шулар билан таскин топар эди.

Ўзини ўзи калака қилиш унинг суюкли эрмакларидан эди, шу боис бўлар-бўлмас чўпчакларни ўқийвериб ақлидан адашган соддадил бир бандани ўйлаб топди. Телба хаёл маҳсули бўлмиш бу навкар жасорат ва мўъжизалар ишқида Эл Тобосо ва Монтиел ўлкаларида дарбадар кезгани мухтарам муштарийга энди маълум.

Кундалик турмуш ва Испания воқелиги таслим этган Дон Кихот таваллуд қишлоғида сана 1614 да қазо қилди. Кўп ўтмай Мигел де Сервантес ҳам бу дунёга қўл силтаб кетди.

Туш кўраётган одам ва унинг ҳосиласи фаолиятларидан мақсад, аслида, ягона – саргузашт романлари бағрида барқ урмиш хаёлий олам билан ўн еттинчи аср кундалик ва абгор турмуши орасидаги тафовутларни тараннум этиш бўлган эди.

Кечиб ўтаётган асрлар эса бу фарқларни изсиз барта-

раф этишини, Ла Манча ва Монтиел ҳам, сайёҳ кабальеронинг норғул жуссаси ҳам, авлодлар назарида, фусункор ва латофатли ривоятга айланишини, денгизлар оша хатарларга ҳар дам пешвоз чиқмиш Синдбод саргузаштлари ва ё Ариосто куйлаган уфқлар каби тароватли бир шеърият бўлиб янграшини уларнинг иккиси ҳам хаёлига келтирган эмасди.

Зотан, адабиёт афсона билан бошланиб, афсона билан якун топади.

Девото шифохонаси,  
1939 йилнинг январ

## САРОЙ ҲАҚИДА МАСАЛ PARABOLA DEL PALACIO

У кун Сарик ҳукмдор шоирга ўз саройини намоиш қиларди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, кунботар томон пешайвоннинг дастлабки пиллапояларини ортда қолдиришди. Баайни бепоён ва адоғи йўқ амфитеатр зиналари бўйлаб олис йўлга отланган сайёҳлар каби улар, ниҳоят, жаннатий боғ қўйнига сингиб боришди. Биринж кўзгулар, қуюқ ва чигал арчазорлар билан зийнатланган бу боғ келгуси лабиринтларга бир дебоча эди. Боғ аро сайрда давом этаркан, дастлабки енгил ҳислар кўнгилларида тушуниксиз саросима билан алмашиб борар, илло, бекаму кўст йўлаклар тобора ва билинар-билинемас ҳолда айлана касб этиб, сайр бошланган жойга яна пинҳона етаклаб келарди. Йўл излаб, юксакдаги юлдузлар харитасини тадқиқ этиб ўтказилган тун ва ўз мавридида қурбонлик қилинган тошбақа шарофати билан охири тилсимли бу боғдан кутулиб чиқишди, аммо баайни коинот бағрида мутлақо адашиб қолганлари каби дилгир бир туйғу уларни охириги дамга қадар тарк этмади. Сўнгра миёнсарой ва ховлилар, кутубхона ва сувсоат ўрин олган олтиёқлама бўлмалар бирин-кетин ортда қолди. Эрталабга яқин минорадан туриб (зумда мангуга ғойиб бўлган) тош одамни кўрдилар. Қуёш нурларида жилваланаётган дарёларни (ёки бир дарёнинг ўзини такрор ва такрор) энсиз қайиқда кечиб ўтдилар. Ҳукмдор аёнлари даврасида ўз мулкани кезар экан, фуқаролар унинг қаршисида юзтубан тиз чўкар, аммо қайси-

дир оролда Само ўғлонини аввал ҳеч кўрмаган бир одам тараддудда тек қотиб тураверди, бошқаларга ўрнак бўлсин учун жаллод унинг бошини танидан жудо қилди. Уларнинг кўзлари тимқора тутам сочларга, сиёҳбадан раққослар ҳаракати ва ажиб заррин чехраларига лоқайд боқарди, чин воқелик рўё билан қоришиб борар ёинки чинакам воқеъ манзаралар, аслида, тушнинг биргина унсури каби эди. Ер юзида боғ ва ҳовузлар, хаёлий иншоот ва сохтакор дабдабадан бўлак ҳеч вақо йўқдек туюларди. Бунда яна ўшалар каби тимқора тусли миноралар издиҳоми атрофни забт этган, аммо дастлабки миноранинг ранги сариқ бўлса, сўнггиси ол ранг эди, шу тариқа ранглар жилосига монанд равишда миноралар уфқлар томон чўзилиб кетганди.

Бутун саёҳат давомида кўрилган, эшитиб ҳис этилган таассуротлар ҳукмдорга ҳамроҳ бўлган шоирни недир бир рубоий ва ё мухтасар ғазал битишга илҳомлантиргани рост. Бошқалар ақлини олиб, ҳайратларга солган томошалардан ҳориган шоир энг сўнгги минора пойида ўзи битган нарсани ўқиб беришга жазм этди. Мазкур рубоийни эндиликда барча унинг номи билан боғлайди ва бу асар, айрим муаррихлар фикрича, шоирни бир вақтнинг ўзида мангулик ва ажал билан сийлаган эди. Асрлар қаърида изсиз кетган бу асар бор-йўғи бир сатрдан иборат эди дейишади, яна бошқаларга кўра, асарнинг аввалию охири ҳам атиги биргина сўз эди. Аммо энг ғаройиб ҳақиқат шуки, шоир барчага ҳавола этган шеър улуғвор бу саройни сўнгги миҳларига қадар, беназир чинни гулдонидан тортиб бошқа барча гулдонларнинг ҳар бир нақшига қадар, атрофда ҳукмга кираётган шафақлар кўланкаларидан тортиб шавкатли сулолаларга дахлдор ҳар бир чорасиз ва масрур дамларга қадар, бу ўлкада азал ибтидодан умргузаронлик қилган аждар ва маъбудлар дохил – барчасини ўзида мужассам этган эди. Атрофдагилар сукут исканжасида қолган, дафъатан ҳукмдорнинг хитоби янгради: «Сен

*менинг хос саройимни ўғирламишсан!»* ва жаллод шамшири шоир ҳаётига хотима ясади.

Воқеанинг бошқа талқини ҳам мавжуд. Дунёда бир-бирига батамом ўхшаш икки нарсанинг мавжуд бўлиши истиснодир. Шу боис (ҳикоя қилишларича) шоир қироатини яқунлаши ҳамон бир сония ичида сарой буткул кўздан ғойиб бўлди. Аммо мен бунга ишонмайман, буларнинг бари-ни сўнгроқ ўйлаб топилган фаразлар деб қабул қиламан. Аслида, асрлар қаърида кўланкаси ҳам энди ғойиб у шоир Хукмдорнинг бир ғуломи эди, барча қулларга хос оддий ва шарафсиз ўлим топди. Азалдан унутилишга маҳкум шеъри ҳам хотиралардан мангу ўчиб битди. Зурриётлар эса Олам ва Коинотга эш биргина ўша махфий ва табаррук сўзни ҳали-ҳамон излаш билан оворалар.

## ТУРКИСТОН ЭРТАКЛАРИ CUENTOS DEL TURQUESTAN

Мен сўзламоқчи бўлаётган эртаклар Туркистоннинг икки турли минтақаларига тегишлидир. Бирлари шимолдаги бепоён қирғиз даштлари бағрида, туя тезакларидан қаланган гулханлар атрофида яратилган бўлса, бошқалари ариқлар бағрини тилган экинзорлари бисёр жанубий минтақада кўз очган. Гавжум бозорларни ўзларига сахна билган моҳир бахшилар тавозе билан қулоқ тутганлар қуршовида эртакларга ҳар гал бетакрор оҳанг бахш этарлар. Даставвал Остроумов рус тилига ўтирган афсоналар сўнгра доктор Густав Юнгбауэр шарофати билан олмонча шамойилига эга бўлди. 1923 йили Йенада нашр қилинганч бир неча этножўғрофий саргардонликларни бошидан кечирган ушбу китоб (эҳтимол, Буэнос-Айресдаги ягона китоб), мана, охир-оқибат менинг ёзув столимга келиб тушди. Мен уни бир ўтиришда ютоқиб ўқиб чиқдим. Афтидан, асотирлар жилвасига маҳлиё бўлиб, уларни хаёлимда эврилишларга дучор қилсам-да, бундан афсус чекмасман, илло, эртакларнинг бари ажиб ва фусункор, айнан бир эртакнинг турфа талқинлари эса батамом янги асотир каби таассурот уйғотарди. Туркистонда таваллуд топган эртакларнинг рус тилидан ўтирилган олмонча талқини ҳақида мулоҳаза юритаётган (энди эса улар ҳақида битик ёзаётган) олис аргентиналик бир мухлиснинг ажабтовур ушбу силсиладан ўрин олиши – мазкур афсоналарнинг фусункор қудратига бундан ортиқ шохид-



лик бўлиши мумкинми, ахир? Айни бу ҳол бизни макон ва замоннинг адоқсиз турфа хил талқинлари ҳақидаги метафизик мулоҳазаларга етаклаши шубҳасиз.

Туркий халқлар эртақларида шахзодаю маликалар, аждаҳою ялмоғизлар, девлару ўғилпарвар шоҳларнинг адоқсиз издиҳомига дуч келамиз. Осиё асотирларида бебошлик қилаётган аждарлар даҳрий оврўпаликлар яратган улкан газандалар билан айнан ўхшаш, улар ҳам ботирлар қиличидан завол топадилар, шавкатли шамшир зарбидан ҳалок бўлмоқ улар қисматининг ўзгармас ва бешак муҳридир. Муқаррар хотимасига муштоқ бу махлуқлар саҳролар бағри, қуриган дарё ўзанларини ўзларига макон тутадилар ва ё ташналиқдан юксак тоғларга бош олиб кетадилар. Бу ўлканинг маҳаллий руҳлари шажараси ислом асотирларини тўлдирган жинлардан ибтидо олади. Айтадиларки, улар карами кенг Парвардигор амри билан жаҳаннам пойида, йўлбарс ва оташбардор урғочи бўри яқинлигидан туғилмишлар. Дўзахда таваллуд топган жинларнинг айримлари мусулмон бўлди, кибрга берилган бошқалари эса бу марҳаматни инкор этиб ҳидоятдан бебаҳра қолди. Улар ўз хоҳишларига кўра қиёфаларини ўзгартириб, инсон ё эшак, кўпак ё олов тиллари, ҳатто ғирчиллаган ароба шамойилига кира олади. Ташландиқ кулбалар ва мўриларни, шағалтош уюмлари ва ҳаммомларни, ҳовуз ва ахлатхоналарни ўзларига макон тутадилар. (Бизнинг Palermo Chico ёки Puento Alsina жин-ажиналар учун айни боп жойлар десам, эътирозлар бўлмаса керак.) Бошдан-оёқ юнг қопланган қиёфалари, ўткир панжаю гажак думлари билан эртақларга шинаванда болалар лабларига учуқ тоширишга мойил Туркистон девлари ҳам ўзимизникиларга ўхшайди. Ҳийлакорлик ва овсарлик сифатлари ажабтовур тарзда омихталашган заковатлари эса уларга яна ҳам айрича жозиба беради. Парвардигор уларни ибтидоий оташ дудидан яратди, оташнинг гулхани руҳларга, нури эса фа-

ришталарга раво кўрилди. Очофатликда меъёр билмас бу девларнинг яқин ва узоқ қариндошлари бир талай эртақларда ўзларига белгиланган фаолият билан машғул. Масалан, «Учқур тойчоқ» афсонасида шоҳнинг эрка қизи танлаб-танлаб тозисига учрайди – саралагани ебтўймас бир дев бўлиб чиқади. Иттифоқо, ҳийла-найранг билан маликани меҳмонга юборган куёвтўра саройдаги барча қул ва чўриларни, кўрманаяу сеплар ортилган эшак-хачирларни еб битиради.

Китоб саҳифаларини ошён тутганлар орасида дарозлар ҳам бор. Руҳиятшунослик деб аталган чўпчакнамо бир илмнинг уқтиришича, эртақларнинг девкелбат ушбу персонажлари катталар билан болаларнинг жусса ўлчами ўртасидаги табиий тафовутга доир олис хотира маҳсулларидан бошқа нарса эмас. Шунингдек, Рубен Дарио тараннум этган маликалар – хаёлларимизни ҳар дам ўғирлаган, бахт ва навқиронлик, неча бор орзуланган висол майллари ва қахрамонлик истакларининг ажабтовур яхлитлигидан иборат ушбу ишқ тимсоллари муҳташам саройларда муҳаббат қуршовида истиқомат қилишади. Яна бир хилқат – Симурғ қуши эртақлар бағридан биз томон назар ташлайди. Осуда инсон чехрали, кумушранг патлари кўзни олувчи, ёши икки минг йил қадар кўҳна қуш, қанотларини ёйгани замон офтобни яшириб, заминни зулматга чулғашга қодир улуғвор қуш, аёвсиз савашлар чоғи ботирларни омон олиб чиқишга ҳар дам ҳозир илтифотли ва сўзамол қуш – Симурғ.

Туркистон эртақлари воқелиги саховат туйғулари билан тўйинган, бепоён кенгликларда йилқи ва сурувлар кетидан от сурган чўпон-чўлиқ туёқлар остидаги заминни асло хор қилмас, балки қурғоқчилик ва ёғинлар мавсумидан ҳам тадбир билан ўзларига ризқ топарлар. Тоғли бўлгаларда қир ва адирлар, улуғвор қоя ва даралар дохил ўйноқи шакллар манзарасини чизган макон – яланг дашт-

ликларга энгач кўз илғамас уфқлар орти томон ястаниб боради. Миришкор деҳқонлар учун тўрт мавсумга тақсимлаб берилган вақт чўпонлар учун мангулик каби бардавом. Тинимсиз, аммо оҳиста кечиб ўтаётган куну тунлар айтишув кечалари, муסיқа ва рақс давралари билан зийнатланган. Бунда ландовур танбаллик саховат хислатлари билан ёнма-ён қадам ташлайди. Ушбу хаёлий афсоналарда вақт ва замон шунчаки кечиб ўтмайди, улар бунда баайни тушлар каби ювош ва мулойим.

Шекспир (ўзининг ташбеҳини қўлласак) узоқ йиллар давомида кечган воқеаларни сувсоатнинг атиги бир карра айланишига жо қила олган, Жойс бўлса бир ишора билан вақтнинг шошқин одимларини тўхтатиб, инсон умрининг бир кунини етти юз саҳифалик асарга жойлай билган эди. Туркистон эртаклари аро кечаётган вақт эса, Шекспирникидан фарқли ўларок, учқур эмас, айна дамда, Жойсники каби ҳам судралмас: тирикликка ситам етказмай, сездирмасдан ва оҳиста кечиб ўтаётган бу оқимни йил ё кунлар, тақвим ё мавсумлар, балки, шому саҳарларнинг қай бири билан ўлчашни билмайсан.

Яна айрим эртакларга мурожаат этаман. Одатда, истиора орадаги масофаларни адоқсиз узайтириб, айна пайтда, уларни изсиз ғойиб қилади. Сердавлат Ҳотамтой ҳақидаги ривоятда (тўпламдаги энг сара эртақда) ораларига қирқ кунлик йўл масофа солган икки шаҳар ҳақида сўз боради. Шаҳарлардан бирининг фуқаролари бошларига тушган кулфат туфайли кечаю кундуз изтиробда ғам ёшлари тўкади. Кундалик юмушлари билан андармон қирқ кунлик йўл наридаги бошқа шаҳар аҳли қўшнилари кўрмаса-да, уфқ ортидан келаётган йиғи сасларини муттасил эшитиб туради.

Ушбу ҳикоялар (уларни чўпчак деб аташга асло тилим бормайди, илло, сохта руҳий устунлик ишораларини ўзида яширган бу сўз, айна пайтда, фусункор ва гўзал бу эр-

такларга мутлақо бегона бўлган панд-насиҳат истакларини ҳам назарда тутади) бағрикенг даштларнинг ўзи каби саховатларга тўлуғ. Хотамтой қалби ва руҳининг табиий улуғворлиги мисқолча бўлсин зўрма-зўраки чиранишларга бегона. Ҳамиша бошқалар ташвишларига шерик бу саховатпешанинг уйида қирқта эшик бўлиб, уларнинг ҳар бири ёнига қашшоқларга аталган тилло тангаларга тўла олтин косалар қўйилган. Кимга лозим бўлса, олиб кетаверсин. Худди ўша эртақдаги Форс шоҳининг жондан азиз қизи шу қадар соҳибжамолки, кундузлар юрганида вужудидан соя эмас, биллур нурлар тўшалади («Lux est umbra Dei» – бир зоҳиднинг айти сўзларини сўнгроқ сэр Томас Браун яна такрор ёдга солади). Эртақларда одатий ва ғаройиб ҳолатлар шу қадар жўн уйғунлашиб кетганки, уларни турларга кўра ажратиб, мавқелари бўйича ўз ўрнига қўйиш истаги ҳикоянависга мутлақо бегона экани шундоқ кўриниб туради. Афсоналарда мавжуд барчаси – илоҳийлик сифатлари улуғ бўлса-да, оддий инсонлар билан ҳам мулоқотга киришиб кетаверадиган фаришталар дейсизми ёхуд, аслида, бир жойда кўкариши назарда тутилган бўлса-да, кўнгли тусаган маҳал олис сафарларни ихтиёр айловчи жаҳонгашта дарахтлар дейсизми – буларнинг барчаси ўзининг чинлиги билан кишини ҳайратга солади. Фусун табиатнинг узвий яхлитлиги намунаси, айти воқелик кўринишларидан биридир. Олисдан туриб бирор кимсанинг жонини олишда камон ўқлари қўл келади, аммо лойдан тулум ясаб, унга муттасил игналар санчган кўйи аслиятнинг ўлимига сазовор бўлиш ҳам мумкин. Сўнги асрлардаги ораста ва қулай турмуш жодуларга ишончимизни йўқотиб улгурди. Баъзан сеҳрнинг мавжудлигини бир кибр ила эътироф этсак-да, ғайриоддий ҳолатларни табиий оқибатлардан беҳато ажрата олишимиз билан мағрурланамиз. Жодугарлар қаллобдир ва тулумлар билан бизнинг ўрта-мизда заррача боғлиқлик йўқ, лойдан ясалган нусхалари-

мизда ўтказилган амаллар эса бизнинг ўзимизга заҳмат етказиши мумкин эмас дея баралла атрофимиздагиларни ишонтирмоқчи бўламиз. Аммо вазиятнинг истехзолилигини қарангки, кимдир биров исмимизга таҳқирли лақабни тиркаб чақирishi ҳамон таъбимиз тирриқ бўлиб, ғуссаларга ботамиз. Биз-ку, майли, табиат қонунларини рўкач қилиб гапиряпмиз, аммо Эдвард Карпентер ёки Эрнст Махни ўқиганки одам бу каби қонунлар мўъжизавий воқеликнинг фойдали имкониятларига мутлақо зид эканини англаб етади. Бокира ўрмонлар ва қадим ғорларда камхарж умргузаронлик қилган ибтидоий одамлар эса ўзбошимча таъсис этилган ушбу қонунларга ҳам, уларга озроқ бўлса ҳам жозиба берувчи мўъжизаларга ҳам ишонишмайди. Улар афсун билан соғлом идрок ўртасига чизик тортиб ўтиришмайди, балки табиатнинг яхлит эканига ғайришуурий тарзда, ортиқча саволларсиз ишонишади.

Мексика ҳиндулари асотирларини тафсир қилган Теодор Вильгельм Дантсел ўз мулоҳазаларида яна ҳам илгари кетади: унинг фикрича, ибтидоий одамлар субъект (идрок эгаси) билан объектни (идрокдан айри борликни) ўзаро айириб ўтиришмайди. Уларнинг дунёси икки чехрали эмас, балки ўн минглаб чехраларга эга ва улар табақаларга ажратилмаган. Ибтидоий одамлар ҳаёти тушнинг ўзи каби адоқсиз. Беғубор бу одамлар ўз дунёларининг чинакам соҳибларидир. Камтарин умрларга бешик бўлган бу дунё гўзалдир, илло, ният қилинган нарсаларнинг бари шаксиз ижобат бўлади. Соддадил бандаларни бағрига олган бу дунё мудҳишдир, илло, кўнгилга ноҳос ташриф буюрган ноҳуш туйғулар ҳам чин мусибатларни чорлаши бор. Туйғулар ҳукмига ўзимизни бахшида қилган дамлар биз ҳам айнан шу каби яшамасмизми? Уларнинг ҳаёт-турмуши асотирлар, тушлар олами ва эҳтимоллар ўлкаси билан ёнма-ён, ёндош. Мен эсам ўз ҳаётимга ўзимни бегона сезмоқ учун, ўз ҳаётим ришталаридан узилмоқ, сўнгра эса

тобора олислаб бораётган ана шу ҳаётимни қўмсаб, ҳас-  
ратлар чекмоқ учун қўлимдаги Туркистон эртақларидан  
сира бош кўтармасман.

## БОРХЕС ВА МЕН BORGES Y YO

Воқеалар унинг – Борхеснинг чекига тушган.

Мен Буэнос-Айрес бўйлаб кезарканман, йўл-йўлакай шунчаки йўлаклар пештоқи ва ровотлар нақшларига разм соламан; почта қутисида пайдо бўладиган хатлар ва дорилфунун мударрислар рўйхати ёхуд таржимаи ҳолларда учрайдиган исмгина Борхеснинг мавжудлигини ёдимга солади. Қумсоатлар, XVIII асрга тааллуқли жўғрофий хариталар, сўзларнинг келиб чиқишига доир узундан-узоқ машғулотлару қаҳва таъми ва, албатта, Стивенсон асарлари жони дилим; у ҳам менинг бу қизиқишларимга мубтало эканлигини билсам-да, аммо мазкур шерикчилигида ҳамиша такаббурликни кўраман. Бу билан бизни ўзаро душманлик кайфиятида деб ўйлаш нотўғри бўлур эди – Борхес ўз асарларини ёза олиши учун ва бу ёзмишлари билан менинг мавжудлигимни тасдиқлаши ҳаққи мен ҳамон тирикман.

Унга мансуб айрим ҳикоялар мароқли эканини эътироф этаман, аммо муваффақият қозонган бу асарлар ҳам мени сақлаб қола олмайди, илло, буларнинг дунёга келишига унинг ўзи ва ёки бошқа яна кимдир сабабчи эмас, балки тил ва анъана бағрида азалдан муқим бўлган салоҳият айни саҳифаларни воқеъ этгандир. Нима бўлганда ҳам, мен йўқлик сари ғойиб бўлишга маҳкумман, эҳтимол, охир-оқибат менинг бирор заррам унда муқим қолар ҳам.

Унинг сохталаштириш ва муболағага мойиллигини билсам-да, мен ўзимни мисқоллаб унга тақдим этиб боряпман.

Спиноза айтадики, мавжудлик ҳамиша мавжуд бўлишга интилади, тош мангу тош бўлишни, қоплон ҳам шу сувратида қолишни истайди. Мен эсам мен эмас (агар чиндан ҳам бор бўлсам), билъакс, Борхеслигимча қолишга маҳкумман. Ҳасратли гитара оҳанглари айтмаса, унинг китобларида мен ўзимни тобора танимай боряпман. Бир сафар ундан халос бўлишни ўйлаб изланишларим мавзуини ўзгартирдим – қишлоқлар мифологияси ўрнига замон ва макон ўйинлари билан шуғулландим. Энди бўлса булар ҳам Борхесга тегишли, мен эсам яна бошқа йўллар излашга мажбурман. Шу боис менинг бутун умрим – Борхесдан нари қочиш, неки қилсам, барчасининг интиҳоси – йўқотиш, барчаси унутилишга маҳкум ёхуд батамом унга тегишли.

Бу ҳасратларни иккимиздан қай биримиз ёзаётганимиз ҳам менга қоронғу.



ДЕЛИЯ ЭЛЕНА САН-МАРКО  
DELIA ELENA SAN MARCO

Биз Онсе майдонидаги чорраҳада видолашдик.

Изингдан қараб қоларканман, сен ортингга қайрилиб менга қўл силтадинг.

Иккимиз аро одамлар ва машиналар дарёси шошарди; оддий оқшомларнинг бири эди, бас, шундай экан, бу дарё ишғол этиб бўлмас ғамбода Ахерон эканини қайдан билибман.

Биз қайтиб кўришмадик, бир йилдан сўнг сен қазо қилдинг.

Орадан йиллар ўтиб мен ўша ҳолатни хаёлимда қайта тикларканман, у бизни алдагани ва одатий хайрлашув ортида адоқсиз айрилиқ яширинганига аминман.

Бугун кечки овқатдан сўнг сайрга чиқмадим; иккимизга тааллуқли видолашув атрофидаги жумбоқлар устида бош қотирар эканман, Афлотунга тегишли сўнгги ўғитга эътибор қаратдим. Афлотунга кўра, вужудни яксон этувчи ажални қалб ҳамиша доғда қолдиришга қодир.

Ва мен энди билмайман, қай бири ҳақиқат – Устознинг куракка пичоқ янглиғ қадалган айни изоҳими ёхуд ўша ондаги оддийгина видолашув?

Ахир, қалблар барҳаёт экан, уларнинг видоларига шижоат бегона.

Видолашув айрилиқни инкор этмак демак, бу яна шуки, бугун биз хайрлашаётгандекмиз, аммо эрта албатта қай-

та дийдор келиб етади. Яъни видолашувимиз эртага шак- сиз яна учрашувимизни назарда тутеди. Одамлар ўзла- рини тасодифий сабаблар оқибати ва ўткинчи бир матоҳ билсалар-да, аммо, ҳар қалай, барҳаёт эканларига ишонч- лари боис видоларни ўйлаб чиқарганлар.

Делия, қачонлардир – қай бир дарё ёқасида? – ушбу ял- қов мунозара сўзларини мантиқ ипидан ўтказганча бир- бировимизга сўз қотишимиз муқаррар – дашту биёбонлар- дан бирида яширинган шаҳарларнинг бирида биз чиндан Борхес ва Делия эдикми?

## ХОРХЕ ЛУИС БОРХЕС ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ОИД АЙРИМ САНАЛАР

1899 йил 24 августда Буэнос-Айресда туғилган.

Швейцарияда таҳсил олади.

1918 йили Испанияга кўчиб ўтади ва авангард ультраист шоирлар гуруҳига қўшилади.

1921 йили Аргентинага қайтгач бу ерда ультраизм дарғасига айланади. Кўп ўтмай шеърятдан чекинади ва насрий асарлар ёзишни бошлайди.

1944 йили «Ficciones» («Тўқималар») ҳикоялар тўплами нашр этилади.

1955 – 1973 йилларда Аргентина Миллий кутубхонаси директори бўлиб ишлайди.

1960 йили «Labyrinths» («Лабиринт») ҳикоялар тўплами ва «El Nacedor» («Яратувчи») шеърлар мажмуаси чоп этилади.

1961 йили ирланд адиби С.Беккет билан бирга Халқаро ноширлар совринини қўлга киритади.

1969 йили «Elogia de la Sombra» («Кўланка марсияси») шеърлар тўплами чоп этилади.

1971 йили «El Informe de Brodie» («Броуди кундаликлари») ҳикоялар тўплами чиқади.

1972 йили «El oro de los tigres» («Қоплонлар жилоси») шеърлар мажмуи нашр юзини кўради.

1979 йили испанзабон мамлакатларнинг энг мартабали соврини – Сервантес мукофотини олади.

1985 йили ҳаётлик чоғида нашр қилинган сўнгги китоби – «Харита» шеърлар, насрий асарлар ва сафар ҳикоялари босилади.

1986 йил 14 июнда Женевада вафот этади.

## ИЗОҲЛАР:

### Аверроэс изидан

Борхес фаранг адиби, тарихчи ва тилшуноси Эрнест Ренаннинг (1823 – 1892) «Аверроэс» асаридан фойдаланади.

*Уэрта* (исп. *Huerta*) – боғ, томорқа.

«Поэтика» ва «Риторика» – юнон файласуфи Арасту асарлари.

*Искандар Афродисий* (II – III асрлар) – юнон файласуфи, Арасту асарлари шарҳловчиси.

*Хусайн ибн Исҳоқ* (808 – 873?) – араб олими, Арасту асарлари таржимони.

*Абу Башир Матто* (870 – 940) – араб олими, Арасту асарларининг етук таржимони, «Поэтика»га шарҳлар битган.

*Ибн Саид* (1006? – 1066) – мусулмонлар Испаниясида таниқли араб тилшуноси.

*Ал-Халил* (718 – 792?) – шеърӣй вазнлар назарияси асосчиси.

*Ибн Қутайба ад-Динаворий* (828 – 899) – араб адиби ва тилшуноси.

«Юмнинг бўлажак мулоҳазаларини...» – шотланд файласуфи Дэвид Юмнинг (1711 – 1776) «Табиий эътиқод машваратлари» илмий асари назарда тутилмоқда.

*Ал-Жоҳиз* (775 – 868) – араб адиби, олим ва уламо.

«Республика» – Афлотуннинг «Салтанат» асарига ишора қилинмоқда, бу асарни Хусайн ибн Исҳоқ арабийлаштирган.

*Эфес* – ҳозирги Туркиянинг Измир шаҳри яқинидаги қадимий юнон шаҳри. Мазкур шаҳар харобалари бугунгача сақланиб қолган.

*Ибн Зухайр* (530 – 627) – жоҳилият даври араб шоири.

«Ал-Муаллақот» – етти нафар қадим араб шоирларининг (Имрулқайс, Зухайр ва бошқалар) энг сара етти достони жамланган куллиёт.

*Ибн Шароф* (1000 – ?) – араб шоири ва адиби, Алмерия музофотидаги Бархо қишлоғида истиқомат қилган.

*Русафо* – амир ва етук шоир Абдураҳмон I нинг чорбоғи, ҳозирги кунда Эски Қурдоба маҳалласи.

*«ўша кентербериялик роҳиб...»* – Анселм Кентерберий (1033? – 1109) ва унинг Худо мавжудлигини исботлашга доир онтологик далиллари назарда тутиляпти.

*Эдуард Лэйн* (1801 – 1876) – инглиз тарихчиси.

*Асин Паласьос* (1871 – 1944) – испан роҳиби ва шарқшуноси.

### **Ал-Муҳтасимга яқинлашув**

Генри Жеймс қаламига мансуб «Муқаддас булоқ» (1901) романининг айрим сюжет йўналишлари ушбу ҳикояга бир қадар таъсир этганини Борхес кўрсатиб ўтган эди. Ушбу ҳикояда тилга олинган «Шаҳар деворида» новелласидан ташқари Киплингга доир «Мудҳиш шаҳар оқшомлари» асари таъсирлари ҳам сезилиб туради.

*Филипп Гедалья* (1889 – 1944) – инглиз журналисти, Аргентина танго рақслари ва сиёсий арбоблар ҳақидаги китоблар муаллифи.

*Жон Х. Уотсон* – А.Конан Дойлинг Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикоялари қаҳрамони доктор Ватсон.

*Сесил Робертс* (1892 – 1976) – инглиз шоири ва ёзувчиси, доктор Ватсон ва Шерлок Холмс ҳақидаги библиографик китоб муаллифи.

*Уилки Коллинз* (1824 – 1889) – инглиз адиби.

*Гильберт Кийт Честертон* (1874 – 1936) – инглиз насроний файласуфи, ёзувчи ва журналист.

*Виктор Голланц* (1893 – 1967) – инглиз ёзувчиси, ношир ва сиёсий арбоб.

*Дороти Ли Сайерс* (1893 – 1957) – инглиз адибаси.

*Порсолар* – Ҳиндистон зардуштийлари. Асосан Бомбайда яшашади. Дастлабки порсолар VII – X асрларда араб истилосидан қочиб Гужаратда ўрнашишган.

*Ташилхунпо* – Фарбий Тибетдаги буддавийлар ибодатхонаси.

«*The Faerie Queen*» (1590 – 1596) – Эдмунд Спенсернинг (1552 – 1599) тугалланмаган мажозий достони.

*Ричард Уильям Черч* (1815 – 1890) – инглиз роҳиби, Шекспирнинг замондоши бўлган шоир Эдмунд Спенсер ҳақидаги китоб муаллифи.

*Жозеф-Элиодор Гарсен де Тасси* (1794 – 1878) – фаранг шарқшуноси, тасаввуф шеърояти тадқиқотчиси. Фаридиддин Атторнинг де Тасси фарангига ўтирган достони 1857 йили нашр этилган.

*Маргарет Смит* (1884 – 1967) – насроний ва араб сўфийлик оқимлари тадқиқотчиси. Борхес унинг Аттор ижодига доир асарига тақриз ёзган ва 1944 йили Аргентинанинг «Жануб» журналида нашр эттирган.

*Исҳоқ Луриё* – ўрта асрлар яҳудий уламози, Каббала мистик таълимотида янги йўналишга асос солган.

*Каббала* – мистик-фалсафий таълимот.

«*Иббур*» – яҳудийларнинг мистик рисолаларидан бири. Шунингдек, руҳнинг эврилиши маъносида ҳам тушунилади.

*Метемпсихоз* – мистик таълимотларда руҳнинг кўчиб ўтиши.

### Паскал доираси

*Ксенофан Колофоний* (мил. ав. VI – V асрлар) – қадимги юнон шоири ва файласуфи.

*Олоф Гигон* – олмон тарихчиси, антик фалсафа тадқиқотчиси.

*Парменид* – қадимий юнон файласуфи. Дунёда фақатгина мангу ва ўзгармас Борлиқ ҳамда унга айний бўлган тафаккургина мавжудлигини таъкидлаган.

*Гермес Трисмегист* – уч карра улуғ Гермес. Антик давр маъбудларидан бирининг сифати.

*Ямвлих* – қадимги юнон файласуфи, Сурияда неоплатонизм мактаби асосчиси.

*Тот* – Мисрда донишмандлик, ҳисоб-китоб ва хаттотлик маъбудди. Юнонистонда – Гермес.

«...тафаккур билан анланувчи доира...» – Алан Лилл – «Илоҳиёт қоидалари». Борхес санаб ўтган муаллифлардан ташқари ушбу қоидани Маймонид («Аросатдагилар учун қўлланма», I, 72), сўнгроқ эса олмон мистиклари Майстер Экхарт, Ҳайнрих Сузо, Николай Кузанский, шунингдек, Томас Браун ва Лейбниц ўзлаштиради.

«*Roman de la Rose*» – XIII асрга доир фаранг мажозий достони. Гийом де Лоррис ёза бошлаган ушбу достонни сўнгроқ Жан де Мен ниҳоясига етказган.

«*Speculum Triplex*» – доминиканчи роҳиб Винсент Бовэ (1190 – 1265) тартиб берган турфа илмлар мажмуи.

«Оламнинг тузилиши» – инглиз руҳоний шоири Жон Донна (1572 – 1631) тегишли элегиялар туркуми.

*Эмпирей* – антик давр фалсафасида осмоннинг оловдан иборат юқори қатлами.

*Жон Мильтон* (1608 – 1674) – инглиз шоири, сиёсат арбоби ва файласуф.

*Жозеф Гленвилл* (1636 – 1680) – инглиз мутафаккири.

*Роберт Саут* (1634 – 1716) – инглиз руҳонийси, амри маъруф устаси.

*Леон Бруншвиц* (1869 – 1944) – фаранг мутафаккири, фалсафа муаррихи.

*Закариё Турнёр* – Паскал «Асарлар»и (1941) ношири, Борхес 1947 йилга доир «Паскал» номли бадихасида айнан шу нашрга тақриз битган.

## Зоҳир

Уолли Зеннер – аргентиналик шоира, Жан Коктонинг «Инсон овози» монодрамаси таржимони. Борхес ўз вақтида шоиранинг «Умидвор келмишда учрашармиз» (1931) ва «Ўтмиш оташлари» (1949) китобларига сўзбоши битган, сўнграқ ўзининг «Аргентина шеърляти антологияси»га Зеннер шеърлятидан намуналар киритган.

Рудолф Карл фон Слатин-пошио (1857 – 1932) – австриялик генерал, 1884 – 1895 йилларда Суданда асирликда бўлган. Муҳим хотиралар ёзиб қолдирган.

Теодолина Виляр – асар қаҳрамони образида XX аср бошида Буэнос-Айрес киборлар доирасида маълум бўлган Теодолина Альвеар де Лесика хонимнинг белгилари омихта қилинган.

Мишна – яҳудийликда қонунлар мажмуи.

Белисариус – донгдор саркарда, у хорликда завол топган қашшоқлик афсоналари назарда тутилмоқда.

Лаис – умрини қашшоқликда яқунлаган қадим юнон фоҳишаси.

Исҳоқ Лакодум – Агасфернинг (Мангу дарбадар, Эспера-Диос, Бутадеус, Картафил) фаранг анъаналарига кўра номланиши. Агасфер (лот. Ahasverus) – ривоятларга кўра, Исо масиҳнинг иккинчи дафъа келишига қадар мангу дарбадарликка маҳкум этилган афсонавий персонаж.

Фирдавсий – унинг «Шоҳнома» достони ҳақида сўз бормоқда. Ҳикоя қилинишича, султон Маҳмуд Ғазнавийга тухфа қилинган бу дoston ҳукмдор томонидан илиқ қарши олинмаган.

Аҳаб – Г.Меллвил, «Моби Дик», XXXVI боб.

Леополд Блум – Ж.Жойс, «Улисс», XIV боб.

Гнитхейдр, Грам, Фафнир – герман-скандинав асотирлари қаҳрамонлари.

«Фафнисмал» – скандинав мифологик поэмаси.

Максимилиан Хабихт (1775 – 1839) – олмон шарқшуноси, «Минг бир кеча» таржимони.



Абулфидо (1273 – 1331) – суриялик муаррих ва жўгроф. Оврўпада унинг асарларини илк бор Карл Лейбниц нашрга тайёрлаган.

Лутф Али Озурий – XVIII аср форс муаррихи ва тилшуноси.

Ёвуқ – қадим санамлардан бирининг номи, шайтоний вас-васа тимсоли.

«Гулшани роз» – форс мутасаввифи Маҳмуд Шабистоний шеърий асари.

«Теннисон айтган эдики...» – бу жойда XIX аср инглиз шоири Алфред Теннисон қаламига мансуб «Чатнаган девордаги гул» шеъридан иқтибос келтирилмоқда.

### Яширин мўъжиза

Цельтнерграссе (Целетная) – Франц Кафканинг ёшлиги кечган Прагадаги кўча номи. Цельтнерграссе Кафканинг кундаликлари ва Макс Брод қаламига мансуб унинг таржимаи холида кўп тилга олинади.

Якоб Бёме (1575 – 1624) – олмон файласуфи.

«...асар муаллифи Яромир Хладик...» – Борхеснинг «Яхуда хиёнатининг уч талқини» асарида ҳам бу исм тилга олинган.

Аншлюс (нем. Anschluss – кўшиб олиш) – 1938 йил 11 – 12 мартда Австриянинг Германияга кўшиб олинishi.

«Сефер Йецира» (Яратилиш Китоби) – Каббала мистик таълимотининг асосий рисоласи.

«...pour encourager les autres» – Вольтер, «Кандид», 23-боб.

Ибн Изро – Авраам бен Мейр ибн Эзра (1092 – 1167) – ўрта асрлар яхудий файласуфи, шоир, тилшунос, риёзиётчи ва фалакиётчи.

Роберт Фладд (1574 – 1637) – инглиз шифокори ва мистик файласуфи.

Кубин – ушбу қахрамоннинг исми австриялик ёзувчи ва экспрессионист мусаввир, Кафка адабий доирасига яқин бўлган Алфред Кубиндан (1887 – 1959) олинган бўлиши мумкин.

*Брэдли (Bradley) Фрэнсис Герберт* (1846 – 1924) – англиз идеалист файласуфи, мутлақ идеализм мактаби етакчиси.

*Маймонид* (1135 – 1204) – ислом оламида Абу Имрон Мусо ибн Маймун исми билан машхур бўлган ўрта асрлар файласуфи, табиб.

### Колриж туши

*Кубла Хон (Хубилай Хон)* (1215 йил 23 сентябрь –1294 йил 18 февраль) – мўғул хони, Хитойдаги юан сулоласи асосчиси. Чингизхон набираси, Тўлухоннинг ўғли. У 1260 йили Мўғуллар салтанати пойтахтини Қорақурумдан Пекинга кўчирди ва Пекинни Хонбалиқ деб номлади. Хитойга кўшни бўлган мамлакатлар: Бирма, Камбоджа, Кореяни ҳам ўзига бўйсундирган. Японияга қарши уюштирилган юришлари муваффақиятсиз тамомланган. Хитой тарихида Хубилай Ши-цзу сулолавий номи билан маълум.

*Самуэл Пэрчес* (1577 – 1626) – «Микрокосм ёхуд Инсоният тарихи», «Англизларнинг денгиз ва қитъалар оша саёҳатларига доир жаҳон тарихи» деб номланган тарихий-жўғрофий қомуслар муаллифи.

*Суинберн Элжернон Чарльз* (Algernon Charles Swinburne, 1837 – 1909) – англиз шоири.

«...ранглар жилоси...» – Жон Китснинг «Ламия» достонидан.

*Джузеппе Тартини* (1692 – 1770) – италян скрипкачиси ва бастакори.

*Альфред Норт Уайтхед* (1861 – 1947) – математик, мантиқчи ва файласуф.

*Хэвлок Эллис* (1859 – 1939) – англиз шифокори ва адиби. У тушлар ва жинсий эҳтирослар каби инсоннинг пинҳоний дунёси ҳам адабиётда тасвирланишга ҳақли эканини уқтириб келган.

«...булутлар қоплон ёхуд отлар шамойилини олгани каби...» – Шопенгауэр, «Олам ирода ва тасаввур сифатида», II, 38.

## Хароба доиралари

Тадқиқотчилар ушбу ҳикояда итальян адиби Жованни Папини қаламига мансуб ва Борхеснинг ўзи «Фантастик адабиёт антологияси»га киритган «Хаста жанобнинг сўнгги ташрифи» новелласи таъсирларини кўришади.

«*Thought the Looking-Glass*» – «Кўзгуорти мамлакатида» (1871) – Льюис Керролнинг ушбу эртак-қиссасидан парчаларни ҳам Борхес ўша антологияга киритган «Фантастик адабиёт антологияси», Х.Л.Борхес ва А.Биой Касарес.

«...туш сингари шаффоф матодан...» – Борхес кўп марта мурожаат этган Шекспирнинг «Бўрон» пьесасидаги (IV, 1) мисралар.

«...қум доналаридан арқон эшмоқ...» – одам машаққатларининг бенафлигини англатувчи ушбу сўзларни кўхна давр файласуфлари бир мақол тарзида қўллаб келганлар.

## Тангри битиклари

Эма Риссо Платеро – аргентиналик адиба. Борхес унинг «Бедорлик кўрғони» китобига (1948) сўзбоши битган.

Тсинакан – какчикел ҳиндулари етакчиси, «Попол-Вух» китобида ва Испан истилоси солномасида унинг исми зикр этилган.

Кахолом (киче тилида «ота» маъносини беради) – бутун борлиқни яратган дастлабки рух.

Педро де Алварадо (1490 – 1541) – Мексика ва Перуни истило этган испан конкистадори.

«Маслаҳатлар китоби» – «Попол-Вух» номли ҳиндулар асо-тирлари мажмуи, айнан шу китобда қоплонга дахлдор битиклар тилга олинади.

«...ўн тўрт сўздан иборат ҳикмат...» – ҳиндулар эътиқоди-га кўра, «14» сони қоплонга нисбат берилади.

## Бобил кутубхонаси

«*The Anatomy of Melancholy*» (1621) – инглиз ёзувчиси Роберт Бертоннинг мулоҳазалар куллийети. «Тун ҳикояти» (1977) номли шеърий китобига ўзи битган сўзбошида Борхес Бертон ва Монтеннинг иштибоҳларга лиммо-лим куллийётларини «жаҳон адабиётидаги энг сара хусусий асарлар» деб атаган эди.

«...Кутубхона ...доирадир» – ушбу таъкид «Паскал доираси» асарида ҳам бир қадар ўзгаришлар билан қўлланилган.

«...ёзув учун зарур белгилар миқдори йигирма бештадир» – ушбу мукамал алифбо тушунчаси ва бутунжаҳон кутубхонаси ғоясида олмон фантаст адиби Курт Лассвиц (1848 – 1910) қарашларига ишора бор.

«Оқими тўхтамас ай, Замон, эҳромларинг сенинг қайдадир?» – Борхеснинг «Жаҳаннам ва Жаннат» шеърида тақдим этилган поэтик тимсол.

«Тацитнинг изсиз ғойиб кетган асарлари» – Қадимги Рим муаррихи Тацитнинг «Солномалар» туркумига кирган VII – X китоблари ва бошқа қатор боблар шу кунга қадар топилмаган.

«Аксаксаксас млё» – «Тлён, Укбар, Orbis Tertius» номли Борхеснинг фундаментал ҳикоясига қаралсин.

## Алиф

[1] Бир ёнғоқ пўсти ичра ороланиб, ўзни адоқсиз макон хоқони атамак истарам.

[2] Аммоки улар мангулик ўрнида тош қотган ҳозир ёхуд Nunc-stans (ҳозирда сукут) дея бизга таълим бермоқчи бўларлар; билмасларки, ушбу атама уларнинг ўзлари тутул, бошқаларга ҳам тушуниксиздир ва бу ҳолатда макон адоқсизлигини Nic-stans (бу жойда қотган) деб айтсак-да, қиёмат ўзгармас.

[3] Хужрамни тарк этмай. (фр.)

[4] Шу ўринда сохта шоирларни аямасдан савалаган сатрлари ёдимга тушди: Бири қуруқ сафсата сўқар, /бошқаси бир қо-

фиябоз,/Иккиси ҳам асли қариндош,/валдирайверар алош-та-лош! Оғримаган бошига лак-лак ғанимлар лашкарини ошириб олишдан хавфсираб ушбу достонини эълон қилишдан тийилганини сўзлаб берган эди.

<sup>[5]</sup> Мўъжазда – мўллик. (лот.)

<sup>[6]</sup> «Зўрма-зўраки табригингизни олдим, – деб ёзганди у менга. – Ҳасаддан ёрилиб кетаёзганингизни билиб турибман, аммо бу гал менинг иқтидорли бошимга серҳашам тож кийдирилганини эътироф этмасдан иложингиз йўқдир, эй дўсти бечорагинам!»

<sup>[7]</sup> Кўплик назарияси. (олмонча)

### **Марвлик ҳаким, ниқоб тутган бўёқчи**

Ушбу ҳикояга манба бўлган асарлар қаторида Борхес П.М.Сайкснинг «Форс тарихи» (1915) ва Александр Шульц таржимасидаги «Араб солномаси»ни (1927) кўрсатиб ўтади.

Манбаларнинг иккинчиси Борхес ўз дўсти Алехандро Шульц Соларига татбиқ қилган мистификациядан иборат. Айрим тадқиқотчилар ушбу ҳикояда фаранг адиби Марсель Швобнинг (1867 – 1905) «Олтин ниқоб тутган қирол» асари таъсирларини кўради.

*Анхелика Окампо* – Борхеснинг яқин дўстларидан бирининг синглиси.

*Ал-Муқанна* – Туркистонда араблар истилосига қарши курашган (776 – 783) кўзғолончилар етакчиси. У ҳақдаги дастлабки маълумотлар Оврўпада XVIII аср охирларида тарқала бошлайди. Наполеон Бонапарт 1787 йили Муқанна ҳақида мухтасар асар битган эди.

*Ал Болозурий* (? – 892) – араб муаррихи.

*Ибн Абу Тоҳир Тайфур* (820 – 893) – араб адиби ва муаррихи.

*Паул Хорн* (1863 – 1908) – олмон форсшуноси.

*Перси Молворт Сайкс* (1867 – 1945) – инглиз шарқшунос олими, жўғроф ва сайёҳ.

*Шаъбон* – исломий тақвимнинг саккизинчи ойи.

*Ражаб ойи* – исломий тақвимнинг еттинчи ойи.

*Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Маҳдий* (744 – 785) – Бағдод халифаси.

«*Ер – шунчаки бир нуқсон...*» – ҳаворий Филипп Инжилига кўра, «Борлиқ хато маҳсулидир». Пол Валери қаламига мансуб «Газанда суврати» шеърида «Мусаффо йўқлик бағрида бир доғ, / нуқсондир бори бу борлиқ» каби сатрларни учратамиз.

«*Кўзгулар ва насл қолдириш жирканчдир*» – Борхес дўстларидан бири Сантяго Дабове ушбу жумлани ўзининг «Огоҳлик» номли новелласига эпиграф қилиб олади. Борхеснинг ўзи эса «Тлён, Укбар, Orbis Tertius» асарида бу таъкидни яна қўллайди.

### Шафқатсиз халоскор Лазарус Морел

Адибнинг сўзларига кўра, Марк Твен қаламига мансуб «Миссисипи бўйидаги умргузаронлик» номли кундаликлар ва тарихчи Бернард Девотонинг (1897 – 1955) «Марк Твен Америкаси» (1932) асари ушбу ҳикояга манба бўлиб хизмат қилган.

*Вилям Кристофор Хэнди* (1873 – 1958) – мусиқачи, машҳур «Сент-Луи блюз» (1914) жаз марсияси муаллифи.

*Шарқий соҳил* – ҳозирги Уругвайнинг 1815 йилга қадар номланиши, 1830 йилгача Шарқий вилоят, сўнгра Уругвай шарқий республикаси деб атала бошлаган.

*Педро Фигари* (1861 – 1938) – асарларида занжилар турмушига мунтазам мурожаат қилган уругвайлик шоир ва мусаввир. Борхес унинг кўрғазмаларидан бирига атаб битган «Фигари саҳифаси» номли бадиҳа 1928 йили Буэнос-Айресдаги «Критерио» журналида чоп қилинган.

*Фалучо* – Америкадаги испан колониялари мустақиллиги учун курашчи, асли, занжилар насабидан бўлган Антонио Руиснинг лақаби. 1824 йили испанлар томонидан отиб ўлдирилган. Буэнос-Айресдаги Ретиро майдонида унга ёдгорлик

ўрнатилган, бир қатор дoston ва тарихий асарларнинг марказий персонажи.

«*Ҳамду сано*» (1929) – америкалик кинорежиссёр Кинг Видор (1894 – 1982) фильми. Борхес мазкур фильмни «Нуксонларимиз» номли бадиҳасида ҳам тилга олади.

*Мигель Эстанислао Солер* (1783 – 1849) – аргентиналик саркарда, мустақиллик учун курашчи, Шарқий вилоят (1814) ва Буэнос-Айрес (1820) губернатори. 1812 йил 31 декабрь куни Серрито ёнидаги муҳорабада мулат ва занжилардан иборат қўшинга бошчилик қилган.

«*Мартин Фьеррони ўлдирган занжи*» – улуғ шоир Хосе Эрнандеснинг (1834 – 1886) «Мартин Фьерро» достонига ишора. Борхес «Интиҳо» номли асарида бу образга яна қайтади.

*Папалоа* – Ҳаитидаги «вуду» занжилар мазҳаби коҳини.

*Кандомбе* – Лотин Америкаси занжиларининг маросимий рақси.

*Алварес де Пинеда* – испан денгизчиси, 1519 йили Мексика қўлтиғининг шимолий ва шимоли-ғарбий соҳили бўйлаб сузиб ўтган.

*Эрнандо де Сото* (1500 – 1542) – испан конкистадори.

*Ал Капоне* (1899 – 1947), *Багс Моран* – америкалик гангстер-ўғрибошилар.

«*Сайлес Бакли исми билан шифохонага ётқизилди*» – Баттон-Ружда қазо қилган Изро Бакли деган одам исми сўнгрок «Тлён, Укбар, Orbis Tertius» ҳикоясининг постскриптумида яна бир карра юзага чиқади.

### **Беғараз қотил Билл Ҳарриган**

Федерико Уотсоннинг «Қуролли шоввозлар асри» (1931) ва Уолтер Бёрнснинг «Билли Кид достони» (1925) ушбу ҳикояга манба бўлиб хизмат қилган. «Болакай Билли» лақабли Виллям Бонни (1859 – 1881) таржимаи ҳоли бош қаҳрамон образига асос бўлган.

Брайхем Янг (1801 – 1877) – америкалик мормонлар сектаси раҳбари. «Брайхем Янгнинг ...кўламдор ётоғи» жумласи мормонларнинг кўпхотинлилик удумларига ишора қилади.

### Қароқчи Чинг беваси

Борхеснинг айтишича, адиб бу асарни битишда тарихчи Филип Госснинг «Қароқчилик тарихи» (1932) асари маълумотларидан фойдаланган.

«Ойшанинг Абу Абдуллоҳга айтган сўзлари...» – Абу Абдуллоҳ (1460 – 1526) – Гранаданинг сўнгги мусулмон ҳукмдори. Абу Абдуллоҳнинг таслим бўлиши муносабати билан унга онаси Ойша айтган аламли сўзлар ҳақида испан адиби Хинес Перес де Итанинг «Сеҳри ва Абусуррожлар қиссаси» (1595) ва Вашингтон Ирвинг «Алҳамбра» (1832) асарида ҳикоя қилинган.

Киа Кинг – «Тся Тсин» (Сурур ва Малоҳат) шиори билан ҳукм сурган Тсин салтанатининг энг сўнгги манчжур ҳукмдори (1760 – 1820) лақаби.

### Ўлим ва Буссоль

1996 йили ушбу ҳикоя мотивлари асосида инглиз кинорежиссёри фильм суратга олган.

*Мандиа Молина де Ведиа* – Борхеснинг таниши.

*Лённрот* – турли маданиятлар воқелиги атайлабдан қориштириб юборилган ушбу контекстда айни исм таниқли фин фольклоршуноси Элиас Лённротни (1802 – 1884), *Ярмолинский* исми эса «Мангу Дарбадар афсонаси» китоби муаллифи бўлган америкалик адиб Абрам Ярмолинскийни (1890 – ?) ёдга келтиради. Лённрот исмидаги сўнгги бўғин – «рот» олмончада идиш тилидаги каби *scharlach*, инглизчада эса «red»-ни (алвон, қизил) англатади. Шу билан бу исмларнинг ўзаро



туташуви қаҳрамонларнинг бир ўйин ёхуд тушдаги каби ново-қеъ мавжудликларига ишора қилинади.

*«Каббала ҳимояси»* – Борхеснинг ўзига тааллуқли бадиҳа номи.

*Тревиранус* – таниқли олмон шифокори ва табиатшуноси (1776 – 1837), «Биология» деб номланган фундаментал асарида илк бор шу терминни муомалага киритган.

*Роберт Фладд* (1574 – 1637) – инглиз шифокори, Христиан Розенкрейц ва унинг жамоати ҳақидаги афсона тарғиботчиси.

*Исраэл бен Элиезер Баал-Шем-Тов* (қисқача Бешт, 1700 – 1760) – яҳудий уламо, ҳасидийлик асосчиси.

*Тетраграмматон* – Худонинг тўрт ҳарфдан иборат махфий исми.

*Симон Асеведо* – бу қаҳрамонга Борхеснинг урутвайлик қариндошлари номи берилган.

*Гинзберг (ёки Гинзбург)* – бу исм америкалик сомиёшунос Харолд Луис Гинзберг ёхуд инглиз инжилшуноси Кристиан Гинзбургга (1831 – 1914) тегишли бўлиши мумкин.

*Блек Финнеген* – Жеймс Жойс қаламига мансуб тиллар, маданият, асотирларнинг бобилий тарзда қоришуви тарзида битилган «Финнеган жанозаси» (1939) романига ишорат.

*Грифиус* – олмон шоири ва драматурги Андреас Грифиус (1616 – 1664) ёки яна бир олмон шоири бўлган Кристиан Грифиус (1649 – 1706) исмидан олинган.

*Йоҳанн Лейсден* (1624 – 1699) – нидерланд илоҳиётчиси.

*Эрнст Паласт* – буэнос-айреслик адабиётчиларга жуда таниш ишора, Борхес адиб *Эрнесто Паласио* (1900 – 1979) билан яқин ҳамкор бўлган.

*«...учбурчакнинг бенуқсон қирралари...»* – Пифагорга кўра, коинотнинг ялпи тимсоли.

*«...ҳайратомуз хотирадан эсанкираган Лённрот...»* – Борхесларнинг Адрога чорбоғига тааллуқли адибнинг шахсий хотиралари.

*«...тўғри чизиқдан иборат лабиринт...»* – қадимги юнон файласуфи Зенон Элейнинг жисм ва мавжудотларнинг ҳара-

катланиш эҳтимолини инкор этувчи қарашлари назарда тутилмоқда. «Дихотомия» номли фалсафий жумбоқда айтилишича, жисм моҳиятан ҳаракатга кела олмайди, зотан, ҳаракатга кела олиши учун, аввало, ҳаракат йўналишининг ярмини босиб ўтиши лозим, аммо ундан аввал ушбу йўналиш ярмининг ярмини ортда қолдириши, бунинг ҳам аввалида ўша дастлабки ярим ярмининг ярмини уддалаши лозим ва шу тариқа адоқсизликка қадар. «Ахиллес ва тошбақа» воқеаси ҳам ушбу файласуфга тегишлидир.

### **Ўз лабиринтида ҳалок бўлган ибн Хоқон ал-Бухорий**

Муаллифнинг ўзи «Икки шоҳ ва икки лабиринт» масалининг бошқа муқобили деб атаган ушбу ҳикоя илк бор 1951 йили «Жануб» журналида чоп қилинган.

*«...ҳар қандай тўғри чизик адоқсиз улкан айлана ёйдан иборат...»* – тўғри чизик – адоқсиз доиранинг эгриликлари ўларок, ўрта асрлар олмон мутафаккири Николай Кузанский наздида, илоҳий мутлақлик тимсоли бўлиб хизмат қилган эди.

*«...ректоримиз Олби жаноблари...»* – инглиз адиби Самуэл Батлер (1835 – 1902) қаламига мансуб «Жаҳонгашта вужудлар» (1903) романи персонажига ишора.

*«...лабиринт барпо этган... шоҳ ривояти...»* – Крит шоҳи Минос назарда тутилмоқда («Астерий гўшаси» ҳикояси ва унга битилган шарҳларга қаранг).

*Плиний аждарлари* – Плинийнинг «Табиат тарихи» асаридан олинган маълумотларни Борхес ўзининг «Хаёлий хилқатлар китоби»да умумлаштиради.

*Одам бошли минотавр* – Данте, «Илоҳий комедия», «Дўзах» (XII, 11 – 25). Данте асарида минотавр Дўзахнинг зўравонлар учун белгиланган еттинчи доирасида мангу қолади.

## Сўқмоқлар оралаган боғ

Виктория Окампо (1890 – 1979) – аргентиналик адиба, таржимон, Борхес кўп йиллар ҳамкорлик қилган «Жануб» журнали асосчиси. «Борхес билан суҳбатлар» (1969) китоби муаллифи.

Лиддел Ҳарт (1895 – 1970) – инглиз ҳарбий тарихчиси, XX аср ҳарб илмига салмоқли ҳисса қўшган назарийчи. Борхес унинг зикр этилган асаридаги маълумотлардан мазкур ҳикояда эркин тарзда фойдаланади.

Йу Тсун – бу қахрамон исми, аслида, ҳикояда келтирилган хитой романи персонажларидан бирига тегишли.

Маддэн – Р.Л.Стивенсоннинг «Талончи» (1892) романи персонажларидан бири, шунингдек, олмон режиссёри Штернбергнинг «Сержант Маддэн» фильми (1939) қахрамони.

Стаффордшир – Англиядаги шу номдаги графлик маркази, Борхеснинг ота томонидан момоси Фрэнсис Хэйзлем Арнет (1842 – 1935) шу ерда туғилган.

«Ньютон ва Шопенгауэрдан фарқли ўлароқ...» – сўнгрок ёзилган «Замоннинг янги раддияси» номли бадиасида Борхес ушбу фикр манбаларини кўрсатиб ўтади: «Табиий фалсафанинг математик асослари», Ньютон (III, 42) ва «Олам ирода ва тасаввур сифатида», Шопенгауэр (II, 4).

## Тлён, Укбар, Orbis Tertius

«Кўзгу ва энциклопедиянинг ўхшашлиги туфайли мен Укбарни кашф қилдим» – айрим тадқиқотчиларнинг (Николас Хелфт) фикрича, «Британ энциклопедияси»нинг айнан ўн биринчи нашрида илк бор чоп этилган «Ур» мақоласи (Бобилдаги шаҳар номи) Борхеснинг ушбу «кашфиёти»га сабаб бўлган.

Адолфо Биой Касарес (1914 – 1999) – аргентиналик ёзувчи ва Борхеснинг яқин дўсти. «Дон Исидро Пароди учун олти жумбоқ», «Бустос Домек қиссаси» (1957), «Сара детектив ҳикоялар» (1943), «Ғаройиб ва мухтасар ҳикоялар» (1955), «Жаннат

ва жаҳаннам китоби» (1960) каби асарларни иккиси ҳамкорликда яратган. Шунингдек, Борхес Касарес қаламига мансуб ва Лотин Америкаси адабиётидаги илк фантастик роман бўлган «Морелнинг кашфиёти»га сўзбоши битган.

«кўзгу ва қўшилишлар жирканчдир...» – ушбу жумлани «Марвлик Ҳаким, Ниқоб тутган бўёқчи» ҳикоясидаги жумла билан солиштиринг. Бу ерда ушбу жумла бошқа тўқима шахсга тааллуқли қилиб кўрсатилган ҳолда автоиктибос тарзида қўлланилган.

Йоҳанн Георг Юстус Пертес (1749 – 1816) – жўғрофий ва картографик асарлар чоп қилишга ихтисослашган ширкат ташкил этган олмон ношири.

Карл Риттер (1779 – 1859) – олмон жўғрофи, «Тупроқшунослик» фундаментал асари муаллифи.

Смердис (аниқроғи, қаллоб Смердис) – форс шоҳининг қатл этилган инисига ўхшашлигидан фойдаланиб мил. ав. 522 йили Форс тахтини эгаллаб олган мидиялик афсунгар Гаумата. Бошқача қилиб айтганда, Борхеснинг ушбу ҳикоясида тилга олиб ўтилган ягона тарихий персонаж ҳам, аслида, сохта ва қаллоб бўлиб чиқади.

Хэйзлем – ушбу сохта муаллифга Борхеснинг ота томонидан бўлган инглиз аждодлари шарифи тақдим этилган. (Асосий текстда иктибос бор: Борхеснинг ўзиники «Хэйзлем», шунингдек, «A General History of Labyrinths» – «Лабиринтлар умумий тарихи»ни нашр эттирган эди) «A General History of Labyrinths» – 1935 йили «Обра» журналида Борхес мавжуд бўлмаган ушбу китобга ўзи ёзган тақризни Дэниэл Хэйзлем таҳаллуси билан чоп эттирган ва унда «Британ энциклопедияси»нинг ўн биринчи жилдидан жой олган лабиринтларга доир мақола баёни келтирилган эди.

Бернард Куорич (1819 – 1899) – лондонлик таниқли ношир ва китобдор.

Йоҳанн Валентин Андрее (1586 – 1654) олмон мутафаккири, Атиргул ва Хоч Мазҳаби ҳақидаги афсона яратувчиси ҳамда шу руҳдаги бир қанча рисолалар муаллифи.

*Карлос Мастронарди* (1901 – 1976) – аргентиналик шоир ва журналист, 20-йиллар авангард оқими бўйича Борхеснинг маслакдоши.

«*Герберт Эш ҳақидаги...*» – америкалик синолог Герберт Аллан Жайлсга яширин ишора бўлиши мумкин. Унинг хитой тили ва фикрлаш тарзига доир ғоялари Тлён забонлари тасвирларида намоён бўлган.

«...ўн иккилик ҳисоб тизими ҳақида...» – 1939 йили Борхес «Жануб» журналида риёзиётчи Жорж С.Террининг «Ўн иккилик математика» номли китобига тақриз ёзган.

*Эсекиел Мартинес Эстрада* (1895 – 1970) – шоир ва эссеист, Лотин Америкаси ҳақидаги бир қатор тадқиқий асарлар муаллифи.

*Пьер Дриё ла Рошель* (1893 – 1945) – фаранг адиби, Оврўпада Борхесни илк бор кашф этганларнинг бири.

«*Brawe New World*» (1932) – инглиз ёзувчиси Олдос Хакслининг антиутопик романи.

«*Philosophie des Als Ob*» (1877) – олмон файласуфи Ҳанс Файхингернинг асосий асари, унда илмий тушунчалар ва воқелик борасидаги одатий тасаввурларнинг шартли характерга эга экани таҳлил этилади.

«*Пост-Скриптум, 1947*» – аслида, «Жануб» журнали ва «Фантастик адабиёт антологияси»да ушбу ҳикоя постскриптум билан бирга 1940 йилиёқ чоп қилинган. Бу ҳикояни ташкил этган бир неча «матн ичидаги матн» атрофида айни шу ёндашув билан яна бир доира чизишга уринилган.

*Оуро-Прето* – Бразилия жануби-шарқидаги шаҳарча.

*Жорж Дальграно* (1626 – 1687) – шотланд мутафаккири, «Ишоратлар санъати» (1661) асарида универсал тил лойиҳасини тақлиф этган.

*Княгиня де Фосиньи Люсенж* – Аргентина кибор доиралари вакили, Борхеснинг таниши, «Ўлмайдиган одам» ҳикоясида ҳам тилга олинган.

## Everything and nothing

*Everything and nothing* – англиз шоири Жон Китснинг (1795 – 1821) ўз дўсти Ричард Вудхаусга йўллаган мактубидан иқтибос.

«Ўз ҳолича у ҳечким эди» – Борхес кўп бор такрорлаган ва Шекспир адабий мероси тарғиботчиси Вилиям Хэзлитт (1778 – 1830) асаридан олинган иқтибос.

Анна Хэтуэй (1556 – 1623) – Шекспирнинг рафиқаси.

Феррекс – англиз драматурглари Томас Нортон ва Томас Сэквилл трагедияси қаҳрамони. Темур (Тамерлан) – англиз драматурги Кристофер Марло (1564 – 1593) қаламига мансуб ва Соҳибқирон шухратини Оврўпада тараннум этган трагедиянинг асосий персонажи.

## Dreamtigers

*Dreamtigers* – ушбу миниҳикоя номи XVI аср йирик шотланд шоири Вилиям Данбар назмидан олинган.

«...холдор мушуклар эмас...» – леопард-қоплонлар назарда тутилмоқда, айтиш лозимки, испан тилида қоплонлар ҳам *tigres* деб аталади.

## Мурдалар машварати

Ушбу ҳикояда Аргентина мустабиди Хуан Мануэл де Росас (1793 – 1877) ва унинг рақиби Хуан Факундо Кирога (1793 – 1835) орасида дорилбақода кечган хаёлий суҳбат қаламга олинади.

Жон Бул – шотланд ёзувчиси Жон Арбетнон (1667 – 1735) асари қаҳрамони. Росас Англияда қувғинликда вафот этган.

Сантос Перес (? – 1837) – Аргентина армияси зобити, Кироганинг қотили.

*Рейнафе* – Хосе Висенте ва Гильермо Рейнафелар – аргентиналик ҳарбийлар, Росас амрига биноан қатл этилганлар.

«қизиқарли рисола» – аргентиналик давлат арбоби ва адиби Доминго Фаустино Сармьентонинг (1811 – 1888) «Факундо ёхуд Тамаддун ва жаҳолат» асари назарда тутилаётир. Сўнгра Борхес ушбу китобга сўзбоши битган.

*Чакабуко* – Чилида 1817 йил 12 февралда халоскор Сан-Мартин қўшини билан испан армияси ўртасида кечган муҳораба жойи.

*Монте Касерос* – Буэнос-Айрес атрофидаги қишлоқ, бу ерда 1852 йил 3 февралда саркарда Уркиса қўшинлари ҳукумат армиясини тор-мор этиб, Росас истибдодига нуқта қўйган.

«Тошлар ҳам... тош бўлиб қолишни истайди» – ҳолланд мутафаккири Бенедикт Спинозанинг (1632 – 1677) «Этика» асаридан иқтибос (III, 6).

### Астерий гўшаси

*Мария Москера Истмен* – Борхеснинг яқин танишларидан бири.

*Астерий* (Астерион, Аштар – «Юлдуззода») – Крит маликаси Пасифая денгиз маъбуди Посейдон юборган буқадан тукқан Минотаврнинг номи. Шу тариқа минотаврнинг кушандаси Тесей ота томонидан унга ини бўлади, Тесейнинг кўмакдоши Ариадна эса она томонидан минотаврга сингил бўлади. Лабиринт ичидаги минотавр образи Борхеснинг доимий тимсолларидан бири. Шунингдек, «Астерий гўшаси»га Шариф Аҳмедов битган ва ушбу тўпламга киритилган мухаммасга қаралсин.

«Мисрда бунга эш уй бор...» – Мисрдаги «Фойум лабиринти», етти мўъжизанинг бири, шу кунгача айрим қолдиқлари сақланиб қолган.

*Иккиёқлама шамшир* – «лабрис» номли муборак ойболта, «лабиринт» калимаси шундан келиб чиққан. Ушбу мўъжаз ҳикоянинг биз амалга оширган ўзбекча талқинида оҳанг масала-

сига эътибор қаратилгани боис, аслида, «иккиёқлама болта» деб ўтириш ўрнига «иккиёқлама шамшир» тарзида истифода этдик.

### Иренео Фунес

[1] «*De viris illustribus*» – «Номдор эрлар бобида».

[2] «*Thesaurus*» – «Хазиначалар».

[3] «*Historia naturalis*» – «Чинакам тарих».

[4] «*Gradus ad Parnassum*» – «Парнасга йўл».

[5] «*ut nihil non iisdem verbis redderetur auditum*» – ҳаминша бир хил сўзлар ила англантиб бўлмас.

### Яратувчи

«...турфа ўлкаларда дарбадар кезди» – Гомер «Одиссея»сининг дастлабки сатрлари.

«...муҳораба майдонидан қочиб қутулмоқ Ҳектор каби...» – «Илиада», XXII, 136.

«...қадрдон оролни мудом излаган... кемалар саси...» – «Одиссея» сюжети.

### Дон Кихот масаласи

Сид Аҳмад Бен Инҳолий – ўйлаб топилган «араб муаррихи», Сервантес гўёки шу муаррихга тегишли бўлган дафтарда Дон Кихот қиссасига дуч келади ва ўз романи давомини унга тегишли дея тақдим этади.

### Икки шоҳ ва икки лабиринт

«Мухтасар ва ғаройиб воқеалар» антологиясида Борхес бу ҳикоя сюжетини британ сайёҳ олими Ричард Бертоннинг «Мидия» (1879) номли асаридан олганини билдиради.

Бобил юрти – Эски Қоҳира назарда тутилмоқда.



## Сюжет

«*Сен ҳам бундамисан, ўғлоним!*» – ушбу ҳайрат сўзлари айнан Юлий Цезарга тегишли эканини Рим муаррихи Гай Светоний «Илоҳий Юлий» асарида таъкидлайди. Цезар ва Брут қариндошлиги тўғрисида Плутарх ва Аппиан каби бошқа муаррихлар ҳам маълумот беради.

«*ушбу хитобни сўнгроқ Шекспир билан Кеведо...*» – Шекспирнинг «Юлий Цезарь» драмаси (1599) ва Кеведога тегишли «Марк Брут ҳаёти» асари (1644).

## Сервантес ва Дон Кихот ҳақида масал

«*...фусункор Қамар водийси...*» – «Шижоатли Роланд», 34-қўшиқ.

«*тилло санам*» – «Дон Кихот», I, 1.

*Монталбанлик Риналд* – Торквато Тассо, Маттео Боярдо ва Ариосто каби ўрта аср муаллифларининг рицарлик романлари қаҳрамонлари, Дон Кихот шу каби рицарлар жасоратлари тарафдорларнинг эътиборига муносиб бўлган асарлар мутолаасига муккасидан кетган эди.

## Туркистон эртаклари

Ушбу бадиҳа 1926 йили Буэнос-Айреснинг «Пренса» газетасида эълон қилинган.

*Николай Петрович Остроумов* (1846 – 1930) – рус тилшуноси ва этнографи, ўтроқ ўзбек-сартлар турмуши ва маданияти тадқиқотчиси, 1877 йилдан Туркистон ўлкасининг рус-тузем мактаблари йўриқчиси. Уч жилддан иборат «Сартлар» (1890 – 1895) ва тўрт жилдлик «Исломунослик» (1910) асарлари муаллифи. Бу ўринда унинг «Сказки сартов в русском изложении» – «Сарт эртаклари русча талқинда» (Тошкент, 1906) китоби назарда тутилмоқда.

Густав Юнгбауэр (1886 – 1942) – олмон фольклоршуноси, унинг «*Märchen aus Turkestan und Tibet*» – «Туркистон ва Тибет эртаклари» (Йена, 1923) ҳақида сўз бораётир.

«*Lux est umbra Dei*» – Томас Браун, «*Religio Medici*» асари (I, 9).

Теодор Вильгельм Дантсел (1886 – 1954) – олмон этнографи, Колумбгача бўлган Америка тамаддунлари тадқиқотчиси.

### **Делия Элена Сан-Марко**

«*Сўнгги ўғит*» – Афлотун қаламига мансуб ва Суқрот ҳаётининг сўнгги дамларидан ҳикоя қилган «Федон» номли мусоҳаба асари ҳақида сўз бормоқда.

## МУНДАРИЖА

Борхес ва биз. Шарифжон Аҳмад. ....	3
Аверроэс изидан La busca de Averroes .....	10
Ал-Мухтасимга яқинлашув El acercamiento a al-Mutasim.....	21
Паскаль доираси La esfera de Pascal.....	29
Зоҳир El Zahir .....	34
Яширин мўъжиза El milagro secreto.....	45
Колриж туши El sueño de Coleridge .....	53
Хароба доиралари Las ruinas circulares .....	59
Тангри битиклари La escritura del dios.....	67
Бобил кутубхонаси La biblioteca de Babel.....	74
Алиф El aleph .....	86
Марвлик ҳаким, ниқоб тутган бўёқчи El tintorero enmascarado hakim de Merv .....	105
Шафқатсиз халоскор Лазарус Морел El atroz redentor Lazarus Morell.....	113
Беғараз қаттол Билл Ҳарриган El asesino desinteresado Bill Harrigan .....	123
Қароқчи чинг беваси La viuda ching, pirata .....	129

Ўлим ва Буссоль La muerte y la Brújula .....	137
Ўз лабиринтида ҳалок бўлган Ибн хоқон ал-Бухорий Abenjacan el Bojari, muerto en su Laberinto .....	153
Сўқмоқлар оралаган боғ El jardín de senderos que se bifurcan .....	164
Тлён, укбар, Orbis Tertius Tlön, Uqbar, Orbis Tertius.....	181
Мурдалар машварати Diálogo de muertos .....	206
Астерий гўшаси La casa de asterión .....	210
Педро Сальвадорес Pedro Salvadores.....	214
Иренео Фунес Funes el Memorioso .....	217
Рагнарёк Ragnarök.....	229
Яратувчи El hacedor .....	231
Дон Кихот масаласи Un problema .....	234
Икки шоҳ ва икки лабиринт Los dos reyes y los dos laberintos.....	236
Мудҳиш кўзгулар Los espejos abominables.....	238
Сюжет La trama.....	241
Сервантес ва Дон Кихот ҳақида масал Parábola de Cervantes y de quijote .....	242
Сарой ҳақида масал Parabola del palacio .....	244

Туркистон эртаклари	
Cuentos del Turquestan .....	247
Борхес ва мен	
Borges y yo .....	254
Делия Елена Сан-Марко	
Delia Elena San Marco.....	256
Хорхе Луис Борхес ҳаёти ва ижодига оид айрим саналар ....	258
Изоҳлар .....	259

*Изоҳ ва қайдлар учун*

*Изоҳ ва қайдлар учун*

*Адабий-бадиий нашр*

# ХОРХЕ ЛУИС БОРХЕС

АЛ-МУХТАСИМГА  
ЯҚИНЛАШУВ

**Мухаррир:** Абдулла ШАРОПОВ  
**Бадиий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОН  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ  
**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ  
**Мусахҳиҳ:** Отабек БОҚИЕВ



Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009  
Теришга берилди: 25.10.2019 й.  
Босишга рухсат этилди: 25.11.2019 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 13,4. Шартли б.т.: 15,1.  
Адади: 1500 нусха.  
Буюртма № 174/449.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: [info@akademnashr.uz](mailto:info@akademnashr.uz)  
web: [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)

«PRINT LINE GROUP» ХК босмаҳонасида чоп этилди.  
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.

32000

84 (7 Apr)

B 26

ISBN 978-9943-5930-1-5



9 789943 593015